

Қ. ҲАЙДАРОВ, Қ. ҲОЖИМАТОВ

ЎЗБЕКИСТОН ЎСИМЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўрта мактабларнинг биология ўқитувчилари учун қўлланма сифатида тасвия этган


**ҚАЙТА ИШЛАНГАН ВА ТЎЛДИРИЛГАН
ИККИНЧИ НАШРИ**

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1992

Ушбу қўлланмада Узбекистонда энг кўп тарқалган ёввойи ҳамда қисман маданий ўсимликлар ҳақида фикр юритилган бўлиб, улар академик К. З. Зо-киров тавсия этган чўл, адир, тоғ ва яйлов минтақалари бўйича баён этилган. Шунингдек, тўқай ўсимликлари ҳақида ҳам гапирилган. Улар яна озиқ-овқат, зиравор, витаминли, доривор, заҳарли, эфир мойли, ошловчи, толали ва ем-хашак ўсимликлари сингари гурухларга бўлинган ҳолда тасвиirlанган. Ҳар бир турнинг хўжаликнинг турли тармоқларида ишлатилиши қизиқарли тарафа байди этилган. Китобнинг сўнгги қисмида ўсимликлардан гербарий тайёрлаш ҳақида маълумотлар берилган.

Қўлланма ўрта мактабларнинг биология ўқитувчилари, шунингдек олий билимгоҳларнинг биология куллиёти талабалари, табиатшunosлар, ўлкашунослар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва табиат билан қизиқкан барча китобхонлар учун мўлжаллаб ёэилган.

Тақризчи: Илизомий номли Тошкент Давлат педагогика олийгоҳининг доценти, биология фанлари номзоди
Р. И. Тошмуҳамедов



21792
W
3g

X 1906000000—157
353 (04) 92 185—92

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1976 й.
© «Ўқитувчи» нашриёти, 1992 й.

ISBN 5-645-01648-3

КИРИШ

Табиат битмас-туганмас хазина, унинг сирларини пухта ўрганиб, ундан оқилона ва эҳтиёткорона фойдаланиш керак. Акс ҳолда у ўз бойлигини кишига осонликча бермайди. Баъзан эса эҳтиётсизлик ва шафқатсизлик билан иш кўрилганда унга катта зарар келтирилади.

Табиатнинг сир-асорорини мукаммал билиш, унинг сеҳрли хазинасини очиш учун фақат бир нарса — юксак билим зарур. Фаннинг илфор чўққиларини толмай эгаллаётган ёшларимиздан ана шу хазинани очиш, ундан фойдаланиш учун ҳар томонлама етук, илфор, юксак билимли кишилар бўлиб этишиш талаб этилади. Бундай кишиларнинг камол топишида биология фанининг ҳиссаси катта.

Ёшларни ўлкамизнинг ўсимликлар дунёси, уларнинг фойдаси, зарари, тиббиётдаги аҳамияти ва бошқа хусусиятлари билан мукаммал таништириб бориш зарур.

Республикамиз табиатини, унинг ўсимликларини тинмай ўрганиш керак; ҳали ҳалқ хўжалигида фойдаланилмай келаётган янги-янги ўсимликлар турларини топиш лозим. Бу тадбирларни муваффақиятли амалга оширишда ёш табиатшуносларни кенг жалб этиш зарур.

И. В. Мичурин «Бизнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларимиз» деган мақоласида ёшларга мурожаат қилиб: «Табиатдаги энг яхши ўсимликларни жамоа хўжалиги ва давлат хўжалиги далаларига келтириш учун ўрмонлардан, тоғлардан, чўл ва ботқоқликлардан янги ўсимликларни излаб топиш керак» деган эди.

Ўзбекистоннинг ўсимликлар дунёси жуда турли-тумандир. Улар чўл поясидан тортиб, тоғ чўққиларигача тарқалган. Лекин ҳозиргача шу ўсимликларнинг жуда оз қисмигина ҳалқ хўжалигида фойдаланилади. Ҳали ҳаёти тўлиқ ўрганилмаган, аниqlанмаган гиёҳлар жуда кўп.

Ўзбекистон ўрта мактабларининг биология ўқитувчилари (VI—VII синфлар) учун асосий дарслик бўлган Е. М. Бельскаянинг «Ботаника» китобида республикамиздаги барча ўсимликларни ёритиб бериш имкони бўлмаганлиги туфайли рес-

публикацияни ўқитувчилари учун қўшимча қўлланма сифатида ўлкамизда энг кўп тарқалган ёввойи ва айрим маданий ўсимликларнинг баъзи турлари билан таништиришни максад қилдик.

Китобни ёзишда ўзининг қимматли маслаҳатларини берган Узбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги қошидаги Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг биология лабораторияси мудири М. Жабборовга, А. Навоий номли Самарқанд Давлат дорилфунини биология кафедрасининг жамоасига ҳамда Низомий номли Тошкент давлат педагогика олийгоҳи ботаника кафедрасининг мудири, доцент А. Ҳамидовга авторлар ўз миннатдорчилигини билдиради. Китоб айрим жузъий камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин. Шу туфайли ҳурматли ўқитувчилар ва ўқувчилар китоб ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларингизни билдирсангиз миннатдор бўламиш.

Манзилимиз: Тошкент, Навоий кўчаси, 30, «Ўқитувчи» нашриёти.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАБИИ ШАРОИТИ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон асосан икки азим дарё — Амударё билан Сирдарё оралиғида жойлашган. Қорақалпроғистондаги Устюрт текисликларини ҳисобга олмаганда, у Ўрта Осиёning Турон пасттекислигига киради.

У Орол денгизи ва Устюрт текисликларидан тортиб, қорли Тяньшань ва Помир-Олой баланд тоғларигача, Амударё ёқала-ридан тортиб, Қизилқум чўлларигача бўлган ғоят катта терри-торияни ишғол қиласди. Унинг умумий ер майдони 449,6 минг км бўлиб, республикамиз шимолида ва шимоли-ғарбида Қозоғистон, шарқда ва шимоли-шарқда Қирғизистон, жанубда Тоҷикистон ҳамда кичик бир масофада Амударё бўйлаб Аф-ғонистон, ғарбда Туркманистон билан чегарадошdir.

Ўзбекистонни харитасига назар ташлаганда, унинг ер тузи-лиши жуда нотекис эканлигини кўриш мумкин. Республика-мизнинг шарқий қисми кўксини кўкка тираб турган баланд Тяньшань ва Помир-Олой тоғлари, шимолий ва жануби-ғарбий қисми эса жазирама Қизилқум ва Қорақум чўллари билан туташган. Унинг табиати бой ва ранг-барангидир. Ўлкамизда йирик тоғлар, катта текисликлардан иборат чўллар ва адирлар мавжуд.

Ўзбекистон рельефининг нотекислиги, микрорельефининг турли-туманлиги унинг табиий шароитига кескин таъсир қила-ди. Шу сабабли уни аниқ бир иқлим минтақасига киришиб бўл-майди. Лекин умумий географик жойлашиши, шароитини ҳи-собга олиб, уни ўртacha минтақанинг чўллар зonasига кирити-шади.

Л. Н. Бабушкиннинг таъкидлашича, Ўрта Осиё, айниқса Ўзбекистон иқлим шароити жиҳатидан алоҳида ўрин тутади. Бу водий Турон пасттекислигининг асосий қисмини ташкил этади.

Турон пасттекислиги иқлимининг характерли томони — унинг кескин континентал ўзгарувчанлиги бўлиб, асосий ёғин миқдори йилнинг икки фаслида — қиш ва баҳорда ёғади. Ёғин миқдорининг йил давомида бундай нотекислиги, ёзда ҳароратнинг кўтарилиши гидротермик ҳолатнинг бир хилда бўлмасли-

гига олиб келади. Илиқ ва сернам баҳор (йиллик ёғиннинг 40—50% и шу даврда бўлади) қуруқ ва ўта иссиқ ёғинсиз ёз билан алмашинади. Йиллик ёғин миқдори 220—250 мм дан ошмайди. Ўзбекистон иқлими учун характерли бўлган бу шароит ҳеч бир жойда (Ўрта Осиёдан ташқари) учрамайди.

Ўзбекистон йиллик иссиқлик миқдори жиҳатидан Қозогистон ва Сибирь иқлиmlаридан тубдан фарқ қиласди. Ўртача йиллик ҳарорат анча юқори. Республика изнинг текис чўл минтақаларида йиллик ҳарорат $10,9^{\circ}$ — $17,3^{\circ}$. Ёз ойларидаги ўртача иссиқлик эса (июль ойида) $26,3$ — $31,5^{\circ}$ га боради, яъни тропик зоналардан юқори. Бу пайтларда ҳарорат $+48,6^{\circ}$ гача кўтарилади. Қиши пайтларда бутунлай бунинг акси. Ҳарорат кескин пасайиб кетади. Қиши ойлари (январда) ўртача -5° дан -15° гача бўлади ва баъзи жойларда ундан ҳам пасаяди.

Ўзбекистон иқлими бир параллел чизиқларда жойлашган чет мамлакатлар иқлиmidан ҳам катта фарқ қиласди. Айниқса, буни қўйидаги жадвалдан кўриш мумкин (1- жадвал).

1- жадвал

Ўзбекистон, Афғонистон ва Эроннинг баъзи жойларидаги ёғин миқдори¹

Станцияларининг номи	Ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$		Ёғин миқдори, %				Йиллик ёғин миқдори, мм
	Ўртача йиллик	Йиллик амплитуда	Киши	Баҳор	Ёз	Куз	
Тошкент	13,8	27,7	35,7	41,0	4,7	17,6	347,2
Бухоро	16,4	28,5	49,0	39,5	0,5	11,0	135,0
Термиз	17,8	29,3	39,8	49,0	0,5	11,2	120,2
Қобул	14,0	26,5	18,6	66,7	4,9	9,8	286,0
Текрон	16,6	28,5	43,0	38,6	1,6	10,8	251,0
Уфа	18,4	27,8	52,2	32,5	0,5	15,3	391,0

¹ Агроклиматический справочник Мира. Главного гидрометеорологическое управление М., 1987.

Ўзбекистонда йилнинг тўрт фасли: баҳор, ёз, куз ва қиши аниқ календарь ҳисобида навбатлашади. Баҳор тугаши билан ёз бошланади. Ўзбекистонда йил уч ойдан тўрт фаслга шундай тенг бўлинганки, улар бир-бiri билан кўпинча қатъий ўрин алмашинади. Йил фаслларининг биздагидек алмашинуви ва бири тугаб, иккинчисининг бошланиши ҳеч бир ўлкада учрамайди, десак хато бўлмайди. Бу қонуниятни фақат аҳён-аҳёнда табиатнинг ўзи бузуб туради. Қиши уч ой ўрнига 4—4,5 ойга чўзилади. Лекин бундай бузилиш ҳар 30—50 йилда бир марта содир бўлиши мумкин.

Республикамиз иқлимининг бундай бўлишига сабаб унинг шимол ва гарбдан Қизилқум ва Қорақум чўллари билан, икки томонидан йирик Амударё ва Сирдарё билан, жануб ва шарқдан улкан тоғлар билан ўралганлигидир.

Б. В. Горбунов ва Н. В. Кимберг республикамиз иқлимини кўп йиллар давомида ўрганиб, ер юзасидан кўтаришган сари иқлим шароитининг ўзгариб боришини ҳисобга олдилар ва уни қўйидаги тўрт зонага — арид, экстраарид, гумид ва субнивал иқлиmlарга бўладилар.¹

Бу тўрт иқлим зонаси тўрт минтақага тўғри келади, чунончи, экстраарид — чўл, арид, — адир, гумид, — тоғ, субнивал — юқори тоғ (яйлов) минтақаларига мансуб. Бу минтақалар денигиз сатҳидан турли хил баландликда жойлашиши, тупроғи, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг турли-туманлиги билан бир-биридан фарқ қиласи.

Республикамиз иқлим зоналарининг характерли белгилари билан ҳар бир минтақанинг ўзида танишамиз.

ЎСИМЛИКЛАР ДУНЕСИ

Ўзбекистон — ўсимликларга бой ўлка, VI томлик «Ўзбекистон флораси»да тўрт мингдан ортиқроқ (4148) тур қайд этилган.

Республикамизнинг бой хазинаси ҳисобланган бу ўсимликлар чўл минтақасидан тортиб яйлов минтақасигача кенг тарқалган. Шу сабабли уларни қисқа бир сўз билан таърифлаш жуда қийин.

Ўзбекистоннинг стук ботаниги, академик Қ. З. Зокиров Зарафшон тоғининг бошланишидан унинг қуи этагигача бўлган ерлардаги ўсимликларни узоқ йиллар давомида ўрганиш ва текшириш натижасида бу ерларни қўйидаги тўрт минтақага — чўл, адир, тоғ ва яйловга бўлиш мумкинлигини кўрсатди ва бу атамаларни бутун Ўзбекистон ва ҳатто Ўрта Осиё учун ҳам татбиқ этиш мумкинлигини айтди. Биологлар, ўқитувчи ҳамда ўқувчилар, барча табиатшунослар учун бу атамаларни тушунарли ва қулай деб ҳисоблаш мумкин, чунки мазкур атамаларни узоқ йиллар давомида халқ яратган. Халқ сўзи билан аташ, халқ тили билан тушунтириш уларга айтиладиган фикрни тўлиқ, бехато ва осон етиб боришига катта имкон яратади. Масалан, сиз чўл минтақасида яшаётган кишиларнига борсангиз, «мен ҳозир чўлдан келдим», «қўйларни чўлга ҳайдай

¹ Арид (латинча арид — қуруқ) — қурғоқ ўлка, чўл ва адирлардан иборат қуруқ ерлар демак.

Экстраарид — ҳаддан ташқари қуруқ, ўта иссиқ, кам ёғин демак.

Гумид (латинча хумидус — намлик) — намли, серёғин ўлка — ёғингарчилик кўп бўладиган жой.

Субнивал (латинча суб — остида, нивал — серёғин) — ўта серёғин, ўсимликларга бой ерлар.

дик» деган сўзларни эшитасиз. Худди шунингдек, бошқа минтақаларда яшайдиган кишилар ҳам ўзлари яшаётган жойларнинг номини (адир ёки тофни) тилга олиб гапирадилар ва шу атамалардан кенг фойдаланадилар.

Биз ҳам республикамизнинг ўсимликларини биология ўқи-түвчилари, табиатшунослари тушуни осон ва қулай бўлсин учун шу атамалардан фойдаланиб, тўрт минтақага бўлиб таърифлаймиз. Одатда, бўлинган минтақалар маълум бир таксономик бирликка асосланган. Бу бирлик тўрт белги: шу ернинг ўсимликлар қоплами, тупроғи, рельефи ва денгиз сатҳидан баландлиги билан таърифланади.

Республикамиз территориясининг минтақалар бўйича тақсимланиши қўйида берилган (2- жадвал).

2- жадвал

**Ўзбекистон территориясининг
минтақаларга бўлиниши
(Қорақалпоғистон билан бир га)¹**

Минтақалар	Минг га	
Чўл	27594,8	61,16
Адир	2479,7	9,5
Тоф	961,9	2,13
Яйлов	701,8	1,55
Экин экила- диган ерлар	11577,7	25,66
Жами	45115,9	100

Жадвалдан шу нарса яхши кўриниб турибдики, республикамиз территориясининг катта қисмини чўл минтақаси ташкил қиласди. Республикализ экин майдонлари ана шу чўллар ҳисобига кенгайиб бормоқда.

Қўйида бу минтақаларнинг ҳар бири билан алоҳида танишамиз.

ЧЎЛ МИНТАҚАСИ

Экстраарид иқлимли чўл минтақаси бутун республикамиз территориясининг (Қорақалпоғистондаги Устюрт текисликлари билан бирга) 61,16% ини ташкил қиласди. Чўл минтақасига денгиз сатҳидан 500—600 м гача баландликда бўлган ерлар киради. Бундай ерлар асосан Ўзбекистоннинг ғарбий қисмидаги Қизилқум чўлининг анча қисмини, Амударё дельтасининг барча майдонларини, Устюрт текисликларини ҳамда Кимерикум, Қарши ва Сурхон чўлларини ўз ичига олади. Бу минтақада асосан ксерофит (грекча ксерос — қурғоқ, фитон — ўсимлик), яъни

¹ УзГИПРОЗЕМ маълумоти, 1981

қуруқ ва иссиқ ёз шароитига мослашган ўсимликлар ўсади. Чўл минтақаси республикамизда жуда катта майдонни эгаллайди. Чўлларнинг тупроғи уч хил: а) шўрхок тупроқли чўл (туз конлари, нам шўрхок ерлар, тақирлар, шўрдан бўртган жойлар) типи, б) қумли чўл (қум, қумлоқ, оқ қумлар, учиб юрувчи қули ерлар) типи, в) гипсли чўл (майда тош аралаш карбонатли ерлар) тупроқ типларидан иборат. Баъзан соз тупроқли тўртинчи тип ҳам учрайди. Айримлар уни адир минтақасига киритишади. Ўмуман эса соз тупроқли қумлоқ бўз ерлар умумий белгилари жиҳатидан пастки адир билан юқори чўл оралиғидаги чегара — чизиқ ҳисобланади. Бу типнинг асосий ўсимликлари эфемероидлардир. Чўл минтақасининг турли хил тупроқлардан иборатлиги ундаги ўсимликларнинг ҳам турли-туман бўлишига сабаб бўлган. Масалан, шўрхок тупроқли ерларда шўра ўсимликлар, қум тупроқли ерларда қумда яхши ўсуви ксерофит ўсимликлар, гипсли ерларда шу шароитга мослашган баъзи ўсимликлар ўсади. Бу ҳол ўсимликлар ҳаёти учун экологик шароитнинг роли нақадар катта эканлигини кўрсатади.

Экстраарид (ўта иссиқ) иқлими чўл минтақасида ҳарорат жуда юқори бўлиб, ёзда $+40^{\circ}$, $+45^{\circ}$ га етади. Ўртacha йиллик ҳарорат $18-20^{\circ}$ ни ташкил қиласди. Бу минтақа ёз фасли кунларининг жуда исиши, ёғингарчилликнинг бутунлай бўлмаслиги, кучли иссиқ шамолларнинг тинимсиз эсиб туриши, ҳаво нисбий намлигининг паст даражада бўлиши, булутли кунларнинг бутунлай бўлмаслиги билан характерланади. Йилнинг бошқа фасллари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Кузда қуруқ, совуқ шамоллар кўп эсиб туради. Ёғин-сочинлар, баъзан фақат кузнинг иккинчи ярмидагина кузатилади. Қиши жуда совуқ бўлади, температура -15 , -20° ни ташкил этади. Ёғин асосан қишида ва баҳорда ёғади. Қиши пайтларида кучли бўронлар бўлиб, ёққан қорни бир жойдан иккинчи жойга — чуқурларга учирив кетади. Натижада, нам баъзи жойда кўп, баъзи жойда эса кам бўлиб қолади.

Чўл минтақасида ўртacha йиллик 120—200 мм ни ташкил этади. Ёзда 4—5 сийгача бир томчи ҳам ёғин тушмайди. Шу сабабли ҳавонинг абсолют намлиги июлда 30% га зўрға етади. Чўл минтақасининг иқлими кескин ўзгарувчан, яъни континентал иқлиmdir. Ёзи ўта иссиқ, қиши жуда совуқ бўлиб, бунга қўшни чўлларнинг таъсири ниҳоятда сезилиб туради, чунки у ғарбий ва жанубий томондан катта Қорақум, шимолдан кенг Қизилқум чўллари билан туташган бўлиб, яқинида йирик тоғлар ва катта сув ҳавзалари йўқ. Чўллардан эсадиган иссиқ ҳаво оқимини ҳеч қандай тўсиқ қайтармайди ва у бошқа нам ҳаво оқими билан қўшилмайди. Шу сабабли, қўшни чўллар (Қорақум ва Қизилқум)дан кучли иссиқ ва қуруқ ҳаво тинимсиз эсиб туради. Чўл минтақасидан асосан чорва моллари, қоракўл қўйлари, эчки ва туяларни боқишда фойдалани-

лади. Бу миңтақада сув жуда камчил. Чорва моллари қудук суви билан сүфорилади.

Чүл миңтақаси Түрөн пасттексилигининг жуда катта қисми-ни эгаллайди. Юқорида әслатганимиздек, бу миңтақа шұрхок, құм, гипс ва соз тупроқли ерлардан иборат. Бу миңтақанинг иқлими, үсимликлари ва тупроғи турли-туман бўлганлиги сабабли, у икки қисмга: пастки чўл ва юқори чўлга бўлинади.

ПАСТКИ ЧЎЛ

Пастки чўлга Бухоро области, Хоразм областинынг айрим жойлари, Сирдарё областинынг шимолий районлари, Қарақалпоғистоннинг Устюрт текисликларидаги шұрхок ерлар киради. Бу зонанинг тупроғи шұрхок, нам, шўр ва құм тупроқлардан иборат. Бу зонага туз билан қопланган туз конлари ҳам киради. Масалан, Сирдарё областидаги Айдар туз кони, Бухоро областидаги Мингбулоқ пастлиги, Қарақалпоғистондаги Борсакелмас шўрлиги ва бошқа ерлар киради. Шўр тупроқли ерлар унчалик катта майдонни эгалламайди. Туз конлари ва шұрхок ерларнинг ҳосил бўлишига қишки-баҳорги қор ва ёмғир сувларининг тепаликлардан пастга оқиб келиши сабаб бўлади. Натижада сувлар құм таркибидаги тузларни ҳам әритиб пастга олиб тушади. Ҳар йили шу ҳол такрорланиши натижасида бундай шұрхок ерлар ҳосил бўлади. Шұрхок ерлар жуда ҳам турли-тумандир. Ҳамма шұрхок ерларнинг юза қисмida сувда тез әрийдиган, үсимликлар учун зарарли тузлар кўп бўлади. Шу тузларнинг миқдорига қараб, шұрхок ерларнинг юза қисми юмшоқ ёки қаттиқ ҳамда бўртиқ бўлиши мумкин. Баъзи шўр ерларнинг юзи котиб, ғишт каби қатламлар ҳосил қиласди. Унинг қалинлиги 10 см дан ҳам ортиқ бўлади. Бундай жойлар туз конлари деб аталади. У ерларда умуман үсимлик мутлақо үсмайди ёки фақат унинг чеккалиридагина баъзи үсимликлар ўсиши мумкин. Пастки чўлда шўр тупроқли ерлардан ташқари, оғир ва зич гил тупроқли текис-майдонлар ҳам учрайди. Булар — тақирилардир. Тақирилар унчалик катта майдонни эгалламайди. Бу ерларда қишида ва баҳорда сувлар тўпланиб, кичик кўллар ҳосил қиласди. Ёзда эса бу сувлар қуриб, соз тупроқ аралашган ёриқ ерлар ҳосил бўлади. Мазкур ерлар ҳаво исини билан янада қотиб қаттиқлашади. Тақирилар қумлоқ чўлларда алоҳида-алоҳида майдонлар ҳолида учрайди. Бу ерларда ҳам үсимликлар деярли үсмайди ёки фақат унинг чеккаларида, сийрак ҳолда бир оз үсади, ўрталарида эса баъзи ксерофит үсимликларгина ўсиши мумкин. Пастки чўлнинг үсимликлари турли-тумандир. Бу ерда барг ва поялари семиз, яъни суккулент (латинча суккус — ширпа, суккулес — ширали) үсимликлар үсади. Уларнинг барг ва пояларида туз кўп бўлади. Үсимликлар тузли, ўта шұрхок жой-

ларда ўсмайди, фақат унинг чеккаларида ва атрофларидағина ўсади.

Пастки чўлда энг кўп ўсадиган ўсимликлардан баъзиларининг биологияси билан қўйида танишасиз.

ҚОРАСАҚСОВУЛ (*Haloxylon arphyllum* (Minkw.) Iijin.) шўрадошлар оиласидан бўлиб, бўйи 3—5 м, диаметри 60—80 см га етадиган дараҳт. Унинг бир йиллик новдачалари жуда ҳам серсув, бўғимли ва яшил рангда бўлиб, барг вазифасини бажаради. Барглари йўқолиб кетган ва майда тангачалар билан алмашинган. Қорасаксовул апрель-май ойларида кўкаради ва гуллайди. Гуллари кўримсиз, жуда майда бўлади. Гул берувчи новдачалари вегетатив шохчаларда ҳам бўлади. Қорасаксовулнинг меваси октябрь ойида пишади. Мевалари қанотчали бўлиб, эни 1 см га етади. Таҳқи томондан гулга ўхшаб кўринади. Шу сабабли баъзилар уни гул деб аташади. Ў уруғидан яхши унади. Қорасаксовул уруғини шўрхок, қумтупроқли ерларга кузда (ноябрь ойида) ёки эрта баҳорда (февралнинг охири, март ойида) экиш мумкин. Уни катта майдонларга экиш учун самолётлардан фойдаланилади. Қичик тажриба участкаларида эса қўл билан сепиб, устини 0,2—0,3 мм тупроқ билан кўмиш керак. Шундай тажриба Нурота районининг Қора участкасида ўтказилганда яхши натижа берди. Қорасаксовул шўр тупроқда яхши ўсади. Шунинг учун ҳам уни баъзан шўрхок саксовул деб аташади. Диаметри 50 см келадиган қорасаксовул танаси кўндалангига кесиб қаралса, унда 150 дан ортиқ «йиллик» ҳалқаларни кўриш мумкин. Шунга кўра уни узоқ яшовчи ва секин ўсимлик деб ҳисоблаш мумкин. Аслида эса қорасаксовул бир йилда бир нечта «йиллик» ҳалқалар ҳосил қиласи. Қорасаксовул 30—35 йилда тўлиқ вояга етади. 50—60 йилдан кейин қурий бошлайди. Агар 5—6 йиллик эски новдалари кесиб олинса ҳам илдизидан яна кўкариб, ён шохчалар ҳосил қиласи. Қорасаксовул чўл шароитига, айниқса, шўрхок тупроқда ўсишга мослашган ўсимлик. У яйловлардаги чорванинг, айниқса қоракўл қўйларининг тўйимли озиғи ҳисобланади. Унинг ёғочи оғир, тез синувчан, усти тўқ кул ранг пўстлоқ билан қопланган, чириган поялари энг яхши ёқилғи бўлиб, ундан кўмир ҳам тайёрланади.

ЧЕРКЕЗ (*Salsola richteri* Karel.) шўрадошлар оиласидан, бўйи 1—2,5 м келадиган бутадир (1-расм). Пояси тик шохланган. Эски тупларининг пўстлоғи кул ранг, ёшлариники эса оқиш бўлиб, танаси туксизdir. Барглари навбатлашиб жойлашган, ипсимон, узунлиги 4—8 см, асоси энли, учи ўткирдир. Үқилдизи узун бўлиб, тупроқقا анча чуқур киради. Черкез март—апрель ойида кўкаради. Июнь—июль ойида гуллайди. Гулқўрғони кул ранг, учи ўтмас, четлари пардасимон ҳошияли. Қанотчалари рангсиз, баъзан бинафша ёки пушти рангда бўлади. Чангдони бир неча бўлакка бўлинган. Меваси август-сентябрь ойларида пишади. Ў қанотчали бўлиб, уруғи марка-



1-расм. Черкез.

з�다 жойлашган; қанотчалари шамол ёрдамида осонлик билан тарқалишга имкон беради. Моллар хуш кўриб ейди. Черкезнинг новда ва барглари таркибида дармондори сифатида ишлатиладиган сальсолин алкалоиди бор. Баргидан жун матоларни бўяш учун бўёқ олиш мумкин, яшил новдаларини ёндирганда кулида поташ ҳосил бўлади. Чўлда яхши ўсадиган бу ўсимликлар кўп томонлама фойда келтиради. Шу сабабли уларни яна чуқурроқ ўрганиш болаларни Мичуринча иш кўришга ўргатиш, чўлларимизни серўт, серҳосил қилишга ёрдам беради.

ҚОРАБАРАК (*Halostachys caspica* (Pall.) САМ.) шўрадошлар оиласидан, бўйи 1—3,5 м га етадиган дараҳт ёки бутадир. Пояси кучли шохланган, бир йиллик новдалари кул ранг, серсув, туксиз, силлик, баъзан ғадир-будур бўлиши ҳам мумкин. Барглари кичик, этли, учбуручак шаклида, ўткир қипиғи бор.

Асосидан бир-бирига туташган. Шунинг учун ҳам поясида бўғимлар ҳосил бўлган. Қорабарак март ойида кўкаради. Илдизи ўқилдиз бўлиб, тупроқ ичига анча чуқур киради. У июнь — июль ойларида гуллайди. Гуллари оқ рангли. Гулқўрғони этли. Меваси июль — сентябрь ойларида пишади. Меваси учбуручак шаклида, пишмасдан олдин шишиган ҳолда бўлади. Уруғи тухумсимон, бўйи 0,75 мм, туксиз. Уруғи яхши унади. Қорабарак, асосан, нам ва серсув шўрҳок ерларда кўп ўсади. Кўклигига уни моллар яхши емайди. Куз ва қишида (бошқа ўт ўсимликлар қор остида қолганда) у намлика юмшайди ва яхши емишли бўлади.

САРСАЗАН (*Halocnemum strobilaceum* (Pall.) МВ.) шўрадошлар оиласидан, бўйи 10—30 см га етадиган чала бута (2-расм). Пояси жуда шохланган, серсув, баъзан бир тури 1 м² жойни эталлайди. У ёстиқсимон шаклини бўлиб, кўпинча ер бағирлаб ўсади. Йиллик шохчалари цилиндриксимон, этли, бўғимли. Барглари жуда ҳам қисқариб кетган, қалқонсимон жуда кичик тўмтоқ тангачадан иборат. У март-апрель ойларида кўкаради. Сарсазан — июль-август ойларида гуллайди. Гуллари иккى уйли, гул ёнбаргчалари йўқ. Чангчиси битта, гулқўрғони пастки томондан бирлашган, юқори томони учта чўзинчоқ оқ баргчадан иборат. Меваси август — октябрь ойларида пишади.

Уруғи овал шаклида, узунлиги 0,5—0,75 мм, юпқа. Сарсазан тақири, нам ва шўр ерларда усади. У республикамизнинг ҳамма областларида учрайди. Кўклигига моллар уни яхши емайди. Қуригач, куз ва қишида ҳамма моллар, айниқса тия яхши ейди.

АЧЧИБУТА (*Ammothamnus lehmannii* Bge.) дукка дошлар оиласидан, бўйи 50—100 см га етадиган бута. У кўп пояли ён шохчалар ҳосил қилиб ўсади. Ёш новдалари сертуклигидан кумушсимон оқ рангли. Барглари тоқ, патсимон тартибда 15—27 тадан бўлиб ўринашган. Шакли тухумсимон, ўчки томони кертикли ва кичкина тиканли бўлади. Усти майда тукчалар билан қопланган. Аччибута март ойида кўкаради. Кўкарганда эски шохчаларининг учидан янги новдалар ҳосил бўлиб, у эски поянинг давомидек ўсиб кетаверади. Апрель—май ойларида гуллайди. Гуллари анча йирик, узунлиги 10—18 см, кўп гулли гул шодасидан иборат. Гултожи оқ рангли. Дуккаги май—июнь ойларида пишади. Унинг шакли ўроқсимон эгилган, баъзан спиралсимон буралган ёки ҳалқа шаклида бўлиб, ичиди 1—2 та уруғ бўлади. Дуккагининг узунлиги 6—8 см, эни 2—3 мм бўлади. Аччибута республикамизнинг қумлоқ жойларида, айниқса, Қизилқумнинг гарби-жанубида, Бухоро облатининг жанубида (Қўйқудук, Хутоб), Қашқадарё облатининг Косон районларида кўп ўсади. У ташқи кўриниши жиҳатидан эшакмияга жуда ўхшайди. Моллар уни кам истеъмол қиласиди. Аччибутанинг танасидан, айниқса, илдиз қобиғидан ипак ва жунли материалларни бўяшда ишлатиладиган жигар ранг бўёқ олинади.

БОЯЛИШ (*Salsola arbuscula* Pall.) шўрадошлар оиласидан, бўйи 20—100 см га етадиган чала бутадир (3-расм). Пояси кучли шохланган, ёш шохлари, барг ва гулёнбарглари туксиз ёки жуда қисқа тукчалар билан қопланган. Эски тупларининг кобиғи кул ранг-қўнғир, ёшларининг усти оқиш, ярқироқ. Баргларининг узунлиги 5—35 мм, кўк ёки кул ранг, қуригандан қорамтир тусга киради. Барглари этли, чизиқли, ингичка, поясида навбатлашиб жойлашган, қуригандан ясси бўлиб тез тўкилади. Боялиш март-апрель ойларида кўкаради. Унинг илдизи ўқилдиз, қумнинг анча ичкари қисмига киради. Июнь-



2-расм. Сарсазан.



3- расм. Боялиш.



4- расм. Чүғон.

июль ойларида гуллайди. Гул түплами бошоқсимон. Гулқүрғоннинг баргчалари пардасимон, сарғишроқ ёки бинафша рангда бўлади. Меваси август-сентябрь ойларида пишади. У қанотчали, қанотлари бир-бирининг устига ёпишган, юпқа пардасимон. Унинг уруғи яхши унади. Боялиш республикамизнинг ҳамма областларида, қумтупроқларда ерларда, баъзан шўрланган қумтупроқларда ҳам ўсади. Уни чорва моллари ёзда ҳам, йилнинг қолган фаслларида ҳам яхши ейди.

ЧҮҒОН (*Aellenia subaphylla* (CAM) Aellen) шўрадошлар оиласидан, бўйи 40—180 см га етадиган чала бутадир (4- расм). Барглари калами, серэт, узунлиги 10—50 см, у апрель ойида кўкаради. Унинг новдалари бўғим-бўғим, тез синувчан, оқиш рангда. Чўғон май-июнь ойларида гуллайди. Гул олди барглари майда, қисқа, серширали. Гулёнбаргчалари ярим доира шаклида. Гуллари бошоқсимон, узун, тўпгул ҳосил қилиб, ўрнашган. Гултожи оқ рангли. Меваси сентябрь-октябрь ойларида пишади. Меваси қанотчасимон, диаметри 10—15 мм га етади. У кучсиз шамол таъсирида ҳам узоқ-узоқларга тарқала олади. Чўғоннинг уруғи мевасидан ажралмаган холда яхши унади. Уни кузда (ноябрда) ва баҳорда (февраль-мартда) ҳам экиш мумкин. Чўғон республикамизнинг қум, бўз тупроқ, шагал аралаш тошли ва гипсли жойларида (Бухоро, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё областларида ва Қорақалпоғистонда) кўп ўсади. Уни чорва моллари йил бўйи яхши ейди. Ай-

ниқса куз ва қишида қўй, эчки, туялар севиб ейди. Қадимдан халқ табобатида чўғоннинг новдаси, барги ва гулларидан тай-ёрланган қайнатма кўргина касалликларни, чунончи соч тўкилиши, асаб касалликларни даволашда кенг ишлатиб келинган. А. П. Ореховнинг ёзишича, унинг яшил новдаларида сальсолин алкалоиди борлиги аниқланган. Бу алкалоиддан тай-ёрланган препаратлар билан қон босимининг ошиши, бош оғриқ, кўкрак сиқиши каби касалликларни даволаш мумкин. У кишининг асабини мустаҳкамлаб, меҳнат қобилиятини оширади. Чўғон қайнатмасидан, ҳатто чорва молларини даволашда ҳам фойдаланилади. И. В. Лариннинг ёзишича, беуджилар кишиларда учрайдиган кўйдирги ва бошқа яраларни чўғондан тайёрланган дорилар билан даволар экан. Ўлкамизда чўғоннинг катта табиий майдонлари бор, ундан турли мақсадларда кенг фойдаланиш мумкин.

АНАБАЗИС (*Anabasis aphylla* L.) шўрадошлар оиласидан, бўйи 30—75 см га етадиган чала бутадир. Поясининг энг пастидан бир йиллик новдалар ҳосил бўлади. Пояси яшил, серсув, цилиндрический. Новдалари баргсиз, барглари йўқолиб пўстлоқларга — тангачаларга айланган. Унинг четлари пардасимон ҳөшияли ва тўмтоқроқдир. Анабазис март ойида кўкаради. Унинг илдизи йўғон, ўқилдизли. У июнь-июль ойларида гуллайди. Гуллари кўримсиз, узунлиги 1,5—2,5 мм га етади, тўпгуллари бошоқ шаклида, новдасининг уч қисмида жойлашган. Меваси август-сентябрь ойларида пишади. Меваси З та иҳши ўсган ва 2 та унча яхши ўсмаган сарғини ёки пушти рангли қанотчалардан иборат. Меваси серсув бўлиб, қанотчаларга нисбатан қисқароқдир. Анабазис республикамизнинг кўлгина областларидаги тақир, шўрхок, шўртоб ва қумлоқ тупроқларда ўсади. Амударё водийсида, Хўжайли, Қўнгирот (Қорақалпоғистон) районларида ва Хоразм областининг сизот сувлари ер юзига яқин жойлашган шўрхок тупроқларда кўп ўсади ва катта майдонларни эталлайди. Анабазис таркибида,— дейди И. И. Гранитов,— никотинга ўхшаш анабазин, афиялидин, шупинин ва афиллин деган заҳарли моддалар бор. Қозогистондаги махсус заводда анабазин сульфат ишлаб чиқарилиб, у қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши курашишда ишлатилади. Шу мақсад учун яна анабазисин сувда қайнатиб, ҳосил бўлган суюқликни ҳам ишлатиш мумкин. Ҳозирги вақтда анабазиснинг ўзидан сульфидининг ўрини боса оладиган қимматли дорилар тайёрлаш мумкинлиги аниқланди.

ҚУЙРЕУҚ ёки КЕЙРЕУҚ (*Salsola rigida* Pall.) шўрадошлар оиласидан, 20—100 см бўйли чала бутадир. Унинг бўйи йилнинг нам ёки қурғоқчилигига боғлиқ. Сернам йиллари 1 м дан ҳам ошади. Қуйреуқ март ойининг охири, апрель ойининг

¹ Покистонда яшовчи халқларнинг бир тоифаси.

бошларида күкаради. У жуда сершох, ёғочланган, туплари ва пояларидан ёш шохчалар ҳосил қилиб, тарвақайлаб үсади. Ииллик новдалари қисқа тукчалар билан қопланган. Барглари новдаларда кетма-кет жойлашади. қалами ярим цилиндрическин, қалин туклар билан қопланган. Үқилдиэли бўлиб, тупроққа анча чуқур киради. У май — июнь ойларида гуллай бошлайди, июлда эса қийғос гулга киради. Гуллари майда, оқимтири, кўримсиз рангли. У бир томондан гуллаб, иккинчи томондан мева ҳосил қилаверади. Шу сабабли бир тун қўйреуқда ҳам гулини, ҳам мевасини кўриш мумкин. Меваси октябрь — ноябрь ойларида тўлиқ пишади. У уруғидан март — апрель ойларида яхши униб чиқади. Қўйреуқ ташқи шароитга тез мослашувчи, айниқса, иссиққа чидамли ўсимлик. Уни чорва моллари йил бўйи яхши ейди. Барги, гулёнбарги ва гулқўргон бўлакларида кўп миқдорда ҳайвон организми учун зарур бўлган тузлар бор. Бу тузлар молларнинг иштаҳасини очади. Мевасининг қанотчаларида гемицеллюзоза бор. Яна шуни таъкидлаш мумкинки, қўйреуқни истеъмол қилган моллар ҳеч қачон сариқ касалигига чалинмайди. У республикамизнинг қумоқ, бўз ва гипслси тупроқларида, яъни Қизилқумнинг Бўкантов, Томдитов, Қарсакпойда,

Фарғона водийсидаги Қурама тон тизмасининг жанубий ён бағирларида кўп үсади.

АРПАГОН (*Erythorugum opapartis* (Spreng) Nevski) бошоқдошлар оиласидан бўлиб, бўйи 30 см га етадиган бир йиллик ўсимлик (5-расм). Пояси асосидан бўғимсимон кўтарилган бўлиб, туксиз, силлиқдир; фақат бошоқларининг атрофи бир оз тукчали. Поясининг пастки қисмидаги барглари тукли, юқоридагилари туксиз, энг учидагиси эса бир оз шишган. Баргларининг эни 1—5 мм бўлиб, лентасимондир, икки томони ғадир-будур, устки томони тукли. Тилчасининг узунлиги 1 мм. Арпағон март ойида униб чиқади. Илдизи попук илдиз. У апрель ойида гуллайди, гуллари эллипс шаклида, сарғиши, чангчиси 3 та. Уруғи май ойида пишади. Бошоғи овалсимон, узунлиги 2—5 см, эни 1,5—3



5-расм. Арпағон.

см, күм-күк. Бошоқлари 3—5 гулли, қипиғи ингичка бўлиб, қаламсимон, бошогидан катта. Қилтиғи 1,5—3 мм узунликда. Арпағон асосан баҳори ўсимлик, яъни қисқа муддат яшовчи эфемердир. У республикамизнинг ҳамма областларида қум ва бўз тупроқли ерларда кўп ўсади. Уни чорва моллари кўклигида ҳам куриганидан кейин ҳам яхши ейди. Тажрибакор кишилар арпағон кўп ўсан йиллари ундан қишики ҳашак тайёрлаб оладилар. У тақир ерларда ҳам яхши ўсади. Шу сабабли ундан тақир ерларни ўзлаштиришда кенг фойдаланиш мумкин.

ҚУМАРЧИҚ (*Agriophyllum ageratum* M.B.) шўрадошлар оиласидан, бўйи 20—100 см га етадиган бир йиллик ўсимлик. Пояси шохланган, унда шохлари навбатлашиб жойлашган. Барвлари бандсиз, наштарсимон, асоси қисқарган, уни ўткир тиканли. Қумарчиқ март ойида униб чиқади, у ўқилдизли. Қумнинг юза қисмида ҳам илдизлари ён томирлар ҳосил қиласи. Июль-август ойларида гуллайди. Гуллари кўримсиз, гулёнбарвлари тиканга айланган, тишли, қирқилган. Чангчиси 2—3 та, меваси август-сентябрь ойларида пишади. У туксиз, узунчоқ, овал шаклида, узунлиги 1,5—2, эни 0,8—1 мм. Унинг уруғида 15% дан ортиқ оқсил моддаси, 5% ёғ, 60% га яқин углеводлар бўлади. Қумарчиқнинг уруғи овқат бўлиши жиҳатидан буғдойдан қолишмайди. Қадимдан чўпонлар унинг уруғини йигиб, овқатга ишилатганлар. У уруғидан яхши унади. Қумарчиқ кўпинча Қорақалпоғистонда, Қизилқумнинг Сандуқли қумларида, Бухоро, Сурхондарё ва бошқа областларнинг қум барханлари ва қум тепаликларида кўп ўсади.

ДОНАШЎР (*Gamanthus gamocarpus* (Mog.) Bge.) шўрадошлар оиласидан, бўйи 20 см келадиган бир йиллик ўсимлик (б-расм). Пояси тик, асосидан шохланган, кул ранг тусда. Бутун танаси туклар билан копланган. Пасти шохлари қарама-қарши, узунчоқ, сал кўтарилилган, бошқа шохлари навбатлашиб жойлашган. Барвлари навбатлашиб ўрнашган, илсимон ингичка, этли, узунлиги 15—20 мм, эни 1—2 мм. Икки томони ҳам тукчалар билан қопланган. Донашўр март ойида униб чиқади. Ўқилдизли илдизи ерга чукур киради. Май-июнь ойла-



6-расм. Донашўр.



7-расм. Эбалак.

ган. Пояси асосидан жуда күп шохланиб, шарсимон шакл ҳосил қиласы. Барглари наштарсимон — калам шаклида, асоси ингичка, уч томони ўткыр, учли, тикапли. Эбалак февраль-март ойларида униб чиқади. У дастлаб икки барг ҳосил қилиб, кейин поля чиқаради. Май-июнь ойларида гуллайди. Бир уйли ўсимлик. Чанғчиси 1 та, уруғчиси гулқўргонсиз, 1 та. Меваси август-сентябрь ойларида пишади. У тескари тухумсимон, узунлиги 5—10 мм, ўртасидан иккига ажралган, учи тикапли. Поясининг ост томони тикансиз, оқ наматсимон тукчалар билан копланған. У пишгач, шамол ёрдамида учеб юради. У уруғ-меваларини дұмалаб юриб тарқатувчи ўсимликлар гуруҳига киради. Эбалак жумхуриятимизнинг ҳамма областларидаги қумли, шўрхок ва шағалли тупрокларда усади. Уни моллар кўклигидан то гулга киргунча яхши ейди. У гуллаб мева бергач, меваси қаттиқ тикапли бўлиб, моллар кам истеъмол қиласы, меваси таркибида органик моддалар куп.

ҚОРАШЎРА (*Salicornia herbacea* L.) шўрадошлар оиласидан, бўйи 50 см гача келадиган бир йиллик ўсимлик. Пояси асосидан шохланган, бўғимли, серсув, туксиз, кул ранг-кўкиш, кўпинча қизғишироқ, тик ўсувчи, шохчалари қарама-қарши жойлашгандар. Барглари йўқ даражада, яъни у қисқариб нов ҳолига келиб қолган ва поясида қарама-қарши жойлашган. Қорашўра март-апрель ойларида униб чиқади. Илдизи ўқилдиз. Кўпинча тупроқнинг юза қисмида ён илдизлар ҳосил қи-

рида гуллайди. Гуллари соч-симон, тукли гулёнбаргчалари пардасимон, наштарсимон, ўткыр, уч қисмдаги-си тикапли, гулқўргонидан калта. Гуллари икки уйли, гултожи б та, оқ ранги. Меваси июль-август ойларида пишади. Узунлиги 2,5—3 мм, этли, овал шаклида, уруғи яхши унади. Донашўр тақир, шўр, соз тупроқда ва шўрхок ерларда ўсади. У чорва моллари, айниқса қўй ва туялар учун яхши озиқ ўсимликтидир. Унинг дони озиқ моддаларга бой.

ЭБАЛАК (*Ceratocarpus fericulosis* Bluk.) шўрадошлар оиласидан, бўйи 30 см га етадиган бир йиллик ўсимлик (7-расм). Бутун ўсимлик тукчалар билан қоплан-

лади. У июнь ойида гуллайди. Гуллари қысқа бошоқсимон гултүпламига учтадан түпланган. Гулқұрғони гултүпламининг устки томонидан ромб шаклида чиққан бўлиб, унинг ўртаси тешикдир. Чангчи ва уручинси ташқарига чиқиб туради. Меваси июнь-август ойларида пишади. Уруғи илмоқсимон тукчалар билан қопланган. Қорашұра нам, шүрхок ерларда кўп ўсади. Уни кўклигида моллар яхши емайди. Куз ва қиша эса танасидаги шўри кетгач, яхши ейди.

БАЛИҚҚҰЗ (*Salsola crassambr.*) шўрадошлар оиласи

дан, бўйи 10—45 см га етадиган бир йиллик ўсимлик (8-расм). Пояси остидан шохланган, барглари әти. Танаси, шохлари кул ранг кўкиш рангда. У февраль-март ойларида униб чиқади. Унинг ўсиши жуда секин боради. Балиққұз июль-август ойларида гуллайди. Гуллари бошоқсимон түпгулдан иборат. Гулқұрғонининг баргчалари ланцетсимон, ўткир, туксиз. Гултожи—қанотчалари бинафша, қизни ёки сариқ рангли ўсимталардан иборат. Унинг чангчи қисмидан парда ёки пуфакчага ўхшаш сарғиш-пушти ёки бинафша рангли ўсимталар ҳосил бўлади. Бу ўсимталарнинг бештаси йифилиб, бешта гултожи барг шаклини олади. Меваси август-сентябрь ойларида пишади. У қанотчали, бу қанотчалар сариқ, пушти, қизил рангларда бўлиб, кўндаланг кесими 1 см га етади. Балиққұзни яхши билмаган киши уни қанотчали мевасини бир кўришида гули деб ўйлаши мумкин. Уруғи яхши унади. Балиққұзни ёзда моллар ейди. Айниқса куз ва қиша танасидаги туз кетгач, қўй, туялар уни хуш кўриб ейди. Айниқса, унинг уруғи таркибида турли хил фойдали озиқ моддалар бор. У қўйларнинг тез куюкиши ҳамда эгиз қўзи олишнинг муҳим гаровидир. Шунинг учун ҳам чўпонлар кузда қўйларни қочириш пайтида унинг уруғидан кенг фойдаланадилар.

Юқори чўл. Республика мизда анчагина майдонни эгаллайди. Бунга Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё областларидағи қумли ва бўз тупроқли ерлар, Қорақалпоғистоннинг Устюрт текисликлари киради.

Юқори чўл адир поясига яқин бўлганлигидан унинг баъзи жойларида гипс аралаш тупроқлар ҳам учрайди. Айниқса бун-



8-расм. Балиққұз.

дай ерлар Самарқанд облатининг Нурота, Бухоро облатининг Қонимех, Жиззах облатининг Фориш районларида, Қарнобчўл ва Мирзачўлда кўп учрайди. Гипс тупроқли ерлар нинг юза қисми қум ёки майда шағал билан қопланган. 30—40 см ли чуқурликда соф гипс жуда кўп учрайди. Гипснинг кўплигидан баъзи жойларда, масалан, Нуротада бундай тупроқлардан қурилиш материали сифатида, уйларни ганчлаш, гилкорлик мақсадида кенг фойдаланилади. Юқори чўлнинг адиirlарга яқин жойида гидроморф сувлар ернинг анча юза қисмидан чиқади. Юқори чўлда қум ва қумлоқ майдонлар ҳам анчагина ерни ишғол қиласди. Уларнинг баъзи жойларida яланг қум майдонлари ҳам учрайди. Баъзан кучли шамоллар натижасида ана шу қумлар бир жойдан иккинчи жойга кўчиб кради. Иқлим шароити жиҳатидан юқори чўл пастки чўлдан унча фарқ қилмайди. Лекин адирга яқин жойлашганлиги туфайли тупроқда намлик бир оз кўпроқ, ҳаво намлиги ҳам юқориоқдир; йиллик температура 14—18° ни ташкил қиласди. Енингарчиллик асосан баҳор ва қишида бўлади. Ёз ва куз бўйи бир томчи ҳам ёғин ёғмайди. Еқсан қорлар узоқ сақланмайди. Ҳаво исиши билан тезда эриб кетади. Юқори чўлнинг ўсимликлари турли туман. Бу ерда ксерофит ўсимликлар кўп ўсади. Ўсимликлар қопламининг асосий қисмини шувоқ ташкил этади. Қуйида энг кўп тарқалган ўсимликларнинг баъзи хусусиятлари билан танишасиз.

ОҚСАҚСОУЛ (*Haloxylon persicum* Bge.) шўрадошлар оиласидан, бўйи 5 м га етадиган дараҳтдир. Барглари майда, катталиги 1,5 мм бўлган тангачага айланган. Умумий белгилари жиҳатидан қорасаксовулга ўхшайди. Шу сабабли унинг биологиясини бу ерда қайта тақрорламадик. Оқсаксовулнинг қорасаксовулдан фарқи, асосан қумда ўсиши, тангача шаклидаги баргларга эга бўлиши, гулларининг қисқа новдачаларга ўрнашганлиги, яъни вегетатив новдаларда гулларнинг бўлмаслиги ва танасининг оқ пўст билан қопланганлигидадир. Оқсаксовулни кўклигида моллар яхши емайди. Уни кузда ва қишида юмшаган шохчаларини яхши ейди. Бундан ташқари, ундан қумларни мустаҳкамлашда, яйловларни серўт, серҳосил қилишда кенг фойдаланиш мумкин. Оқсаксовул экилган майдонларнинг ҳавоси нам ва иссиқ бўлиб, турли хил бир йиллик ўтларнинг анча нормал ўсишига имкон беради ва уларни гарм-сeldan сақлайди. У чўлда иҳота дараҳтзорлари вазифасини ўташи, кўчма қумларни тутиб қолиши сабабли, у темир йўл ёқаларига, чўлдаги овул, қудуқлар атрофига экилади. Оқсаксовул энг сифатли ёқилғи ҳамдир. Айниқса ундан тайёрланган кўмир оёқ оғриқ касаллигини даволашда қадимдан ишлатилиб келинган. Оқсаксовул кулидан аччиқ тузлар олинади. У Қизилқум, Бухоро облатининг қумлоқ жойларida, Устюртнинг жанубий томонидаги адирда кўп ўсади.

ЁВШАН (*Artemisia diffusa* N. Krasch.) мураккабулдошлар оиласидан, бүйи 20—60 см гача етадиган чала бута (9- расм). У жуда шохланган бўлиб, ён новдалар ҳосил қиласи. Новдаларининг йўғонлиги 0,5—1 см, узунлиги 20—40 см га боради. Ёвшиан февраль ойининг охири ва март ойининг бошлирида кўкаради. Барглари майда, кучли қирқилган бўлиб, улар илдиз бўғзига ҳам, танасига ҳам ўрнашган. Унинг ўсиши июнь ойгача давом этади. Ёзнинг иссиқ кунлари бошланиши билан июнь-август ойларида ўсишдан тўхтайди. Барглари қовжираб тўкилади. Шу йилнинг сентябрь оидан бошлаб яна баргчалар чинкариб, ўсишни давом эттиради. Сентябрь ойининг охирларида гуллайди, октябрь-ноябрь ойларида уруғи пишади. Уруғи поясида узоқ сақланмайди, шамол ва бошқа воситалар таъсирида тезда тўкилиб кетади. Ёвшиан кўкарсанга нийтларида унинг барги ва поялари жуда ҳидли бўлади. Бу ҳид ўсимлик қуригач, йўқолади. Ёвшианнинг характерли белгиси шуки, унинг ён шохчалари поясига ёпишмаган ҳамда тарвақайлаб ўсади. Поя ва барглари оқ тукчалар билан қопланган. Шу сабабли баъзан уни оқшувоқ деб ҳам аташади. Ёвшианга хос бўлган бу белгилар бошқа турлари учун ҳам хосдир. Шу сабабли уларнинг биологиясида катта фарқ йўқ. Фарқ фақат ташқи тузилишида, ён шохчаларининг жойлашувинда, тукчалар билан қопланиш даражасидадир. Уни қўй, эчки, туялар йилнинг ҳамма фаслида ейди. Баъзилар уни кўклигида мол емайди деб ўлашади, лекин бу фикр нотўғри, чунки баҳорда ёвшианли яйловларда боқилган қўй, сигир, эчкиларнинг сутидан шувоқ хиди кеслиб туриши бундан даррак беради. Ёвшиан қишики пайтда ҳам яйловларда асосий ем-хашак ўсимлиги ҳисобланади. Шунингдек, у дори-дармонлик хусусиятига ҳам эгадир. Унинг тўпгулларидан тайёрланган шарбат гижжа туширишда ва зотиљам касаллигини даволашда ишлатилади. Ёвшиан таркибида аччик моддалар, глюкозид, ошловчи моддалар, смола, органик кис-



9- расм. Ёвшиан.

лоталар, 0,2—0,45% эфир мойи ҳамда 100 мг % С витамины бор.

ҚҮЁНСУЯК (*Ammodendron conollyi* Bge.) дуккақдошлар оиласидан, бўйи 4—6 м га етадиган дараҳт ёки бутадир. Барглари ялтироқ-кумуш рангли, майин, узунлиги 2—5 см, эни 3 мм бўлади. Битта умумий тиканли барг бандига иккитадан барг ўрнашган. Қүёнсуяк март ойида кўкаради. Унинг пояси тик ўсади. Кўкарғанда ён шохчаларда куртаклар униб, ундан барг ва новдалар ҳосил бўлади. У апрель-май ойларида гуллайди. Гуллари бинафша рангли, хушбўй, чиройли, шакли ва катталиги оқ акациянинг гулига ўхшаш бўлиб, кўп гулли шода ҳосил қиласи. Меваси июнь-июль ойларида пишади. Унинг дуккаги парраксимон, узунлиги 30—35 мм, эни 5—7 мм, чўзинчоқ-лентасимон, туксиз уч ва туб қисми қисқа учли бўлади. Уруғи кўнғироқ тусда. Илдизи ерга анча чуқур киради. У қумларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Унинг илдизи қобиғида ипак ва жунли матоларни турли хил (жигар ранг, сариқ ва қизил) рангларга бўёвчи бўёқ моддаси борлиги аниқланди. Қүёнсуяк кўчма қумларни мустаҳкамлаш мақсадида темир йўл ёқаларига экиласи. Қүёнсуяк ёғочи мустаҳкам бўлганилиги учун уни кишилар қадимдан турли дастгоҳлар тароғини ясашда ишлатганлар. Бундан ташқари, қамчи дасталари, бошқа хилма-хил асбоб-ускуналар ҳам қўёнсуяк ёғочидан тайёрланган. Таҳтаси иссиқ кунларда қуриб қолмайди, ёрilmайди. Шу сабабли ундан бочкалар тайёрланади ва ҳар қандай шароитда ҳам унга сув солиб юриш мумкин. Шу сабабли уни кишилар кўплаб синдириб ишлатган, шунинг учун у ҳозирги кунда жуда камайиб кетган.

ҚИЗИЛҚАНДИМ (*Calligonum sanguineum medusae* Schrenk) торондошлар оиласидан, бўйи 2—3 м га етадиган бутадир (10-расм). Унинг поялари тик, сершоҳ, шохлари силлиқ, ичи ковак, қингир-қийшиқ. Барглари энсиз, ипсимон шаклда, узунлиги 3—5 мм бўлиб, эрта тўкилиб кетади. Қизилқандимда бу барг қорайиб, билинмайди, шунинг учун уни баргсиз дейиш ҳам мумкин. Қизилқандимнинг уруғи жуда секин унади. Унинг униши март ойидан то май ойигача давом этади. Апрель-май



10-расм. Қизилқандим.

ойларида гуллайди. Гуллари майда, 1—2 тадан жойлашган. Гулқүргонининг баргчалари оқиш пушти ёки түқ кизил, четлари оқчил, ҳошияли, узунлиги 3—4 мм. Қизилқандимнинг меваси июнь ойида пишади, узунчоқ, кенг тухумсимон, узунлиги 20—30 мм, эни 18—27 мм, сариқ ёки қизил. Меваси жуда ҳам чиройли, винт каби буралган, қанотчали, тукчали, ёнғоқчага ўхшагани учун салгина эсган шамол таъсирида узоқ-узоқларга тарқалади. Ўзбекистонда қизилқандим туркумининг 45 тури ўсади. Ўларнинг биологияси бир-бирига жуда ўхшаш. Баъзан уни жузғун ҳам деб айтилади. Шу сабабли у қандай номланмасин, чорванинг, айниқса қоракўл қўнлари, эчкиларнинг тўйимли озиғи ҳисобланади. Бундан ташқари, қизилқандим қумни мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

СИНГРЕН (*Astragalus villosissimus* Bge.) дуккадошлар оиласидан, бўйи 70 см га етадиган бутадир (11-расм). У оқчил тукчалар билан қопланган. Пояси сершоҳ, шохлари йўғон, пўст билан ўралган. Йиллик шохчалари калта. Барглари 1,5—3 см узунликда, ўтмас, икки жуфтдан. Юқори барглари бир жуфтдан, узунчоқ, ланцетсимон, оқ тукчали. У март ойида кўкаради. Апрель-май ойларида гуллайди. Гуллари майда, катталиги барглари билан тенг, тўпгуллари билан бирга 2,5—8 см узунликда. Гуллари қизғиши рангда, гулкосаси 5—6 мм узунликда. Меваси май ойида пишади. Дуккаги иккига очилади, бандсиз, 7—9 мм узунликда, ўткирроқ, учки томони кемтик. Уруғи бир оз қўнғир, ялтироқ, уруғидан кўпаяди. Сингрен республикамизнинг ҳамма қумлоқ ва гипс тупроқли областларида, айниқса, Бухоро, Самарқанд ва Қорақалпоғистонда кўп ўсади. У чорва молларининг тўйимли озиғи. Уни қорқоқ ҳам деб атайдилар. У қиши пайтида ҳар қандай қор, ёмғирдан кейин ҳам яхши ёнади. Шу сабабли ундан кишилар кўп фойдаланади. Кейинги пайтда сингрен майдонлари кескин камайиб кетмоқда. Бунинг олдини олиш зарурияти туғилди.



11-расм. Сингрен.

ҚИРҚБҮЮРГУН (*Anabasis eriopoda* (Schrenk) Benth) шүрадошлар оиласидан, бўйи 40—60 см га етадиган чала бутадир. Қирқбүюргуннинг баъзи шохчалари тупроқдан сал чиқиб туради, кўп йиллик новдалар ҳосил қилиб, ундан ҳар йили бўғимли, баргсиз, янги новдалар ўсиб чиқади. Бу новдаларнинг бўйи 30 см га боради. Қирқбүюргун март ойида кўкаради. Пояси сершоҳ, бўғимли новдалар ҳосил қиласиди. Апрель-май ойларида гуллайди. Гуллари кўримсиз, оқиш рангда. Меваси июнь ойида пишади. У кўринишдан резавор-мевага ўхшайди, қанотчали бўлади. Илдизи тупроққа анча чуқур кирган ва тарвақайлагандир. Қирқбүюргун буюргулар туркумининг типик вакилларидан бири. У асосан ишқор олишда муҳим аҳамиятга эга. Чунки унинг новдалари таркибида сода аралашган поташ бўлади. Шунинг учун бу ўсимлик новдаларининг кулини ишқорлатиб ва буғлатиб, ундан ишқор олинади. Қирқбүюргунни чорва моллари куз ва қишида ейди. Қисман туялар ейши мумкин. Унинг қизиқ хусусиятларидан бири шуки, илдизолди туплари кўпинча қумининг остида бўлади. У ташқи иссиқ ва совуққа анча чидамили. Ана шу илдизидан янги новдалар бемалол ўсиб чиқа беради. Қирқбүюргун асосан қум тупроқда яхши ўсади. У республикамизнинг қумлоқ, шағалли чўл зонасида, айниқса Қорақалпогистоннинг ўстюрт текисликларида юз минглаб гектар майдонларда тифиз ўсади. Ана шу жойларда ҳар йили қанчалаб ишқор, минг тонналааб поташ олиш мумкин.

УРГОЧИСЕЛИН (*Aristida pennata* Trin.) бошоқдошлар оиласидан, бўйи 30—40 см га етадиган, чим ҳосил қилиб ўсуви кўп йиллик ўсимлик. Унинг барглари ингичка, қаттиқ, лентасимон, буралган қилсимон, учлари ўткир, четлари майда тишли. Бутун илдиз олдидан ўсиб поясини нов ҳолида ўраб туради. Барглари жуда кўп, майда тукчалар билан қопланган. Ургочиселин апрель ойида кўкаради. Илдизининг еости томирлари ипсисимон бўлиб, ерга анча чуқур киради ва атрофига қумларни ёшиштириб олади. Шунинг учун ҳам у қумни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Май ойида гуллайди. Бошоғи уч бўлакли ўққа ўрнашган, ўқининг шохчалари 1,5 см га яқин узунликда патта ўхшаш тукли бўлади. Июнь-июль ойларида уруғи пишади. Уруғи юпқа қобиқ билан ўралган, туксиз. У уруғидан ва вегетатив йўл билан кўпаяди. Баъзан у кузги нам етарли бўлса, сентябрь ойларида қайта кўкариб, октябрда гуллайди ва мева ҳосил қиласиди. Ургочиселин Қизилқумда, Қашқадарё ва Фарғона водийсидаги қумлоқ тупроқларда кўп ўсади. У чорва моллари учун баҳорда ва айниқса, кузда тўйимли озиқ ҳисобланади. Ургочиселин асосий барглари билан эркакселинга ўхшаб кетади ва иккаласи ҳам бир жойда ёки бошқа-бошқа жойда ўсиши мумкин.

ИЛОҚ (*Carex physodes* M.B.) ҳиллодошлар оиласидан, бўйи 15—20 см га етадиган кўп йиллик эфемероид ўсимликтаридир (12-

расм). У февраль ойининг охирида кўкаради. Дастрлаб барглари пайдо бўлиб, орадан 1—1,5 ой ўтгач, поя чиқаради Барглари лентасимон, илдиз олдида тўпланган. Унинг пояси ингичка, бир оз уч қиррали, туби қуриб қолган барг нов қинлари билан қопланган бўлади. Илоқнинг кўкариши ҳар хил ойларга тўғри келади. Куз серёмғир, иссиқ келса, октябрь-ноябрь ойларида ҳам кўкаради. Илоқнинг уруфини ундириш бўйича қизиқ тажриба ўтказиш мумкин. Унинг барги ҳар куни 1,5—2 мм ўсади. Эрта баҳорда об-ҳавонинг гоҳ исиб, гоҳ совиб туриши кўкарган илоқнинг баргига таъсир этади. Баҳор фаслида содир бўлган совуқ ҳарорат илоқнинг кўкарган баргларини илдиз бўғзигача уриб, сарғайтириб қўяди. Орадан 5—10 кун ўтгач, яна қайта кўкариб ўсишда давом қилади. Илоқ баргининг сарғайган жойидан пастигача ўлчаб, олинган сон 1,5—2 см га кўпайтирилса, ҳосил бўлган йиғинди совуқдан неча кун олдин кузатилганлиги маълум бўлади. Биз шундай тажрибани Нурста районининг қумлоқ қисмида ўтказганимизда анча тўғри маълумот олдик. Шундай тажрибаларни яна ранг, чучмома ва қирқасоч устида ҳам ўтказиш мумкин. Илоқнинг меваси апрель ойида пишади. Меваси бир оз шишган бўлиб, 2 см га яқин узунликда бўлади. Кўнғир-қорамтиранга рангда, уруғи унинг учидаги жойлашади. Уруғидан жуда қийин кўпаяди. Асосан илдизи ёрдамида вегетатив йўл билан, чим ҳосил қилиб кўпаяди. Илоқ чорва моллари учун жуда яхши озиқ ҳисобланади. Моллар уни кўклигига ҳам, қуригандан кейин ҳам иштаҳа билан ейди. Қадимдан кишилар молларни, айниқса, ориқ, касал қўйларни боқиб, қишдан олиб чиққанлар. У қумни мустаҳкамловчи ўсимлик ҳамдир. Илоқ фақат қумли тупроқларда тез ва яхши ўсади.

ҚИРҚАСОЧ (*Iris songorica Schrenk.*) савсаргулдошлар оиласидан, бўйи 30—60 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик (13-расм). Барглари яssi, қиличсимон, поясининг тубига икки қатор бўлиб тўпланган. Қирқасоч март ойида кўкаради. Бир тупидан 60—80 тагача ва ундан ҳам кўп лентасимон барглар чиқаради. Орадан бир ой ўтгач, поялари ўсиб чиқади. Пояси одатда баргиз, баъзан барглари асосидан нов шаклида ўраб туради. У апрель ойида гуллайди. Гуллари оқиш бинафша, гултожи



12-расм. Илоқ.



13- расм. Қирқасоч.

гүлкосасидан чиқиб туради. Гулқұрғони 6 та гултожибардан иборат. Булардан учтаси бир хил, яна учтаси бошқа хил күришида. Бундан ташқари, дастаси уч бұлакли бўлиб, кўриниши гултожсимон бўлади. Меваси июнь ойида пишади. У чатнаганда паллачаларга бўлинади. Меваси уч қиррали чаноқчадан иборат. Уруғи силлиқ, туксиз, қўнғир рангда бўлиб, шу чаноқча ичиде қават-қават бўлиб жойлашади. Меваси поясида узоқ вақт сақланади. Уруғидан яхши кўпаяди. Қирқасоч республикамизнинг кўпгина областларида, хусусан, Самарқанд обlastининг Нурота, Бухоро обlastининг Конимех, Навоий районларида бир неча минг гектар ерларни эгаллади. У ерларда ўсимликлар қопланининг асосий қисмини ташкил қилади. Қирқасоч илдизи ҳам чим ҳосил қилади, унинг диаметри 60—80 см га етади. Ундан чўтка тайёрлашда кенг фойдаланилади. Унинг қуриб қолган баргларидан арқон тўқишиади. У чорванинг тўйимли озиқларидан ҳисобланади. Унинг қуриган баргларини моллар жуда хуш кўриб ейди.

ЯНТОҚ (*Alhagi sparsifolia* Shap.) дуккакдошлар оиласидан, бўйи 60—80 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Янтоқ апрель ойида кўкаради. Унинг илдизи 15—20 м гача чуқурликка киради. Пояси сершоҳ, дағал, усти кўкиш пўст билан қопланган. Унинг учинчи тартибдаги шохчалари тиканга айланган. Барглари туксиз, 2—4 см узунликда, эни 1,5—2,5 см, эллипссимон ёки тескари тухумсимон, охири учли бўлиб тугайди. Пастки тиканлари юқоридаги тиканларидан катта. Июль-август ойларида гуллайди. Гуллари пушти рангли, гулкосаси туксиз, узунлиги 1 см, 3—5—8 тадан бўлиб шохчаларга ўrnашади. Меваси август-октябрь ойларида пишади. Дуккаклари айрим-айрим бўлиб, ташки кўриниши чаён думига ўхшаш бўғим-бўғим бўлади. Уруғи пўст билан қопланган. Уруғидан жуда қийин кўпаяди. Янтоқни уруғидан кўпайтириш учун 85—95°C қайноқ сувга 1—2 соат солиб қўйиш керак ёки уруғи пишган пайтда қўйларни шу янтоқзорга ҳайдаш керак. Қўйлар янтоқни ейиш билан бирга, уруғини ҳам ейди. Янтоқзорда боқилган қўйларнинг қийин ерга тушса, у ердан янтоқ униб чиқишини бир неча бор кузатганимиз. Бунинг сабаби янтоқ уруғининг пўсти қалин бўлиб, қўй ошқозонидаги ферментлар таъсирида пўсти юпқалашиб, уруғи ажралиб қолса керак. Янтоқ қоракўл қўйларининг энг тўйимли ва яхши ҳазм бўладиган қишки ем-хашаги ҳисобланади. Шунинг учун ундан катта-катта ғарамлар тайёр-

ланиб, қиши бўйи қўйларга бериб борилади. Янтоқдан кишилар шакар ҳам олишади. Бунинг учун янтоқ шакари пишган пайтда унинг тагига шолча тутиб, таёқ билан урганда янтоқдаги шакар тўклилади. Бир киши ёз давомида 100—150 кг янтоқ шакари тўплаши мумкин.

КОВРАК (*Ferula assa*—*foetida* L.) соябонгулдошлар оиласидан, бўйи 1 м га етадиган монокарпик (ҳаётидаги бир марта гуллаб мева берадиган) кўп йиллик ўсимликдир. У февралнинг охирида кўкаради. Дастреб иккита чўзинчоқ баргча ҳосил қиласиди. Шу баргчаларнинг ўсиши натижасида ҳар биридан узунлиги 10 см келадиган ўсимта ўсиб чиқади. Коврак баҳорда кўкариб, фақат илдиз олди барглар ҳосил қиласиди. Барглари юмшоқ, бандли, уч марта қирқилган ва оқ тукчалар билан қопланган. Узунлиги 60—80 см гача бўлган барглар ер бетини қоплаб, ўзига хос шакл ҳосил қиласиди. Барглари йилдан-йилга катталашиб боради, илдизи эса йўғонлашиб кўп миқдорда озиқ моддалар тўплайди. У ҳаётининг саккизинчи йили поя ҳосил қиласиди ва гуллайди. Илдизнинг оғирлиги биринчи йили бир неча грамм бўлса, саккизинчи йилга келиб бир неча килограмма етади. Гуллайдиган йили баргларнинг узунлиги 50—60 см, диаметри 1 м гача етади. Пояси бир суткада 12—15 см ўсади. Март-апрель ойларида гуллайди. Гул берувчи новдасининг учидаги сариқ рангли майда гуллардан иборат мураккаб соябон шаклли тўпгул ҳосил қиласиди. Тўпгуллар умумий йиғиндисининг диаметри 50—60 см га етади. Меваси май-июнь ойларида пишади. Уруғи ясси, юпқа тукчали, эллипсимон шаклли бўлиб, узунлиги 16—20 мм га етади. Пояси сарфайиб қурийди, ичи фовак, енгил, уруғи тўкилгач, пояси яланғочланиб қолади. Коврак уруғидан осон кўпаяди. Уни одатда кузда экиш керак. Илдизнинг мазаси сабзи мазасидек ширин ва ёқимлидир. Шу сабабли аҳоли унинг илдизидан ердан эндигина кўкариб чиқаётган пайтда сомса тайёрлаб, овқат сифатида фойдаланадилар. Коврак поясидан чиқадиган чирк «асса-фетида»дан Шарқ тибиётида шамоллагандаги ва бош оғригандаги фойдаланиб кelingган ва фойдаланилмоқда. Шунингдек, Франция кулинариясида ҳам ишлатилади. Унинг танасидан ёқимсиз ҳид чиқиб туради. Қуритилгач, бу ҳид йўқолади ва моллар учун озиқ бўлади. И. И. Гранитовнинг таъкидлашича, кўп гуллаган йиллари маҳаллий халқ уни ёш новдаларини чилпиб олади ва майдалаб олдин сувда бир оз қайнатади, сўнг оловни пасайтириб, бу суюқликни секин-аста буғлатади; натижада қуюқ «қиём» ҳосил бўлади. Бу «қиём»нинг мазаси ширин ва ҳидсиз бўлади. Юқорида айтганимиздек, унинг илдизидаги жуда кўп крахмал тўпланади. Узбекистонда ўсадиган ковракдан ҳар йили 30 минг т гача коврак крахмали олиш мумкин. Лекин ҳозиргача ана шу табиат бойлигидан негадир фойдаланилмай келинмоқда. Ундан техник спирт олиш ҳам мумкин. Коврак таркибида эфир майи ҳам бор. Ундан келадиган ҳид ҳам эфир

ҳидини эслатади. Унинг уруғини қўй, эчки, қорамол ва отлар яхши ейди. Профессор Е. П. Коровин көвраклар туркумига бағишлиган монографиясини ёзиб, бу монография учун 1943 йилда В. Л. Комаров номидаги юксак мукофотни олишга сазовор бўлди.

ИСИРИҚ (*Peganum harmala L.*) тутытвоидошлар сипасидан, бўйи 40—70 см га, диаметри 1 м га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Исириқ март ойида кўкаради. Унинг поялари тез ўсади. Бир тутида 60—80 тагача поялари бўлади. Пояси кўм-кўк, юмшоқ. Барглари ингичка, бир неча бўлакка бўлинган. Шунинг учун у мураккаб баргга ўхшаб кўринади. Барглари пояси бўйлаб жойлашган, бандсиз, узунлиги 10 см. Илдизи ўқилдиз, қорамтири-қўнғир, тупроққа анча чуқур киради. Май ойида гуллайди. Гуллари катта, оқ тусда, диаметри 4 см гача бўлади. У гуллаган пайтда тут ҳам пишади. Уша вақтда буни билган чўл ахолиси тут егани шаҳарга келишган. Исириқ меваси июнь ойида пишади. Меваси думалоқ чаноқча. Унинг ичидаги нечта қўнғир тусли уруғлари бўлади. Исириқ уруғи таркибида энцефалит (бош мия яллиғланиши) касаллигини даволашда ишлатиладиган алкалойдлар-гармалин, гармалол, пеганин ва гармин бор. Бу алкалойдлар ҳатто хинин ўрнини босиши мумкин. Бундан ташқари, унинг уруғида кизил ва жигар ранг бўёқлар тайёрланадиган бўёқ моддалари ҳам бўлади. Исириқ ҳалқ табобатида жуда қадимдан фойдаланиб келинади. Унинг биологик хусусиятини билмаган авом ҳалқ уни яқингинганча илоҳийластириб келишган. Исириқни турли хил грипп микробларини ўлдирувчи, хонани зарарли микроблардан тозаловчи восита эканлиги тўлиқ исботланди. «Исириқ минг дардга даво» деб бежиз айтилмаган. Уни чорва моллари кам ейди. Қуриган поя шохчаларини кишки нам билан ҳиди кетгач, ейди. Исириқ тупроқ танлоячи ўсимлик, у аммиакка бой тупроқда яхши ўсади. У республикамизнинг чўл, адир миңтақаларида жойлашган эски қўра, овуллар атрофида кўп ўсади. У медицина нуқтани назаридан фойдали ўсимлик. Чорвачилик нуқтани назаридан (баъзи областларда катта-катта майдонларни банд қилиб ётган) бегона ўтдир.

АЧЧИҚМИЯ (*Goebalia paschysagra* (Schrenk) Bge.) дуккакдошлар сипасидан, бўйи 30—50 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Барглари 1—1,5 см узунликда, ланцетсимон ёнбаргчалари бор. Баргчалари 8—13 жуфт, устки томони оқ тукчалар билан қопланган, учи сал учлироқ. Аччиқмия март ойида кўкаради. Да-стлаб икки барг ҳосил қилиб, кейин пояси ривожланади. Поя ва барглари тифиз оқ тукчалар билан қопланган. Пояси қаттиқ, ён шохчалар ҳосил қилиб ўсади. Апрель-май ойларида гуллайди. Гуллари поянинг учки қисмida сийрак шода ҳосил қиласди. Унинг узунлиги 7—24 см, эни 2 см келади. Гул ёнбаргчалари ингичка, узунчоқ, 2,5 мм узунликда, гулкосаси найга ўхшашиб қўнғироқсимон, 6—6,5 мм узунликда. Гултожи кул

рангда. У гулкосадан чиқиб туради. Дүккаги (меваси) июнь-июль ойларыда пишади. Уруғи дуккак ичиде жойлашган, күрнишдан бўғим-бўғимга ўхшаб кўринади. Уруғи силлиқ, тусиз, буйраксимон, қорамтири-қўнғир тусда. Аччиқмия республиканинг деярли ҳамма областларидағи қумлоқ ва бўз тупроқларда, йўл ёқаларида, баҳорикор ерларда ўсади. Гуллаган пайтида қўй ва эчкилар поянинг учки қисмини ейди. Фалла экинлари орасидаги бегона ўтдир. Унинг уруғи таркибида алкалоид бўлиб, заҳарли ҳисобланади. Уруғи арпа, бугдой дони билан қўшилиб тортилса, уни аччиқ бўлади. Бундай унни ейиш мумкин эмас. Аччиқмиянинг барг, поялари ҳам аччиқ. Шу сабабли қишки хашак тайёрлаганда у қўшилиб қолса, бундай хашакни мол емайди.

БОЙЧЕЧАК (*Colchicum kesselringii* Rgl.) пиёзгулдошлар оиласидан, пиёзбошли кўп йиллик ўсимлик. Пиёзбоши ер остида 6—10 см чуқурликда, узунчақ-тухумсимон, уч томони чўзиқ, ясси, эни 10—25 мм, усти қўнғир, қалин қобиқ билан ўралган. Пояси ер остида жойлашган бўлиб, фақат гуллаётган пайтда ер устига чиқади. Гуллари 1—3 та, гулқўрғон баргчалари оқ, баъзан тўқ бинафша рангли, йўл-йўл чизиқли, наштарсимон, эгилган, узунлиги 15—30 мм, найчасидан уч баробар калта, чангчиси олтита, гулқўрғони асосига бирлашган. Барглари 3—8 та, қалами баргли, эни 4—10 мм, четлари силлиқ, баъзан сал дағал. Бойчечак йилнинг келишига ва жойнинг денгиз сатҳидан баландлигига қараб, турли вақтда — февралдан майгача гуллайди. Меваси март-июнь ойларыда пишади. Бойчечак чўл минтақасидан тоғ минтақасигача учрайди. У кўпинча бўз тупроқда яхши ўсади. Бойчечак баҳор элчиси. У эрта баҳорда кўкариб гуллагани учун ҳам, уни болалар узиб олиб уйларга кирадилар ва баҳор келганини хабар қиладилар.

ЧУЧМОМА (*Ixiolirion tataricum* (Pall.) Herb.) чучомагулдошлар оиласидан, бўйи 6—20 см га етадиган пиёзбошли кўп йиллик ўсимлик. Пиёзбоши тухумсимон, 1,5—2,5 см йўғонликда, қўнғир қобиқли, ер ости поясининг узунлиги 6—10 см. Барглари чўзинчақ лентасимон, эни 2—10 мм, асосидан учигача ингичкалашиб боради. Четлари ғадир-будур, асоси ҳошияли, поясини нов шаклида ўраб туради. Чучомома март ойида кўкаради. У дастлаб икки барг ҳосил қиласи, кейин қўшимча барглар чиқаради. Апрель-май ойларидаги гуллайди. Гуллари шингисимон, баъзан тарқоқ. Гулқўрғон барглари 6 та, бинафша рангли, узунлиги 2—3 см, тескари наштарсимон, ўтмас. Чангчиси 6 та, асоси бирлашган, меваси май-июль ойларыда пишади. Чучомома республикамизнинг ҳамма областларида ўсади. Унинг пиёзбоши ширин бўлиб, уни овқат сифатида истеъмол қилиш мумкин. Баҳор пайтида у қирларда кўм-кўк бўлиб гуллайди, лолақизғалдоқ билан қўшилиб, ўзига хос манзара ҳосил қиласи. Чучомомани негадир ҳалигача маданийлаштирилмаган. Уни мактаб ўқув-тажриба участкаларига экиб, қизиқарли маъ-



14- расм. Партақ.

кин. Партақ чўл шароитига мослашган, энг характерли ксерофит ўсимликдир. Унинг биологияси, гуллашидаги баъзи қизиқарли хусусиятлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Меваси июнь-июль ва август ойларида пишади. Ташқи томони юмaloқ тухумсимон, тукли, узунлиги 4—5 м.м. Партақ сершохлиги, шохчаларининг майда ва майнлиги туфайли пилла қурти пилла ўраш вактида кўп ишлатилади. Бу ўсимлик қумлоқ ва майда шағалли жойда кўп ўсади.

ЯЛТИРБОШ (*Bromus tectorum* L.) бошоқдошлар оиласидан, бўйи 20—30 см келадиган бир йиллик ўсимлик (15-расм). Пояси кам шохланган, юпқа тукчалар билан қопланган. Барги лентасимон, ўткир учли, четлари майда тишчали, асосида пояни нов шаклида ўраб олган. Ялтирбуш февраль ойида чиқади. Апрель ойида гуллайди. Гуллари оқ рангли, чангчиси бошоқ қипигидан чиқиб туради, сарғиш рангда. Май ойида уруғи лишади. У қилиқ билан ўралган. Меваси бошоқ ҳолида поянинг учки қисмида жойлашган. Банди узуи, бошоғининг учиди қилтиғи бор. Уруғининг устки қисми қипиқ билан ўралган. Уруғидан яхши унади. Ялтирбуш сернам йиллари кузда хам кўкаради. У асосан чорванинг тўйимли озиғи. Чорвадорлар баъзи йиллари ундан қишига кўп ҳашак тайёрлайдилар. Ялтир-

лумотлар олиш мумкин. Чучмоманинг ҳаёти (биологияси) ни ҳали тўлиқ ўрганилмаган деб ҳисоблаш мумкин. Айниқса, у умрида бир марта гуллайдими ёки ҳар йили гуллайдими? Бу ноаниқ, текшириш керак.

ПАРТАҚ (*Convolvulus hamadae* V. Petz.) печакгулдошлар оиласидан, бўйи 20—60 см га етадиган кўп йиллик ёввойи ўсимлик (14-расм). Пояси шохланган ҳамда ўз навбатида майда шохчаларга бўлинган бўлиб, учи тикансимон, ингичка. Барглари майда, поянинг остидаги барглари тўғри ланцетсимон, ўтмас, учки қисмидаги барглари жуда қисқарган, чўзинчақ, барг япрогининг четлари бутун. Партақ март-апрель ойларида кўкаради. Май-июнъ ва июль ойларида гуллайди, гуллари оқ рангда, узунлиги 8—10 м.м., карнайсимон. Ҳар 3—4 кунда 4—6 та гули очилади. Улар қуригач, янги ғунчалар гулга киради. Шунинг учун ҳам ёзнинг ҳар қандай иссиқ шароитида унинг поясида гулларнинг очилиб турганини кўриш мумкин.

Партақ чўл шароитига мослашган, энг характерли ксерофит ўсимликдир. Унинг биологияси, гуллашидаги баъзи қизиқарли хусусиятлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Меваси июнь-июль ва август ойларида пишади. Ташқи томони юмaloқ тухумсимон, тукли, узунлиги 4—5 м.м. Партақ сершохлиги, шохчаларининг майда ва майнлиги туфайли пилла қурти пилла ўраш вактида кўп ишлатилади. Бу ўсимлик қумлоқ ва майда шағалли жойда кўп ўсади.

ЯЛТИРБОШ (*Bromus tectorum* L.) бошоқдошлар оиласидан, бўйи 20—30 см келадиган бир йиллик ўсимлик (15-расм). Пояси кам шохланган, юпқа тукчалар билан қопланган. Барги лентасимон, ўткир учли, четлари майда тишчали, асосида пояни нов шаклида ўраб олган. Ялтирбуш февраль ойида чиқади. Апрель ойида гуллайди. Гуллари оқ рангли, чангчиси бошоқ қипигидан чиқиб туради, сарғиш рангда. Май ойида уруғи лишади. У қилиқ билан ўралган. Меваси бошоқ ҳолида поянинг учки қисмида жойлашган. Банди узуи, бошоғининг учиди қилтиғи бор. Уруғининг устки қисми қипиқ билан ўралган. Уруғидан яхши унади. Ялтирбуш сернам йиллари кузда хам кўкаради. У асосан чорванинг тўйимли озиғи. Чорвадорлар баъзи йиллари ундан қишига кўп ҳашак тайёрлайдилар. Ялтир-

бөші попук илдизли ўсимлик бўлиб, илдизи ерга унча чуқур кирмайди. Пастки чўл ўсимликларининг башзилари юқори чўлда ҳам, юқори чўлдагилари эса пастки чўлда ҳам ўсиши мумкинлигини эътиборга олиб, пастки ва юқори чўлнинг айрим характерли ўсимликларини З-жадвалда келтирамиз.

ЎСИМЛИКЛАР ҚОПЛАМИ

Ўсимликлар дунёсинни геоботаник нуқтаи назаридан текширганда қўйидаги таксономик бирликлар асосида ўрганилади:

Тип

Формация

Ассоциация

Тип (грекча типос — из, қиёфа) ўсимлик ва ҳайвон системасидаги энг йирик категориядир. Ўлкамиздаги ўсимликлар қопламини таърифлаганда аввало унинг қайси типга мансуб эканлиги аниқланади.

Тип жуда катта ўсимликлар қопламини ўз ичига олади. Баъзан биргина чўл, адир ёки тоғнинг бир қисми ўрганилаётганда унинг ўсимликлари Зёки 5 типдан иборат бўлиши мумкин. Масалан, адир минтақасининг бир участкасида шундай типлар бўлиши мумкин: эфемер ўсимликлар, қурғоқ — бута ўсимликлари, ҳар хил ўтли — қуруқ буғдоийқли ўсимликлар ва бошқалар. Типларнинг асосий белгиси ўсимликлар қопламида кўп тарқалган ўсимлик турлари билан аниқланади. Типлар ўз навбатида бир нечта формациялардан ташкил топган.

Формация (латинча формацио — ҳосил бўлиш, шаклланиш) ўсимликлар оламида таксономик категория бўлиб, у доминант турлари билан бир-бирига ўхшаш бўлган ассоциациялар йиғиндиқсидан иборат. Формация бир ёки бир нечта ассоциацияни ўз ичига олади. Текширилаётганда аввало қайси тип эканлиги аниқланади. Сўнгра уни формацияларга бўлиш мумкин. Формация бир-бирига ўхшаш доминант (устунлик қилувчи турлар) ўсимликлар йиғиндиқсидан иборат. Масалан, ҳар хил ўтли — рангзор, шувоқли-ғалазор, шувоқли-буғдоийқзор, рангли янтоқзор каби формациялар.

Ўсимлик ассоциацияси (латинча ассоциацио сўзидан олинган бўлиб, бирлашиш, жамоа деган маънони билдиради) деб



15. расм. Ялтирибуш.

Чүл миңтақасыда энг күп үседиган ўсимликлар

№	Маҳаллий номи	Илмий номи	Оиласи	Гуллаш даври
1	2	3	4	5
Бута вачала буталар				
1	Жингил (юлгув)	<i>Tamarix hispida</i>	Юлғундошлар	Июль — октябрь
2	Кермакжусан	<i>Artemisia santolina</i>	Мұракабгулдошлар	Сентябрь — октябрь
3	Құкпек	<i>Atriplex cana</i>	Шұрадошлар	Июль
4	Норжузғұн	<i>Calligonum eriopodium</i>	Торондошлар	Апрель — май
5	Оқбояныш	<i>Salsola arbusculiformis</i>	Шұрадошлар	Июнь — июль
6	Оқжузғон	<i>Calligonum junceum</i>	Торондошлар	Апрель — май
7	Оқшұра	<i>Suaeda microphylla</i>	Шұрадошлар	Июнь — июль
8	Оқялмонқулоқ	<i>Atriplex vorrucifera</i>	Дүккәндошлар	Июнь — июль
9	Патлоқ	<i>Smirnovia turkestanica</i>		Апрель — май
10	Түкли қүенсүяк	<i>Ammodendron karelini</i>		Май
11	Чұластрагал	<i>Astragalus ammodendron</i>		Май — июнь
12	Чүлқараған	<i>Caragana grandiflora</i>		Май
13	Шохилак	<i>Kalidium caspicum</i>	Шұрадошлар	Июль
14	Эрмон	<i>Artemisia absinthium</i>	Мұракабгулдошлар	Сентябрь
15	Әчкінчак	<i>Astragalus unifoliolatus</i>	Дүккәндошлар	Апрель — июнь
16	Қорабарқит	<i>Suaeda physophora</i>	Шұрадошлар	Июнь — июль
17	Қоражувсан	<i>Artemisia turanica</i>	Мұракабгулдошлар	Сентябрь
18	Қорашувоқ	<i>A. racemosa</i>	—«—	Сентябрь
Күп ииллик ўсимликлар				
1	Архарбиңорғун	<i>Arthropodium Lehmannianum</i>	Шұрадошлар	Июнь — июль
2	Бетагабұз	<i>Stepa lessingiana</i>	Бошоқдошлар	Апрель — май
3	Бүрітікан	<i>Acanthophyllum korolkovi</i>	Чиннигулдошлар	Май — июнь
4	Бұлдуруқұт	<i>Alisma plantago-agatica</i>	Алисмадошлар	Май — июнь
5	Бүйимадоранұт	<i>Achillea santolina</i>	Мұракабгулдошлар	Май — июль
6	Бүгдойнқамыш	<i>Calamagrostis pubia</i>	Бошоқдошлар	Июнь — июль

№	1	2
7	Биоргун	<i>Anabasis salsa</i>
8	Жайронүт	<i>Frankenia hersuta</i>
9	Жавқосин	<i>Tulipa lemanniana</i>
10	Илончұп	<i>Cistanche salsa</i>
11	Кермак	<i>Limonium meyeri</i>
12	Мавзолей	<i>Asparagus turkestanicus</i>
13	Мингтомир	<i>Sagittaria trifolia</i>
14	Найзабарг	<i>Aristida karelinii</i>
15	Норселин	<i>Ranunculus severtzovii</i>
16	Олмосүт	<i>Allium caspium</i>
17	Оташак пиәз	<i>Karelinia caspia</i>
18	Оқбош	<i>Goebelia alopecuroides</i>
19	Оқмия	<i>Convolvulus erinaceus</i>
20	Оқтикан	<i>Acanthophyllum elatum</i>
21	Оқпечак	<i>Convolvulus divaricatus</i>
22	Оқкурт	<i>Merendera robusta</i>
23	Савринжон	<i>Dorema sabulosum</i>
24	Сассиққұрай	<i>Bromus inermis</i>
25	Сувбуғдойык	<i>Butomus umbellatus</i>
26	Сувпиәз	<i>Bryonia melanocarpa</i>
27	Сирттан	<i>Elymus giganteus</i>
28	Сұлибуш	<i>Salsola demascens</i>
29	Татир	<i>Nanophyton erinaceum</i>
30	Тошибиорғун	<i>Zygophyllum atriplicoides</i>
31	Тұяттовон	<i>Stipa capillata</i>
32	Чалов	<i>Heliotropium arguzioides</i>
33	Чойчұп	<i>Eminium sehmanii</i>
34	Чүлкучала	<i>Rheum tataricum</i>
35	Чүлчукри	<i>Alhagi persarum</i>
36	Шакарянтоқ	<i>Ceratophyllum submersum</i>
37	Шохбарг	<i>Aeluropus litoralis</i>
38	Шұражкиң	

Шўрадошлар
 Франкениядошлар
 Пиёзгулдошлар
 Соябонгулдошлар
 Кермакдошлар
 Мураккабгулдошлар
 Пиёзгулдошлар
 Алисмадошлар
 Бошоқдошлар
 Айнқтовондошлар
 Пиёзгулдошлар
 Мураккабгулдошлар
 Дўккақдошлар
 Печакгулдошлар
 Чиннигулдошлар
 Печакгулдошлар
 Пиёзгулдошлар
 Соябонгулдошлар
 Бошоқдошлар
 Сувпиёздошлар
 Ковоқдошлар
 Бошоқдошлар
 Шўрадошлар

Туятовондошлар
 Бошоқдошлар
 Гавзабонгулдошлар
 Кучаладошлар
 Торондошлар
 Дўккақдошлар
 Шоҳбаргдошлар
 Бошоқдошлар

Апрель — май
 Май — июнь
 Апрель — май
 Апрель
 Июнь — октябрь
 Апрель
 Май
 Июнь — июль
 Июнь — июль
 Апрель — май
 Апрель — май
 Июнь — июль
 Апрель — май
 Май — июнь
 Июль — август
 Май — июнь
 Март — апрель
 Апрель
 Июнь
 Май — июль
 Май — июнь
 Май — июнь
 Июнь — июль
 Июль
 Апрель
 Май — июнь
 Апрель — май
 Апрель — май
 Апрель — май
 Июль — сентябрь
 Июнь — июль
 Июль — август

1	2	3
39	Шүрбұта	<i>Salsola dendroides</i>
40	Қорақұға	<i>Schoenoplectus tabernaemontani</i>
41	Қизилқиёқ	<i>Imperata cylindrica</i>
42	Құзингул	<i>Gagea stipitata</i>
43	Құмлиәз	<i>Allium sabulosum</i>
44	Құмәркак	<i>Agropyron desertorum</i>
45	Құланқуйруқ	<i>Eremosparton aphyllum</i>
Бириллик ўси		
1	Ачынқұт	<i>Chrozophora sabulosa</i>
2	Бабуна	<i>Matricaria lamellata</i>
3	Бұзчұп	<i>Secale silvestris</i>
4	Гүлтикан	<i>Cousinia minuta</i>
5	Мовигул	<i>Lappula semiglabra</i>
6	Момақалдирмоқ	<i>Alyssum desertorum</i>
7	Мушуктириң	<i>Astragalus corrugatus</i>
8	Мушукқүйруқ	<i>Psylliostachys leptostachya</i>
9	Найзақора	<i>Salsola foliosa</i>
10	Олабута	<i>Atriplex tatarica</i>
11	Оташак	<i>Ceratoccephalus falcatus</i>
12	Оқчытир	<i>Chorispora tenella</i>
13	Ошиңқұт	<i>Chrozophora obliqua</i>
14	Ачамбити, жағ-жағ	<i>Capasella bursa-pastoris</i>
15	Пошмак	<i>Salsola leptoclada</i>
16	Сарықыра	<i>Cuminum syminum</i>
17	Сорған	<i>Girgensohnia oppositiflora</i>
18	Сертуқбалықкүз	<i>Salsola lanata</i>
19	Сета	<i>S. sclerantha</i>
20	Тасмақұп	<i>Delphinium camptocarpum</i>
21	Тұкснебалиқкүз	<i>Salcolia transoxana</i>

Шұрадошлар
Хилолдошлар
Бошоқдошлар
Пиәзгүлдошлар
— « —
Бошоқдошлар
Дуккакдошлар

м ли к л а р

Сутламадошлар
Мураккабгулдошлар
Бошоқдошлар
Мураккабгулдошлар
Говзабонгулдошлар
Крестгүлдошлар
Дүккакдошлар
Кермакдошлар
Шұрадошлар
— « —

Айнқтовондошлар
Крестгүлдошлар
Сутламадошлар
Крестгүлдошлар
Шұрадошлар
Соябонгулдошлар
Шұрадошлар
— « —

Айнқтовондошлар
Шұрадошлар

Июль — август
Июль — август
Апрель — май
Март — апрель
Май — июнь
Май — июнь
Август — сентябрь

Апрель — июнь
Апрель — май
Май — июнь
Апрель — май
Апрель — май
Апрель — май
Апрель
Апрель — май
Август
Июль — август
Март — апрель
Март — апрель
Апрель — июнь
Апрель — май
Июль — август
Апрель
Июнь — июль
Июль — август
Июль — август
Май — июнь
Июль — август

1	2	3
22	Түргайyt	<i>Petrosimonia sibirica</i>
23	Түргайчүп	<i>Salsola brachiata</i>
24	Тяқорин	<i>S. paulsenii</i>
25	Тячангал	<i>S. pestifer</i>
26	Учма	<i>Ceratocephalus orthoceras</i>
27	Хипекоум	<i>Hypecoum parviflorum</i>
28	Хамизице	<i>Chamoesycce turkomanica</i>
29	Харидандов	<i>Halimocnemis villosa</i>
30	Холостеум	<i>Holosteum umbellatum</i>
31	Читирүт	<i>Malcolmia hispida</i>
32	Шокила	<i>Acorellis pannonicus</i>
33	Егликкора	<i>Leptaleum fillifolium</i>
34	Қорақыз	<i>Cousinia tenella</i>
35	Қорабаргүт	<i>Suaeda heterophylla</i>
36	Қизилчүп	<i>Spirorrhynchus sabulosus</i>
37	Қизилшұра	<i>Echinopsilorus hyssopifolium</i>
38	Құмтариқ	<i>Corispermum lehmannianum</i>
39	Құмбоқ	<i>Salsola collina</i>
40	Құмиспарак	<i>Silena nana</i>
41	Қүёнжун	<i>Halocharis hispida</i>
42	Қүшоеқ	<i>Koelpinia linearis</i>
43	Фозүти	<i>Crypsis aculeata</i>

4

5

—«—	Июнь
—«—	Июль — август
—«—	Июль — август
—«—	Июнь — июль
Айиқтовондошлар	Март — апрель
Күкнордошлар	Март — апрель
Сутламадошлар	Май
Шұрадошлар	Июнь — июль
Чиннигүлдошлар	Июнь — июль
Крестгүлдошлар	Апрель — май
Ҳилолдошлар	Июль — август
Крестгүлдошлар	Март — июнь
Мұраккабгүлдошлар	Апрель — май
Шұрадошлар	Июль — август
Крестгүлдошлар	Апрель — июнь
Шұрадошлар	Июль — август
—«—	Май — июль
—«—	Июль — август
Чиннигүлдошлар	Апрель — май
Шұрадошлар	Июнь
Мұраккабгүлдошлар	Апрель — май
Бошоқдошлар	Июнь — июль

муайян шароитда бир қанча турларга оид ўсимликларнинг қавм бўлиб ўсишига айтилади.

Ассоциация — ўсимликлар системасидаги энг кичик таксономик бирлик бўлиб, ўсимликлар қавми, биргалашиб ўсуви ўсимликларнинг табиий гуруҳларини тузилишига қараб тартиба солинади ва уларни ўрганишда кўп қўлланиладиган муҳим бирлиkdir. Бу бирлик ўзига хос турлар, тузилиш ҳамда муҳит билан таърифланади.

Ассоциация умумий белгиларини икки гуруҳга бўлиш мумкин: биринчи гуруҳдаги ўсимликларнинг хусусиятлари ва турнинг ассоциациядаги ролини кўрсатади, яъни табиий гуруҳларнинг роли, ҳар хил ўсимликлар гуруҳлари билан боғлиқ бўлган ирсий мустаҳкам турларда акс этиши, турнинг миқдори, учраши, устунлик қилувчи турлари, жойланиш характери, яшовчаник белгилари эътиборга олинади. Иккинчи гуруҳдаги асосий белгилари — ўсимлик гуруҳларининг ҳолати ва тузилиши ҳамда уларнинг бошқа гуруҳларга алоқаси (боғланиши) ҳисобга олинади. Бу эса ўсимликларнинг поғонали жойлашиши (учраши), табиий зичлиги, умумий кўриниши ва фарқланиши билан таърифланади. Улкамиздаги барча ўсимликлар қоплами ассоциацияларга бўлиб ўрганилади. Масалан, мактаб атрофидаги ёки истаган бошқа бир жойнинг ўсимликларини экскурсияга чиқсан вақтда (ёки бошқа пайтларда) ўрганиш учун уни қайси ассоциацияга мансуб эканлигини аниқлаш керак. Ассоциацияларда ўсимликлар қопламининг ҳамма белгилари ҳисобга олинади. У қуйидаги маҳсус бланкага ёзилади.

Ўсимликлар қоплами ёзиладиган босма иш қоғози

- | | |
|--|----------------------|
| 1. Текширувчи | (иомни ва фамилияси) |
| 2. Участка ҳажми | _____ |
| 3. Ўсимликлар гуруҳи | _____ |
| 4. Географик пункт | _____ |
| 5. Текширилаётган жой топографияси | _____ |
| 6. Денгиз сатҳидан баландлиги | _____ |
| 7. Тупроққа қисқача таъриф | _____ |
| 8. Ўсимликларнинг ландшафти | _____ |
| 9. Ўша жойдаги ўсимликлар ландшафтининг ҳолати | _____ |
| 10. Жойлашиши | _____ |
| 11. Ер бетининг ўсимликлар билан қопланиш % и | _____ |
| 12. Ўсимлик турларининг рўйхати | _____ |

Үсімлиқларшың номи және гербарий варалынның рақами	Бейни, см жисебиди	Күз билан ча- малғындағи тахминнің зич- лигі	Тарқалиши	Хөдөттій жолатын	Вегата- цияны	Гулла- шын

Бунда күз билан тахминан үсімликнинг зичлигини; оз ёки күплигини Друденинг 7 баллы системасига асосланиб аниқлаш мүмкін. Буни үқитувчиларнинг ўzlари ўша жойдаги үсімликтарнинг тифиз ёки сийраклигига қараб, сийрак, жуда сийрак, ўртача, күп, жуда күп, тифиз каби сўзлар билан белгилашлари керак.

13. Мұхим мұлоқазалар (шу жойдаги үсімликтарнинг қай жолатда эканлиғи, мол еган-емаганлиғи, одамлар таъсири ва бошқалар). Ассоциацияга мисол қылғы: ранг — ҳар хил ўтлар, ранг — бўйчан бошоқли ўтлар, эфемер — янтоқлар, қылтиқ — қўзиқулоқлар ассоциацияларини кўрсатиш мүмкін. Ана шу юқоридаги таксономик бирліклар асосида үсімликтар қоплами ўрганилади. Биз бу ерда ўлкамиз үқитувчиларига ва табиатшуносларига осон ҳамда тушунарли бўлсин учун тип охирига «лари», формация охирига «зор» ва ассоциация охирига «лар» сўзини қўшиб ёзиш ва айтишни тавсия этдик. Масалан, эфемер үсімликлар типи, шувоқли — ғаллазор формацияси, эфемер — янтоқлар ассоциацияси ва ҳоказо.

ҮСИМЛИКЛАР ҚОПЛАМИНИНГ ҮЗГАРИШИ (АЛМАШИНИШИ)

Чўл поясида жойлашган үсімликлар қопламига бир назар ташлаганда, қизиқ ҳодисани кўриш мүмкін. Айниқса, юқори чўлда бу ҳол янада аниқроқ кўринади. Агар тифиз шувоқзор орасидан бир оз юрсангиз, бирдан янтоқзорга чиқиб қоласиз, янтоқзорда анча юргач, у тугаб, каррак билан қопланган катта майдонга чиқиб қолганингизни ўзингиз билмай қоласиз. Бу ҳол, яъни бир үсімликлар қопламишининг иккинчи үсімликлар қоплами билан навбатлашуви үсімликтарнинг алмашиниши дейилади. Геоботаник изланишлар шуни кўрсатдики, үсімликлар қопламишининг үзгаришида вақт ва масофа асосий роль ўйнайди. Ўлкамиздаги үсімликтарнинг ҳозирги табиий қопламлари камида 100 ва ундан ортиқ йилларнинг маҳсулидир. Үсімликлар қопламишининг алмашинишида вақтнинг роли каттадир. Вақт ўтиши билан үсімликлар қоплами турли сабабларга кўра үзгаради. Бундай сабабларга, биринчидан, йил фаслларida об-ҳавонинг үзгариши, иккинчидан, ўша жой учун энг характерли бўлган үсімликтарнинг ривожланиши, учинчидан, иқлим шароитининг муттасил үзгариб туришига борлиқ. Үсімликлар қопламини алмашиниши вақтга боғлиқ: айтайлик 50×50 м ёки ундан каттароқ майдонда үсадиган

ўсимликларни олиб у ерда эфемер ва эфемероид ўсимлик ҳамда асосий эдификатор бўлган шувоқ (ёки бошқа ўсимликлар) билан қопланган бўлсин. Агар айнан шу майдон ўсимлигини 30—50 йилдан кейин қайта ўрганиб текширсак, у ерда аввалги ўсимликларнинг бир неча тури ўрнида ялтирибош, ранг, қўнғирбош, каррак, қирқасоч кабиларнинг ўсаётганлигини кўриш мумкин. Орадан яна шунча, балки ундан ҳам кўпроқ вақт ўтгач, шу ерни яна тақрор текширсангиз аввалги ўсимликларнинг бир нечаси ўрнига нўхатак, читир, ҷалов, янтоқ, бир неча чала бута ва буталарнинг ўсиб ётганлигини кўришингиз мумкин. Хўш бир майдонда вақт ўтиши билан ўсимликлар қопламишининг бундай ўзгариб алманишига сабаб нима дерсиз? Бунинг сабаби жуда кўп. Бу табиий таъсирот, йил фасллари нинг ўзгариши ҳамда ташқи таъсирлар (мол боқиш, ерни ҳайдаш, ёғин, сел ювиш кабилар) натижасидир. Агар унга ҳеч қандай куч таъсир этмаса, у жуда кўп вақт ўз ҳолатини сақлаб туриши мумкин. Лекин табиатда доимо ривожланиш мавжуд бўлиб, у қарама-қаршиликлар қонунига асослангандир; узоқ йиллар ўтиши билан бу ерда чала бута, бута ёки эфемероид ёки бошқа бир ўсимлиknинг уруғи учун шароит содир бўлиши натижасида униб кўпайиши мумкин. Ўсимликлар қоплами вақт ўтиши билан алманиши шу ерда ўсадиган ўсимликларнинг биологик хусусиятига, бошқа ўсимликлар билан қарши курашиш фаолиятига (ердаги намни, озиқ моддаларни ўзлаштиришга) ва қатор бошқа омилларга боғлиқ. Бунда қайси ўсимлик шароитга тез мослашса, у ўша жойнинг асосий хўжайини бўлиб, бошқа ўсимликларни қуриб қолишига сабабчи бўлади. Масалан, янтоқ билан шувоқ ҳеч вақт бирга ўсмайди. Янтоқ ўсган жойда шувоқ ўсмайди. Бу ерда асосий ўсимлик эдификатори янтоқдир. Унинг илдизи ер ости сувига тегиб туради. Ў ҳар қандай шароитда ҳам ўса олади. Натижада янтоқ билан қопланган майдонда шувоқ бутунлай ўсмайди, бор бўлса ҳам жуда кичик, нимжон тупларинигина учратиш мумкин. Бу ҳам ё ўлиб бораётган ёки баъзи сабабларга кўра келиб қолган шувоқ уруғининг вақтинча ўсаётган типи бўлиши мумкин. Вакт ўтиши билан ўсимликлар қопламишининг алманишида йил фаслларидаги об-ҳавонинг ўзгариши ҳам катта таъсир қиласи. Баъзи серёғин йиллар ўсимликлар баланд бўйли, серҳосил бўлиб, кўп мевалайди. Натижада бундай йиллари унинг уруғи ўша жойга ва атрофларга тарқалиб, ўсимликлар қопламишининг асосий қисмини ташкил қилиб боради. Қам ёғин йиллари эса унинг акси бўлади. Ана шундай қурғоқчил ҳолат бир неча йил тақрорланса, ўсимликлар уруғ — мева бермайди, атрофга тарқала олмайди, ўзи ҳам қурғоқчилликка чидаш бера олмайди ва бора-бора қуриши, ўрнини қурғоқчилликка чиdamли бошқа ўсимликларга бўшатиб бериши мумкин. Вакт ўтиши билан ўсимликлар қопламишининг алманишида бундай табиий факторлардан ташқари турли таъсиротларнинг роли

ҳам каттадир. Бунга одамнинг, ҳайвонларнинг ва табиий оғатнинг таъсирида ўзгариб бориши мисол бўла олади. Ўсимликлар қопламишининг алмашинишида табиий рельеф, тупроқ асосий ролни ўйнайди. Маълумки, қум тупроқли ерда иссиққа чидамли шу шароитга мослашган ўсимлик ўсади. Чўлнинг бундай қисмида энг аввал саксовуллар билан қопланган майдонни учратиш мумкин. Қум билан қопланган ерлар маълум жойгача боргач, у тугаб ўрнига гипс ёки соз тупроқли ерлар бошланади. Демак, саксовулзорлар тугаб, унинг ўрнига шу рельефда, шу тупроққа мослашган янтоқ ёки шувоқ билан қопланган майдонни кўриш мумкин. Табиий рельеф тошлоқ, қумлоқ, шагалли бўлса, улар бир-биридан фарқ қиласди. Тошлоқ ерлар тез исийди ва иссиқликни атрофга — ўсимликлар қопламига тарқатади. Қумлоқ ер ҳам кучли исийди. Унинг ҳавоси қуруқ бўлади. Қумтупроқнинг исиши анча ичкаригача боради. Бу иссиқлик ва қуруқ ҳаво ўша жойда ўсадиган ўсимликлар дунёсига катта таъсири кўрсатади. Шунинг учун ҳам ўсимликлар қопламишининг алмашинишида рельеф ва тупроқнинг роли каттадир. Ўсимликлар қоплами алмашинишида одамнинг таъсири ҳам каттадир. Инесон баъзан ўзи учун фойдали, лекин табиат учун зарарли ишларни ҳам қиласди. Бу кўпинча тушунмасликтан ёки тушуниб қилинади.

Академик Қ. З. Зокиров ўзининг «Ўсимликлар қопламишининг ўзгаришида одамнинг роли» деган мақоласида бу ҳақда шундай ёзади: «Ўрмитон қишлоғида 400 дан ортиқ аҳоли яшайди. Уларнинг ҳамма иморатлари арча дараҳтидан қилинган. Ўйларнинг яқинидаги тоғ тепаликларида бутунлай дараҳт йўқ. Худди шунингдек, Кант ва Пинхон қишлоқлари атрофи ҳам бўм-бўш. Ҳақиқатда у ерларда бир вақтлар қалин дараҳтлар бўлган ва буни исботловчи далиллар бор». Қишилар онгли равишда кўпгина жойларга турли хил экинлар, дараҳтлар экиб, ўша жойнинг ўсимликлар қопламини ўзгартиради. Масалан, катта майдонларда арпа, буғдой экиб, у ерларни ўзлаштиради. Сувсиз чўлларга турли иссиқка чидамли ўтлар, ем-харакат бўладиган чўғон, қандим, кейреук ёки иҳота дараҳтлари, қора саксовуллар экиб, ўзлаштириб, у ерларни серўт, серҳосил қиласди. Натижада бу жойларда ҳам янги тур ўсимликлар ўсиб, улар қопламида янги ўзгаришлар юз беради. Республикамиз территориясида бу ҳолни кўп учратиш мумкин. Қишилар янги ерлар очиш, деҳқончилик қилиш учун қанчадан-қанча фойдали ўсимликларни синдириб, йўқ қилиб юборган. Масалан, қуёнсуяк бундан 20—30 йил илгари чўлда жуда кўп ўсарди. Эндиликда уни излаб зўрга топиш мумкин (қуёнсуяк ёкиш, қамчин даста, халачўп ва ҳасса қилиш учун аёвсиз синдириб юборилган). Масалан, саксовул яқингача қалин ўрмени ҳосил қилас эди. Чўлга қадам қўйишингиз билан чўлнинг иссиғига, шамолига бардош бериб, ё кўкариб ётган саксовулзорни кўрардингиз. Энди-чи? Камида чўлнинг 40—50 км ич-

карисига кириб бормагунча, қалин саксовулзорни учратиш қийин. Чүлнинг кўлгина жойида саксовуллар сийрак бўлиб, ҳар 100—150 м да 1—2 тупуни учратиш мумкин. Бувдай бўлишига сабаб, ёкиш учун саксовулни аёвсиз синдириб келинишидир. Илдизи билан суғуриб олинган саксовул қайта кўкармайди. Синдирилган саксовул ўрнига уруғидан экиб кўкартириш ва аввалги ҳолига келтириш учун камида 10—15 йил керак. Ўша жойга саксовул уруғи экилса, маълум вақтдан кейин ўрнини тўлдириш мумкин, экилмаса у ерда бошқа ўсимликлар ўсиб, янги ўсимлик қоплами ҳосил бўлади. Демак, бир вақтлар саксовул билан қопланган жойда бошқа ўсимликларнинг ўсишига кишилар сабабчи бўлган.

Ўзбекистон территорияси турли-туман ўсимликларга бой ўлка. Ана шу ўсимликларнинг баъзилари кишилар таъсирида йўқолиб кетган. Фақат уларнинг кўп ўсанлигини ҳозирги сақланиб қолган номлардан ҳам билиш мумкин. Маълумки, бир жойни номлашда унинг ўзига хос, ҳаммага таниш бўлган хусусияти ҳисобга олиниб, кейин номланади. Худди шундай номлардан: анжирли, пистали тоғ, олмазор, ёнғоқли қишлоқ, толпалак қовунча ва бошқаларни эслатиш мумкин. Афсуски, ана шу жойлар ҳозир исми-жисмига монанд эмас. Пистали тоққа чиқсангиз писта дараҳтидан бирорта ҳам учратади олмайсиз. Ҳақиқатан номидан маълумки, бу жойлар илгари пистазор бўлган. Бу дараҳтлар турли сабабларга кўра (ёкиш, иморатга ишлатиш, ер очиш учун қирқилиб) йўқолиб кетган. Натижада, йиллар ўтиши билан у ерларда бошқа ўсимликлар ўсиб, ўсимликлар қоплами алмашинган. Шу нарса аниқланганки, Қурота тоғлари бир вақтлар арча билан қалин қопланган. Эндиликда эса улар бутунлай йўқолиб, фақат З туп арча сақланиб қолган. Тоғдаги арча дараҳтлари узоқ муддат синдирилган, ёнгин туфайли куйиб кетган, нотўғри фойдаланиш нтижасида камайиб борган ва йиллар ўтиши билан йўқолиб кетган. Эндиликда уларнинг ўринида бошқа ўсимликлар кўкариб, янги ўсимликлар қоплами ҳосил бўлган. Ўсимликлар қопламиининг алмашинишида кишилар экиш учун табиий ўсимликларни ҳайдаб юбориб, ўрнига маданийларини экадилар. Натижада ўша участкада ўсимликлар қоплами алмашинали. Масалан, шувоқ билан қопланган майдонни бузиб арпа, буғдој ёки бошқа экин экса, у ерда янги ўсимлик қоплами ҳосил бўлади. Кишилар бу жойдан 6—7 йил фойдалангач, кейин ташлаб қўйиб, у ерга экин экишмайди. Энди бу ерда бошқа ўсимликлар — қўнғирбош, раңг, читир, каррак ёки бошқа ўсимликларнинг уруғи турли сабабларга (кўпинча шамол ёрдамида) кўра келиб тушса, у ерда униб, янги ўсимлик қопламиини ҳосил қиласди. Ўсимликлар қопламиининг алмашиниб туришида қушлар ва бошқа хил ҳайвонларнинг (айниқса чорва молларнинг) ҳам роли катта. Қушлар тоғ минтақасидаги баъзи ўсимликлар мевасини, донини еб, чўл минтақаларига ўз гўнгини ташлайди.

Натижада, бу жойда шу ўсимлик күкариб уруғлайды, атрофга уруғини тарқатып, аста-секин күпаяди. Йиллар ўтиши билан у чүл миңтақасыда янги ўсимлик қопламини ҳосил қилиши мүмкін. Ҳайвонларнинг роли яна шундаки, улар юриб ўтлаганда пиштан ўсимликларнинг уруғини ҳам ейди ёки баъзи ўсимликларнинг меваси илмоқли бўлиб, улар қўй-эчкиларнинг жунига ёпишиб, узоқ масофаларга ҳам тарқала олади. Натижада, янги шароитга тушган ўсимлик уруғи униб, ўша жойда ўсади ва уруғлайди ҳамда уруғини атрофга тарқатади. Янги жойга яхши мослашса, у ерда кўкариб йил сайин кўпаяди, атрофдаги бошқа ўтларни сиқиб чиқаради. Натижада ўша жойда ўсимликларнинг янги қопламлари ҳосил бўлади. Баъзи табиий ўсимликларнинг уруғи қалин пўст билан қопланган бўлиб, уларга бирор таъсир бўлмаса, унинг уруғи униб чиқмайди. Масалан, янтоқ уруғи ана шундай қалин пўст билан қопланган. У уруғидан жуда қийин кўпаяди. Янтоқни уруғдан кўпайтириш учун уни аввал иссиқ сувга 1—2 кун солиб қўйиб, кейин экилса, яхши унади. Янтоқ уруғини ундиришда иккинчи осон йўл, у фарқ пишган пайтда янтоқзорга қўйларни ҳайдаб юбориш керак. Қўйлар янтоқ уруғини ейди. Янтоқ еган қўйларнинг гўнгини истаган жойга олиб бориб тўксангиз, янтоқ тўлиқ униб чиқади. Бунинг боиси янтоқ уруғининг қалин пўсти қўйнинг ошқозонига тушгач, ундаги турли фермент ва кислоталар таъсирида юмшаб, уруғнинг униб чиқиши учун имкон яратади. Бошқа ўсимликларда ҳам шундай ҳодиса бўлиши мүмкін. Натижада ўсимликларни бир жойдан иккинчи жойга тарқалишида ҳайвонларнинг хизмати қаттадир. Янги шароитга тушган ўсимлик шу жойга мослашса, ўсиб ривожланади. Йиллар ўтиши билан бу ерда янги ўсимликлар қоплами ҳосил бўлади. Ўсимликлар қоплами алмашинишида ҳайвонларнинг ина бир таъсири шундаки, моллар баъзи жойларда кўп боқиласа, кўп юрса, у ернинг ўтини босиб пайҳон қиласди. Борди-ю, бу ҳол кўп йил такрорланса, у ердаги энг характерли ўсимлик йўқолиб, ўрнига бошқа ўсимлик ўсиши мүмкін. Масалан, қўра ва қудуқларнинг атрофида қўй подаларининг кўп юриши натижасида уларнинг туёғи билан у ердаги ем-хашак ўтлари: шувоқ, каррак, қўнғирбosh кабилар пайҳон қилиниб, кескин камайиб, ўрнига исириқ кўкаради. Исириқ азотга, аммиакка бой тупроқда яхши ўсади. Бу жойда тез кўкариб, яхши уруғлайди. Қўра ва қудуқлар атрофи қўй қийиги (гўнгга) — аммиакка бойдир. Шу сабабли ҳам исириқ қўра ва қудуқлар атрофида зич ўсади. Ҳатто баъзи эски овул, эски қўра ва қудуқлар атрофида 5—6 км гача зич исириқ ўсади. Қўралардан узоқлашган сари исириқ сийраклашиб боради. Чунки азотга, аммиакка бой тупроқ камая боради. Шу сабабдан кексалар «чўлда қолиб адашганингда, исириққа дуч келсанг, у сийрак томонга қараб эмас, тифиз томонга қараб юр, албатта яқин орада қўра ёки овулга келиб чиқасан» деб бежиз айтмаган. Чўл ҳатто

адир поясида ҳам исириқ билан қолланган бундай жойларни күп учратиш мумкин. Яйловларда, құра, қудук ва овулларда молларнинг плансиз жойлаштирилиши, у ернинг ўсимликлар қоплами ўзгаришига катта таъсир қилас экан. Ўсимликлар қоплами алмашинишида табиий факторлардан шамол, сувнинг ҳам роли катта. Шамол ёрдамида күргина ўсимликларнинг уруғи узоқ-узоқ масофаларгача тарқала олади. Күргина ўсимликлар уруғи шамол ёрдамида тарқалишга жуда мослашган. Масалан, қоқиёт, зубтурум, саксовул, чўғон ва бошқалар. Қулагай шароитга тушган ўсимлик уруғи у ерда тез унади. Биз қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлдик. Нурота районининг юқори чўлида шувоқ билан қолланган участкани текширдик. Шу нарса аниқландики, бу ернинг ўсимликлар қоплами шувоқ-қирқасочлардан иборат экан. Трансект¹ методи (20×5 м) билан ўсимликларни текширганда, у ерда шувоқнинг қуриётган туплари кўп эканлигини, ёш шувоқлар тупларининг камлигини, қирқасоч, айниқса ёш тупларининг жуда кўплигини кузатдик. Бундан шундай хulosага келдикки, ўсимликлар қопламидаги шувоқ ўрнига қирқасоч ўсимлиги кўпроқ учрай бошлаган экан. 3—4 йилдан кейин у ерда шувоқ умуман ўスマй қўйиши мумкин, чунки қирқасоч чим ҳосил қилиб ўсуви ўсимлик бўлиб, у тупроқнинг намини, ундаги озиқ моддаларни ўзига тез шимиб, тортиб олади. Шувоқ ҳамда қирқасоч биргаликда ўстанда қирқасоч устунлик қиласди. Натижада, шувоқли ўсимликлар қопламини қирқасочли ўсимликлар қоплами эгаллайди. Ўсимликлар қопламининг алмашиниши фақат чўл минтақасидагина эмас, балки адир, тоғ ва яйлов минтақасида ҳам доим содир бўлади. Биз фақат чўл зонаси мисолида буни тушунтиридик холос. Шу сабабли мактаб биология ўқитувчилари, аввало ўз мактабларини қайси минтақада жойлашганини яхши билиб олишлари керак. Ўсимликларнинг алмашинишини ҳар бир ўқитувчи ўз мактаб шароити асосида ўрганиб, текшириб, аниқлаб, кейин ўқувчиларга гапириб берса, мақсадга мувофиқ бўлади. Сиз мактабингиз атрофидаги ўсимликлар қоплами алмашинишини ўрганмоқчи бўлсангиз, баҳорда, ўсимликлар тўлиқ гуллаганда мактабдан чиқиб, дала кезинг. Кўлингизга дафтар, қалам олингда, унга мактабдан ёки жамоа хўжалигини чиққач, дастлаб қайси ўсимликлар қопламини учратганингизни ва у қанча масофага чўзилганлигини ёзиб боринг, кейин у қайси ўсимликлар қоплами билан алмашинади ва бу қоплам қанча масофагача давом этади. Ана шуларни ёзиб, унинг тупроғи, ўсимликлар қоплами ҳақида ўқувчиларга батафсил гапириб беришингиз мумкин. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, ўлкамиздаги барча ўсимликларни тўлиқ ўрганилган деб бўлмайди. Ҳали ботаникларимиз қадам қўймаган ерлар

¹ Трансект — ўлчов бирлиги бўлиб, узунлиги 20 м, эни 5 м қилиб олинган майдондир (авт.).

жуда кўп. Бу борада талабалар, мактаб биология ўқитувчилари ва ўқувчилари билан ишлаш жараёнида бирмунча янгиликларни аниқлаш мумкин.

АДИР МИНТАҚАСИ

Ўзбекистон территориясининг денгиз сатҳидан 500 м дан 1200 (1400) м гача бўлган жойлари адир минтақасига киради. Республикализнинг барча тоғ этаклари, чунончи: Тошкент, Фарғона Андижон, Наманган, Самарқанд обlastининг кўпгина қисмини, Янгиер, Жиззах, Қарши шаҳарларининг атрофларини, Шаҳрисабз, Денов, Нурота, Фаллаорол, Бўстонлиқ каби районларнинг асосий қисмини адир минтақасига киритиш мумкин. Адир минтақасининг энг характерли белгиси: рельефининг нотекислиги, бўзтупроқдан иборатлиги, ўсимликлар қопламишининг асосий қисмини ранг ва қўнғирбош ўсимликлари ташкил қилиши бўлиб, умуман тоғ этакларидаги барча майдонлар шу минтақага киради. Адир минтақасининг тупроғи оч, типик ва тўқ бўзтупроқдан иборат. У ташқи томондан қараганда қизғиш кўринади. Қўлга олиб эзсангиз, майин, юмшоқ, қаттиқ босганда ёпишиб, бўлак-бўлак ҳолга келади. Тупроғини аниқ текшириш учун тик қилиб, 1—1,5 м гача чуқурликда қазиб кўриш мумкин. Ернинг юза қисми гумусли (чириндили) бўзтупроқдан иборат. Бунда баъзан майдада шағаллар, тошчалар бўлиб, асосан чимдан иборат. Бу чимнинг қалинлиги 9—10 см. Иккинчи қатламидан майин бўзтупроқ чиқади. Бунда ўсимликлар илдизлари камроқ. Ундан ўтган сари тупроқда оқчил аралашма иллювиал-карбонат бирикмалари чиқади. Унинг пастки қисмida соғ бўзтупроқ бўлиб, чиринди ва илдизлар жуда кам бўлади. Ер юзасидан пастки қатламларга борган сари гумус миқдори камайиб боради. 60—90 см чуқурликда у бутунлай бўлмайди. Бўзтупроқнинг юза қисмida ёмғир чувалчангি, ҳашаротлар ва бошқа жоноворлар томонидан илма-тешик қилиб ташланган. Бу ҳол тупроқ структурасига, унинг унумдорлигига катта ижобий таъсир қиласиди. Бўзтупроқнинг намлик миқдори табиий иқлим шароитига кескин боғлиқ бўлганлигидан, ўсув даври узоқ бўлган ўсимликлар учун анча ноқулай. Шу сабабли бу минтақадан сунъий сугориш йўли билан ёки лалмикорликда кенг фойдаланилади. Бўзтупроқли лалмикор далаларнинг табиий ёғин билан таъминланшига қараб, уч қисмга бўлишади: 1) оч бўзтупроқ — «таъминланмаган лалмикор», 2) типик бўзтупроқ — «ярим таъминланган лалмикор», 3) тўқ бўзтупроқ — «таъминланган лалмикор». Сиз ўз мактабингиз атрофидан экспурсия вақтида гербарий тўплаганингизда ўша жойнинг тупроғи қанақа эканлигини билиш учун кафтингизга тупроқдан бир оз олиб, уни сув ёки сўлак билан намлаш керак. Намланган тупроқни кафтда секин ишқалаб кўрилади. Ишқалаганда унинг олган турли хил ҳо-

латига қараб, тупроқнинг механик таркиби аниқланади. Намланган тупроқ қўлда ишқаланганда беш хил кўринишда бўлиши мумкин, масалан:

1. Бўз (лой) тупроқ ($0,01\text{ mm}$ дан кичик заррачалар тупроқ таркибида 60 — 80% ни ташкил қиласди). Намланган тупроқни кафтда ишқалаганда $0,5\text{ mm}$ дан ҳам ингичка узун ипча ҳосил қиласди.

2. Қумоқ, созтупроқ ($0,01\text{ mm}$ дан кичик заррачалар тупроқ таркибида 20 — 60%). Кафтда ишқалаганда узун ипча ҳосил бўлмайди, балки у тезда узилиб, уваланиб тушади.

3. Қумлоқ тупроқ ($0,01\text{ mm}$ дан кичик заррачалар 10 — 20%). Кафтда ипча ҳосил бўлмайди, балки шар ҳосил бўлади. Шарни сал босиш билан бўлинниб, уваланиб кетади.

4. Қумли созтупроқ ($0,01\text{ mm}$ дан кичик заррачалар 1 — 10%). Кафтга олиб ишқалаганда ҳатто шар ҳам ҳосил бўлмайди. Қуруқ тупроқни қўлга олиб, уни бир-бирига аралаштирганди, фақат қўлда чанг колади.

5. Қумтупроқ ($0,01\text{ mm}$ дан кичик заррачалар умуман йўқ). Кафтга олиб ҳар қанча ишқалаганда ҳам бир-бирига ёпишмайди. Қуруқ тупроғи қўл кафтида чанг ҳам қолдирмайди.

Адир минтақаси адир иқлими ҳисобланниб, у чўл минтақасига нисбатан анча салқин. Ўртача йиллик ҳарорати 12 — 13° , фақат жанубий районларда (Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида) бир оз баланд 14 — 16° ни ташкил қиласди. Ёз ойлари (июлда) ҳарорат 35 — 40° га кўтарилади; ёзда ёғин деярли ёфмайди. Тез-тез шамоллар эсиб туради. Чўл минтақасига яқин бўлганлигидан ҳатто гармеселлар эсиб туради. Асосий ёғин қиши баҳорда ёғиб, қисман кузда ҳам тушиши мумкин. Ерда қор 2 — 3 ойгача сақланади. Қиши пайтлари ҳаво кескин совийди. Ҳарорат (январда) — 15 — 20° гача боради. Изғирин, бўронли кунлар ҳам бўлиб туради. Тоғ минтақасига яқин бўлганлигидан унинг таъсири катта.

Баҳор ва куз пайтлари ҳам деярли салқин. Ёғин миқдори чўл минтақасига нисбатан кўп тушади. Пастки адирларда йиллик ўртача ёғин 200 — 220 mm ни ташкил этса, юқори адирларда 500 — 550 mm га етади. Шу сабабли ҳам ҳавонинг нисбий намлиги анча баланд. Бу минтақада суғориладиган ерлар ва маданий экинлар майдони ҳам анчагина бор. Бундай микротекстурилар таъсири қиласди. Шу сабабли ҳам адир минтақаси ўсимликлар дунёсига бойлиги ҳамда дехқончилик ва чорвачилик учун қулайлиги билан ажralиб туради. М. Г. Попов бўзтупроқли адир минтақасини характерлаб, бу ердаги ўсимликларнинг турли-туманлиги ва улар ҳосил қиласдиган манзара бошқа бирор мамлакатда учрамайди, деб таъкидлаган эди. Узбекистон адирлари ҳақиқатан ҳам ўсимликларга бойдир. Бу минтақа Узбекистоннинг асосий лалмикор, паҳтачилик ерлари ҳисобланади. Кўпгина текис адирларда ғалла (арпа, буғдой, сули) экиласди. Дехқончилик қилиш учун

яроқсиз бўлган нотекис ерлар, сув камчил адирлардан чорва-чиликда кенг фойдаланилади. Адир миңтақаси тупроғи, иқлими, рельефи, дengиз сатҳидан баландлиги ва ўсимликлар қопламига қараб иккига — пастки ва юқори адирга бўлинади.

ПАСТКИ АДИР. Пастки адирнинг тупроғи оч ва типик бўзтупроқдан иборат. Бунга дengиз сатҳидан 500—800 м баландликкача бўлган ерлар киради. Рельефи текис, қирлардан иборат. Юқори чўл билан туташ бўлгани учун ҳам иқлими кескин континентал бўлиб, ундан кескин фарқ килмайди. Ёзи иссиқ, қиши совуқ, баҳор ва қишида ёғингарчилик бўлади. Ҳавосининг намлиги, тупроғининг унумдорлиги (гумусга бойлиги), ер ости сувларининг ер юзасига якинилиги туфайли ўсимликлар қоплами ҳам турли-тумандир. Пастки адирнинг асосий ўсимликлари эрта баҳорда яшил гилам ҳосил қиладиган ранг ва қўнғирбошдан иборат. Қ. Зокиров республикамизнинг адир миңтақасига баҳо бериб, уни эфемероид — ранг ва қўнғирбошдан иборат бўлган эфемероидли миңтақа деб жуда тўғри айтган. Эфемероидлар деб йилнинг қисқа даврида — баҳорда яшаб, сўнг қовжираб қолувчи кўп йиллик ўсимликларга айтилади. Баҳорда ерлар кўм-кўк майсалар билан қопланади. Бу ранглардан иборат. У қишидан ҳейин далаларни биринчи бўлиб, рангга — кўм-кўк тусга бўяйди. Шу сабабли халқимиз уни ранг деб атаган. Ранг, қўнғирбош билан бирга, адир миңтақасидаги қоракўл қўйларининг севимли озиғи ҳисобланади. Қўйида пастки адирда энг кўп тарқалган айрим ўсимликлар билан танишасиз.

РАНГ (*Sarex pachystylis* L.) ҳиллодощлар оиласидан бўлиб, бўйи 6—20 см га етадиган кўп йиллик эфемероид ўсимлик. Пояснинг пастида барглари қин ҳосил қилиб жойлашган, узунчоқ, уни ингичка. Ранг чим ҳосил қилиб ўсади, унинг қалинлиги 8—9 см га боради. Асосан илдизи ёрдамида вегетатив йўл билан кўпаяди. Ранг кўпинча кузда ёмғир ёғса (ноябрь ойининг охири — декабрь ойининг бошларида) кўкаради. Қиши бошлиниши билан кўкарган баргларини совуқ уради. Эрта баҳорда — февраль ойининг охири, март ойларининг бошларида қайта кўкаради. Апрель ойида гуллайди. Гуллари майда, сариқ рангда бўлади. Май ойида меваси пишади. Меваси қўнғирроқ-қорамтири тусда бўлиб, пояснинг учки қисмida жойлашган. Шу сабабли уни баъзан қорабош деб ҳам айтилади. Уни уруғидан ўндириш жуда қийин. Ранг асосан адир ўсимлиги. У гипсли бўз тупроқда ҳам ўсади. Уни чорва моллари, айниқса қўй, эчки жуда яхши ейди. Рангнинг афзаллиги шундаки, қоракўл қўйлари қишидан толиқиб, витаминларга эҳтиёж сезилган пайтда кўм-кўк бўлиб ўсади. Уни моллар еб, анча тетиклашиб олади. Унинг ўсиш шароитига, ривожланиш даврига қараб, ер устки органларида 18,5% гача клетчатка, 21,5% гача протеин, 4,5% ёғ, 46% азотсиз экстрактив моддалар ҳамда 125—142 мг% С витамини бордир.

ҚҮНГИРБОШ (*Poa bulbosa* L.) бошоқдошлар оиласидан, бўйи 30—50 см га етадиган эфемероид — кўп йиллик ўсимлик. У асосан баҳорда февраль ойининг охири, март ойининг бошлирида, кузда ёғин бўлса, ноябрь ойида ҳам кўкаради. Унинг пояси тик, серёғин йиллари жуда баланд бўлиб ўсади. Барглари поясига нов (кин) ҳосил қилиб жойлашган, лентасимон. Барглари кўпинча илдиз тубида тўпбарг ҳосил қиласди. Илдизи сочиқсимон, ерга 8—10 см чуқурликка киради. Тифиз ўстган жойлари чим ҳосил қиласди. Қўнгирбош апрель-май ойларида гуллайди. Гули сарғиш, бошоқ қипигидан чиқиб туради. Гултоҷи узоқ чўзилмайди. Уруғи май-июнъ ойларида пишади. У бошогида сочиқ ҳосил қилиб тўплланади. Уруғи қўнгир. Бошоги юпқа қипик билан қопланган. Шунинг учун ҳам уни қўнгирбош деб аташган. У уруғидан ҳам, илдизи ёрдамида ҳам яхши кўкаради. Уруғи таркибida оқсил кўп. Шу сабабли уни маданийлаштириш ҳақида ўйлаш керак. У паррандаларга яхши дон бўлади. Уни қўй, эчки, қорамол жуда яхши ейди. Сернам йиллари унинг гектаридан 10 ц гача хашак тайёрлаш мумкин. Қўнгирбош ранг билан қўшилиб далаларда, қир-адирларда яшил гилам ҳосил қиласди. У кўклигига ҳам, қуригандан кейин ҳам чорванинг тўйимли озиғи ҳисобланади. Унинг 100 кг қуруқ хашагида 4,9 кг ҳазм бўлувчи оқсил ва 64,6 озиқ бирлиги борлиги аниқланган. Қўнгирбош гипс, бўз, шағалли тупроқда яхши ўсади. Ўсимлик таркиби ҳар хил органик моддалар ва минерал тузларга бой бўлиб, 9% протеин, 1,5% ёғ, 35—40% клетчатка моддалари, баргидаги эса яна ўсиши шароитига, ривожланиш даврига қараб 88—330 мг % С витамини бўлади.

МАЙИНШУВОҚ (*Artemisia sogdiana* Bge.) мураккабгулдошлар оиласидан, бўйи 30—40 см га етадиган чала бута. Майнин шувоқ ҳам кўкариши, баргларининг тузилиши, гуллаши, уруғининг пишиши жиҳатидан чўл минтақасидаги шувоқдан унча фарқ қилмайди. Бунинг фарқи шундаки, барг ва поялари қорамтири туслади, ён шоҳчалари нозик, поясига тифизроқ жойлашган. Бўйи ҳам кичик бўлади. Фақат сернам йилларигина баланд бўлиб ўсиши мумкин. Майниншувоқ фақат бўзтупроқда яхши ўсади. Уни бошқа минтақалардан топиш қийин. У фақат адир минтақаси учун характерли. Шувоқларнинг ҳар биридан алоҳида гербариј тўплаб, ўқувчиларга кўрсатилса, жуда яхши бўлади. Ўқувчиларнинг ўсимликларни ўсишида рельеф, тупроқ, ташқи таъсиротнинг ролини яхши тушуниб олишига имкон туғилади.

ҚОҚИЎТ (*Taraxacum officinal Web.*) мураккабгулдошлар оиласидан, бўйи 5—15 см келадиган кўп йиллик ўсимлик (16-расм). Барглари ерга тўшалган, кўм-кўк, туксиз, узунилиги 10—25 см, эни 3—6 см келадиган патсимон бўлинган, учки томони анча катта, учбурчак шаклидадир. Қоқиўт март ойида кўкаради. У илдиз олди барглар ҳосил қилиб ривожланади. Апрель-май ойларида гуллайди. Гуллари саватчада жойлаш-

ган; ўсимликнинг гулбанди этли, қалин тукчалар билан қопланган. Гуллари оч сариқ, тифиз тукли. Июнь-июль ойларида уруғи пишади. Уруғи кул ранг-қўнғир, юкори томони ўткир фуррали. Нопуғи оқ, узунлиги 6—7 мм. Қокнүт ариқ, йўл ёқаларида, беда-пояларда, қишлоқ, овуллар атрофига кўп ўсади. Уни моллар кам ейди. Чунки қокнүт кўкарган пайтда далада чорва молларининг турли озиғи кўп бўлади. Удори ўсимликлардан, ҳалқ табобатида овқат ҳазм қилиш органдарининг ишини тезлатувчи восита сифатида ишлатилади. Қокнүт гуллагунга қадар кишилар сзиқ сифатида, кўксомса қилиб истеъмол қилишади.

ҚЎЙПЕЧАК (*Convolvulus arvensis L.*) печакгулдошлар оиласидан бўлиб, ер бағирлаб ёки чирмашиб ўсуви, поясининг узунлиги 40—100 см га етадиган кўп йиллик бегона ўтдир. Барглари ёйсимон, наизасимон, ўткир учлидир. Қўйлечак март-апрель ойларида кўкаради. Май-август ойларида гуллайди. Гули оқ ёки пушти рангда, карнайсимон бўлади. Меваси июнь-сентябрь сийларида пишади. Мевасининг ташқи кўрининиши кенг тухумсимон, туксиз, узунлиги 6—8 мм. Қўйпечак бўз ва қум аралаш соэтупроқли нам ерда яхши ўсади. Айниқса суфориладиган ерларда кўп ўсади. У республикамизнинг ҳамма жойида тарқалган. Уз номидан ҳам маълумки, уни қоракўл қўйлари, эчки ва қорамол яхши ейди. Экин далаларида эса бегона ўт сифатида ўсиб экинлар ҳосилига зарар келтиради.

МИНГБОШ (*Convolvulus subhirsutus (Rgl) L.*) печакгулдошлар оиласидан, сершоҳ, бўйи 60—80 см га етадиган кўп йиллик ўсимликлар. Барглари ланцетсимон, уст томони туксиз, ости бир оз тукли, учи ўткирроқ, банд барги қисқа. Мингбош апрель ойида кўкаради. Июнь-июль ойларида гуллайди. Гуллари карнайсимон, пушти рангда бўлади. Меваси июль-август ойларида пишади, ташқи кўрининиши тухумсимон шаклда, туксиз. Пояси жуда ҳам сершоҳ, шохчалари майда, текис ва тифиз жойлашган. Шунинг учун ҳам ипак қурти боқувчилар ундан пилла ўратиш учун кенг фойдаланадилар. Мингбошнинг кукпоя ва шохлари ҳамда уруғларида дори учун ишлатиладиган конвольвин ва конвальамин деган алкалоидлар бор. Унинг яна бир хусусияти — гуллаган пайтида қоракўл қўйлари, эчкилар кўк шохчасини, гулини яхши ейди. Бу ўсимлик республикамизнинг барча бўзтупроқли тоғ этакларида, адирлар-



16-расм. Қокнүт.

да күп ўсади. Баъзи жойларда у ўсимликлар қопламининг асосий қисмини ташкил қиласиди.

ҚЎЗИҚУЛОҚ (*Phlomis thapsoides* Bge) лабгулдошлар оиласидан, бўлиб, бўйи 30—50 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Пояси бирмунча шохланган. Барглари кенг, тухумсимон, кўпинча қўзининг қулогига ўхшаб, уч томони учлироқ, барг банд қисми ичкарига кирган бўлади. Шу сабабли уни қўзиқулоқ деб атайдилар. Қўзиқулоқ апрель-май ойларида кўкаради. Июнь-июль ойлари тўлиқ гуллайди. Гуллари кўкиш, юқори баргларининг қўлтиғида тўп-тўп бўлиб жойлашади. Қўзиқулоқ уруғи июль-август ойларида пишади. Бу даврда унинг уруғини йиғишириб олиш мумкин. Қўзиқулоқ адир зонасида ажойиб манзара хосил қиласиди. У бошқа ўтлар билан биргаликда яйловлар унумдорлигини оширади. Чорва моллари, айникса қорамоллар уни барглари қуригач, жуда яхши ейди. Уни сершира ўтлар билан аралаштириб силос тайёрланганда қорамоллар қишида уни иштаҳа билан ейди. Унинг ем-кашакликдан бошқа хусусиятлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган.

ИСФАРАК (*Delphinium semibarbatum* Biennert) айиктовондошлар оиласидан, бўйи 35—75 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик (17-расм). Барглари узун бандга ўрнашган. Барг япроғи

барг бандидан чиқади ва 5 бўлакка бўлинади. Уларнинг ҳар бири яна ўз наебатида энсиз, ипсимон узун бўлакчаларга бўлинади. Йлдизи ўқилдиз бўлиб, тупроққа анча чуқур киради. У эрта баҳорда — март ойида кўкаради. Апрелдан то июнь ойининг охирларигача гуллаб туради. Гуллари сариқ рангда бўлиб, узунлиги 35—40 см келадиган тўпгулга зич жойлашган. Айрим гулнинг узунлиги 2 см, унда 1 см узунликдаги тикани ҳам бўлади. Гули 1,5 см узунликдаги гул бандига ўрнашган. Гулбандининг бир томони тукли бўлиб, сариқ бўртмаси бор. Уруғи июль ойида пишади. У уруғидан яхши унади. Унинг танасида 0,25—0,75% гача алкалоид борлиги аниқланган. Алкалоидлардан: дельсемин, дельсин, дельсолин, дельфеминлар учрайди. Бу моддаларнинг миқдори ўсим-



17-расм. Исфарак.

ликнинг гуллаш даврида янада ортади. Исфаракнинг алкалоидлари организмга тез ва кучли таъсир қиласи. Улар марказий нерв системасининг иш фаолиятига, юракка ва қон босими-нинг камайишига сабаб бўлади. Исфаракнинг гулидан сариқ бўёқ олинади. Бўёқнинг асосини кварсетин моддаси ташкил этади. Туркманистанда ундан олинган бўёқдан гиламларни бўяшда кенг фойдаланилади. У бўз ва шағал тупроқли ерларда яхши ўсади. Уни мактаб ўқув-тажриба участкасида экиб кўкартириш ва тажриба қилиб кўриш мумкин.

ОҚҚУРАЙ (*Polygonum drupaceum* Bge.) дуккакдошлар оиласидан, бўйи 60—130 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Пояси тик ўсади, усти бэзсимон майин тукчалар билан қопланган. Илдизи бақувват, йўғон, тупроққа анча чуқур киради. У апрель ойида кўкаради. Барглари оддий, баъзан уч марта патсимон қирқилган. Баргининг узунлиги 2—5 см, эни 1,5—5,5 см баргчалари думалоқ, овал шаклида. Май-июнь ойларида гуллайди. Гуллари окиш бинафша рангда. Гултоҗиси қисқа бўлиб, қайиқча шаклида. Улар сийрак ҳолда тўпланиб, узунлиги 10 см келадиган шода ҳосил қиласи. Уруғи июль-сентябрь ойларида пишади. Дуккаклари буйраксимон шаклда, бир уруғли, усти момиқдай оқ туклар билан қопланган; узунлиги 5—5,5 мм, эни 3—3,5 мм келади. Уруғлари майда. Асосан уруғидан кўпаяди. Оққурайнинг пояси ёқимсиз ҳидли бўлиб, ундан тиббиётда пес (витолого) касаллигини даволашда кенг фойдаланилади. Гулида шира кўп бўлгани учун ундан юқори сифатли асал хам олинади. У қумлоқ бўзтупроқда яхши ўсади. Кўпинча йўл ёқаларида катта-катта майдонларни эгаллайди. Уни мол емайди. Экин далаларида, айниқса лалмикор ёрларда зарарли бегона ўт ҳисобланади.

КАРРАК (*Cousinia resinosa* Iuz.) мураккабгулдошлар оиласидан, бўйи 60—100 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик (18-расм). У монокарпик ўсимлик бўлиб, ҳаётida бир марта гуллайди. Барглари қирқилган, учи тиканли, остки томони оқ тукчалар билан қопланган. Ҳар йили тўпбарглар ҳосил қилиб, 4—5 йили поя чиқарди ва гуллаб шу билан қурийди. Каррак май ойида гуллайди. Даастлабки гуллаши поясининг ўргасидаги тўпгулдан бошланади. 5—7 кундан кейин бошқа тўпгуллари гуллай бошлайди. Гули



18-расм. Каррак.

қизғиши-сариқроқ. Гултожи гулкосасидан чиқиб туради. Уруғи июнь-июль ойларыда пишади; күренишидан қорамтири-құнғир тусда бўлади. Кўкламда экилса, негадир униб чиқмайди. Унинг биологияси ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Қарракнинг илдиз бўғзида каучук кўп. Дастрлаб ундан каучук олиш мақсадида маданийлаштириш мўлжалланган эди; киме ривожланганлиги сабаби у экилмай қолди. У чорванинг тўйимли озигидир.

Чорвадорлар ҳар йили карракни йиғиб олиб, ундан катта фарамалар уядилар ва қиши бўйи қўй, эчки ҳамда қорамолларни хашак билан таъминлайдилар. Уни «ДКУ-1,2» маркали машина билан майдалаб олинса, моллар қишида бирорта ҳам нишхўрд қолдирмай ейди. Уни мактаб ўқув-тажриба участкаларида экиб, унинг биологиясига доир жуда қизиқарли кузатишлар ўтказиш мумкин.

ЛОЛАҚИЗҒАЛДОҚ (*Papaver pavonium Schrenk*) кўкнордошлар оиласидан, бўйи 40 см га етадиган бир йиллик ўсимлик. Пояси оддий, баъзан асосидан шохланган, қалин тукчалар билан қопланган. Баргларининг чети қайрилган, илдиз бўғзида жойлашганлари узун бандли, икки марта патсимон кесилган ёки кемтик. Пояда жойлашган барглари бандсиз, уч марта кесилган. У февраль ойининг охири-мартининг бошларида униб чиқади. Апрель охири, май бошларида гуллайди. Фунчаси тухмсимон, 8—15 мм узунликда, усти тукчалар билан қопланган. Гулкосаси 2 та бўлиб, улар тезда тўкилади. Гултожи қизил рангли; гултожларнинг остки қисми қора доғлидир. Гултожи бешта. Чангчиси жуда кўп; чангдони битта уч хонали. Гултожи 2—3 кундан кейин, тўкилиб кетади. Меваси май-июнь ойларыда пишади. Уруғи кўсакча ичидаги 1 мм узунликда бўлади. Уруғидан унади. Лолақизғалдоқ баҳор пайтида адирларда қип-қизил бўлиб очилади ва ўзгача манзара ҳосил қиласади. Уни моллар деярли емайди. Ундан кўп еган отлар заҳарланиб қолиши мумкин. Республикамизнинг ҳамма областларидаги бўз, қумлоқ тупроқларда яхши ўсади.

ЧИТИР (*Strigosella turkestanica* (Litv.) Botsch.) крестгулдошлар оиласидан, бўйи 10—50 см га етадиган бир йиллик ўсимлик. Пояси шохланмаган, баъзан асосидан ён шохчалар ҳосил қиласади. Поя, барг ва шохчалари майдада тукчалар билан қопланган. Барглари чўзинчоқ, ланцетсимон, қиррали, бутун. Март ойининг бошларида униб чиқади. Сернам йиллари анча бўйчан бўлиб ўсади. Апрель ойида қийғос гуллайди. Тўпгуллари тарқоқ, пояси ва ён шохларининг учидаги жойлашган. Гултожи 4 та, бинафша рангда, гулкосаси барвақт тўкилиб кетади, узунлиги 2,25—3,5 мм. Гулбарглари чўзинчоқ-бигизсимон, қизғишибинафша рангда, узунлиги 10—15 мм. Уруғи май ойида пишади. Уруғининг усти юпқа пўст билан ўралган, учи ўткир. У уруғи ёрдамида кўпаяди. Читирни ҳамма моллар кўклигига ҳам, қуригандан кейин ҳам яхши ейди. Тажрибакор кишилар читирни қишида молларга бериш учун ғамлаб оладилар. Ўзеб-

кистонда читирлар туркумiga кирадиган ўсимликларнинг 14 тури бор. Уларнинг кўпчилигини фақат бир ном билан — читир деб аташади. Чунки улар бир-бирига ўхшаш. Читирлар биологияси ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Мактаб ўқув-тажриба участкаларнинг экиб, янги ва қизиқарли маълумотлар олиш мумкин.

КЕЛИНСУПУРГИ (*Diarthron vesiculosum* (F. et M.) SAM) чиннигулдошлар оиласидан, бўйи 35—50 см бўлган бир йиллик ўсимлик. Барглари пояда навбатлашиб жойлашган, чўзиқланцетсимон, учи ўтмас. Баргчалари майда, узунлиги 0,5 см га яқин. Поя ва шохлари силлиқ, яшил-сарғиш ўсимлик. Уруғидан март ойида униб чиқади. Пояси тик, ён шохчалар ҳосил қиласди. Унинг танаси юмшоқ, эгилувчан. Май ойида гуллайди. Гуллари жуда ҳам майдага ва кўримсиздир. Улар тўпланиб, тарқоқ шодагул ҳосил қиласди. Гули кўкиш рангли. Уруғи июль ойида пишади. Уруғи ёнгоқча ичидаги етилади; у қора рангли, тухумсимон, узунлиги 2 мм, эни 1 мм, уруғидан кўпаяди. Келинсупургининг танаси мулойим, сершоҳ бўлганлигидан мингбощ сингари ипак қуртини боқувчилар даста сифатида ҳамда нозик бўлганлиги учун супурги сифатида фойдаланилади. У республикамизнинг ҳамма областларида ўсади. Уни чорва моллари фақат учки қисмини яхши ейди.

МОМИҚ (*Lachnophyllum gossypifolium* Bge.) мураккабгулдошлар оиласидан, бўйи 10—60 см бўлган бир йиллик ўсимлик. Пояси, барг ва шохчалари майин туклар билан қопланган. Барглари илдиз бўғезида ва ён шохчалари остида жойлашган. Энг пастки барглари тескари тухумсимон, ўтмас, узунлиги 1,5—4,5 см, энг увидаги барг ўткир, ингичка, узунлиги 3 мм. Уруғи март ойида униб чиқади. Пояси тик, юмшоқ. Август ойида гуллайди. Гуллари оқ-кўкиш, 1 см узунликда. Гулкосаси сарғиш. Июль — август ойларида уруғи лишади. Уруғи 0,2 — 0,3 см узунликда, ясси. Уруғи саватчада жойлашган бўлиб, битта саватчада 80 дан ортиқ уруғ бўлади. Уруғидан яхши унади. Бу ўсимлик қурғоқчиликка жуда чидамли. Шунинг учун у чўл поясида, ҳатто кузгача қуриб қолмасдан ўсиб туриши мумкин. Халқ табобатида момиқ шираси билан турли яра ва чип-қонлар даволанади. Момиқ ер устки қисмларининг таркибида 0,1—0,4 эфир мойи бўлади. Бу мой жуда ўткир ва қўланса ҳидли, яшил-сариқ ёки жигар рангидир. Унинг асосини пинен, камfen, альдегид, кетон ҳамда бошқа мураккаб бирикмали моддалар ҳосил этади. Унинг эфир мойидан халқ хўжалигига кенг фойдаланилади. 1930 йили Ҳўжанд парфюмерия заводи момиқдан олинган эфир мойидан «Ляхния» деб аталувчи одеколон ишлаб чиқарган эди. Момиқ республикамизнинг барча областларида, айниқса, Самарқанд обlastinining Каттақўрғон, Ургут районлари, Сирдарё обlastinining лалмикор ерларида, Қашқадарё обlastinining Косон районида кўп ўсади.

ЧИРМОВУҚ (Зарпечак) (*Cuscuta approximata* Robingt.) чирмовуқ-дошлар оиласидан, пояси интичка, 0,3—0,9 мм қалинликдаги бир йиллик ўт. Маданий ўсимликлардан беда, пиёз, сабзи ва бошқаларда паразитлик қиласы. Уруғи ерда бўлиши, сув билан оқиб келиши ёки экилган ўсимлик уруғи билан бирга тушиб, шу ўсимликлар кўкарғандан 5—10 кун кейин униб чиқади. У маданий ўсимликларниң поясига чирмавиб, маҳсус сўрғичлар ҳосил қиласы ва шу сўрғичлари ёрдамида хўжайин ўсимлик танасидаги озиқ моддаларни сўриб олади. Чирмовуқ июнь ойида гуллайди. Гуллари майда, узунлиги 2—3 мм, оқ рангда бўлади. Гулкосаси қўнғироқсимон, узунлиги 2 мм, асоси эти, барги асосигача қирқилган. Чирмовуқнинг уруғи август-сентябрь ойларида пишади, уруғлари майда, бир оз қиррали, думалоқ, 1 мм кенгликда, қўнғир рангли бўлиб, шар шаклидаги кўсакча ичида 3—4 тадан жойлашади. Пояси интичка, туксиз, сарғиш, юмалоқ, маданий ўсимликлар поя ва баргларига чирмавиб олади. Шу сабабли уни чирмовуқ деб аташади. Узбекистонда чирмовуқнинг 18 тури учрайди. Уларнинг баъзилари маданий, баъзилари ёввойи ўт ўсимликларда паразитлик қилиб яшайди. Улар ўсимликларниң ҳосилини кескин камайтиради ва, ниҳоят, уларни қуриб қолишига сабаб бўлади. Чирмовуқقا қарши курашиш учун энди униб чиқаётган пайтда уни юлиб ташлаш, катта майдонларда эса гексохлоран билан далаларга ишлов бериш керак.

ЧЎЛЯЛПИЗ (*Ziziphora tenpil L.*) лабгулдошлар оиласидан бўлиб, бўйи 30 см га етадиган бир йиллик ўсимлик. Апрель ойида униб чиқади. Май-июнь ойларида гуллайди, гуллари оч бинафша рангда бўлиб, поя бўйлаб барг қўлтиғида жойлашади. Меваси июль-август ойларида тўлиқ пишади. Уруғи яхши униб чиқади. Эрта баҳорда экилган чўлялпиз бехато унади. Чўлялпиз ўзидан жуда хушбўй ҳид таратади. У ялпиз сингари хушбўй, фақат далада ўсгани учун чўлялпиз ёки дала ялпиз деб аталади; баъзи жойларда кийикўт деб ҳам юритилади. Ҳозиргача унинг биологияси билан ҳеч ким шуғулланмаган. Агар мактаб ўқув-тажриба участкаларига, ҳовлиларга, ҳатто хоналарга экиб кўкартирса, хушбўй ҳидлиги жиҳатидан раёндан қолишмайди. Манзарали, оромбахш эфир мойли ўсимликлардан бўлганлиги учун уни экиб кенг фойдаланиш мумкин. Чўлялпиз унча тупроқ танламайди. У юқори чўлдан тортиб пастки тоғ минтақасигача тарқалган. Асосан адир минтақасида жуда кўп ўсади. Сернам, серҳосил, созуuproқда, айниқса, яхши униб чиқади. У халқ табобатида кенг қўлланилади. Уни гуллаб турган пайтида йиғиб олиб, сувда бир оз қайнатилади ва шамоллашда ва йўтални даволашда фойдаланилади. Баъзан гуллаган чўлялпиз йиғиб олиб қуритилади ва қишида суюқ овқатларга зиравор сифатида ишлатилади.

ЮҚОРИ АДИР. Юқори адирга денгиз сатҳидан 900—1200 м гача баландлика бўлган ерлар киради. Республика мизнинг

анчагина ер майдонлари юқори адирда жойлашган. Бу ер тоғ минтақасига яқин бўлганлигидан баланд қирлар, тошлоқ тупроқли ерлар, чала бута ва бута ўсимликларининг кўплиги билан характерланади. Юқори адирларнинг тупроғи тўқ, бўзтупроқли бўлиб, шагалли ва тош аралаш ерлар кўп учрайди. Тупроғи унумдор, гумусга бойдир. Ёғин-сочининг ҳамма жойга бирдай тушмаслиги, унинг тезда пастга оқиб кетиши, ёзги иссиқликнинг кучли таъсири туфайли бу ерларда эфемер ва эфемероид ўсимликлар жуда кам учрайди. Мавжуд тибий ўсимликлардан тартибсиз фойдаланиш туфайли айрим турлар жуда камайиб кетган. Фақат одам чиқиши қийин бўлган қияликларда ўсимликлар сийрак ҳолда сақланиб қолган. Йиллик ёғин миқдори 300—500 ми ни ташкил қилади. Бу эса чўл минтақасидан 2 марта ортиқ, тоғ минтақасидан 2—3 марта камдир. Уртacha ойлик ҳарорат 25° ни ташкил қилиб, чўлдан $3-4^{\circ}$ паст, тоғ поясидан эса $5-6^{\circ}$ юқоридир. Ёғиннинг асосий қисми қиши ва баҳорда ёғади. Ёғин муддати чўлга нисбатан 1—2 ой кўп, тоққа нисбатан 2—3 ой камдир. Ҳавонинг нисбий намлиги чўлга нисбатан юқори бўлиб, ёз ойлари (июнь) да 48%ни, куз (октябрь) да 59%ни ташкил этади. Иқлимига кўра Ўзбекистоннинг шимолидаги юқори адирлар шарқидагидан фарқ қилади, яъни шарқий адирлар баланд тоғларга яқин бўлиб, ҳавоси салқин, сернамдир. Шимолий адирлар эса Қизилқум ва Қорақум чўлларига яқин, шунинг учун ҳавоси қуруқ, ёғингарчилик кам бўлади. Бу ҳол ўша жойнинг ўсимликлар дунёсига маълум даражада таъсир қилади. Юқори адирлар учун характерли бўлган ўсимликлардан қўйидагилар:

БОДОМ (*Amygdalus spinosissima* Bge.) раъногулдошлар оиласидан, бўйи 2—3 м га етадиган бута ёки кичик дараҳт. Унинг танаси сершоҳ, ён шохчалар ҳосил қилиб ўсади, шохлари тиканли. Шохчаларининг узунлиги 2—4 см, эни эса узунлигидан 2—3 марта қисқа бўлади. Барг қўлтиғидан чиққан ён шохчалари тиканга айланган, тиканлари ўткир учли ва зич жойлашган. Барглари бирмунча энли ва ланцетсимон бўлади. Хушбўй гуллари баргидан олдин ёки барг билан бир вақтда очилади. Бодом март ойининг ўрталарида кўкаради. Кўкариши билан гулга киради. Гуллаши то апрель ойигача давом этади. Гултожи оқ пушти рангда, ланцетсимон, овал шаклида бўлиб, узунлиги 7—10 мм, эни 3,5—4,5 ми бўлади. Гулининг диаметри 3,5—4 см. Июнь-июль ойларида меваси пишади. Мевасининг шакли тухумсимон, тухумсимон-ланцет шаклида, усти қалин тукчалар билан қопланган. Мағзи кўпинча ачиқ бўлади. Уни кишилар емайди. Бодом республикамизнинг барча юқори адирларида ўсади. Айниқса, Копет-дог ва Нурота тоғларида анча кўп. Бу ёввойи бодом ўсимлигини кишилар зич қилиб экиб, ундан девор қиладилар. Унинг тиканлари



19-расм. Изень.

расм). Барглари майда, поя за ён шохчаларида навбатлашиб жойлашган. Пояси асосидан жуда кўп ён шохчалар ҳосил қиласди. Изень март ойида кўкаради. У ён шохчалар, новдалар ҳосил қилиб, узоқ вақт ўсади. Июнь оёнида гуллайди. Гуллари майда, оқиш бўлади. Гултожи гулкосасидан чикиб туради. Гуллари поя, шохлар бўйлаб барг қўлтиғида жойлашади. Уруғи сентябрь-октябрь ойларида пишади. Уруғи қанотчали, қўнғир тусда бўлади. У ургидан яхши унади. Изень уруғини (ноябрда) ёки эрта баҳорда (февралда) экиш мумкин. Уруғинг устини тупроқ билан кўмиш ярамайди. Чунки уруғи тез чириб, униш қобилятини йўқотади. Республикамизнинг кўпгина обласларида, айниқса, Андижон, Наманган, Самарқанд обласларида кўп ўсади. У чорванинг тўйимли озиғи ҳисобланади. Ҳозир унинг агротехникиси тўлиқ ишлаб чиқилган. Биологияси ўрганилган. Изень билан шуғулланадиган Самарқанд облости Нурота районида Ўзбекистон Фанлар академияси ботаника институтининг Нурота тажриба станцияси ташкил этилган. Изень ҳозирги кунда республикамизнинг қоракўлчилик совхозлари яйловларига экилмоқда.

ТЕРСКЕН (*Ceratoides eversmanniana* (Stschegl.) Losinsk.) Botsch, et Ikonn.) шўрадошлар оиласидан, бўйи 40—110 см га етадиган бир уйли, чала бутадир. Барглари оддий, мустаҳкам, қисқа бандли, тухумсимон, чўзиқ тухумсимон, четлари текис, асоси юмалоқроқ, эни узунасидан уч баравар қисқа бўлиб, пастки ва устки томони

кўплигидан ҳеч қандай ҳайвон уни бузиб ўта олмайди. Бундан ташқари, қурғоқчиликка чидамли бўлганлигидан шафтоли ва маданий бодомни пайвандлаш учун пайвантаг сифатида фойдаланиш мумкин. Бодом данагининг мағзизда мой кўп бўлади, шунинг учун ҳам уни кондитер саноатида кўп ишлатишади. У хушбўй, ёқимили ҳидли бўлганлигидан бир қанча шираворларга қўшиб ишлатилади. Бодомнинг мағзизда оз миқдорда заҳарли модда — амигдалин бўлиб, у тиббиётда ишлатилади. Аччиқ бодомни кўп ейиш мумкин эмас.

ИЗЕНЬ (*Kochia prostrata* (L.) Schrad.) шўрадошлар оиласидан, бўйи 50—120 см га етадиган бутачадир (19-

қалин туклар билан қопланган. У март ойида күкаради. Бутун танаси, барг ва поялари тукчалар билан қопланган. Пояси сершох, ён шохчалар ҳосил қилиб ўсади. Июль-август ойларида гуллайди. Чангчи гуллари ўсимликнинг учки қисмида зич бошоқсимон тўпгул ҳосил қилиб ўрнашган. Уруғчи гуллари эса тўда-тўда бўлиб, тўпгулларининг пастки қисмида, барг қўлтифида жойлашган. Уруғи сентябрь-октябрь ойларида пишади. Уруғидан яхши униб чиқади. Терскен уруғини куз ва эрта баҳорда ҳам экиш мумкин. Уруғнинг устини кўмиш ярамайди. Экиш учун энг қулагай пайт куздир. Терскен республикамизнинг деярли барча областларида: Самарқанд, Фарғона ва Қорақалпоғистоннинг қирларида ўсади. У чорванинг тўйимли озиги ҳисобланади. Ҳозир уни республикамизнинг кўргина қоракўлчилик хўжаликлари яйловларига экиб, юқори ҳосил олинмоқда.

ОҚШУВОҚ (*Artemisia ferganensis* N. Krasch.) мураккабгулдошлар оиласидан, бўйи 100 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Унинг биологияси бошқа шувоқларга ўхшашдир. Бошқа шувоқлардан фарқи шуки, поясидан ён шохчалари атрофга қараб тарвақайлаб ўсан. Пояси ва шохчалари қалин тукчалар билан қопланган. Республикамизнинг ҳамма областларида ўсади. У адир минтақасидан тортиб тоғ минтақасигача кенг тарқалган. Асосан ем-хашак ўсимлиги ҳисобланади.

РОВОЧ (чукри) (*Rheum maximowiczii* A. Los.) торондошлар оиласидан, бўйи 2 м га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Барглари 40 см катталиқда, йўғон бандлидир. Йирик барглари илдиз олдида дўрия шаклида жойлашган. Март ойида кўкаради. Дастреб барглари ғуж ҳолда тўпланиб, оқиш рангда бўлиб, кейин эса яшил тусга киради. Фақат тўпгул ўрнашган қисмидан новдалар чиқади. У май-июнь ойларида гуллайди. Гул тўпламлари бошоқсимон, рўваксимон бўлади. Гуллари майда, б дона оқиш пушти гултожибарглардан иборат. Меваси июнь-июль ойларида пишади. Меваси уч қиррали, қанотчали ёнғоқча бўлиб, катталиги 2 см келади. Ровоч уруғидан кўляяди. У республикамизнинг ҳамма областларида кўплаб ўсади. Айниқса Нурота, Шаҳрисабз, Китоб, Чуст, Поп, Ургут, Фаллаорол ва Фориш районларида кўп. Ровочнинг этили бандини халқимиз истеъмол қиласиди. Унинг барг банди ва гулидан кондитер саноатида ва сабзавот сифатида фойдаланилади. Ровочнинг илдизи ошловчи танид моддасига бой бўлади. Ундан бўёқчиликда ҳамда дорилар тайёрлашда кенг фойдаланилади.

ГАЗАҚҮТ (*Gentiana olivieri* Griseb.) газакўтдошлар оиласидан, бўйи 10—30 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Пояси бир неча тик ўсувчи, туксиз, илдиз олдида эски барг қолдиқлари бўлади. Барглари яшил, туксиз, тескари ланцетсимон, уни ўтмас. Поядаги барглари қарама-қарши жойлашган. Илдизи ипсимон толалардан иборат. Март ойида кўкаради. Май-июнь ойларида гуллайди. Гултожи қўнғироқсимон, бинафша-кўк

рангда. Гуллари поясининг учидаги жойлашган. Уруғи июнь-июль ойларидаги пишади. Хушбүй ҳидга эга. Үсимликнинг бутун танасида шифобахш глюкозид моддаси кўп бўлади. Газакўт халқ табобатида безгак касали ва ошқозон-ичак ҳамда бошқа ҳар хил касалликларни даволашда ишлатилади. Кишилар уни даста-даста қилиб қуритиб, уйнинг шипига осиб қўяди. Газакўт республикамизнинг барча областларида, адир ва тоғ миңтақаларида ўсади. Маданийлаштириш зарур бўлган үсимликлардан бириди.

ГУЛХАЙРИ (*Aithaea rhiticarpa* Trautv.) гулхайридошлар оиласидан, бўйи 60—180 см га етадиган кўп йиллик үсимлик. Пояси тик, кўп шохланмаган, юлдузсимон, тукчалар билан қалин қопланган. Барг банди тукли, баргидан кичик. Барг 3—5 бўлакли, четлари тишли, ўртасида йўғон томири билиниб туради. Март ойида кўкаради. Май-июнь ойларидаги гуллайди. Гуллари йирик, шодасимон гултўпламини ҳосил қиласиди. Гултожи гулкосасидан 2—3 марта узун, оч бинафша рангли, асоси сарикроқ. Меваси июль-август ойларидаги пишади. Мевасининг ичида 20—22 та уруғи бўлади. Уруғининг ёнлари сиқилган, 3—3,5 мм узунликда, қизғиши-қўнғир тусда бўлади. Гулхайри республикамизнинг кўпгина областларида учрайди. Айниқса, майда шағалли ва тошлоқ ерларда кўп ўсади. У чорванинг асосий озиқларидан бири ҳисобланади. Унинг поясидан арғамчи ва қоп тўқиладиган дағалроқ тола олиш мумкин. Қуруқ поя оғирлигига нисбатан ҳисоблаганда 10% гача тола беради. Бундан ташқари, ундан манзарали үсимлик мақсадларидаги ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Гулхайрининг биологияси ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Мактаб ўқув-тажриба участкаларига экиб, қизиқарли тажрибалар ўтказиш мумкин.

АНДИЗ (*Inula grandis* Schrenk.) мураккабгулдошлар оиласидан,

бўйи 60—150 см га етадиган кўп йиллик үсимлик (20-расм). Барглари қаттиқ, тукчали, четлари тишли, илдиз олди баргларининг узунлиги 70 см, эни эса 20—30 см гача боради. Үсимликнинг бутун танаси қалин туклар билан қопланган. Апрель ойида кўкаради. Пояси тик, ён шохчалар ҳосил қиласиди. Май—июнь ойларидаги гуллайди. Гултожи сариқ, бир нечта саватчаларга тўпланган, саватчанинг диаметри 2—3 см га яқин. Гуллари поя ва шохчаларининг учки қисмида тўпланган. Меваси июль—август ойларидаги пишади. Уруғи попукчали, бир оз тукчали, цилиндричесимон, бир оз ясси. Уруғи ёрдамида яхши кўпаяди. Андиз



20-расм. Андиз

республикамизнинг кўпгина областларида учрайди. Айниқса Қашқадарё областининг Қамаши, Шаҳрисабз районларида, Тошкент областининг Бўстонлиқ районида, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Сурхондарё областларининг тоғ этакларида жуда кўп ўсади. Андизнинг йўғон илдизларида карбон сувлари, инулин моддаси ва эфир мойи кўп бўлади. Ундан турли ширинликлар тайёрлашда, асосан техник спирт олишда фойдаланилади. У энг тўйимли озиқ ҳамдир. Чорва моллари, айниқса, от уни яхши ейди. Шунинг учун бўлса керак халқ орасида «андизли жойда от ўлмас» деган мақол бор.

БЕКЛАРЎТИ (*Echinophora sibthorpiana* Guss.) соябонгулдошлар оиласидан, бўйи 30—50 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Пояси тик ўсади; бутун танаси тукчалар билан қопланган. Илдизи цилиндричесимон ўқилдиз. Барглари поясини ўраб туради. Пастки барглари узун, йўл-йўл банди билан пояга бирлашган. Барги уч марта патсимон бўлинган. Март ойида кўкаради. Даастлаб илдиз олди барглари яхши ўсади, орадан 20—30 кун ўтгач, поя чиқариб, поясидан ён шохчалар ўсиб чиқади. Бекларўти июль ойида гуллайди. Гултожи тукчали, узунчоқ, сарғиш рангда бўлади. Меваси август ойида пишади. Ташқи томондан тукчалар билан қопланган. Республикамизнинг кўпгина областларида — Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва бошқа областларда кўп учрайди. Бекларўти чорва молларининг тўйимли озиғи ҳисобланади. У бўзтупроқда яхши ўсади. Унинг биологияси ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Мактаб ўқув-тажриба участкасида экиб, қизиқарли маълумотлар олиш мумкин.

ШИРАЧ (*Eremurus olgae* Rgl.) пиёзгулдошлар оиласидан, бўйи 30—80 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Барглари жуда этли, кенг-тасмасимон, илдиз олдидан чиқади. Поясида барглари бўлмайди. Март-апрель ойларида кўкаради. Даастлаб илдиз олди барглари ривожланади. Бир ойдан кейин пояси ривожланади. Май-июнь ойларида гуллайди. Гуллари поянинг учидаги попук шаклида ўриашган. Баъзи турларида тўп-гулнинг узунлиги 50 см га етади. Гуллари пушти рангли бўлиб, жуда чиройлидир. Гултошибарглари олтита бўлиб, эни 2—3 см келади. Меваси июнь-июль ойларида пишади. Ташқи кўриниши думалоқ, чаноқ шаклида бўлиб, унинг ичида уруғ етилади. Илдизи юлдузсимон, попук илдиз. Илдиз иплари турли узунликда бўлади. Илдиз попуклари 5—7 та, сабзига ўхшаш серэтли. Айниқса илдиз бўғзи йўғонлашган. Ўзбекистонда ширачнинг 20 дан ортиқ тури ўсади. Уларнинг ичида биз тилга олган Олга ширачи кенг тарқалган. Ширачининг илдизидан жуда қадимдан ширач тайёрлаб келинади. Бунинг учун унинг илдизи қуритилади, сўнг янчилади ва қайнатилади. Ширач дурадгорликда ва этикдўзликда ишлатилади. Жуда чиройли, безакли ўсимлик бўлганлиги учун уни гулзорларга экиш ҳам мумкин.

АЖРИҚ (*Cynodon dactylon* (L.) Pers.) бошоқдошлар оиласидан, бўйи 15—25 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Барглари лентасимон бўлиб, унинг четлари дағалроқ, тишчали, узунлиги 10 см дан ошади. У йилнинг келишига қараб кўкаради. Иссик эрта бошланганда, кузда ва эрта баҳорда кўкаради. Май-июнь ойларида гуллайди. Тўпгули 3—8 та бошоқчалардан иборат бўлиб, сийрак-сочиқ ҳолда поянинг учки қисмida жойлашган. Меваси июль-август ойларида пишади. Ажриқ асосан илдиз ёрдамида вегетатив йўл билан кўпаяди. Илдизпояси ва илдизпоя бўғимларидан чиққан илдизлари ерга 10—20 см гача чуқурликка кириб қалин чим ҳосил қиласиди. Шу сабабли унинг чимидан ариқ четларини, тўғон бошларини мустаҳкамлаш; йўл ёқаларини ва гулхона атрофларини безатишида фойдаланилади. Бундан ташқари, ипподром ва стадионларнинг майдонларини чимлаш учун атайн ўстирилади. Ажриқ илдизларидан қайта ишлаш натижасида чўтка ҳам тайёрланади. Ажриқнинг ҳам фойдалари, ҳам зарарли томони бор. Фойдаси шуки, ундан чорва моллари учун тўйимли озиқ, гулзорлар учун безак ва чим сифатида фойдаланилади, зарари эса маданий экинлар орасида учраб, уларнинг ҳосилига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли пахта, ғалла, беда ва бошқа экинлар орасида бегона ўт сифатида уни йўқ қилишга ҳаракат қилинади. Ажриқ илдизи шундай чидамлики, 1—2 ой давомида қурук далада ётиб, кейин нам ерга тушса, тезда қайта кўкаради.

ҚУДА (*Stipa hohenackeriana* Trin. et Rupz.) бошоқдошлар оиласидан, бўйи 30—70 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Барглари лентасимон, асосан энли, уч томони учли, четлари майда тишчали, илдиз олдида тўпланди. Пастки барглари поясини нов шаклида ўраб туради. Қуда март ойининг охирларида кўкаради. Апрель ойининг охiri, май ойида гуллайди. Тўпгули поясининг учки қисмida сийрак рўвак ҳосил қиласиди. Уруғи июль ойида пишади. У қисқа қилтиқли, қўнғир рангда. Усти юпқа қипиқ билан қопланган. Қуда чим ҳосил қилиб ўсади. Унинг бир туп чимининг диаметри 45—60 см келади; қумларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. У чорва моллари (қорақўл қўйлари ва эчкилар) учун яхши ем-хашакдир. У Республикализмининг юқори чўл зоналаридан тортиб, пастки тоғ зонасигача кенг тарқалган. Шагал аралаш бўзтупроқда, ўсимликлар қопламишининг асосий қисмини ташкил этади. У иссиққа ва қурғоқчиликка чидамли ўсимлик. Шу жиҳатдан уни қурғоқчил миңтакаларга экиб кўпайтириш учун bemalol тавсия этиш мумкин.

ҚАТРОН (*Crambe kotschyana* Boiss.) крестгүлдошлар оиласидан, бўйи 30—80 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик (21-расм). Барглари жуда катта, узун бандли, тухумсимон-юмалоқ, узунлиги 60 см, эни 80 см га етади. Барглари илдиз бўғзида хосил бўлади ва 2—3 йилдан кейингина поя чиқаради. Март ойида кўкаради ва дастлаб унинг оқ-сарғиши барглари пайдо бўлади, кейинчалик бу барглар кўм-кўк тусга киради. Апрель-май ойларида гуллайди. Гуллари оқ-сариқ тусда. Меваси июнда пишади. Уруғи юпқа қобиқли, учи ўткир, кўсакча ичидаги жойлашади. Уруғи яхши унади. Уни кузда (октябрь-ноябрда) экинш тавсия этилади. Пояси тик, юқори қисмида ён шохчалар хосил қиласиди. Гуллари ана шу поя ва шохчалари учидаги жойлашади. Қатрон бўз ва шағал аралаш гумусга бой тупроқда яхши ўсади. У республикамизнинг кўпгина областларида ўсади. Қатрон асалчил ўсимликлардан дир. Қатроннинг янги барглари ва новдаларини пўстидан тозалаб хомлигича ёки пиширгач овқат сифатида истеъмол қилиш мумкин. Қатроннинг таркибида 15% қанд, 5% оқсил, 3% крахмал, 20% клетчатка, уруғида 18—25% ёғ ва бошқа фойдалари моддалар кўп бўлади. Шу сабабли унинг қуритилган илдизидан ун тайёрлаб, нон ёпиш мумкин. Туркманистанда маҳаллий аҳоли қатрон илдизидан крахмал олишда фойдаланган. Фарбий Европа мамлакатларидан Англия ва Шотландияда *C. maritima* тури сабзасидан ўсимлиги сифатида экилади. Венгрия халқи бу ўсимликни «татар нони» номи билан атаб, унинг илдизидан тайёрланган таомни жуда хуш кўриб истеъмол қиласиди.

ЧЎЛСАБЗИ, МАРВАРИДГУЛ (*Eremodaucus Lehmannii* Bge. соябонгүлдошлар оиласидан, бўйи 20—50 см га етадиган бир йиллик ўсимлик (22-расм). Пояси доира шаклида, ингичка ва чизиқли, ўрта бўғимидан новдалайди. Барглари туксиз, яшил тусда. Барги кенг тухумсимон, икки марта патсимон бўлинган. Пояда жойлашган барглари жуда калта бандли, юқоридаги-



21-расм. Қатрон.



22-расм. Чұлсабзи.



23-расм. Нұхатак.

лари нов шаклида пояни ўраб туради, пасткилари бандли. Илдизи цилиндрисимон, ўқилдиз. Март ойида униб чиқади. Май ойида гуллайди. Гуллари оқ рангли бўлиб, соябонсимон тўпгул ҳосил қиласиди. Соябон ўртасида этли, қизғиш мумсимон тугмача жойлашиб, ундан ҳар томонга 10—15 нурсимон кичик соябончалар тарқалади. Мевасининг эни 4,5—5 мм, четлари оқ. У уруғидан яхши униб чиқади. Чўлсабзи республикамизнинг ҳамма областларида учрайди. Айниқса, лалмикор, ғалла экладиган ерларда кўп ўсади. Уни чорва моллари хуш кўриб ейди. Унинг биологияси ҳали тўлиқ ўрганилмаган.

НҰХАТАК (*Astragalus filicaulis* F. et M.) дуккакдошлар оиласидан, бўйи 40 см келадиган бир йиллик ўсимлик (23-расм). Пояси тик турувчи, шохланган, ҳалин тукчали. Барглари бандли, 4—8 см узунликда, тукчали. Пояда қарама-қарши ўрнашган. Февраль-март ойида униб чиқади. Дастлаб иккита барг ҳосил қилиб кўкаради. Апрель-май ойларида гуллайди.

Гуллари тўпгулдан иборат, у барги билан тенг ёки ундан узууроқ. Поя учида 6—20 тагача гуллар ҳосил бўлади. Гултожи оқ бинафша рангли. Меваси май-июнь ойларида пишади. Дуккаги бандсиз, чўзинчоқ, бир оз эгилган, усти майдада тукчалар билан қопланган. Дуккак ичидаги бир неча уруғ бўлади. Уруғидан кўпаювчи ёсимлик ҳисобланади. Нўхатак қоракўл қўйлари, эчки, қорамолларнинг тўйимли озиғи. У қисқа вақтда ўсиб, тезда қурийди. Нўхатак республикамизнинг ҳамма областларида ўсади. Қуйидаги 4-жадвалда, пастки ва юқори адирлар учун хос бўлган яна бир неча ёсимлик турларининг рўйхатини келтирамиз.

ТОҒ МИНТАҚАСИ

Республикамиздаги тоғларнинг энг юқори қисми доимий музликлар билан қопланиб ётган осмонўпар қоялар билан, пастки қисми эса доимо жазирама иссиқ пуркаб турадиган бепоён Қизилқум ва Қорақум билан туташади. Биздаги тоғларнинг энг пасткиси — Султон Вайс тоғи (денгиз сатҳидан 473 м) бўлса, энг улкани Ҳисор тоғидаги чўққи (денгиз сатҳидан 4688 м баландликда) дир. Узбекистон территориясидаги тоғлар унчалик баланд бўлмаганингидан мамлакатимизнинг бошқа жойларидаги тоғлардан тубдан фарқ қиласи, чунончи республикамиздаги тоғларнинг жуда оз қисми доимий музликлар билан қопланган бўлиб ёз ойлари бу тоғларда сувлар кам бўлади: бундай тоғларда ўрмон ҳосил қилувчи дарахтлар ҳам жуда камдир. Узбекистон территориясининг географик жиҳатидан экваторга яқинлиги, қуёш радиациясининг тик тушиши, республикамиз иқлимига катта таъсир қиласи. Шу сабабдан ҳам тоғларнинг ҳавоси анча қуруқдир. Шундай қилиб, дengiz сатҳидан 1200—1500 дан 2700—2800 м гача баландликда бўлган жойлар тоғ минтақасини ташкил қиласи. Бу минтақа асосан республикамизнинг шарқий қисмидаги жойлашган бўлиб, Узбекистон территориясининг 2—3 қисмини эгаллайди. Узбекистон территориясидаги тоғлар Тяньшань ва Помир-Олой тоғларининг жануби-ғарбий тармоқлари бўлган Чатқол, Қурама, Пеком, Уғам, Туркистон, Зарабшон, Ҳисор, Бойсун, Боботоғ тизмалари ва унинг тармоқлари бўлган Нурута, Оқтоғ, Молгузар тоғлари киради. Бу тоғлардан ташқари унинг майдада тармоқлари ҳам мавжудки, улар унчалик баланд эмас. Бу тоғлар табиий шароити, ўсимликлар дунёси жиҳатидан кўпинча адирларни эслатади. Масалан, Ҳисор тоғ тизмасининг тармоқлари Яккабоғ, Чақчар, Бойсунтоғ, Сурхонтоғ, Қорасирт, Бобосурхон, Куштанг ёки Туркистон тоғининг давоми ҳисобланган Чунқор тоғ тизмаси ва унинг тармоқлари бўлган Қоратоғ, Оқтоғ, Ҳобдунтоғ, Қора-

Адир миңтақасыда күп үседиган ўсимликтар

№	Маҳаллай номи	Илмий номи	Онласи	Гүллаш даври
1	2	3	4	5

Бута ва чала буталар

1	Айиқмурат	<i>Pyrus regelii</i>	Раъногулдошлар	Апрель
2	Итбуури	<i>Rosa canina</i>	Пистадошлар	Май — июль
3	Писта	<i>Pistacia vera</i>	»	Март — май
4	Сумах	<i>Rhus coriaria</i>	Рутадошлар	Июнь — июль
5	Тошбақатол	<i>Harlophyllum perforatum</i>	Загозадошлар	Май — июль
6	Чүлкүзилчә	<i>Epheeda intermedia</i>	Мураккабгулдошлар	Июнь
7	Қоражусан	<i>Artemisia turanica</i>		Сентябрь

Күп ыйллик ўсимликтар

1	Ажриқбаш	<i>Phleum pratense</i>	Бошоқдошлар	Июнь — июль
2	Етмак (Бех)	<i>Acanthophyllum gypsophiloides</i>	Чиннингулдошлар	Июнь — июль
3	Болқубай	<i>Dorema microcarpum</i>	Соябонгулдошлар	Май
4	Бонгардия	<i>Bongardia chrysogonum</i>	Зиркдошлар	Апрель — май
5	Бозулбааг	<i>Lagochilus inebrians</i>	Лабгулдошлар	Июнь — август
6	Гүлпүйэс	<i>Allium caesium</i>	Пиёзгулдошлар	Апрель — май
7	Гүлсанпасар	<i>Iris sogdiana</i>	Сансардошлар	Апрель — май
8	Далаочар	<i>Hypericum perforatum</i>	Далаочайдошлар	Апрель — май
9	Еввойи пиёс	<i>Allium suvorovii</i>	Пиёзгулдошлар	Апрель — май
10	Пузила	<i>Scorzonera pusilla</i>	Мураккабгулдошлар	Май
11	Зарқулоқ	<i>Lepidolopsis turkestanica</i>	»	Март — апрель
12	Зуптурум	<i>Plantago lanceolata</i>	Зуптурумдошлар	Июнь — август
13	Зира	<i>Bunium persicum</i>	Соябонгүлдошлар	Апрель — май
14	Зигирак	<i>Salvia deserti</i>	Лабгулдошлар	Июнь
15	Қакра	<i>Acroptilon repens</i>	Мураккабгулдошлар	Май — август

1	2	3
16	Кичик бўймодарон	<i>Achillea biebersteinii</i>
17	Кийикпанжа	<i>Astragalus alopecias</i>
18	Меҳригиёҳ	<i>Onosma dichrothalum</i>
19	Наврӯзгул	<i>Primula feotscenkoi</i>
20	Оқбоштикан	<i>Cousinia imbrosa</i>
21	Оқгулхайри	<i>Althaea nudiflora</i>
22	Оқлола	<i>Tulipa micheliana</i>
23	Оқсұхта	<i>Dactylis glomerata</i>
24	Отқулоқүт	<i>Rumex aquaticus</i>
25	Отқұноқ	<i>Phleum phleoides</i>
26	Пахтак	<i>Astragalus sieversianus</i>
27	Пахтатикиан	<i>Cirsium ochrolepidium</i>
28	Санчиқүт	<i>Thalictrum minus</i>
29	Сариқбеда	<i>Medicago falcata</i>
30	Сариққамиш	<i>Digraphis arundinacea</i>
31	Себарга	<i>Trifolium pratense</i>
32	Скалигерия	<i>Scaligeria allioides</i>
33	Синдирим	<i>Anabasis brachiata</i>
34	Сохтақамиш	<i>Calamoorostis pseudophragmites</i>
35	Сувранг	<i>Carex melanostachya</i>
36	Так-так, хардума	<i>Hordeum bulbosum</i>
37	Тасби, ерсовун	<i>Leontice eversmannii</i>
38	Такасоқол	<i>Dodartia orientalis</i>
39	Тошқарака	<i>Centaurea squarrrosa</i>
40	Тогчитир	<i>Gypsophila knorrtingiana</i>
41	Тукли буғдоинқ	<i>Elytrigia repens</i>
42	Тұқынэтепа (себарга)	<i>Trifolium repens</i>
43	Түяйүнғиңчә	<i>Melilotus dentatus</i>
44	Улмасүт	<i>Helichrysum maracandicum</i>
45	Хар-хар	<i>Melilotus albus</i>
46	Чайирүт	<i>Andropogon caucasicum</i>
47	Чумчүқоёқ	<i>Convolvulus lineatus</i>
48	Шўражриқ	<i>Aeluropus litoraets</i>

Дуккакдошлар
 Гавзабонгулдошлар
 Наврүзгулдошлар
 Мураккабгулдошлар
 Гулхайридошлар
 Пиёзгулдошлар
 Бошоқдошлар
 Торандошлар
 Бошоқдошлар
 Дуккакдошлар
 Мураккабгулдошлар
 Айиқтовондошлар
 Дуккакдошлар
 Бошоқдошлар
 Дуккакдошлар
 Соябонгулдошлар
 Шўрадошлар
 Бошоқдошлар
 Ҳилолдошлар
 Бошоқдошлар
 Зиркдошлар
 Сигирқуйруқдошлар
 Мураккабгулдошлар
 Чиннигулдошлар
 Бошоқдошлар
 Дуккакдошлар

 Мураккабгулдошлар
 Дуккакдошлар
 Бошоқдошлар
 Печакгулдошлар
 Бошоқдошлар

Май — июль
 Май — июнь
 Апр.— авг.
 Апр.— май
 Июнь — июль
 Июнь — авг.
 Апрель
 Май — июнь
 Май — июнь
 Май — июнь
 Май — июнь
 Июнь — июль
 Апр.— июль
 Апр.— июль
 Май — июнь
 Апр.— сен.
 Апр.— май
 Июль — сен.
 Июнь — июль
 Апр.— май
 Май — июнь
 Июнь — июль
 Май — июнь
 Июнь — июль
 Июль
 Май — июнь
 Апр.— сент.
 Май — август
 Июнь — июль
 Июнь — июль
 Июнь — июль
 Май — авг.
 Май — июнь

1	2	3	4	5
49	Эчкисоқол	<i>Tragopogon malicus</i>	Мураккабгулдошлар	Апр.— май
50	Калдирғочұт	<i>Malva silvestris</i>	Гулхайридошлар	Июнь — июль
51	Қарғатуәқ	<i>Anemone petiolulosa</i>	Айиқтовондошлар	Март — апр.
52	Қонтепар	<i>Biebersteinia multifida</i>	Еронгулдошлар	Апр.— май
53	Қорақулоқ	<i>Eminium regelii</i>	Кучаладошлар	Апр.— май
54	Қирқбұғым	<i>Equisetum arvense</i>	Кириқбұғимдошлар	Март — май
55	Құмсақиң	<i>Chondrilla juncea</i>	Мураккабгулдошлар	Июль — сен.
56	Құға	<i>Typha latifolia</i>	Тұзғодошлар	Апр.— май
57	Хұқызыли	<i>Anchusa italicica</i>	Гавзабонгулдошлар	Апр.— май

Бир йиллик үсімліктар

1	Болдириқажарық	<i>Crypsis schoenoides</i>	Бошоқдошлар	Июль — сен.
2	Голдбахия	<i>Woldbachia laevigata</i>	Крестгүлдошлар	Апр.— май
3	Еввойи арпа	<i>Hordeum spontaneum</i>	Бошоқдошлар	Июнь
4	Еввойи сабзи	<i>Daucus carota</i>	Соябонгулдошлар	Апр.— май
5	Еввойи сули	<i>Avena trichophylla</i>	Бошоқдошлар	Май — июнь
6	Епишоқ	<i>Senecio subdenudatus</i>	Мураккабгулдошлар	Май — июнь
7	Жақдар	<i>Secale cereale</i>	Бошоқдошлар	Май — июнь
8	Олмагул	<i>Chrozophora hie tosolymitana</i>	Сутламадошлар	Апр.— май
9	Пахтакаррак	<i>Cousinia microcarpa</i>	Мураккабгулдошлар	Май — июнь
10	Рандак	<i>Agrostemma githago</i>	Чиннигулдошлар	Май
11	Сариқайынчка	<i>Trigonella grandiflora</i>	Дүккәндошлар	Март — май
12	Сариқой	<i>Agrimonia asiatica</i>	Раъногүлдошлар	Май — июнь
13	Сигирқүйрүк ¹	<i>Verbascum songoricum</i>	Сигирқүйрүкдошлар	Июнь — авг.
14	Тароқбаш	<i>Bromus danthoniae</i>	Бошоқдошлар	Апр.— май
15	Тұрнатовон	<i>Cousinia schistoptera</i>	Мураккабгулдошлар	Апр.— май
16	Тұргайыт	<i>Petrosimonia sibirica</i>	Шұрадошлар	Июнь

¹ Сигирқүйрүк иккі йиллик үсімлік.

	1	2	3
17	Чақамиң		<i>Galium aparine</i>
18	Чеканойлик		<i>Arnebia cornuta</i>
19	Шамбала		<i>Trigonella foenum—graecum</i>
20	Үрмөңкора		<i>Ceulium fimbriilligerum</i>
21	Якансимон ҳилол		<i>Cyperus glomeratus</i>
22	Ясмиң		<i>Lens orientalis</i>
23	Яғлиқора		<i>Leptaleum filifolium</i>
24	Қасмалдоқ		<i>Aegilops crassa</i>
25	Қашқарбеда ¹		<i>Melilotus officinalis</i>
26	Қылтиң		<i>Taenia tenuifolia crinitum</i>
27	Қарғатирноқ (Оқчытыв)		<i>Euclidium syriacum</i>
28	Қүшкүнмас		<i>Carthamus turkestanicus</i>
29	Қорамир		<i>Vaccaria segetalis</i>

¹ Қашқарбеда — иккى йиллык үсімлік.

Рұяндошлар	Апр.— май
Зиркдошлар	Апр.— май
Дүккакдошлар	Июнь — июль
Күкноргулдошлар	Май — июнь
Хилолдошлар	Июнь — июль
Дүккакдошлар	Июнь — июль
Крестгүлдошлар	Июнь — июль
Бошоқдошлар	Апр.— май
Дүккакдошлар	Май — июнь
Бошоқдошлар	Апр.— май
Крестгүлдошлар	Апр.— май
Мұраккабгүлдошлар	Июнь — июль
Чиннингүлдошлар	Апр.— май

чатоғ ва Нурота тоғларининг шимоли-шарқида жойлашган Писталитоғ, Балиқчи тоғлари ҳам унчалик баланд эмас. Гумид иқлимили тоғ минтақасининг йиллик ёғин миқдори 500—600 мм дан 1000—1200 мм гача етади. Ёғингарчилик куз, қиш ва баҳор ойларида бўлади. Ёз ойларида эса ёғингарчилик камдан-кам бўлади. Қор асосан қишида (декабрь-январда) тушади. Қор ва музликлар олти ой мобайнида сақланади. Ёз ойларида фақат юқори тоғлардагина бир оз ёғин ёғади. Тоғларниң ҳаво намлиги ёз ойлари 40—50% ни, қишида 90—100% ни ташкил қиласди. Ёзда ҳаво исиди, июль ойларида ўртacha ҳарорат $18-20^{\circ}$ га боради. Қишида эса анча совуқ бўлиб, ҳарорат $15-25^{\circ}$ гача пасаяди. Баҳор фаслида намгарчилик кўп бўлиши туфайли тоғ ҳавоси салқин бўлади ва турли-туман ўсимликлар анча кўп ўсади. Кўпгина дарёлар тоғлардаги қор ва музликлардан сув олади. Ўрта Осиёнинг азим дарёларидан Амударё билан Сирдарё Тяньшанъ ва Помир-Олой тоғларидан бошланади. Бу тоғларниң асосий қисми республикадан ташқарида, Тожикистон ва Қирғизистондадир. Узбекистон территориясидаги тоғлар ҳам кўпгина дарёлар учун сув манбаи ҳисобланади. Шўх Уғом, Чотқол, Пском тоғидан Чирчиқ дарёси, Қурама тоғидан Оҳангарон, Бойсун тоғидан Шеробод дарёси, Ҳисор тоғидан Сурхондарё каби дарёлар сув олиб, водиймизни гуллатиб-яшнатади. Тоғлардан бошланадиган бу дарёлар битмас-туғанмас табиий сув ресурсларимиз ҳисобланади. Булардан ташқари, шарқдан гарбга қараб Зарафшон ва Қашқадарё оқиб ўтади. Бу икки дарёning суви ҳеч бир ҳавзага қўйилмайди. Уларниң суви сугориш учун сарф бўлади, охири қумга сингиб кетади. Гумид иқлимили тоғ поясидан оқиб ўтадиган бу дарёлар ўша жойнинг иқлимига, ўсимликлар дунёсига катта таъсир қиласди. Тоғ минтақасининг тупроғи жигар ранг, қўнгир ва кул ранг бўлиб, тошлоқ, шағал аралаш, баъзи жойларида тўқ бўз тупроқ ҳам учрайди. Жигар ранг ва кул ранг тупроқ Узбекистоннинг марказий ва жанубий тоғларини ишғол қиласди, у кам ишқорли бўлиб, карбонатнинг кўп миқдорда мавжудлиги билан таърифланади. Республикамиз тоғларидаги жигар ранг тусли тупроқлар автоморф тупроқ ҳисобланаб, кўпинча қуруқ тоғлар минтақасида учрайди. Тоғ минтақасида донли ва дуккакли экинлар экиласди, қисман чорва моллари боқиласди ва ем-хашак жамғарилади. Бу ерларда ўсадиган бута ва дараҳтлардан эса кишилар ёқилғи, қурилиш материаллари сифатида фойдаланишади; мевали дараҳтлар ҳосили эса озиқ-овқат сифатида ишлатилади. Тоғ минтақаси ҳам одатда икки минтақага: пастки ва юкори тоғ минтақаларига бўлиб ўрганилади.

ПАСТКИ МИНТАҚА. Пастки тоғга денгиз сатҳидан 1200—2000 м гача баландликда бўлган ерлар киради. Бу юқори адир билан туташ бўлиб, узоқ вақт кўкариб турадиган эфемерларнинг кўплиги билан характерланади. Эфемерлар жуда кам бўй

либ, чала бута, бута ва дарахтлар тагида ўсади. Дарахтлар жуда сийрак, чунки уларга одамларнинг таъсири катта бўлган. И. И. Гранитов ва А. И. Гранитовларнинг ёзишича, бундан 500—700 йиллар илгари барча тоғларимиз бута ва дарахтлар билан тўлиқ қопланган. Кейинчалик тартибсиз фойдаланиш натижасида улар сийраклашиб қолган. Қ. З. Зокиров ҳам бу ҳақда гапириб, Зарафшон тоғларининг юқори қисми бир вақтлар арчазор ўрмонлар билан қопланганлигини ва ҳозирги вактда уларнинг кўп қисми турли сабабларга кўра йўқ бўлиб кетганлигини ёзади. Масалан, Нурота тоғларида бундан анча йиллар илгари бодом кўп ўсар эди. Сўнгги йилларда кишилар уни ёқиш учун кўплаб синдириб келиши натижасида жуда сийраклашиб қолган. Ҳозир бодом фақат тоғнинг юқори қисмida, одамлар чиқа олмайдиган қияликлардагина сақланиб қолган. Бу жойнинг иқлими юқори адирдан бир оз фарқ қиласди. Йиллик ҳарорат адирдан 3—4° паст, ёғин миқдори бир оз кўп. Ёғин кузда, қиши ва баҳорда ёғади. Қор ва музликлар қишидагина (3—4 ой, баъзан 5 ойгача) сақланади. Баъзи йилларни мустасно қилганда ёз ойларида умуман ёмғир ёғмайди. Ҳавонинг абсолют намлиги анча юқори бўлиб, ёз ойларида 40—50% ни ташкил қиласди. Тупроғи бўз ва жигар ранг бўлиб, баъзи жойларда тошлоқли ёки чимли кул ранг тупроқлар ҳам учрайди. Тупроғи гумусга бой бўлиб, ўсимликларнинг ўсиши учун жуда қулайдир. Бу минтақада катта харсанг тошлилар билан қопланган ерлар ҳам учрайди. Пастки тоғда бир йиллик ва кўп йиллик ксерофит ўтлардан буғдоиқ, эспарцет, шувоқ, тошкакра, бозулбонг, чалов кабилар анча кўп ўсади. Республикализнинг ҳамма тоғларида ҳам бир хилдаги ўсимликлар ўスマйди. Чўл минтақасига яқин жойлашган тоғларда (Нурота, Оқтоғ, Букантоғ кабиларда) буғдоиқлар деярли учрамайди. Бу тоғларнинг ўсимликлари тўлиқ ксерофит бўлиб, мезофит ўсимликларни топиш қийин. Бунинг сабаби бу тоғларда ёз ойлари қор бутунлай бўлмайди. Қишида ёққан қорлар май ойининг охирларидаёт бутунлай эриб кетади. Бу тоғларда ўсимлик турлари жуда кам, кўпинча чала бута ва буталар, қисман жуда сийрак ҳолда ўсувчи баъзи дарахтларни учратиш мумкин. Узбекистоннинг шарқидаги тоғлар булардан тубдан фарқ қиласди. Бу ерда қор ва музликлар узоқ вақт ётади. Нам анча кўп. Шу сабабли бу ерда эфемерлар ва кўп йиллик ўсимликлар билан бирга чала бута, бута ва дарахтлар анча кўп ўсади. Пастки тоғда энг кўп тарқалган бир йиллик эфемер, кўп йиллик ўтлар ва дарахтлардан баъзилари билан танишиб ўтамиш.

ТОГОЛЧА (*Prunus mirabilis* Sumn.) раъногулдошлар оиласидан, бўйи 4—10 м га етадиган, сершоҳ дарахт ёки бутадир. У тиканли, ёш новдалари қўнғир-қизғиши, туксиз. Барглари овал шаклида, учлари ўткир, узунлиги 4—6 см, эни 2—3 см бўлади. У март ойида кўкаради ва шу ойнинг ўзидаёт гуллайди, гул-

лари оқ, диаметри 2—2,5 см, меваси июнь-июль ойларида пишади, у ҳар хил шаклда: думалоқ, тухумсимон. Меваси сариқ, оч қизил, баъзан тўқ қизил рангли бўлади.

Тоғолча мевасини қуритиб ёки қуритмасдан истеъмол қилиш мумкин. Мевасида ёпишқоқ-ширали неатин деб аталувчи модда бўлганлиги учун кондитер саноатида мармелад тайёрлашда кенг ишлатилади.

ЗИРК (Berberis integrifolia Bge.) зиркдошлар оиласидан, бўйи 4 м га етадиган, кўп шохланган бутадир. Эски поялари кул ранг, ёш новдалари қўнғирроқ рангда. Тиканлари уч бўлакли, узунлиги 15 мм. Барглари тескари тухумсимон, чўзинчоқ, ўтмас, четлари бир оз тишчали, юқори томони кўк рангда. Зирк март ойида кўкаради, май ойида гуллайди. Гуллари сариқ рангда бўлади. Гул шингили шохланган, рўваксимон, меваси июнь-июль ойларида пишади. У қорамтири-кўкиш рангда бўлади. Меваси нордон бўлади. Унинг ҳўл ёки қуруқ мевасидан қиём, мураббо тайёрланади. Меваси беморларни даволашда, иссиқни туширувчи ва чанқоқни қолдирувчи восита сифатида фойдаланилади. Зиркнинг пўстлоғидан сариқ бўёқ олинади. Зирк энг яхши асалчил ўсимлик ҳамdir. Унинг илдизида баъзи алкалойдлар бўлганлиги учун дори тайёрлашда кенг ишлатилади. Зирк республикамизнинг тоғли районларида кўп бўлиб, тўп-тўп бўлиб ўсади. Маҳаллий аҳоли унинг фойдали эканлигини азалдан билади ва мевасини йигиб зиравор сифатида овқатга солади. Зиркнинг фойдаси билан бирга зарари ҳам бор. Унинг баргига занг замбуругуни дастлабки босқич даврини ўтиб, кейин донли экинларга тушади ва уни зарарлайди. Натижада донли экинлар ҳосилига катта зиён етказади.

ТОҒШУВОҚ (Artemisia tenuisecta Nevski) мураккабгулдошлар оиласидан, бўйи 40—70 см га етадиган чала бутадир. Пояси сершох, тик турувчи, қалин тукчалар билан қопланган. Барглари кул ранг-кўкиш, тукчали бўлиб, поянинг пастки қисмида жойлашган барглар икки марта патсимон қирқилган. Тоғшувоқ ҳам бошқа шувоқлардек марта ойида кўкаради, сентябрь ойида гуллайди, октябрда уруги пишади. Тоғшувоқ юқори адирда ҳам ўсади. У чорва молларининг тўйимли озиғи ҳисобланади. Тоғшувоқнинг илдизи тупроқнинг юза қаватида жойлашган бўлиб, уни ювилиб кетишдан сақлайди.

ТОГПИЁЗ (Allium psekmense B. Fedtsch.) пиёзгулдошлар оиласидан, бўйи 40—100 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Пиёзи шарсимон, йўғонлиги 3—6 см, қорамтири пўстлоқ билан ўралган. Баъзан уни очгандан биттадан юмшоқ пиёзчалар ажралади. Барглари 4—6 та, қайишсимон, эни 2—3 см, четлари силлиқ, ост томони сийрак тукчали. Тоғпиёз март ойининг бошларида кўкаради. У дастлаб иккита барг ҳосил қиласи. Бу пиёз ҳар йили фақат барглар ҳосил қилиб, 4—5 йилдан кейин поя беради. Май-июнь ойларида гуллайди. Гуллари поянинг

учки қисмидә оддий соябон шаклидаги түпгүлларни ҳосил қиласиди. Гуллари майда, гулқүрғони олтита оқиши гултожибаргдан иборат. Поясининг ички қисми ғовак бўлади. Меваси июнь-июль ойларида пишади. Қўсакчали шарсимон, эни 5 мм келади. Қора рангли уруғидан яхши кўкаради. Тоғпинёз пастки тогда кўп учрайди. Уни кишилар қадимдан истеъмол қилиб, турли касалликлар (айнича шамоллаш) ни даволашда кенг фойдаланиб келган. Ўзбекистонда пиёзлар туркумининг 100 дан ортиқ тури бор. Уларнинг кўпи ёввойи ҳолда ўсади ва маҳаллий халқлар томонидан кенг фойдаланиб келинади.

Уни гербаријга олганда пиёзни ўраб турган пастки қисми ни шилиб юбормасдан эҳтиётлик билан олиш керак. Чунки ёввойи пиёзлар бир-бирига ўхшаш. Уларни аниқлаганда ана шу пўсти орқали ҳам баъзи белгиларини аниқлаш мумкин бўлади.

ФОЗПАНЖА (*Potentilla songorica* Bge.) раънгудошлар оиласидан, бўйи 10—40 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Пояси ётиб ўсади. Барг қўлтиғидан чиққан гулбандлари эса юқорига кўтарилиган ҳолда жойлашади. Поясининг устки томони туксиз, тиниқ кўк, остки томони тукчали, илдиз олди барглари икки марта патсимон бўлинган. У ингичка, ўтмас, тукчалар билан қопланган. Фозпанжা март ойининг охирида кўкаради. Илдизи ўқилдиз, йўғон, кўп тугуни, усти эски барг қолдиқлари билан қопланган, қўнғир рангда. Апрель — май ойларида гуллайди. Гулкосаси кўм-кўк ёки қизғиш. Унинг диаметри 10—16 мм. Гултожи сариқ, тескари тухумсимон, гулкосасидан 1,5 марта узун. Чангчиси 20 та, уруғчиси узунчоқ овал шаклида. Уруғи июнь ойида пишади. Меваси тухумсимон, туксиз, силлиқ. Уруғи яхши унади. Фозпанжа ҳамма тоғларнинг пастки қисмida кўп ўсади. Уни чорва моллари яхши ейди.

ТОҒҚЎЗИҚУЛОҚ (*Phlomis olgae* Rgl.) лабгулдошлар оиласидан, бўйи 30—50 см келадиган кўп йиллик ўсимлик. Пояси тик турувчи, бир нечта ён шохчалар ҳосил қилиб ўсади. Бутун танаси оқ тукчалар билан қопланган. Барглари тухумсимон ўзунчоқ, ўткир, асоси юмалоқроқ, туташ қиррали. Баргларининг усти кўкимтири, ости оқ тукли. Поясининг пастки барглари бандли, юқоридагилари эса қисқа бандли. Тоғқўзиқулоқ апрель ойида кўкаради. Илдизи ўқилдиз, қорамтири-қўнғир рангда. Июнь-июль ойларида гуллайди. Гуллари бандсиз бўлиб, поясининг юқори қисмидаги барг қўлтиғида доира шаклида жойлашган. Гулкосаси қирқилмаган, узунлиги 13—14 мм, қалин тукчали. Гултожи пушти-қирмизи рангли, ташқи томони тукчали. Меваси июль-август ойларида пишади. У қўсакчадан иборат бўлиб, унинг ичидаги бир нечта қорамтири-қўнғир рангли уруғ ҳосил бўлади. Уруғи яхши унади. Тоғ қўзиқулоқ тоғнинг пастки минтақасида кўп ўсади. Уни кўклигига чорва моллари деярли емайди. Қуригач эса унинг баргларини бошқа хашаклар билан бирга яхши ейди.

ТОФОТҚУЛОҚ (*Rumex confertus* Willd.) тоңдошлар оиласидан, бўйи 85—120 см келадиган кўп йиллик ўсимлик. Пояси тик чизиқли, йўғонлиги 10 мм. Илдиз олди барглари узун баргли, барги бандига тенг, учбурчак-тухумсимон, бўйи 20—30 см, эни 5—15 см. Поядаги барглари анча майдада, тухумсимон ёки наштарсимон шаклда бўлади. Тоғотқулоқ март-апрель ойнда кўкаради. Дастлаб илдиз олдидан узун ва камбарг новдалар ҳосил бўлади. Қейинчалик бу новдалар учидаги кўп миқдордаги гуллар йигиндисидан иборат рўваксимон тўлгуллар ҳосил бўлади. У май ойнда гуллайди. Гуллари кўримсиз бўлиб, сарғиши-яшил рангли б дона гултожибаргдан иборат. Меваси июнь ойнда пишади. У уч қиррали ёнғоқчага ўхшайди. Уруғидан яхши унади. Илдизи йўғон, тармоқланган, ерга анча чуқур киради. Тоғотқулоқнинг илдизидан ошловчи модда ва бўёқ олиш мумкин. Унинг барглари эса то поя бергунча овқатга ишилтилади. Тоғотқулоқ республикамизнинг захжойларида, тоғлар атрофида кўп ўсади.

БҮГДОЙИҚ (*Elytrigia trichophora* (Link.) Nevskij) буғдойиқ тоғ минтақасида энг кўп тарқалган ўсимликлардан бири (24-расм). Унинг биологияси ҳақида юқори адир бўлимида батафсил ёзилган. Шу сабабли бу ерда такрорламадик. Фақат шуни айтиш керакни, буғдойиқ бу минтақада турли ўтлар билан энг характерли ўсимликлар қопламишини ташкил қиласиди. Шунинг учун ҳам М. В. Култиасов уни «қуруқ даштда ўсузвичар хил ўтли буғдойиқлар» тоғ минтақаси учун энг характерли деб ёзган. Буғдойиқ бу минтақада кўпгина бошоқдошлар, раъногулдошлар, мураккабгулдошлар оиласидан ингакиллари билан бирга ўсимликлар ассоциациясини ташкил қиласиди.

АСТРАГАЛ (*Astragalus eximius* Bge.) дуккакдошлар оиласидан, бўйи 50—80 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Пояси тик турувчи баҳмалдек қалин оқ тукчалар билан қопланган. Барглари 20—25 см узунликда, барг бандлари жуда қисқа, поясининг пастки қисмидаги ёнбаргчалари учбурчак, юқоридагилари эса ингичка бигизсимон учли. Баргчалари 7—9 жуфт бўлиб, тухумсимондир. Астрагал апрель ойнда кўкаради. Илдизи ўқилдиз бўлиб, тупроқча анча чуқур киради. Май-июнь ойларидан гуллайди. Тўпгули шарсимон шаклда бўлиб, диаметри 4—6 см га етади. Гулкосаси қўнгироқсимон, 25—28 мм узунликда. Гултожи сариқ, байроқчаси 18—26 мм узунликда, тукчали. Меваси-дуккаги июнь-июль ойларидан пишади. Унинг узунлиги 8—10 мм, ён томонлари сикилган, икки уяли; мева ичидаги 1—2 тадан уруғ бўлади. Уруғи овал шаклда, кўк кул



24-расм. Буғдойиқ.

рангда. Астрагал қўнғир ва кул ранг тупроқли ерларда яхши ўсади. Чорва моллари уни ҳўллигига ҳам, қуруқлигига ҳам яхши ейди.

БЕТАГА (*Festuca orientalis* Kern.) бошоқдошлар оиласидан, бўйи 30—100 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик (25-расм). Пояси тик, қаттиқ, туксиз ва силлиқ. Барг новлари туксиз ҳамда силлиқ. Тилчаси жуда калта. Баргларнинг эни 7 мм гача, ясси, баъзан бир оз ўралган. Рўваги 3—8 бошоқчалидир. Бетага март-апрель ойларида кўкаради. Попук илдизли, унча чуқур кирмайди. Май ойида гуллайди, гуллари рўваксимон тўнгул ҳосил қиласди. Чангчиси 3 та, уруғчиси патсимон, меваси июнь-июль ойларида пишади. Бошоғи узунчоқ, тухумсимон, 12—15 мм узунликда бўлади. Бошоқ қилиқлари ўткир, қилиқли. Пастки гул қилиғи узунчоқ-наштарсимон, узунлиги 7—8 мм, қилтиғининг узунлиги 2—3 мм. Тоғнинг пастки қисмида, нам жойларда (ариқ, сой, дарё ёқаларида) кўп ўсади. Бетага чорва молларининг тўйимли озири хисобланади. Уни баҳорда, ёз ва кузда ҳам қўйлар, от ва қорамоллар яхши ейди.

ЛОЛА (*Tulipa greigii* Rgl.) пиёзгулдошлар оиласидан, бўйи 20—40 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Тухумсимон пиёзининг йўғонлиги 2,5—4 см, қизғиш-қўнғир рангли қобиқ билан ўралган; қобигининг ички ва ташқи томони ҳам сертук. Барглари 3—4 та бўлиб, унинг устки томонида қўнғир доғли қизиқлар бор.

Лола март ойида кўкаради. Пиёздан кўкарған оқ ва серсув ерости пояси 8—10 см гача чуқурликда жойлашади. Апрель ойида гуллайди. Гули оддий тулқўргонли бўлиб, 6 та қизил, баъзан сариқ рангли йирик тожибаргдан иборат. Тожибаргларнинг ости сарғиш-қора доғлидир; тожибаргларнинг узунлиги 3—10 см. Чангчиси 6 та, туксиз, бирлашмаган, сариқ ёки корамтири. Уруғчиси сариқ, баъзан бинафша рангли. Уч хонали кўсакдан иборат бўлган меваси май ойида пишади. Кўсакчасининг эни 2—3 см, узунлиги 4—6 см бўлиб, унинг ичида қорамтири-қўнғир уруғлар ҳосил бўлади. Уруғидан яхши унади. Лола тоғларда кўл ўсади. У шаҳар ва районларда манзарали ўсимлик сифатида муҳим аҳамиятга эга. Уни селекция (сараблаш) йўли билан йирик ва чиройли гуллайдиган янги навларини яратиш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу соҳада мактаб биология ўқитувчилари ҳам ўз мактаблари



25-расм. Бетага.

ўқув-тажриба участкаларида бирмунча фойдали ишлар қилиши мумкин.

ТОҒЯЛПИЗ (*Ziziphora pamiralaica* Juz.) лабгулдошлар оиласидан, бўйи 10—20 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Илдиз бўғзида кўп сонли поялар ҳосил қиласди. Барглари кенг эллипс шаклда, ўтмас, асосита келиб бирдан ингичкалашади ва барг банди қисқаради. Тоғялпиз апрель ойида кўкаради. Илдизи қорамтири, қўнғир тусли йўғон ўқилдиздан иборат. Июль-сентябрь ойларида гуллайди. Гуллар поясининг учидаги қисқа бандли тўпгул ҳосил қиласди. Гулёнбаргчалари қалами баргли, тукчали, жуда майда. Гулкосаси бинафша рангли, узунлиги 6—7 мм, сертук. Гултожи қизғиш-бинафша рангли. Чангчиси гултожидан чиқиб туради. Меваси август-сентябрь ойларида пишади. Уруғи силлиқ, туксиз, майда қорамтири-қўнғир тусда. Уруғидан яхши унади. Тоғялпиз республикамизнинг барча тогларида, шағал, тош аралаш тупроқларда кўп ўсади. Уни чорва моллари деярли емайди. Унинг барг ва пояларидан турли касалликлар (шамоллаш, иштаҳасизлик) ни даволашда кенг фойдаланилади.

СКАБИОЗА (*Scabiosa songorica* Schrenk) тўнғистароқдошлар оиласидан, бўйи 30—90 см келадиган 5—7 бўғимли кўп йиллик ўсимлик. Пояси сийрак тукли, қаттиқ. Илдизолди барглари наштарсизмон, узунилиги 20—30 см, бандли, барги анча кичик, поядаги барглари бандсиз, патсизмон бўлинган. Скабиоза март-апрель ойларида кўкаради. Илдизи кўп томирли бўлиб, қорамтири-қўнғир тусда.

У июнь-июль ойларида гуллайди. Гултўплами 3—5 см катталикда. Баргчаларининг узунилиги 12—15 мм, остки қисми узун, оқ тукчалар билан қопланган. Гултожи кул ранг-қизғиш, пушти ёки бинафша рангли. Меваси июль-август ойларида пишади. Уруғи кичик, юмалоқ, туксиз, уруғидан яхши унади. Скабиоза майда шағалли бўзтупроқда яхши ўсади. У адир минтақасидан тоф минтақасигача кенг тарқалган. Уни чорва моллари йил бўйи яхши ёйди. Республикаизда скабиозанинг 7 тури ўсади. Улар чўл минтақасидан юқори тоф минтақасигача учрайди.

ЭСПАРЦЕТ (*Ophrychis pulchella* Schrenk) дуккакдошлар оиласидан, бўйи 15—75 см га етадиган бир йиллик ўсимлик (26-расм). Пояси тик турвчи, шохланган, сийрак тукчали.



26-расм. Эспарцет.

Ен баргчалари пардасимон, асосидан кенгайиб бирлашган. Баргларининг узунлиги 7—15 см, баргчалари 3—4—6 жуфт, калта бандли, қалами баргли, узунлиги 15—35 мм. Эспарцет уруғи март ойида униб чиқади. Илдизи ўқилдиз, тупроққа анча чуқур киради. Апрель-июль ойларида гуллайди. Гул шингилининг узунлиги 7—25 см, гулбандининг узунлиги 2—3 мм, тукчали. Гулкосасининг узунлиги 3,6—6 мм, қўнғироқсимон, четлари тишчали. Қайиқласининг бўйи 6 мм, эни 2 мм, барги учбуручак-чўзинчоқ. Қанотларининг бўйи 3,5—4,5 мм, эни 1,5—2 мм. Меваси май-август ойларида пишади. Дуккаги 15—18 мм узунликда, эни 10—12 мм, буйраксимон, туксиз силлиқ, ялтироқ, тикансиз, баъзан доғлари бор. Уруғидан яхши унади. Эспарцет республикамизнинг адир, пастки ва юқори тоғ минтақаларида ўсади. У чорванинг тўйимли озиғи ҳисобланади. Эспарцетнинг баъзи турлари ем-хашак ўсимлиги сифатида экиласди.

ЮҚОРИ МИНТАҚА. Юқори тоғ минтақасининг характерли томони, бу ерда эфемерларнинг йўқлигидир. Бунга дengiz сатҳидан 2000 м дан 2700 м гача баландликда бўлган жойлар киради. Юқори тоғ минтақаси ўсимлик қопламининг асосий қисмини бута ва дарахтлар ташкил қиласди. Бу ўсимликларнинг кўпчилиги мезофит ўсимликлардир. Бунинг сабаби юқори тоғ минтақасининг иқлими, табиий шароити бошқа минтақалардан анча фарқ қиласди. Бу жойнинг рельефи нотекис. Бу ерлар катта тошлар билан қопланган тик қияликлар, каттакатта сой ва жарликлардан иборат. Бу минтақа геоморфологик жиҳатдан пастки тоғ минтақасидан анча фарқ қиласди. Ўзбекистоннинг шимолидаги юқори тоғ минтақаларининг тупроғи қўнғир ўрмон-тоғ тупроқларидан иборат. Ёмғир сувларининг юқоридан пастга анча тез оқиб тушиши туфайли карбонатли қатлами ювилиб пастга тушади. Жуда сернам жойларининг тупроғи гумус кўплигидан қорамтир-қўнғир ўрмон-тоғ тупроғини ҳосил қиласди; унинг таркибида 12% гача чиринди бўлади. Денгиз сатҳидан кўтарилган сари иқлим шароити ҳам ўзгариб боради. Ҳарорат пастлашиб, ҳавонинг абсолют намлиги, ёғин миқдори ошиб, булутли кунлар кўпайиб боради. Юқори тоғ минтақасида ёғин миқдори пастки тоғ минтақасидагидан 1—1,5 барвар кўп бўлиб, унинг ўртacha йиллик миқдори 800 мм дан 1000—1200 мм гача бўлади. Баъзи сернам йиллар бундан ҳам ошиши мумкин. Нам ҳаво оқими ҳамма жойга бир хилда тарқалмайди, чунки баланд тоғлар шарқдан келаётган булутларни ўзида тутиб қолади. Натижада бу тоғларда ёғин жуда кўп ёғади. Ёзда ҳароратнинг максимум миқдори $+30^{\circ}$ га етади. Куз эрта бошланиб, қиши анча чўзилади. Қор ва ёмғирлар уч фаслда — кузда, қиши ва баҳорда ёғади. Бу ерларда ёз ойлари ҳам ёмғир ёғиб туради. Гумид иқлимли бундай юқори тоғ минтақаларида мезофит ўсимликлар анча кўп ўсади. Усимликлар қопламининг асосий қисмини бута ва

даражтлар ташкил этади. Бута ва дараҳтлар ўзига хос ландшафт кашф этиб, жуда катта массивда ассоциация ва формациялар ташкил қиласиди. Булардан ташқари, баъзи ўсимликлар ҳам ўсидики, улар катта майдонни банд қилмаса ҳам, бута ва дараҳтлар ичидаги сийрак ўсиб, анчагина майдонни эгаллади. Масалан, эфедра, чимли ботқоқ ўсимликлари (сазлар) ва бошқалар. Қўйида юкори тоғ миңтақасида кўп ўсадиган ўсимликларнинг баъзи бирлари билан танишамиз.

САВУРАРЧА (*Juniperus semiglobosa* Rgl.) сарвидошлар оиласидан, бўйи 10 м гача етадиган тик ўсуви чи икки уйли дараҳтдир; пўстлоги қўнғир-кул ранг, сершох. Барглари ромбсимон, бир оз ўтири учли, оқиш кўк рангда; узунлиги 1—1,5 мм. Мевасининг диаметри 6—7 ми келади; усти мумсисмон губор билан қопланган. Мева ичидаги 2—4 та уруғ жойлашган. Уруғининг бўйи 5 мм, устки томони қабариқ. Савуранча қуруқ, тошлокли бўз ва қўнғир тупроқларда кўп ўсади. Арчалар денгиз сатҳидан 1000 м дан 2700 м гача бўлган баландликда ўсади. Арча энг қимматли дараҳтдир. Унинг таналаридан энг юкори сифатли қурилиш материаллари олинади. Улардан қалам ёғочи ва безакка ишлатиладиган баъзи бошқа нарсалар ясалади. Уларнинг ёш новдалари ва мевасида жуда кўп эфир мойи бор. Масалан, қизил арча 0,45—0,75% гача, савуранчада 0,64—1,6% гача эфир мойлари бўлади. Эфир мойи хусусан парфюмерия (атир-упалар тайёрлаш)да кенг ишлатилади. Шунингдек, ундан саноатда ҳам кенг фойдаланилади. Арчалар асосан одам чиқиши қийин бўлган қояликларда кўп ўсади. Ўтмишда кишилар томонидан улар аёвсиз синдирилиши, ўтин қилиб ёқилиши ва ҳоказолар туғайли бир вақтлар жуда кўп бўлган арчазорлар бугунги кунга келиб, анча камайиб кетган.

ЁНФОҚ (*Juglans fallax* Dode.) ёнфоқдошлар оиласидан, бўйи 10—15 м га етадиган сершох дараҳтдир, кул ранг тусда. Ёнфоқ маданий ҳолда ва ёввойи ҳолда ўсади. Ёввойи ёнфоқнинг маданий ёнфоқдан фарқи шуки, унинг барги бутунлай тўмтоқ ёки бир оз тўмтоқ учли бўлиб, меваси (ёнфоғи) думалоқ (маданий ёнфоқнинг меваси тухумсимон, ўтири учли), пўчоғи қалин ва мағзи кичкина бўлади. Ёнфоқ май ойида гуллайди, меваси сентябрда пишади. У республикамизнинг тоғли районларида кўп ўсади. Ёнфоқнинг мевасида 77,7% гача мой бор. Шунинг учун қандолатчиликда ва озиқ-овқат саноатида унинг мағзидан кенг фойдаланилади. Унинг пишиб етилмаган, фур мевалари эса турли витаминларга бой бўлганлиги учун улардан поливитамины мураббо ва қиёмлар тайёрланади; баргига югландин алкалойди мавжуд бўлиб, ундан тиббиётда фойдаланилади. Пўстлогидан эса қўнғир рангли бўёқ олинади. Ёғочи уй жиҳозлари — стол, стул, диванлар тайёрлашда ишлатилади. И. В. Мичурин ёнфоқка баҳо бериб, «ёнфоқ келажакнинг нони» деган эди. Республикамиз тоғ этакларида бўш ётган бир неча юз минг гектар ерларга уни экиб кўлпайтириш

мумкин. Бу ишда ўша атрофда жойлашган мактаб биология үқитувчилари ташаббус кўрсатиб, катта ҳисса қўшишлари мумкин.

ИРГАЙ (*Cotoneaster multiflora* Bge.) раъногулдошлар оиласидан, бўйи 0,5—1,5 м га етадиган тик ўсувчи бутадир. Новдалари ёшлигига тукчали бўлиб, кейинчалик бу тукчалар тўкилиб кетади. Барглари анча узун, барг бандида ўрнашган, барги кенг, тескари-тухумсимон, учи ўтмас, асосан анча энли. Баргларининг икки томони ҳам туксиз. Иргай май ойида гуллайди. Гуллари жуда кўп, дихотомик шохланган бўлиб, рўвак шаклидаги тўпгул ҳосил қиласди. Гултожи оқ, диаметри 1 см, айрим-айрим ҳолда жойлашган тожибарглардан иборат. Меваси сентябрь ойида пишади. У оч қизил рангли, чўзинчиоқ-тухумсимон, узунлиги 6—10 мм, 1—2 та данакдан иборат. Иргай тошлоқ тупроқли буталар орасида кўп ўсади. У манзарали бута ўсимлик сифатида ишлатилиши мумкин. Танаси мустаҳкам, чиройли, гуллар учун пайвандтаг сифатида ҳам фойдаланса бўлади.

ДУКЁФОЧ (учқат) (*Lonicera microphylla* Willd.) шилвидошлар оиласидан, бўйи 1,5 м га етадиган бутадир. Ёш новдалари калта тукли, эски туплари пушти рангда. Барглари тескари-тухумсимон, учи ўтмас, бўйи 1—3 см, эни 1,2 см, икки томони ҳам қалин тукчали. Барг бандининг узунлиги 1—2 мм бўлиб, тукли. Дукёфоч май-июнь ойларида гуллайди. Гулдор пояси туксиз, узунлиги 1—2 см. Гулёнбарглари бигизсимон, баъзан қалами наштарсимон, туксиз. Гултожи сарғиш, узунлиги 10—15 мм, ташқи томони туксиз, чангчиси устки лабидан калта, узун ипсимон, тукчали. Меваси июль—август ойларида пишади. У қизил шарсимон, узунлиги 5—6 мм. Дукёфоч юқори тор минтақасида кенг тарқалган бутадир. Унинг ёғочидан қурилиш материали сифатида кенг фойдаланилади. Дукёфочларнинг 20 тури республикамизда ўсади. Уларнинг баъзилари маданийлаштирилган.

ЗАРАНГ (*Acer semenovii* Rgl. et Herd.) зарангдошлар оиласидан, бўйи 6—10 м га етадиган йирик бута ёки дараҳтдир. Танаси кул ранг пўстлоқ билан қопланган. Ёш новдачалари қизғиши-қўнғир рангда бўлади. Баргларининг узунлиги 5—7 см, эни 4—4,5 см га етади. Барги уч бўлакчали бўлади. Заранг барг чиқариши биланоқ май-июнь ойларида гуллайди. Гуллари майда, кўримсиз бўлади. Чангчининг иплари узун, гултожидан чиқиб туради. Меваси август-сентябрь ойларида пишади. У икки қанотчали (қанотчасининг чеккасида пушти ҳошияси бор), қанотча бўлакларининг бир-бирига туташган жойи тор бурчак ҳосил қиласди. Қанотчасининг узунлиги (уруги билан бирга) 30 мм га етади. Заранг майда шағал тош аралаш қўнғир тупроқда кўп ўсади. У жуда чиройли дараҳт. Ёғочининг мустаҳкамлиги билан бошқа ўсимликлардан фарқ қиласди. Ундан қурилиш материаллари тайёрлашда, катта майдонлар-

да, иҳота дараҳтзорлар ташкил этишда, соя-салқин жойлар барпо қилишда кенг фойдаланилади. У ариқ, ҳовуз ёқаларида яхши ва тез ўсиб, толлар сингари қуюқ соя беради.

НАЪМАТАК (*Rosa maracandica* Bge.) раъногулдошлар оиласидан, бўйи 1 м га етадиган паст бўйли бутадир. Пояси шохланган, эски шохларининг поя қобиғи кул ранг, ёш новдаларини-ки қўнғир-қизил. Уларнинг тикани кўп, шохларидаги барглари тўп бўлиб жойлашган. Баргчалари майда, 5—9 та, узунлиги 2—6 мм, тухумсимон, баъзан думалоқ, туксиз, ёнбарглари жуда ингичка, узунлиги 3—8 мм. Наъматак апрель ойининг бошларида кўкаради. Илдизи ўқилдиз, тупроқнинг юза қатламларига ҳам томир ёйган. У май-июнь ойларида гуллайди. Гуллари биттадан, ингичка, калта бандли. Гулкосаси ланцетсимон, узунлиги 4—6 мм. Гултожи олтинсимон, сариқ рангли, диаметри 1,5—2,5 см. Чангчисининг ипи гипант — гултаг билан тулашган. Меваси июнь-август ойларида пишади. У шарсимон, ичидан уруғлари бўлади. Наъматак пайвандтаг сифатида жуда кўп ишлатилади. У республикамизнинг ҳамма тоғларида кўп учрайди. Меваси таркибида С витамини кўп бўлади. Бундан ташқари, таркибида жигар касалликларини даволашда ишлатиладиган доривор моддалар ҳам мавжуд.

ҚЎНҒИР НАЪМАТАК (*Rosa kokanica* Rgl.) раъногулдошлар оиласидан, бўйи 1,5—2 м га етадиган бутадир. Пояси сершоҳ, эски тупининг пўстлоғи бинафша-қўнғир тусли. Тиканлари кўп, барглари 7—9 та, эллипс шаклида ёки тескари-тухумсимон, узунлиги 8—17 мм, эни 6—13 мм. Қўнғир наъматак март-апрель ойларида кўкаради. Май-июнь ойларида гуллайди. Гуллари 1—2 та, йўғонлиги 1—1,25 мм, гулбанди 4 см узунликда. Гултожи сариқ, диаметри 4,5—5 см. Меваси июль-октябрь ойларида пишади. Қўсакчаси кўкиш-қўнғир, уруғи қорамтири, бир нечта. Қўнғир наъматак арчазорлар орасида, қояликларда жуда кўп ўсади. У тог минтақасининг типик ўсимлиги ҳисобланади. Бу ҳам наъматак сингари тиббиётда, хўжаликнинг бошқа соҳаларида кенг ишлатилади.

ЧИЯ (*Cerasus alaica* Pojark.) раъногулдошлар оиласидан, бўйи 20—50 см келадиган бутадир. Пояси шохланган, шохлари бўғимли, кул ранг, ёш новдалари калта тукчалар билан қопланган. Ёнбаргчаларининг узунлиги 3—4 мм, бигизсимон, пастки томондагилари патсимон, қисқа бандли, узунлиги 2—3 мм, четлари ўткир тишчали. Чия апрель ойида кўкаради. Илдизи ўқилдиз, апрель-май ойларида гуллайди. Барги чиқиши биланоқ гуллай бошлайди. Гуллари қизғиш. Август ойида меваси пишади. Мева банди калта, йўғон, тифиз тукчалар билан қопланган. Данаги шарсимон, узунлиги 6—7 мм, қорамтири-қизил рангли учки томони учли. Данагининг устида кўп нуқталар бор. Данагидаги эт пўстлоғи юпқа бўлиб, тез ажралади. Эти сарғии қизил, бир оз нордонроқ, лекин ширин. Эти данагидан қийин ажралади. У уруғидан яхши унади. Уни мада-

нийлаштириш яхши натижа беради. Чия республикамизнинг ҳамма тоғларида ўсади. Ўзбекистонда чиянинг бошқа турлари ҳам бор.

ҚИЗИЛЧА (*Ephedra distachya* L.) зағозадошлар оиласидан, бўйи 1—1,5 м га етадиган йўғон пояли, сершоҳ бутадир. Поясининг қобиги кул ранг, шоҳчалари тик, тарвақайлаб ўсувчи, силлиқ, ингичка, йўл-йўл, бўғим оралигининг узунлиги 2 см. Барглари қарама-қарши жойлашган, тангақасимон, пардали, учбурчак. Қизилча апрель ойида кўкаради. Июнь ойида гуллайди. Чангчи ҳосил қилувчи шоҳчаси биттадан, шарсимон, 2—4 гулли бўлади. Гулёнбарглари овал шаклида. Чандони қисқа бандли, 1 тадан ёки 2—3 тадан, бир гулли. Меваси июль ойида пишади. Унинг узунлиги 6—7 мм, шарсимон, этли, қизил, уруфи 4—6 мм узунликда, наштарсимон, икки томони қабариқ. Қизилча республикамизнинг юқори тоғ қисмida кўп ўсади. Унинг ёш новдаларида эфедрин алкалоид бор. Ундан кишилар қадимдан турли касалликларни, айниқса, ошқозон ва бод касалликларни даволашда дори сифатида фойдаланганлар. Сўнгги йилларда қизилчанинг баъзи турлари таркибида алкалоид кўплиги аниқланди. Масалан, қизилчанинг Кузьмичев ўти ёки зағоза деган туридан бронхиал астма (нафас қисини) касаллигига қарши ишлатиладиган дори-дармонлар тайёрланади.

ҚОРАҚИЁҚ (*Carex turkestanica* Rgl.) ҳилолдошлар оиласидан, бўйи 15—30 см га етадиган, чим ҳосил қилиб ўсувчи кўп йиллик ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, ғадир-будур кул ранг-яшил ўсимлик. Барглари ясси, қаттиқ, эни 2—3,5 мм, учбурчак-ўтқир, чириганда сарғайиб илдиз бўғзидаги новидан узилади. Қорақиёқ март ойида кўкариб, апрель ойида гуллайди. Бошоқларининг сони 3—5 та бўлиб, шундан юқоридаги 1—2 таси чангчили — эркак гуллардан, қолганлари эса уруғчили — урғочи гуллардан ташкил топган. Меваси июнь ойида пишади. Мева халтаси тескари-тухумсимон, пўстли, қўнғирисимон, тез қисқарувчи. Қорақиёқ юқори тоғ минтақаларининг нам жойларида ўсиб, жуда қалин чимли ўтлоқлар ҳосил қилади. У кўклинида ҳам, қуригандан кейин ҳам чорва молларининг тўйимли озиги ҳисобланади. Республикамизда қорақиёқни чорвадорлар жуда қадрлайди. У ботқоқликлар атрофида жуда кўп ўсиб, кўм-кўк соғ ўтлоқлар ҳосил қилади.

ТОҒҚЎНҒИРБОШ (*Poa nemoralis* L.) бошоқдошлар оиласидан, бўйи 30—80 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Барг новлари силлиқ, баъзан дағалроқ. Тилчаси жуда ҳам калта. Баргларининг эни 2 мм, ғадир-будур. Тоғқўнғирбоши март ойида кўкариб, май ойида гуллайди. Тўпгуллари рўваксимон, узунлиги 10 мм, яшил, олтинсимон, учли. Меваси июнь-июль ойларида пишади. Бошоғининг қипиги юмшоқ. Гулларининг пастки қипигида томири йўқ, ёnidаги ва ўртасидаги томирлари тукчали. Тоғқўнғирбош нам ерларда, юқори тоғ минтақасининг қўнғир ва кул ранг нам тупроқларида кўп ўсади. Уни баҳор ва

әзда чорва моллари, айниңса, қоракүл қўйлари жуда яхши ейди. Баъзи сернам йиллари ундан қиши учун кўплаб хашак олиш мумкин. Унинг қуриган поялари ҳам тўйимли озиқ ҳисобланади. Дони оқсилга бойдир.

ТОРОН (Polygonum coriarium Grig.) торондошлар оиласидан, бўйи 60—100 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Илдизи йўғон (15 см) бақувват, бир неча ён томирлар ҳосил қиласиди. Барглари тўхумсимон ёки наштарсимон, узунлиги 6—10 см, эни 2,5—5 см. Барги остки томони қалин тукчалар билан қопланган. Торон июнь ойида гуллайди. Гуллари жуда кўп, майда, оқ рангли, кўндалангига 2,5—3,5 мм, иирик тўпгугул ҳосил қилиб, узунлиги 35 см, эни 25 см келадиган рўвак ҳосил қиласиди. Меваси август ойида пишади. Ёнгоқчалари учбуручакли, ўтқир қиррали, ярқироқ, узунлиги 3—4,5 мм, эни 2—3 мм. Торон нам тупроқли ерларда кўп ўсади. Унинг илдизида жуда кўп миқдорда ошловчи модда бўлиб, шу жиҳатидан у қадимдан маҳаллий халқ томонидан ишлатилиб келинмоқда. Торон илдизидаги ошловчи модданинг кўплиги жиҳатидан равоҷдан анча устун туради. Унинг қуриган илдизида 20% (баъзан 35% гача) ошловчи модда бўлади.

Тороннинг поя ва барглари таркибида бўёқ моддаси ҳам бўлади. Унинг ёш пояси ғунча чиқаргунча ширин-нордон мазали бўлиб, у истеъмол қилинади. Пастки ва юқори тоғ минтақаларида ўсадиган бошқа вакилларнинг энг характерлilарини 5-жадвалда келтирамиз.

ЯЙЛОВ МИНТАҚАСИ

Республикамиз территориясидаги дентиз сатҳидан 2700—2800 м ва ундан баланд бўлган барча ерлар яйлов минтақасига киради. Яйлов минтақаси алъп ва субальп ўтлоқларидан иборат. Унинг характерли белгиси шуки, бу минтақада бута ва дараҳтларнинг ўсиши учун шароитнинг йўқлигидир. Бу минтақани яйлов деб аталишига сабаб, у ерлардаги ўтлоқлардан фақат ёзда мол боқиб фойдаланилишидир. Агар қоракүл қўйлари учун асосий яйлов чўл минтақаси бўлса, думбали меринос ва ҳисор қўйлари учун эса ана шу ўтлоқ яйлов минтақаси ҳисобланади. Бу ерлардан йилқичилик (отларни боқиш) учун кенг фойдаланилади. Яйлов поясига Тяньшань тоғининг ғарбий қисми, Чотқол, Пском, Ҳисор тоғларининг жануби-ғарбий томонидаги юқори тоғ минтақасидаги майдонлар киради. Булардан ташқари, республикамиз территориясида жойлашган Туркистон, Зарафшон тоғлари ҳам яйлов минтақасининг пастки чегараси ҳисобланади. Бу минтақанинг пастки томони юқори тоғ минтақаси билан, энг юқори нуқтаси эса доимий музликлар, қорликлар билан қопланган қояларга бориб тақалади. Яйлов минтақасининг тупроғи оч ва тўқ-қўнғир рангли бўлиб, қаттиқ тоғ жинсларидан ҳосил бўлган. Ўсимликлар, айниқса майнин ўтлар анча қалин қоплам ҳосил қиласиди. Катта харсанг тошлар, қояликлар, қуруқ тошдан иборат май-

Төг минтақасыда энг күп үседиган ўсимликлар

№	Махаллий номи	Илмий номи	Оиласи	Гуллаш даври
1	2	3	4	5
Даражтлар, буталар ва чала буталар				
1	Аччиқ бодом	<i>Amugdalus bucharica</i>	Раъногулдошлар	Март — апрель
2	Бакатерак	<i>Populus densa</i>	Толдошлар	Апрель
3	Бодомчия	<i>Cerasus amygdaliflora</i>	Раъногулдошлар	Апрель — май
4	Болқин	<i>Myricaria alopecuroides</i>	Юлғундошлар	Май — сентябрь
5	Бугатерскен	<i>Ceraloides fruticulosa</i>	Шўрадошлар	Июнь — август
6	Говчия	<i>Cerasus tianschanica</i>	Раъногулдошлар	Май — июнь
7	Дўлана	<i>Crataegus pontica</i>	Раъногулдошлар	Июнь
8	Еввойи бодом	<i>Amygdalus petunnikowii</i>	Раъногулдошлар	Апрель
9	Жумрут	<i>Rhamnus coriacea</i>	Жумрутдошлар	Апрель — май
10	Мойқараған	<i>Calophaca tianschanica</i>	Дуккакдошлар	Июнь — июль
11	Нормушк	<i>Evonymus semenovii</i>	Нормушкдошлар	Май — июнь
12	Оқхаргул	<i>Rosa beggeriana</i>	Раъногулдошлар	Май — август
13	Тоғқизилча	<i>Ephedra fedtschenkoi</i>	Загозадошлар	Май — июнь
14	Тоғшаир	<i>Ferula angreni</i>	Соябонгулдошлар	Апрель — май
15	Түясингрен	<i>Atraphaxis spinosa</i>	Торондошлар	Май — июнь
16	Тоғқудуси	<i>Stachys betoniciflora</i>	Лабгулдошлар	Июнь — август
17	Тубулғи	<i>Spiraea hypericifolia</i>	Раъногулдошлар	Май — июнь
18	Үрнекарча	<i>Juniperus turkestanica</i>	Сарвидошлар	Апрель — май
19	Үцқат	<i>Lonicera nummulariifolia</i>	Шилвидошлар	Апрель — май
20	Шавқат	<i>Acer turkestanicum</i>	Зарангдошлар	Апрель — май
21	Шамчироқ	<i>Lepidolopha nuratavica</i>	Мураккабгулдошлар	Июнь — июль
22	Шеролғин	<i>Artemisia dracunculus</i>	Мураккабгулдошлар	Июнь — сентябрь
23	Шипзи	<i>Lonicera bracteolaris</i>	Шилвидошлар	Май — июнь
24	Шувоқ	<i>Artemisia tenuisecta</i>	Мураккабгулдошлар	Июнь — сентябрь
25	Шум	<i>Fraxinus raibocarpa</i>	Зайтундошлар	Март — апрель
26	Четан	<i>Sorbus persica</i>	Раъногулдошлар	Июнь

1	2	3
27	Чилонжийда	<i>Ziziphus jujuba</i>
28	Қайнин	<i>Betula turkestanica</i>
29	Қарағай	<i>Caragana alaica</i>
30	Қизилдұлана	<i>Crataegus turkestanica</i>
31	Қисиран	<i>Restella albertii</i>
32	Қирчинтол	<i>Salix tenuijulis</i>
33	Қорамарт	<i>Exochorda albertii</i>
34	Қорақат	<i>Ribes meyeri</i>
35	Қизилзирк	<i>Berberis integrerrima</i>
36	Қизилча	<i>Ephedra distachya</i>
37	Хасса-муса	<i>Abelia corymbosa</i>

К ўп йиллик

1	Алқор	<i>Medisia macrophylla</i>
2	Анжабор	<i>Geranium collinum</i>
3	Арслонқулоқ	<i>Leonurus turkestanicus</i>
4	Архаршохи	<i>Schrenkia golickeana</i>
5	Асарун	<i>Valeriana ficariifolia</i>
6	Аччиқширач	<i>Ungernia minor</i>
7	Бойхолча	<i>Leontice albertii</i>
8	Бўригул	<i>Vinca erecta</i>
9	Бурмақора	<i>Corydalis severtzovii</i>
10	Гулисалим	<i>Paeonia intermedia</i>
11	Гулпар	<i>Heracleum lehmannianum</i>
12	Ерчой	<i>Geum kokanicum</i>
13	Еввойн зигир	<i>Linum Mesostylum</i>
14	Жавдар	<i>Eremostachys nuda</i>
15	Жавғаза	<i>Tulipa ferganica</i>
16	Жунчұп	<i>Scorzonera circumflexa</i>
17	Торон	<i>Polygonum coriarium</i>

Жумрутдошлар
 Қайниндошлар
 Дүккакдошлар
 Раънногулдошлар
 Келинсупургидошлар
 Толдошлар
 Раънногулдошлар
 Қорақатдошлар
 Зиркдошлар
 Зағозадошлар
 Шилвидошлар

Июль
 Апрель — май
 Апрель — май
 Июнь
 Июнь
 Май — июнь
 Май — июнь
 Май — июнь
 Май — июнь
 Июнь — август

ўсимликлар

Соябонгулдошлар
 Еронгулдошлар
 Лабгулдошлар
 Соябонгулдошлар
 Валериандошлар
 Чучмомагулдошлар
 Зиркдошлар
 Кендиридошлар
 Кўкноргулдошлар
 Айнқотовондошлар
 Соябонгулдошлар
 Раънногулдошлар
 Зигирдошлар
 Лабгулдошлар
 Пиёзгулдошлар
 Мураккабгулдошлар
 Торондошлар

Июнь — июль
 Июнь — август
 Июнь — июль
 Апрель — май
 Апрель — май
 Июль
 Апрель — август
 Май — август
 Март — апрель
 Июнь — июль
 Июль
 Июнь — июль
 Май — июнь
 Май — июнь
 Май — июнь
 Апрель
 Июнь — июль

1	2	3
18	Зарафшон	<i>Fritillaria olgae</i>
19	Иссоп	<i>Hyssopus zeravshanicus</i>
20	Кучала	<i>Arum korolkovii</i>
21	Күкгүл	<i>Lindernia macrostyla</i>
22	Күккамарон	<i>Scutellaria immaculata</i>
23	Күксақыч	<i>Taraxacum officinale</i>
24	Кийикүт	<i>Ziziphora pedicellata</i>
25	Мулкак	<i>Lathyrus muklak</i>
26	Мушуккүйрүк	<i>Alopecurus pratensis</i>
27	Мухаллис	<i>Scrophularia integrifolia</i>
28	Ожут	<i>Megocarpaea orbiculata</i>
29	Оксеп	<i>Solenanthus circinnatus</i>
30	Оқсасир	<i>Archangelica tschimganica</i>
31	Оққундүз	<i>Echinops karatavicus</i>
32	Оққалдырмок	<i>Tussilago farfara</i>
33	Омонқора	<i>Ungernia victoris</i>
34	Оқяпроқ	<i>Cousinia triflora</i>
35	Санжалит	<i>Asyneuma argutum</i>
36	Сунбул	<i>Ferula moschata</i>
37	Сұксунбул	<i>Adiantum capillus-vineries</i>
38	Сувурут	<i>Adonis chrysocyanthus</i>
39	Тогарна	<i>Hordeum bulbosum</i>
40	Тогбұрчак	<i>Cicer flexuocum</i>
41	Тогбинафша	<i>Viola isopetala</i>
42	Тогдастарбөш	<i>Tanacetum pseudachillea</i>
43	Тогжамбіл	<i>Thymus insertus</i>
44	Тилқияр	<i>Hierochloa odorata</i>
45	Тогшашар	<i>Ferula tenuisecta</i>
46	Тогтарық	<i>Oryzopsis kokanica</i>
47	Тогқиек	<i>Elymus multicaulis</i>
48	Тулкикүйрүк	<i>Prangos pubularia</i>

Давоми

4

5

Пиёзгулдошлар
 Лабгулдошлар
 Кучаладошлар
 Гавзабонгулдошлар
 Лабгулдошлар
 Мураккабгулдошлар
 Лабгулдошлар
 Дүккақдошлар
 Бошоқдошлар
 Сигирқубруқдошлар
 Крестгулдошлар
 Гавзабонгулдошлар
 Соябонгулдошлар
 Мураккабгулдошлар
 —«—
 Чучмомагулдошлар
 Мураккабгулдошлар
 Құнғироқгулдошлар
 Соябонгулдошлар
 Қирққулоқдошлар
 Айнқовоңдошлар
 Бошоқдошлар
 Дүккақдошлар
 Бинафшадошлар
 Мураккабгулдошлар
 Лабгулдошлар
 Бошоқдошлар
 Соябонгулдошлар
 Бошоқдошлар
 Пиёзгулдошлар
 Соябонгулдошлар

Май
 Июль — август
 Май — июнь
 Май — август
 Июнь — август
 Апрель — май
 Июнь — август
 Июнь — август
 Май — июнь
 Июнь — август
 Апрель
 Апрель — май
 Август
 Июнь — август
 Апрель — май
 Август
 Июнь — июль
 Июнь — июль
 Июнь
 Июнь — август
 Июнь — июль
 Май — июнь
 Июнь — июль
 Май — июнь
 Июнь — август
 Июль
 Май — июнь
 Май
 Июнь — июль
 Май — июнь
 Апрель — май

1	2	3
49	Тогмингтомир	<i>Gerbera kokanica</i>
50	Тогчыншыр	<i>Gypsophila knorrtingiana</i>
51	Хиәл	<i>Physochlaina alaica</i>
52	Чайир	<i>Andropogon ischaenum</i>
53	Чиллакоәк	<i>Koeleria gracilis</i>
54	Чүхра	<i>Rheum cordatum</i>
55	Чұңқақулоқ	<i>Allium karatavicense</i>
56	Шеролчин	<i>Pedicularis olgae</i>
57	Ширчой	<i>Orthurus kokanicus</i>
58	Югон	<i>Prangos tschimganica</i>
59	Корабаш	<i>Carex stenophylloides</i>
60	Қоразқорт	<i>Codonopsis clematidea</i>
61	Қораизира	<i>Carum carvi</i>
62	Қамғоқ	<i>Acanthophyllum erythraeum</i>
63	Қизилтикаан	<i>Acantholimon albidum</i>
64	Қирққулоқ	<i>Dryopteris felix-mas</i>
65	Құнғироқтул	<i>Campanula glomerata</i>

Б и р ы л л и к ү с

1	Бурчоқ	<i>Lathyrus asiaticus</i>
2	Енвайихина	<i>Impatiens parviflora</i>
3	Зұрча	<i>Silene conica</i>
4	Момосирка	<i>Draba verna</i>
5	Семисақ	<i>Sedum tetramerum</i>
6	Ұрмонақора	<i>Glaucium elegans</i>

Дағоми

4

5

Мұраккабгүлдошлар
Чиннігүлдошлар
Томатдошлар
Бошоқдошлар
Пиёзгүлдошлар
Торондошлар
Пиёзгүлдошлар
Сигирқүйруқдошлар
Раъногүлдошлар
Соябонгүлдошлар
Хилодошлар
Құнғироқгүлдошлар
Соябонгүлдошлар
Чиннігүлдошлар
Кермакдошлар
Қирққулоқдошлар
Құнғироқгүлдошлар

Июнь
Июль
Май — июнь
Июль — август
Июнь — июль
Май — июль
Апрель — май
Май — июнь
Июнь — июль
Июнь
Апрель — май
Июнь — июль
Июнь
Май
Июль — сентябрь
Август — сентябрь
Июнь — июль

Имликлар

Дүккәкдошлар
Хинадошлар
Чиннігүлдошлар
Крестгүлдошлар
Семизбаргдошлар
Қўнкоргүлдошлар

Апрель — май
Июнь — июль
Апрель — май
Апрель — май
Апрель — май
Апрель — май

донлар ҳам кўп учрайди. Яйлов минтақасининг иқлими субнивал бўлиб, бошқа минтақалардан тубдан фарқ қиласи. Ииллик ўртача ёғин миқдори 600—1000 м^м ни ташкил қиласи. Ёғин унчалик кўп ёғмайди. Лекин иссиқ кунлар кам бўлиб, фақат июнь-июль ойларида гина ҳаво исийди. Қолган кунлари баъзан ёмғир, баъзан туманли бўлиб туради. Шунинг учун ҳам бу ерда дәхқончилик қилиб бўлмайди. Ииллик ҳарорат миқдорининг етарли эмаслиги бу ерларда маданий экинлар экиб ҳосил олиш имконини бермайди, чунки ўсимликлар ўсува даврини бу қисқа вақт ичидаги тугата олмайди. Ҳавонинг абсолют намлиги доимо юқори. Ёз ойларида бу намлик 50% ни ташкил этади. Август — сентябрь ойларида нам жуда кам тушади. Кузнинг охири, қишиш ва баҳорда ёғин кўп бўлади. Қишида қор кўп ёғади. Ҳаво совиб, январь ойларида — 30° дан пасаяди. Ииллик ўртача ҳарорат 6—8° ни ташкил қиласи. Яйлов минтақасининг йиллик ўртача ҳарорати юқори тобе минтақасидан 3—4° паст, ёғин-сочининг анча кўп бўлиши билан харakterланади. Субнивал иқлими яйлов минтақаси республикамиэда унча катта майдонни эгалламайди. Бу минтақа бутун териториямиизнинг 1,55% ни ташкил этади. Бу минтақа майдони кичик бўлса ҳам, турли ем-хашак ўсимликларига жуда бойдир. Ундан унумли фойдаланиб, ёзда бу ўтларни ўриб пастки минтақаларга туширилса, анча ем-хашак жамғарив олишга имкон беради. Баъзи қурғоқчилик йиллари у ернинг ўсимликларидан самарали фойдаланиб, мўл озиқ ғамлаб олиш мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳозиргача яйлов минтақасидан қишлоқ хўжалигида кам фойдаланилади. Бу минтақада камида 20—30 та чорвачилик хўжаликлири ташкил этиш мумкин. Яйлов минтақаси аслида ва асосан субальп ҳамда алъп ўтлоқларидан иборат бўлиши ва доимо ям-яшил бўлган майдонлардан ташкил топиши керак. Бундай ўтлоқ яйловлар Ўзбекистон тоғларининг юқори қисмидаги деярли учрамайди. Шу сабабли ботаниклар (айниқса К. З. Зокиров) Ўзбекистон тоғларидаги бу ўтлоқларни ҳақиқий субальп ва алъп ўтлоқлари эмас, балки яйлов ўтлоқлари деб атаси кераклигини таклиф этишади. Яйловлар пояси ўсимликлар қоплами, экологик шароити, иқлими, тупроғи ва бошқа белгиларига кўра иккига: пастки (субальп) ва юқори (алъп) яйловларига бўлинади¹.

ПАСТКИ ЯЙЛОВ. Бу майдоннинг характерли томони ме-
зофит (грекча — мезос — ўрта, фитон — ўсимлик) — ўртача нам
талаб қилувчи ўсимликларнинг кўплигидир. Бундан ташқари,
ср бағирлаб ўсуви ўтлар, паст бўйли бута ва чала буталар
кўп ўсади. Пастки яйловга денгиз сатҳидан 2700—2800 м дан то-

¹ Субальп (латинча суб — остида, алъп — баланд). Баланд бўйли ўсимликлар ўсадиган майдон (ўтлоқзор) лар деб аталади.

3000—3200 м баландликкача бўлган ерлар киради. Тупроғи оч жигар ранг ва оч қўнғир тупроқдан иборат бўлиб, тошли, қояли жойлар кўп учрайди. Ернинг юза қисми кўпинча бошоқ дошлар ва чим ҳосил қилувчи ўсимликларнинг кўп ўсиши билан характерланади. Бу жой юқори төғ минтақасига яқин бўлғанлигидан ўсимликлари, тупроғи, иқлими жиҳатидан унга ўхшаб кетади. Бу ерда совуқ кунлар кўп бўлади. Ёз фаслидагина (фақат уч ой) бир оз ҳаво исийди, бу давр ичидаги ўсимликлар ўсуви даврини тугата олмайди. Ёнгичарчилик кузда — октябрь ойида бошланади. Асосий ёғин қишига баҳорда ёради. Пастки яйлов мезофит ўсимликлар ўсиши учун энг қулай жойдир. Шунинг учун ҳам бу ернинг ўсимликлар дунёси турли-тумандир. Қуйида энг кўп тарқалган ва бу минтақа учун характерли бўлган баъзи ўсимликларнинг биологияси билан танишамиз.

ЎРИҚАРЧА (*Juniperus turkestanica* Kom.) сарвидошлар оиласидан, бўйи 12—18 м га етадиган икки ўйли (чангчи ва уругчи си бошқа-бошқа ўсимлик) дараҳт, баъзиларининг бўйи 2 м дан ошмайди. Танаси қўнғир пўстлоқ билан копланган. Сершоҳ, шоҳ-шаббаси энли, қалин шоҳчалари юқорига қараган. Баргларининг узунлиги 2 мм, оч кўк рангли, тухумсимон, учи ўткир. Ўрикарча май ойида гуллайди. Мевасининг узунлиги 1,0—1,5 см, эни 0,8—1,0 см бўлиб, серсув, қанд моддасига бойдир. Унинг устки томони ялтироқ, қорамтири-қўкиш рангли парда билан ўралган. Ўрикарча төғ минтақасида ҳам учрайди. У асосан субальп ўсимлигидир. У 300—500 йилгача яшайди. Ўрикарчани кишилар жуда қадрлайдилар, чунки у сувни тупроқда узоқ вақт сақлайди, қорларни тез эриб кетишига йўл қўймайди. Унинг барглари, новдалари эриган қор сувини ерга сингишига ёрдам беради. Натижада тупроқ эрозияси содир бўлмайди. Бизнинг булоқларимиз ана шу сувлар эвазига доимо сув олиб туради. Унинг ўш новдаларида 0,73—0,87% эфир мойи ҳам бўлади.

ЧЕТАН (*Sorbus persica* Hedw.) раъногулдошлар оиласидан, бўйи 3—5 м га етадиган бута ёки дараҳтдир. Танаси қўнғир, ўш новдалари сертуқ, кўм-кўк ёки қизғиши-қўнғир. Барглари наштарсимон, ўткир учли, узунлиги 10—16 см, эни 1,3—16 см, Четан июнь ойида гуллайди. Қизил рангли гулларининг бир нечаси йиғилиб диаметри 15 см гача бўлган тўпгул ҳосил қилаади. Гулкосаси учбурчак, гултоғининг диаметри 1,5—2 см, чангчиси қисқа. Меваси август ойида пишади. Меваси қорамтири-қизил рангда бўлиб, унинг эни 1—2 см келади. Четан төғ минтақасида ҳам ўсади. Асосан юқори тоғларда, субальп ўтлоқларида кўп учрайди. Унинг ёғочи чиройли, мустаҳкам бўлиб, қурилиш материали сифатида кенг фойдаланилади.

ЯЙЛОВ ЭСПАРЦЕТИ (*Onobrychis echidna* Lipsky) дуккакдош-

лар оиласидан, бўйи 20—100 см га етадиган сертикан, ёстиқсимон бутадир. Пояси сершоҳ бўлиб, ҳар томонга тарвақайлаб ўсади. Ёш шохларининг узунлиги 7—30 см га етади. Барглари појда узоқ сақланади. Баргчалари 4—7 жуфт, эллипссимон, узунлиги 5—7 мм, эни 1,5—5 мм, ўткир учли ва сертуқдир. Яйлов эспарцети май-июнъ ойида гуллайди. Гулновдалари калта, узунлиги 1—4 см, поясининг устки қисмida жойлашган, 5—8 гулли. Гулкосаси қўнғироқсимон, гултожи оқиши пуштибинафша рангда. Меваси июнъ-сентябрь ойларида пишади. Дуккаги ярим айлана шаклида бўлиб, чеккаси бир оз эгилган. Усти қаттиқ, силлиқ, текисдир. Яйлов эспарцети субальп ва альп ўтлоқларида жуда кўп ўсади. Баъзи жойларда катта манзара ҳосил қилиб, бошқа ўсимликлар билан бирга ўсади. Яйлов эспарцети, асосан, ем-хашак ўсимлиги, уни кўклигига ва қисман қуригандан кейин чорва моллари яхши ейди.

АКАНТОЛИМОН — (*Acantholimon korolkovii* Korgov.) чиннигулдошлар оиласидан, бўйи 30—40 см га етадиган ёстиқсимон кўп йиллик ўсимлик. Унинг диаметри 30—60 см бўлиб, зич шохчалардан иборат. Ёзги барглари кўм-кўк, уч қиррали, ингичка, наштарсимон ёки бигизсимон, қаттиқ, узунлиги 0,5—1 см, эни 1 мм, зич тукчали. Акантолимон июнъ-август ойларида гуллайди. Гуллари катта эмас, узунлиги 1,5—2 см, анча зич ёки сийрак, 4—9 тадан бўлиб, бошоқда жойлашган. Гулкосасининг узунлиги 9—12 мм, воронкасимон. Гултожи қирмизи рангда. Меваси сентябрь ойида пишади. Мевалари узунчоқ, ингичка, учки томони бир оз кенгроқ, ён томонидаги чизифидан очилади. Акантолимон субальп ўтлоқларида жуда кўп ўсади. Уни моллар емайди. У асосан яйлов минтақасидаги бегона ўтлардан ҳисобланади. Унинг биологияси ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Акантолимоннинг илдизи, барги ва поясида қандай моддалар борлиги ҳали тўлиқ ўрганилмаган.

ШАШИР (*Prangos pubularia* Lindl.) соябонгулдошлар оиласидан, бўйи 1 м га етадиган, кўп йиллик ўсимлик. Пояси бир нечта, бир оз дағал, йўл-йўл чизиқли. Илдизи йўғон, цилиндрисимон, ён-атрофга қараб ўсади. Илдиз бўғзи ёғочланган бўлиб, қўнғир толалар билан қопланган. Илдизолди барглари узун бандли, баргининг узунлиги 40 см, эллипссимон, 4—5 патсимон бўлакли. Шашир май-июнъ ойларида гуллайди. Гуллари соябон шаклидаги тўпгул ҳосил қилади. Гул баргчалари пардасимон, ингичка, бигизсимон. Гултожибарги тескари тухумсимон, узунлиги 1,4 мм. Меваси июнъ-июль ойларида пишади. У узунчоқ цилиндрисимон, узунлиги 12—15 мм бўлади. Меваси бинафша рангда бўлиб, четлари қанотчали. Уни кўклигига ўриб хашак сифатида қишига жамғарилади. Унинг баргига 0,17—0,19% эфир мойи борлиги аниқланган.

КУЗИНИЯ (*Cousinia albolepis* Taschern. et Vved.) мураккабгулдошлар оиласидан, бўйи 20—55 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Пояси шохланган бўлиб, шохлари ингичка, сертуқ,

четлари тиканли, арратишилдири. Кузиния август ойида гуллайди. Гуллари саватчада жойлашган; саватчаси цилиндрисимон, узунлиги 24 мм, диаметри 17 мм, түкчали. Гулбаргчалари 35 дан ортиқ, гултожи сариқ. Меваси сентябрь ойида пишади. Үруғлари узунчоқ, тескари тухумсимон, юқори томони майда тишичали. Кузиния юқори төр миңтақасыда ва субальп ўтлоқларида күп ўсади. Уни күклигиде ва қуригандан кейин ҳам моллар яхши ейди. Кузиниянинг биологияси ҳали түлиқ ўрганиммаган.

ЕРҚҮНОҚ (*Polygonum pilosum* V. Peigr.) торондошлар оиласидан, бўйи 25—65 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Пояси тик, баъзан асосидан ётиб ўсуви, илдизининг йўғонлиги 1—2 см, қорамтири-кул ранг, кўп томирли, илдиз бўғзида эски баргларнинг қолдиги кўп бўлади. Барглари тухумсимон шаклда, илдизолди баргларининг узунлиги 8—12 см, эни 2—3 см. Поясиининг асосидаги барглар калта бандли, юқоридагилари эса бандсиз бўлиб, поясини ўраб туради, илдизолди барглари узун бандли. Ерқўноқ июнь ойида гуллайди. Гуллари оч қизғиши, узунлиги 2—3 мм бўлиб, асосигача қирқилган. Чангчиси қорамтири-қизил рангда бўлиб, гулқўрғонидан чиқиб туради. Меваси ёнғоқчадан иборат бўлиб, июль ойида пишади. У қорамтири-қўнғир рангли, уч қиррали, ялтироқ бўлиб, узунлиги 3—4 мм, эни 2—2,5 мм дан иборат. Ерқўноқ асосан субальп ўтлоқларида тошлок ерларда кўп ўсади. Уни чорва моллари унча яхши емайди. Бошқа ўсимликлар билан бирга қалин ўсимликлар қопламини ҳосил қиласиди. Пастки яйловда торонларнинг бошқа турлари ҳам кўп ўсади.

Уининг илдизпоясидан кишилар қадим вақтлардан буён яраларни даволаш ва қон тўхтатиш учун дори сифатида фойдаланиб келганлар, ичбуругини даволашда ҳам ишлатилади. Ўсимликнинг илдизларида 13—21% танид моддаси, галлотанин, галло кислотаси, крахмал, оқсил, қанд моддалари ҳамда 10 мг% С витамин бордир. Баргиде эса бўёқ ва пектинли моддалар ҳамда 150 мг% С витамин бўлади.

ТОҒШАШИР (*Ferula tenuisecta* Kogov.) соябонгулдошлар оиласидан, бўйи 80—200 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Илдизи йўғон, урчуқсимон бўлиб, илдиз бўғзи эски барглар билан ўралган. Пояси қаттиқ, юқори томони рўваксимон шохланган. Барглари овал-ромбсимон. Калта ва йўғон тукчалардан иборат. Илдизолди барглари узун бандли. Барги уч бўлакчали. Поя барглари кичикроқ. Илдизолди барг новлари пояни ўраб туради. Тоғшашир май ойида гуллайди. Гуллари соябон шаклида, ҳар хил, энг охиргиси 8—15 тармоқли. Соябончалари 10 гулли. Гулкосаси тишициз, гултожибарги сариқ овал шаклида. Меваси июнь ойида пишади. Мевачалари узунчоқ, тухум шаклида, қобариқли, узунлиги ва эни 9×5 мм дир. Тоғшашир субальп ва қисман альп ўтлоқларида ўсади. У бошқа ўсимликлар билан бирга ўсиб, ўзига хос ўсимлик қопламларини

ҳосил қиласы. Уни моллар күклигіда деярли емайды: қуригач башқа қуруқ хашаклар билан құшиб ейди.

ГЕРАНЬ (Geraniūm regelii Nevski) ёронгулдошлар оиласидан, бўйи 10—30 см келадиган кўп йиллик ўсимлик, Герань асосан поясиз бўлиб, ётиб ўсади ёки бир нечта тик ўсувчи калта поялар ҳосил қиласы. Ўсимликнинг бутун танаси қалин тукли. Барглари майда бўлиб, эни 0,8—3 см, 5—7 бўлакли, кесилган, ромбсимон ёки тухумсимон шаклда бўлади. Илдизолди барглари бандли, пояди жойлашган барглари эса бандсиздир. Герань июнь-сентябрь ойларида гуллайди. Гуллари бандли, сертук. Гулкосаси майин, учсимон, четлари пардасимон. Гултожи қорамтири-пушти рангда, узунлиги 14—20 мм. Меваси июль-сентябрь ойларида пишади. Герань субальп ва алъп ўтлоқларида алоҳида ландшафт ҳосил қилиб ўсади. Уни чорва моллари яхши емайди.

БЕТАГА (Festuca kryloviana Reverd.) бошоқдошлар оиласидан, бўйи 15—40 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, туксиз, силлиқ, фақат бошоғининг ости дағалроқ. Барг новлари туксиз, силлиқ. Тилчаси киприксимон. Барглари қалқонсимон, эни 0,3—1 мм, силлиқ. Бетага июль ойида гуллайди. Рӯваги тифиз, бошоқсимон, узунлиги 3—5 см, бошоғининг узунлиги — 6—8 мм, 4—6 гулли, кўкиш, қорамтири-қўнғир рангда. Меваси август ойида пишади. Бошоғининг қипиғи бигизсимондир. Қилтигининг узунлиги 1,5—2,5 м.и. Бетага субальп ва алъп ўтлоқларида катта формация ҳосил қиласы. У, пастки ва юқори яйловда ўзига хос манзара ҳосил қилиб ўсади. Уни чорвадорлар юксак баҳолайди. Бетага йил бўйи қўй, эчки, отларнинг тўйимли озиғи ҳисообланади. Қишида молларга бериш учун ундан катта формация ҳосил қиласы.

ГУЛИЗАРДАК (Adonis chrysocyathus Hook. F. et Thom.) айиқтовондошлар оиласидан, бўйи 30—70 см га етадиган, пояси сершох, тик ўсувчи кўп йиллик ўсимлик. Бу ўсимлик мева бергунча поясининг узунлиги 60 см га етади. Барглари жуда кўп, айниқса поясининг ўрта қисмидә анча тифиз жойлашган. Бу барглар бандсиз, икки марта патсимон қирқилган. Илдизолди ва поясининг учки қисмидаги барглар қисқарган (редукцияланган). Барглари ўткир учли наштарсимон бўлакчаларга бўлинган. Гулизардак июнь-июль ойларида гуллайди. Гули кўндалангига 6 см бўлиб, тўқ-сариқ рангли, чиройли гултожи-барглардан иборат. Меваси июль-август ойларида пишади. Мевалари майда, буришқоқ, қисқа туклар билан қопланган, уни бир оз эгилган бўлиб, бир нечтаси бир-бирига қўшилиб, қўшалоқ мева ҳосил қиласы. Ўсимликдан сассиқ совун ҳиди келиб туради. Гулизардак субальп ўтлоқларидағи қўнғир рангли тупроқларда ўсади. Баъзан жуда зич ўсиб, ландшафт ҳосил қиласы. Бу ўсимликда аденизин глюкозиди бор. У юрак касалини даволашда ишлатиладиган препаратdir. Поясини

учки қисми, гул ва хом мевалари билан бирга чилпиб олиниб, дори тайёrlанади. Гулизардак республикамизнинг Ҳисор, Фарона тоғларида кўп ўсади.

ЮҚОРИ ЯЙЛОВ. Юқори яйловга денгиз сатҳидан 3000—3200 м ва ундан баланд бўлган жойлар киради. Бу майдоннинг ўсимликлари бошқа жойлардан фарқ қиласди. Бу ерда эфемерлар умуман йўқ дейиш мумкин. Ўсимликлар қопламининг асосий қисмини ксерофит характеристидаги ўтли ўсимликлар ташкил қиласди. Бу ерда бошоқли ва ўтчил ўсимликлар жуда кўп ўсади. Юқори яйлов альп ўтлоқлари деб ҳам аталади. Юқори яйловнинг ўсимликлар қоплами жуда қизиқ. Бу ерларда ксерофит ўтлар ўсимликлар қопламининг катта қисми ташкил қиласди. Шу билан бирга, дашт ўсимликлари, мезофит ўсимликлар ҳам анча кўп ўсади. Бу ерда бута ва дараҳтлар умуман йўқ дейиш мумкин. Лекин «ёстиқсимон» дараҳт шаклидаги ўсимликлар учраб туради. Бу жойнинг ўсимликларини бундай турли-туман бўлишига, уларнинг бир ўсимлик қоплами билан иккинчи ўсимлик қопламининг алманишига экологик шароит ва антропоген (одамлар)нинг бевосита таъсири бўлиши керак. Тупроғи тўқ жигар ранг, қўнғир, юмшоқ тупроқдан иборат. Тупроғининг юза қисми асосан чим ҳосил қилиб ўсуви ўсимликлар билан қоплаган. Субнивал иқлимили бу жой анча сернам бўлади. Ёғингарчилик йил давомида бўлиб туради. Ёғиннинг энг кўпи баҳорда ёғади. Йиллик ёғинсончин пастки яйловга нисбатан 1—2 баробар кўп ёғади. Бу ерларда доимий музлик ва қорликларнинг мавжудлиги, ҳаво нисбий намлигининг 80—90% атрофида бўлиб туриши, тошларнинг доимо силжиб, қулаб туриши, бу ердаги ўсимликлар ҳаётига ўзига хос таъсир кўрсатади.

НАВРЎЗЎТ (*Pritula olgae* Rgl.) наврўзўтдошлар оиласидан, бўйи 50 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Илдизи калта, пояси тик турувчи ўсимлик бўлиб, пояси ён шохчалар ҳосил қиласди. Барглари чўзинчоқ, тескари тухумсимон бўлиб, уни бир оз ўткир, четлари бутун ёки майда тишчали. Пояси йўғонроқ бўлиб, гуллашидан олдин бирмунча узаяди. Июнь ойида гуллайди. Гуллари соябон шаклидаги тўпгул ҳосил қиласди. Гулкосаси кенг қўнғироқсимон, узунлиги 5—6 мм. Гултоҷи бинафша-пушти рангли, диаметри 10—14 мм. Меваси июль ойида пишади. Кўсаги бир оз думалоқ бўлиб, унинг ичидаги узунлиги 1 мм келадиган урчуқсимон шаклли уруғ ҳосил бўлади. Наврўзўт альп ўтлоқларида кўпинча эрийдиган музликлар олдида кўп ўсади. Уни чорва моллари унча яхши емайди. У, Узбекистоннинг кўпгина областларида айниқса, Самарқанд ва Сурхондарё областларининг тоғли районларида ўсади. Республикамизда унинг 10 тури тарқалган. Улар чўл минтақасидан тортиб яйлов минтақасигача учрайди. Аммо уларнинг биологияси ҳали атрофлича ўрганилмаган.

ОСТРОЛОДОЧНИК (*Oxytropis savellanica* Bge.) дуккакдошлар

оиласидан, бўйи 30—50 см етадиган чала бутадир. Шохчаларининг узунлиги 3—10 см. Йиллик шохчалари ҳам калта бўлиб, 2 см дан ошмайди, тукчали. Баргларининг узунлиги 1—2,5 см бўлиб, барг бандига тенгdir. Баргчалари 7—11 жуфт, узунчоқ, учи тўмтоқ. Остролодочник июнь-июль ойларида гуллайди. Гулларининг узунлиги 1,5—4 см, қора ва оқ тукчали. Гуллари 4—6 гулли, қисқа, сийрак тул шодасида жойлашган. Гулкосасининг узунлиги 5 мм. Гултожи бинафша рангда. Меваси июль-август ойида пишади. Дуккаги бир оз қабариқли, бандсиз, узунчоқ ёки кенгроқ, узунлиги 7—8 мм, бир уйли. Остролодочник альп ўтлоқларининг энг типик ўсимликларидан бири бўлиб, шу ернинг асосий әдификатор (ҳукмрон) ўсимлигидир. Унинг 30 дан ортиқ тури республикамизнинг кўпгина областларида учрайди. Аммо уларнинг биологияси ҳам ҳали тўлиқ ўрганилмаган.

АРПАЎТ (*Hordeum brevisubulatum* (Trin.) Link.) бошоқдошлар оиласидан, бўйи 20—100 см га етадиган, асосидан шохчаланувчи, туксиз, кўп йиллик ўсимлик. Барг новлари туксиз, юмшоқ. Тилчаси жуда калта. Барглари яшил, ингичка, лентасимон, поядагнларининг эни 2—4 мм, илдиз олдидагилариники эса 1—2,5 мм, четлари ўткир, ғадир-будур. Бошоги энсиз-лентасимон, узунлиги 4—9 см, эни 3—5 мм, қилтифи чўзинчоқ, тез синувчи. Арпаўт июнь ойида гуллайди. Бошоги пояга 3 тадан бўлиб жойлашган. Бошогининг қипиғи қалқонсимон, узунлиги 4—7 мм, ўткир, ғадир-будур. Пастки гул қипиғи наштарсимон, узунлиги 4—6 мм. Қилтифининг узунлиги 1—4 мм. Уруғи июль ойида етилади. Арпаўт альп ўтлоқларida кўп ўсади. Уни чорва моллари қуригандан кейин ҳам, кўклигига ҳам жуда яхши ейди.

АЖРИҚБОШ (*Phleum alpinum* L.) бошоқдошлар оиласидан, бўйи 10—40 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, барг новлари туксиз ва юмшоқ, юқори барг новлари қабариқ. Тилчаси жуда калта. Барглари энли лентасимон, ясси, юмшоқ, четлари дағал. Рўваги тухумсимон ёки узунчоқ, қорамтири-бинафша рангда. Ажриқбош июль ойида гуллайди. Бошоқларининг узунлиги 5 мм. Илдизи попук илдиз, сертомир. Меваси август ойида пишади. Бошогининг қипиғи учли, қилтифининг узунлиги 3 мм. Ажриқбош Тошкент, Фарғона ва Самарқанд областларининг альп ўтлоқларida жуда кўп ўсади. У энг тўйимили озиқ ҳисобланади. Чорва моллари уни кўклигига ҳам, қуригандан кейин ҳам яхши ейди. Уни емашаклиги нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга бўлган ўсимликлардан бири деб ҳисоблаш мумкин.

ЯЙЛОВРАНГ (*Carex melanantha* CAM.) ҳилоддошлар оиласидан, бўйи 10—35 см баландликдаги кўп йиллик ўсимлик. Пояси кул ранг-кўк ёки сарғиш бўлиб, илдизидан вегетатив йўл билан кўпаяди. Пояси уч қиррали, қаттиқ, юмшоқ, поясининг асоси эски барглари қолдиги билан ўралган. Барглари ясси,

эни 3—6 мм. Бошоги 3—6 та зич, кенг гултүпламида түпланган. Яйловранг апрель ойида күкариб, июнь ойида гуллайди. Гуллари майда бўлиб, гул қипиғи билан қопланган. Гули поясининг учки қисмидаги қўнғир тусли бошогида жойлашиди. Меваси июль ойида пишади. Меваси халтacha шаклидаги поя учида жойлашган. Уруғи қорамтири-қўнғир тусда. Яйловранг чорва молларининг тўйимли озиғи. Уни кўклигида ва қуригандан кейин ҳам моллар яхши ейди. У бошқа ўсимликлар билан альп ўтлоқларида ўзига хос манзара ҳосил қиласди.

ЯЙЛОВҚЎНҒИРБОШ (*Psa alpina L.*) бошоқдошлар оиласидан, бўйи 15—50 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Пояси ва барг новлари туксиз ҳамда юмшоқ. Тилчасининг узунлиги 4 мм, баргларининг узунлиги 3 ёки 5 мм, юмшоқ, ясси. Рӯвагининг узунлиги 7 см, зич тухумсимон. Яйловқўнғирбош апрель ойида кўкаради. Июль ойида гуллайди. Гуллари бошоқсимон, узунлиги 5—10 мм, кенг тухумсимон, 3—7 гулли. Меваси август ойида пишади. Меваси бошоқли, усти қипиқ билан қопланган, учида жуда калта қилтиғи бор. Яйловқўнғирбош альп ўтлоқларида жуда кўп ўсади. У чорва молларининг тўйимли озиғидир. Кўклигида ҳам, қуригандан кейин ҳам қўй, қорамол ва отлар уни яхши ейди. Унинг қиши учун тайёрланган хашаги энг сифатли озиқдир.

ТЎНҒИЗСИРТ (*Cobresia pamiralaica Ivan.*) ҳилоддошлар оиласидан, бўйи 15—70 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Пояси кўп, йўғонлиги 1—2 мм, тик ўсуви, цилиндрисимон бўлиб, жуда қалин чим ҳосил қиласди. Баргининг ташқи нови баргсиз, қаттиқ, қўнғир-кул ранг, узунлиги 4—6 см. Барги бигизсимон, қайрилган. Тўнғизсирт июль ойида гуллайди. Тўпгулли, қўнғир рангли ва бошоқсимон шаклдадир. Чангчиси 2—5 та чангчи гуллардан иборат. Гул қипиғи оқ пардасимон. Меваси август ойида пишади. Ёнгоқчasi тескари-тухумсимон, узунлиги 2—2,5 мм, эни 0,5 мм, тумшуқчали. Тўнғизсирт альп ўтлоқларида алоҳида манзара ҳосил қилиб ўсади. У бирмунча юқори сифатли ем-хашак ўсимлиги дидир. Уни моллар баҳорда ҳам, қуригандан кейин ҳам жуда яхши ейди. У ўсиб турган вақтда мол түёғи остида ҳар қанча босилса ҳам, ўсишда давом этиб, яхши яшил масса беради. Ёнгинарчилик кўп бўлган йиллари уни ўриб ҳам олиш мумкин.

ЛАГОТИС (*Lagotis kogolkovii* (Rgl. et Schmalh) Max.) сигир-қуйруқдошлар оиласидан, бўйи 1—2 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Бу деярли поясиз, туксиз, илдиз бўғзи эски баргларининг толасимон қолдиқлари билан ўралган. Баргларининг ҳаммаси илдиз бўғзида жойлашган. Йнгичка, наштарсимон, ўтқир тишчали. Лаготис июнь-июль ойларида гуллайди. Гулёнбарглари ингичка, наштарсимон, ўтқир, қирралари бутун. Гултожи пушти ранг бўлиб, узунлиги 12—14 мм, узун найсимон. Меваси июль-август ойида пишади. Кўсагининг узунлиги

5 мм, эллипс шаклида. Лаготис субальп ўтлоқларида жуда күп үсади. У ерда бошқа ўсимликлар билан бирга асосий ўсимликлар қопламини ҳосил қиласы. Уни моллар фақат күк-лигиде ейди. Күпинча жойида қуриб қолади. Унинг биологияси ҳали түлиқ ўрганилмаган. Юқори яйловда булардан ташқары яна жуда күп ўсимликлар үсади. Биз юқорида фақат энг характерли вакилларидан намуналаргина келтирдик, холос. Яйлов минтақаси ўсимликлар дунёсига бой бўлишига қарамай, ҳанузгача ундан қишлоқ хўжалигиде ҳам, саноатда ҳам, шунингдек, хўжаликнинг бошқа соҳаларида ҳам жуда кам фойдаланилади. Қуйида шу минтақада маълум даражада кенг тарқалган баъзи ўсимликларнинг рўйхатини келтирамиз (б-жадвал).

ТҮҚАЙ ЎСИМЛИКЛАРИ

Тўқай ва тўқайзорлар деганда маҳаллий ҳалқ дарё бўйларига яқин бўлган жойларни ва у ерларда ўсуви ўсимликларни тушунади. Тўқайзорлар кўп жойларда дараҳт, бута, чала бута ва ўтларнинг биргаликда ўсишидан ташкил топган. Баъзан чирмashiб ўсуви (лиана) ўсимликлар ҳам учрайди.

Тўқайзорлар Урта Осиёнинг, жумладан Ўзбекистоннинг чўл минтақасидан тоғ минтақасигача бўлган дарё бўйларида учрайди. Лекин унинг асосий майдони дарёларнинг ўрта ва қўйи оқими билан боғлиқdir.

Тоғ минтақасида бундай майдонлар ингичка ўзан-тармоқ ҳосил қилиб ётади. Тоғ оралиқлари ва сойлардан оқиб ўтадиган дарё бўйларида турли ўсимликлар: дараҳт, бута ва чала буталар кўп үсади. Улардан тол, терак, қайнин, тоголча, дўлана, камхастак, онда-сонда ёнғоқ, олма, жийда кабилар үсади. Булардан ташқари, итбурун, зирк каби буталар ҳам кўп учрайди. Бу жойларда бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлардан агростис, томирдори, говпечак, кендир, қиёқ, ялпиз ва бошқалар дарё ёқаларида чим ҳосил қиласы. Адир минтақасидаги тўқайлар анча катта-катта майдонларни ташкил этади, чунки баъзан сув келиб дарёлар тошганда улар кенгайиб, қирғозларигача сув чиқади. Кейинчалик сувлар камайиб, дарёлар тоғ ўзан ҳосил қилиб оқади ва унинг чеккаларида эса тўқайзорлар ҳосил қилиб бўлади. Бу минтақадаги тўқайларда дараҳтларга нисбатан бута ва чала буталар (жангак, туранғил, тол, чақанда, юлғун), кўп йиллик ўсимликлардан лўх, оқнилуфар, тарвузпалак кабилар кўп үсади. Булардан ташқари янтоқ, қизилмия, турли астрагаллар ҳамда бошоқдошлар оиласидан ҳам кўпгина ўсимликлар үсади. Тўқайларнинг тупроғи бўз ва қўнғир тупроқдан иборат. Юқори минтақаларда тошлоқ майдонлар ҳам учрайди. Тўқайлардан қишлоқ хўжалигиде, чорва молларини боқишида маълум даражада фойдаланилади. Про-

Яйлов миңтақасыда энг күп ўсадыган ўсимликлар

№ 1	Маҳаллый номи 2	Илмий номи 3	Оиласи 4	Гуллаш даври 5
				5

Бута ва чала буталар

1	Акантолимон	<i>Acantholimon tataricum</i>	Чиннингулдошлар	Июль — август
2	Шилви	<i>Lonicera hesperophylla</i>	Шилвидошлар	Июль
3	Тоғастрагал	<i>Astragalus lasiosetosus</i>	Дуккакдошлар	Июнь — июль
4	Тоғиргай	<i>Cotoneaster pojarkoval</i>	Раъногулдошлар	Апрель — май
5	Тоғқайин	<i>Betula pamirica</i>	Қайнодошлар	Апрель — май
6	Тикали терсекен	<i>Ceratoides pungens</i>	Шўрадошлар	Сентябрь
7	Трагаканта	<i>Tragacantha macrantha</i>	Дуккакдошлар	Июнь — июль
8	Эрмон шувоқ	<i>Artemisia lehmanniiana</i>	Мураккабгулдошлар	Сентябрь
9	Яйловкўкамарон	<i>Scutellaria cordifrons</i>	Лабгулдошлар	Июль — август
10	Хисор розаси	<i>Rosa hissarica</i>	Раъногулдошлар	Апрель — май

Күп йиллик ўсимликлар

1	Архарўт	<i>Angelica ternata</i>	Соябонгулдошлар	Июнь — июль
2	Айнқотовон	<i>Ranunculus pseudopirculus</i>	Айнқотовондошлар	Июнь — июль
3	Альпқўнғирбош	<i>Poa relaxa</i>	Бошоқдошлар	Июль — август
4	Бўйнадорон	<i>Achillea millefolium</i>	Мураккабгулдошлар	Июль — август
5	Галотелла	<i>Galatella villosula</i>	Мураккабгулдошлар	Июль — сентябрь
6	Гулкаррак	<i>Cousinia verticillaris</i>	Мураккабгулдошлар	Июль — август
7	Ерқирмизак	<i>Oxyria digyna</i>	Торондошлар	Июнь — июль
8	Жунгорқўнғирбош	<i>Poa dshungarica</i>	Бошоқдошлар	Июль — август
9	Зигирўт	<i>Linum macrorrhizum</i>	Зигирдошлар	Июнь — июль
10	Ингичкапиёз	<i>Allium tenuicaule</i>	Пиёзгулдошлар	Июнь — июль
11	Ихроҳ	<i>Tithymalus zeravshanicus</i>	Сутламадошлар	Июль — август
12	Крупка	<i>Draba alberti</i>	Крестгулдошлар	Май — июнь
13	Мунтола	<i>Scorzonera acanthoclada</i>	Мураккабгулдошлар	Июль

1	2	3
14	Олчин	<i>Pedicularis korolkovii</i>
15	Овчүп	<i>Delphinium rotundifolium</i>
16	Ойболтиргон	<i>Archangelica brevicaulis</i>
17	Оқшаир	<i>Ferula jaeschkeana</i>
18	Оқкүнгирбөш	<i>Leucopoa olgae</i>
19	Оқпарли	<i>Aconitum talassicum</i>
20	Парни	<i>A. zeravshanicum</i>
21	Педикуларис	<i>Pedicularis peduncularis</i>
22	Пиёзүт	<i>Allium oreophilum</i>
23	Тангачүп	<i>Isopyrum anemonoides</i>
24	Тиловүт	<i>Rosularia subspicata</i>
25	Тоғбүзноч	<i>Dracocephalum komarovii</i>
26	Тоғкаррак	<i>Cousinia franchetii</i>
27	Тогайиқтовон	<i>Ranunculus alaniensis</i>
28	Тоғмомиқ	<i>Puccinellia hackeliana</i>
29	Тоғтипчоқ	<i>Festuca sulcata</i>
30	Тоғрезпанжа	<i>Potentilla darvazica</i>
31	Тоғчалов	<i>Stipa lipskyi</i>
32	Тулкидүм	<i>Alopecurus zeravshanicus</i>
33	Яйловкрупка	<i>Draba melanopus</i>
34	Қылтиққиңек	<i>Carex duriusculiformis</i>
35	Яйловкүнек	<i>Carex litvinovii</i>
36	Яйловотқулоги	<i>Rumex acetosa</i>
37	Фозоқ	<i>Potentilla arnnavatensis</i>
38	Фозяпроқ	<i>Alchimilla retroopilosa</i>
39	Хисорторони	<i>Polygonum hissaricum</i>

Бир йиллик

1	Газакгул	<i>Gentiana kareljinii</i>
2	Эрбаҳоси	<i>G. barbata</i>

Сигирқүйрүқдошлар
 Айиқтовондошлар
 Соябонгулдошлар
 Соғабонгулдошлар
 Бошоқдошлар
 Айиқтовондошлар
 Айиқтовондошлар
 Сигирқүйрүқдошлар
 Пиёзгүлдошлар
 Айиқтовондошлар
 Семизбаргдошлар
 Лабгулдошлар
 Мураккабгулдошлар
 Айиқтовондошлар
 Бошоқдошлар
 Бошоқдошлар
 Раъногулдошлар
 Бошоқдошлар
 Бошоқдошлар
 Крестгулдошлар
 Крестгулдошлар
 Ҳилолдошлар
 Торондошлар
 Раъногулдошлар
 Раъногулдошлар
 Торондошлар

Июнь — сентябрь
 Июнь — июль
 Май — июнь
 Май — июнь
 Июль — август
 Июль — август
 Июль — август
 Июнь — август
 Июль — август
 Июнь — июль
 Июнь
 Июль — август
 Июль — август
 Июнь — июль
 Июнь — июль
 Июль — август
 Июль — август
 Июнь — июль
 Июль — август
 Июль — август
 Июнь
 Июль — август
 Июнь — июль
 Июнь — июль
 Июль
 Июль

ұсимвиклар

Газакұтдошлар
 Газакұтдошлар

Июнь
 Июль — август

фессор И. И. Гранитов, бундай жойларни келгусида ўзлаштириш кераклиги ҳақида гапириб, у ерларда кичик-кичик сувомборлари барпо этиш лозимлигини таъкидлаган эди. Тўқайлар дарё ёқаларига яқин бўлганлигидан у ерда ўсадиган ўсимликлар жуда турли-тумандир. Қўйида тўқайзорларда кўп ўсадиган ўсимликларнинг баъзилари билан танишиб ўтамиз.

ЮЛҒУН (*Tamarix litvinovii* Gorshk.) юлғундошлар оиласидан, бўйи 5—6 м га етадиган бута ёки кичик дараҳтдир. Танаси-нинг пўстлоғи кул ранг. Пояси ва шохчалари ингичка, шохчалари илдиз тубидан чиқади. Барглари деярли редукцияланган, чўзинчоқ, овал шаклида, учи ўткир. Юлғун апрель — май ойларида гуллайди. Гуллари майда, бинафша рангда, диаметри 2—4 мм га яқин бўлиб новдасининг учидаги зич тўпгул ҳосил қилган.

Меваси сентябрь ойида пишади. Меваси 3—4 қиррали, кўсакча ичида кўп уруғ бўлади. Уруғи майда. Юлғун асосан тўқайзорларда, қисман шўрҳок тупроқли ерларда ўсади. У Бухоро, Хоразм, Қорақалпоғистон воҳаларида кўп ўсади. Унинг танаси жуда мустаҳкам ва чиройли бўлганлигидан маҳаллий халқ ундан ҳар хил мақсадларда, айниқса қамчин даста учун фойдаланади. Юлғуннинг новда ва шохлари таркибида 13% га яқин танид моддаси борлиги аниқланган. У кўмир тайёрлашда ва ёқилғи сифатида муҳим аҳамиятта эга.

ЖИЙДА (*Elaeagnus orientalis* L.) жийдадошлар оиласидан, бўйи 3 м га етадиган дараҳтдир. Танаси қизғиши-кул ранг. Барглари тухумсимон-чўзинчоқ ёки ланцетсимон, узунлиги 1,5—5 см, эни 7—20 мм, новдаларининг учи кўпинча тиканли бўлади. Еш новдаларининг усти ва барглари кумушсимон-ялтироқ майда губорлар билан қопланган. Жийда май ойида гуллайди. Гуллари майда, кўримсиз кумушсимон-оқ рангли, жуда ҳам ёқимли ҳидлидир. Меваси сентябрь — октябрь — ойларида пишади. У майдароқ, узунлиги 1—2 см га етади. У кам эт, усти қизғиши-сариқ тусда. Унинг гаркибида 60% га яқин қанд моддаси бор. Шу сабабли ҳам унинг меваси спирт саноати учун қимматли хом ашё ҳисобланади. Унинг мевасидан кисель ва компотлар ҳам тайёрлаш мумкин. Жийда мевасидан маҳаллий халқ дори (болаларни ичи бузилганда қотиравчи, қизамиқни бирмунча енгиллаштиравчи) сифатида фойдаланади. Жийданинг данагида мой ҳам кўп бўлади. Унинг ёғочи қаттиқ бўлганлигидан турли қурилиш материаллари сифатида кенг фойдаланилади.

МАЙМУНЖОН (*Rubus caesius* L.) раъногулдошлар оиласига мансуб бутасимон ўсимлик бўлиб, бўйи 50—150 см гача бўлади, кўпинча ётиб ўсади; бир йиллик новдалари ёйсимон эгилган, цилиндир шаклида, кўп тиканли, баъзан дағал туклар билан қопланган бўлади. Барги уч баргчали, барг банди тукли ва тиканли, баргчалари нотўғри-тишсимон қирқилган, охиргиси

тухумсимон-ромб шаклида ўткир, кўпинча ёнидаги барглари икки бўлаклидир. Гулдор новдалари узун, уларда тўпгуллар ўрнашган бўлади. Меваси бир қанча данакчали, кўк-қорамтири ранглидир. У май—июнь ойларида гуллайди. Меваси июнь-июлда пишади. Маймунжон тоғ минтақасининг ўрта қисмигача бўлган жойларда тарқалган. У ариқ ва дарё қирғозларида, заҳ ерларда, тўқайли ҳамда тошли қояликларда ўсади. Халқ табобатида маймунжоннинг хом мевасидан зотилжам касаллигини, баргидан тайёрланган қиёмдан эса томоқ оғригини даволашда фойдаланилади. Ундан озиқ-овқат саноатида турли конфетлар, ёқимли ликёр, спиртсиз ичимликлар, лимонадлар ишлаб чиқариш мумкин. Унинг меваси таркибида шакар, эфир мойи, танид, оқсили моддаси, флавонлар, калий ва фосфор тузлари, солицил, олма, чумоли ҳамда лимон кислоталари ва С витамин кўп бўлади. Барги таркибида эса 300 мг% С витамин бўлади. Маймунжон сифатли асалчил ўсимликлар группасига киради.

ЭЧҚИТОЛ (*Salix songarica* Aders.) толдошлар оиласидан, бўйи 8—10 м га етадиган дараҳтдир. Шоҳчалари ингичка, ёш новдалари сарғишроқ, туксиз. Барглари туксиз, силлиқ, узунлиги 3—7,5 см, эни 6—10 мм бўлади. Эчқитол апрель ойида гуллайди. Гуллари икки уйли тангача шаклида, оқиши-сариқ. Чангчиси 3 та, пастки томони сертук. Меваси май ойида пишади. Кўсакчаси туксиз, узунлиги 5—5,5 мм, шоҳчасининг учки қисмида осилиб туради. Эчқитол тўқайларда энг кўп ўсадиган дараҳтдир. У бошқа ўсимликлар билан дарё бўйларида алоҳида қоплам ҳосил қиласиди. Эчқитол жуда йўғонлашиб кетади. Эчқитол танасининг диаметри 70—80 ёшда 40 см дан ошади. У асосан қурилиш материали ва ўтин сифатида ишлатилади.

ҚАМИШ (*Phragmites communis* (L.) Trin.) бошоқдошлар оиласидан. Кўп йиллик, илдиэпояли, ўсиш шароитига қараб бўйи 2—4 м га етади. Унинг пояси тик ўсади, туксиз, силлиқ ва ичи бўш бўлади. Барг нови текис, баргининг эни 5 см. Тўпгуллари рўваксимон, узунлиги 50 см бўлиб, пастки бўғимлари туклидир. Бошоқчаларининг узунлиги 9—15 мм га тенг. Қамиш июль-октябрь ойларида гуллайди ва уруғлайди. У ариқ бўйларида, дарё қирғозларида, кўл атрофларида ҳамда тўқайзорларда кўп тарқалган. Баъзан тоғнинг ўрта минтақасида ҳам учрайди. Ўзбекистонда қамишнинг табиий запаслари Сирдарё, Зарафшон ва Амударё воҳаларида учрайди. Тўқайларда ўсадиган қамишзорларнинг ҳар гектаридан ўртacha 10—15 т, баъзан 50—100 т қамиш ўриб олиш мумкин. Ҳозирги пайтда Ўзбекистондаги қамишзор майдонлар бир миллион гектардан ортиқ бўлиб, улардан турли мақсадлар учун фойдаланилмоқда. Қамиш қорамоллар учун баҳор фаслида яхши сиз ўсимликлардан ҳисобланади. Ёз пайтида пояси ёғочланганлиги сабабли, ҳайвонлар унинг фақат баргини ёйди. Бу

ўсимликлардан юқори сифатли силос тайёрлаш мумкин. Қамиш органик моддаларга ва минерал тузларга жуда бойдир. Ўсиш шароити ва ривожланиш даврларига қараб, қамиш таркибида С ва А витаминларнинг миқдори ўзгариб туради. Бархорда (ўсимлик барралик пайтида 500 мг % С витамини бўлса, кузга бориб, унинг миқдори 100 мг % га тўғри келади. Қамишни витамин С олиш манбаларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

СПАРЖА (*Asparagus persicus* Baker.) пиёзгулдошлар оиласидан, бўйи 60—120 см га етадиган, пояси ўралиб ўсуви кўп йиллик ўсимлик. Шакли ўзгарган новдалари яшил рангли, тўғри силлиқ, йўғонлиги 0,5 мм, ўртадаги ва юқори барглари узун пихли бўлади. Спаржа май ойида гуллайди. Гуллари поя ва шохчаларининг учидаги жойлашган. Гулбанди узун, гулқўрғони икки хил: чангчисининг узунлиги 5—6 мм, қўнғироқсимон, уни тўмтоқ. Уруғи ярим шарсимон, узунлиги 3 мм. Меваси июнь ойида пишади. У қизил, шарсимон, эни 6—7 мм, У баъзи жойда жуда қалин ўсиб, манзара ҳосил қилади.

ЛЎХ (*Turpha elephantina* Roxb.) тўзғоқдошлар оиласидан, бўйи 150—200 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Барглари поясининг остки қисми теварагида жойлашган, узунлиги 1—1,7 см, эни 6—8 мм га teng. Лўх июль — август ойларида гуллайди. Чангчи ва уруғчи гуллари ўсимлик поясининг учидаги рўваксимон гулдастага фуж бўлиб тўпланган. Чангчisi уруғчига нисбатан юқорироқда жойлашган. Унинг узунлиги 2,5—2,9 мм, гуллари жуда ҳам майда, гулқўрғони бўлмайди. Балки тукли гулёнбарглари бўлади. Тўпгулларининг уни ҳам сертук бўлади. Лўх Узбекистоннинг дарё ва кўллари атрофида, айниқса, Амударё дельтасида жуда кўп ўсади. Унинг пишган меваси «сомиқ» — учувчан тукчалар билан қопланган. Бу тукчалар целялюзоза моддасига жуда бойдир. Лўх ва унинг бошқа турларидан саноатда, қишлоқ хўжалигида (арқон ва дағал матолар тўқишида) кенг фойдаланилади.

ТЎҚАЙОЛАБҮТАСИ (*Atriplex thunbergiiifolia* Boiss.) шўрадошлар оиласидан, бўйи 40—150 см га етадиган бир йиллик ўсимлик. Пояси тик ўсуви, шохланган, тўрт қиррали, юқори томони қизғишироқ рангда. Барглари поясида навбатлашиб жойлашган, қисқа бандли, кенг учбурчакли, уч томони учлик. Четлари тишчали икки томони ҳам оқ тукчали. Тўқайолабүтаси август ойида гуллайди. Гуллари баъзан барг қўлтиғида ёки рўваксимон тўпгулида ўрнашган. Гулёнбаргчалари тескари тухумсимон. Гултожи кўримсиз бўлиб, оқ рангда. Меваси сентябрь ойида пишади. Уруғи жуда майда, уруғидан яхши унади. У асосан тўқай ўсимлиги бўлиб, баъзан экинлар орасида ҳам учраши мумкин. Уни чорва моллари, қўй, эчки ва қорамол бирмунча яхши ейди. Тўқайларда ўсадиган характерли ўсимликларнинг яна бир нечасини қуйида келтирамиз (7- жадвал):

Түқайларда учрайдиган характеристи баъзи ўсимликлар рўйхати

№	Маҳаллий номи	Илмий номи	Оиласи	Гуллаш даври
1	2	3	4	5

Д а р а х т , б у т а в а ч а л а б у т а л а р

1	Вильгельм толи	<i>Salix wilhelmsiana</i>	Толдошлар	Апрель — май
2	Юлғун	<i>Tamarix pentandra</i>	Юлғундошлар	Май — сентябрь
3	Оқшувоқ	<i>Artemisia ferganensis</i>	Мураккабгулдошлар	Август — сентябрь
4	Тоғтепрак	<i>Populus ariana</i>	Толдошлар	Апрель
5	Тұранга	<i>P. diversifolia</i>	Толдошлар	Апрель — май
6	Туронғил	<i>P. pruinosa</i>	Толдошлар	Апрель
7	Түқайшүра	<i>Salsola dendroides</i>	Шўрадошлар	Июль — сентябрь
8	Торғолғун	<i>Tamarix arceuthoides</i>	Юлғундошлар	Май — сентябрь
9	Чаканда	<i>Hippophaë rhamnoides</i>	Жийдадошлар	Май
10	Чўлжинғил	<i>Tamarix leptostachys</i>	Юлғундошлар	Июнь — июль

К ў п ы л л и к ў с и м м и к л а р

1	Бүғдой қамиш	<i>Calamagrostis dubia</i>	Бошоқдошлар	Май — август
2	Говпечак	<i>Calystegia sepium</i>	Печакдошлар	Май — август
3	Кендири	<i>Aposynum scabrum</i>	Кендрдошлар	Май — июнь
4	Кардария	<i>Cardaria repens</i>	Кендрдошлар	Апрель — май
5	Лепидиум	<i>Lepidium obtusum</i>	Кендрдошлар	Июнь — июль
6	Қизилмия	<i>Glycyrrhiza glabra</i>	Дуккақдошлар	Апрель — июль
7	Оқбаш	<i>Karelinia caspia</i>	Мураккабгулдошлар	Июнь — июль
8	Оқнилуғар	<i>Lotus frondosus</i>	Дуккақдошлар	Апрель — август
9	Отқулоқ	<i>Rumex angreni</i>	Торондошлар	Июнь — июль
10	Түзғоқ	<i>Typha angustifolia</i>	Түзғоқдошлар	Июль — август
11	Түқай айқитонони	<i>Ranunculus polyanthemos</i>	Айқитондошлар	Июнь — июль
12	Торқамиш	<i>Erianthus purpurascens</i>	Бошоқдошлар	Июнь — август
13	Ўжовник	<i>Ophioglossum lusitanicum</i>	Марсилиядошлар	Ноябрь

1	2	3
14	Шококил	<i>Asparagus brachyillus</i>
15	Қалам	<i>Saccharum spontaneum</i>
16	Қизилкендир	<i>Arcosum lancifolium</i>
17	Ғаров	<i>Arundo donax</i>
18	Эркакқамиш ёки савагич	<i>Eriathus purpurascens</i>
19	Янтоқ	<i>Alhagi psedalhagi</i>

Б и р ү и л л и к

1	Кичикторон	<i>Polygonum minus</i>
2	Сурепка	<i>Barbarea arcuata</i>
3	Арабидопсис	<i>Arabidopsis thaliana</i>
4	Теллунгиеллия	<i>Thellungiella salsuginea</i>
5	Тоғторон	<i>Polygonum junceum</i>

Д а в о м и

4

5

Пиёзгулдошлар
 Башоқдошлар
 Қендрдошлар
 Башоқдошлар
 »
 Дүккакдошлар

Май
 Май — июнь
 Май — август
 Август — октябрь
 Июль — август
 Май — сентябрь

ў с и м л и к л а р

Торондошлар
 Крестгулдошлар
 Крестгулдошлар
 Крестгулдошлар
 Торондошлар

Апрель — июнь
 Март
 Апрель — май
 Июнь — июль
 Июнь — июль

МАДАНИЙ ЎСИМЛИКЛАР

Ўзбекистонда маданий ўсимликлар ҳам анча кўп ўстирилади. Улар чўл минтақасидан тортиб тоф минтақасигача учрайди. Маданий ўсимликлар турли мақсадларда: озиқ-овқат, саноат, медицина, техника, хуллас ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида кишилар эҳтиёжини қондириш учун экиб кўпайтирилади. Маданий ўсимликларнинг тури жуда ҳам кўп. Ҳатто бир туркумга кирадиган юзлаб маданий турларни топиш мумкин. Улар аввало ҳалқ селекцияси, қолаверса, агрономлар, биолог-селекционерлар меҳнатининг маҳсулидир. Яратиладиган янги навлар кишиларнинг талаб, эҳтиёжларини қондириш мақсадида, ҳаёт талаби натижасида вужудга келади. Биргина И. В. Мичуриннинг ўзи 350 дан ортиқ маданий ўсимликларнинг янги навларини яратди. Кишилар узоқ йиллар давомида олма, нок, олхўри, қовун-тарвуз, атиргул ва жуда кўплаб ўсимликларнинг янги-янги навларини яратиб келган ва яратиб келмоқда. Ўзбек мичурини токчилик устаси Ризамат ота Мусамуҳамедов ўз ҳаёти давомида 100 дан ортиқ ток навларини яратди. Ҳалқ орасидан етишиб чиқсан бундай табиатшунос-селекционерлар, боғбонлар номини ва улар яратган ҳамда яратадиган янги-янги навларни кўплаб мисол қилиб келтириш мумкин. Республикаизда ўсадиган маданий ўсимликларнинг баъзи турлари борки, улар фақат энг қадимги шаҳар ва қишлоқлар, айниқса Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Фарғона ва Наманган каби кўхна шаҳарларда учрайди. Бу шаҳарларда ўстириладиган дараҳтларни ўлкамизга келтириб экилганига анча йиллар бўлган. Дараҳт ва буталар турли мақсадлар (чиройли гули, манзаралилиги ва хушбўй ҳиди) учун келтириб экилган.

М. Набиев ва Р. Қозоқбоевларнинг ёзишича: «Эрамизнинг бошларида Ўрта Осиёга — Хитойдан балх тути ва шотут, Япон софораси ва бошқа дараҳтлар, Эрон ва Қичик Осиёдан эса чинор сингари ўсимликлар келтириб иқлимлаштирилган. Амир Темурнинг фармойиши билан Самарқанд шаҳри ва унинг теварагида 14 та боф бунёд этилган. Уларда чинор, терак, тол, садақайрағоч сингари маҳаллий ўсимликлар билан бир қаторда чет эл ҳамда Ўрта Осиёнинг турли жойларидан келтирилган манзарали дараҳтлар — сарв, лола, гулсансар, бинафша ва бошқа хилма-хил гуллар ўстирилган». Ота-боболаримиз турли воситалар (савдогарчилик, саёҳатлар) ёрдамида чет мамлакатлардан чиройли, манзарали дараҳтларни келтириб экишган.

XVI асрда Ғарбий Европа билан Шарқ мамлакатлари ўртасида савдо алоқалари анча кучаяди. Бу даврда турли дараҳтларни бир жойдан иккинчи жойга олиб келина бошланди. Айниқса, XVII асрда ўсимликларни экиш янада ривож топди. Бу даврда ўлкамизга Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон ва

бошқа жойлардан бизда ўсмайдиган дараҳтлар, манзарали ўсимликлар келтириб экила бошланди. Бундай дараҳтлардан: акас, эман, сарв, тут, арча, заранг, аргувон, түя, гинкго, магнолия, лоладарахт, саур, қарағай, қайрағоч, каштан, сирень ва бошқа нодир ўсимликлар келтириб экилган. Ҳозир улар республикамизнинг марказий шаҳарларида жуда оз миқдорда сақланиб қолган¹.

Республикамизнинг баъзи шаҳарларида илгари келтириб экилган ноёб дараҳтларининг айримлари ҳозир ҳам мавжуд. Қуидида ана шу дараҳтлар баъзиларининг экилиш тарихи, биологияси, қаерларда ўстирилаётгани ҳақида қисқача баён этамиз.

ГИНКГО БИЛОБА (*Ginkgo biloba L.*) гинкгодошлар оиласидан, Узбекистон шароитида баландлиги 15—18 м (ватанида 40—50 м) га етадиган икки уйли дараҳтдир. Шохлари икки хил бўлади: узун ўсуви шохчалар, буларда барглар бирин-кетин жойлашган, қисқа мева берувчи шохчалар, буларда барглар тўп-тўп бўлади. Барглари елпифичсимон, йирик, узунлиги 10 см ва эни 10—12 см, четлари текис, бир оз эгри-бугри, барг бандининг узунлиги 10—12 см. Гинкго май—июнь ойларида гуллайди. Гуллари майда ва кўримсиз. Меваси октябрь—ноябрь ойларида пишади. Меваси чўзиқ, тухумсимон, олхўри мевасига ўхшашиб қўланса ҳидли. Гинкго ўзининг ялтироқ-яшил ва йирик барглари билан баҳор ва ёз фаслларида ўзига хос чиройли манзара ҳосил қиласди. У ҳозирги вақтда табиий ҳолда Хитойда ўсади. Маданий ҳолда эса Қора деңгиз соҳилида, Закавказье, Украина, Молдавия, Узбекистон, Тожикистон, чет эл мамлакатлардан Хитой, Япония, Англия ва бошқа мамлакатларда ўстирилади. Гинкго бундан 90—100 йил муқаддам Самарқандга ва 1926 йили эса Тошкентга келтирилган. У уруғидан яхши унади. Меваси кузда йигиб олиниб, яхшилаб қуритилади. Данагини баҳорда ва кузда ҳам экиш мумкин. Гинкго тупроқ танламайди. Уни ҳовлиларга, боғларга, хиёбонларга экиб кўпайтириш мумкин. У экилгандан то яхши ривожланиб олгунча кўп сув талаб этади. Шунинг учун уни тез-тез суфориб туриш керак. Бир йилда кўчкатларнинг бўйи 20—25 см га етади. Гинкго 2000 йил яшайди. Ҳозир унинг икки тупи Тошкент шаҳрида Ульянов кўчаси, 17 уйда ва бир тупи Самарқанд шаҳридаги Самарқанд университети биология факультетининг ҳовлисида ўсмоқда.

МАГНОЛИЯ (*Magnolia denudata Desr.*) магнолиядошлар оиласидан, Узбекистон шароитида бўйи 8—10 м га, ватанида 25—

¹ Биз улар ҳақида фикр юритишдан олдин республикамиз биология ўқитувчилари, талабалари, табиатшunosларидан ўлкамизни гулга, боғ-роғларга буркаш, турли-туман дараҳтлар экиш билан бирга, ана шундай нодир дараҳтларни сақлашга, уларни экиб кўпайтиришга астойдил киришишларини ва бу ишга ёшларни кўпроқ жалб қилишларини истардик. Ноёб дараҳтларнинг ниҳолини Узбекистон республикаси Фанлар академиясининг Ботаника боғидан истаган турини олиш мумкин.

30 м га етадиган дараҳтдир. Ўртача шохланади. Барги оддий, тухумсимон, баъзан наштарсимон кўринишида, қалин, серэт ялтироқ, узунлиги 10—16 см, эни 6—10 см, четлари текис. Барглари қишида тўкилиб кетади. У барг чиқармасдан олдин гуллайди. Гули ўткир ҳидли бўлиб, диаметри 12 см га етади. Тожибарги 9 та, гулқўргони тожибаргига ўхшаш, узунлиги 5—6 см. У март ойида гуллаб, июль — август ойларида меваси пишади. Меваси кўкимтири, цилиндричесимон, узунлиги 6—8 см. Магнолия денудатанинг фақат бир тури Тошкентда ўсади. Уларнинг уруғидан, айниқса, кўчат қилиб ўтқазиш орқали кўпайтириш мумкин. У Тошкентга тупроғи билан олиб келиб ўтқазилган. Улар жуда тупроқ танлайдиган, нозик ўсимликдир. Магнолияларнинг асл ватани Хитой, Япония, Корея ва Шимолий Америкадир. Магнолиялар туркумидан 70 тур бўлиб, унинг 20 таси Шимолий Америкада, 50 таси Жануби-Шарқий Осиёда, 3 таси Тошкентда ва 12 таси бошқа жойларда (кўпи Закавказъеда) ўсади. У гулининг тузилиши жиҳатидан магнолия денудатага ўхшаб кетади. Бу тур Тошкентга бундан 90—100 йил муқаддам тупроғи билан олиб келиб ўтқазилган. Магнолиялар турли тупроқ шароитига тез мослаша олмайди. Уни кўпайтириши анча қийин. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника боғида унинг турларини экиб кўпайтириш устида олиб бораётган тажрибалар яхши натижа бермоқда.

ЛОЛАДАРАХТ (*Liriodendron tulipifera* L.) магнолиядошлар оиласига мансуб Ўзбекистон шароитида бўйи 10—12 м га (ватанида 45—60 м га) етадиган, чиройли гулловчи дараҳтдир. Пояси тўғри ўсади, пўстлоғи силлиқ, ялтироқ-сарғиши рангли. Барги оддий, узун бандли, 4—6 бўлакли, узунлиги 7—15 см, устки қисми силлиқ ялтироқ, кўкимтири-яшил, остки қисми эса оқиши-яшил рангидир. Барги кузда сарғиши тилла рангга киради. Ўзбекистон шароитида лоладарахт май ойида гуллайди. Унинг гули шаклига кўра лолани эслатади. Шунинг учун ҳам уни лоладарахт деб аталади. У кўкимтири сарғиши, батъзги, кўкимтири-оқиши рангли бўлиб, катталиги 5 см га етади, деярли ҳисдиз. Меваси сентябрь — октябрь ойларида пишади. Уруғи чўзиқ, қанотчали. Бу ўсимлик Ўзбекистонда жуда кам учрайди. У келтириб экилган. Унинг асл ватани Марказий ва Шимоли-Шарқий Америкадир. Россияга лоладархт 1870 йилда келтирилган, Ўзбекистонга эса ўтган асрнинг охирларида келтирилган бўлиши керак. Лоладарахт туркумига икки тур киради. Биринчиси Шимолий Америкада, иккинчиси эса Хитойда ўсади. Ҳар иккала тур ҳам МДҲда ўстирилади. Бу дараҳт 25° — 30° совуққа, қурғоқчиликка ва иссиққа чидамли. У ёруғсевар ва намни кўп талаб қилувчи ўсимлик. Лоладарахт чиройли, манзарали дараҳтлардан ҳисобланади. Уни уруғидан экиб кўпайтириш мумкин. Ҳозир Самарқанддаги Мизурин иомли техникум ҳовлисида лоладарахтнинг бир тури, Тошкент-

даги Комсомол майдонида 2 тури ва В. И. Ленин музейининг Ташкент филиали атрофида 8—10 та тури бор.

САУР (*Biota orientalis* (L.) Endl.) сарвидошлар оиласидан бўйиб, бўйи 10—15 м га етадиган бир уйли дараҳтдир. Саур ясси, параллел ҳолда ўзига хос шоҳлайди, ясси нина баргли, ранги тўқ яшил бўлиб, узунлиги 1 мм га етади, устки қисмида смолали безчалари бор. Меваси қубба, тескари тухумсимон, узунлиги 10—15 см, пишгач қизиши-қўнғир тусга киради. Саурнинг асл ватани Шимолий Хитой тоғларидир. У Ўзбекистонга бундан бир неча юз йиллар илгари келтириб экилган. Улардан айримлари ҳозир ҳам сақланиб қолган. Самарқанд обlastининг Нурота тоғларida бир неча тури бор. Уратепа яқинида ҳам бўйи 21 м га, тана диаметри 2 м га етадиган туплари бор. Улар тахминан 1000 ёшга тенг. Саурнинг 100 ва ундан ортиқ ёшлилари Самарқанддаги шаҳар паркида ва айрим ҳовлиларда учрайди. Ўзбекистондан ташқари, маданий ўсимликлар сифатида Кавказ, Ўрта Осиё, Қрим ва Жанубий Украинада ҳам ўстирилади. Саур жуда секин ўсуви дараҳт. У соя ерларда, шўр туроқларда ҳам бемалол ўсанеради, ҳаво ва тупроқ қуруқлиги га бардошли.

ҚАРАҒАЙ (*Pinus silvestris* L.) қарағайдошлар оиласидан, бўйи 20—30 м га етадиган бир уйли, доим яшил дараҳт. Танаси тўғри, тик ўсади, шоҳлари горизонтал жойлашган. Танаси қалин, тўқ қўнғир рангли пўстлоқ билан қопланган. Ёш новдалари сарғиш рангли. Нина барглари қалин, узун (8—15 см), тўқ яшил рангли, қаттиқ бўлади. Қарағай (қрим қарағайи) нинг меваси (қуббаси) иккинчи йили пишади. Қуббасининг узунлиги 6—10 см, эни 4—5 см, қўнғир жигар рангда. Уруғи майда, узунлиги 5—6 мм, қўнғир, қанотчалари бор. Бу ўсимлик ёввойи ҳолда Кримнинг Ялта тоғларида, Фарбий Закавказъеда ва Кипр оролларида ўсади. Қарағай Ўзбекистоннинг бир неча шаҳар ва қишлоқларида узоқ йиллардан бери маданий ўсимлик сифатида ўстириб келинмоқда.

Ер юзида қарағайнинг 100 га яқин тури бўлиб, шундан МДҲ да 64 тури, Ўзбекистонда эса 4 тури маданий ўсимлик сифатида экиб ўстирилади. Қарағай, ҳар хил тупроқда ҳам яхши ўса беради. У ёруғни, очиқ ерни ёқтиради. Фақат Ўзбекистон шароитида ёшлиқ даврида ёз ойларида сугориб туриш керак. Ёш ниҳолларини кўчириб ўтқазишда албатта тупроғи билан олиш керак.

САРВ (*Cupressus arizonica* Greene.) кипарисдошлар оиласидан, бўйи 20—25 м га етадиган бир уйли дараҳтдир. Сарвнинг 15 тури бўлиб, улар Ўрта дengизда, Хитой, Япония ва Америкада кўп ўсади. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника боғига 1953 йилда келтириб экилган. Бу тур Деновда, Тошкентда кўп вақтдан бери экилиб келмоқда.

САРВНИНГ БОШҚА ТУРИ (*C. sempervirens* L.) Самарқандаги М. Горький номли маданият ва истироҳат боғида — кўлдаги чойхона ёнида 2 тути ўсиб турибди. Бу дараҳтлар Самарқандга бундан 90—100 йил илгари келтирилган бўлиши мумкин. Сарв март—апрель ойларида гуллайди. У экилгандан кейин 7—8 йили гуллайди. Аввал чангчи эркак қубба, кейин эса уруғчи — урғочи қубба ҳосил бўлади. У уруғидан яхши унади. Лекин унинг кўкариш қобилияти паст бўлиб, 16% ни ташкил этади. Уруғи кўкариш қобилиятини 5 йилгача тўлиқ сақлайди. Уни ниҳолидан, айниқса 2—3 ёшдагисини кўчириб ўтқазиш яхши натижা беради. 4—5 ёшдагиси эса тез кўкармайди ва қуриб қолади. Сарв иссиққа, совуққа чидамли дараҳт. Бу жиҳатдан уни республикамиз шаҳар, район ва қишлоқларини кўкаламзорлаштириш мақсадида кўплаб әкиш мумкин. У чиройли манзарали ўсимлик бўлиб соя-салқин жойлар ҳосил қиласи. Ундан кўп миқдорда эфир мойи ҳам олиш мумкин.

ТУЯ (*Thuja occidentalis* L.) кипарисдошлар оиласига мансуб, бўйи 20—25 м га етадиган бир уйли дараҳтдир. Туя — қадимги грекча сўз бўлиб, ҳаёт дараҳти демакдир. Туянинг 5 тури бўлиб, шундан 3 таси Фарбий Хитой, Корея, Япония, 2 таси Шимолий Америкада ўсади. Узбекистон Фанлар академиясининг Ботаника боғида 3 тури иқлимлаштирилган. Туянинг шоҳлари, горизонтал ўсуви новдалари ингичка эгиувчан, қатиқ, ёнидан шоҳланувчандир. Танаси нинабарглар билан қопланган. Нинабарглари тангачасимон пояга ёпишган, юқоридагилари эса яссироқ. Уруғчи ва чангчи қуббалари бир дараҳтнинг ўзида бўлиб, ҳар хил шоҳида жойлашади. Чангчи қуббаси думалоқ майда, бандсиз, нинабарг қўлтиғида жойлашади. Урғочи (оналик) қуббаси қисқа, шоҳ учиди бўлиб, жуда майда, бинафша рангдадир. Туя экилгандан кейин 5—6 йили гуллайди. Бунда дастлаб уруғчи қуббаси, бир йилдан кейин эса урғочи (оналик) қуббаси ҳосил бўлади. Туя уруғидан унади ва ниҳолидан яхши кўкаради. Узбекистонга бундан 80—100 йиллар илгари келтирилган бўлса керак. Унинг бир тути СамДД биология куллиёти ҳовлисида, бир тути эса Самарқанд область Ижроия Комитети биноси ёнида ўсиб турибди. Тошкентнинг парк ва хиёбонларида, кўчаларида жуда кўп ўстирилмоқда. Туя чиройли, манзарали, дараҳтдир. У иссиққа, совуққа чидамли.

СЕКВОЯДЕНДРОН (*Sequoia adendron giganteum* (Lindl.) Buch.) таксодийдошлар оиласига мансуб, бўйи 15—40 м га (ўз ватанида 80—100 м га) етадиган бир уйли доимий яшил дараҳт. Поясининг пўстлоғи қизриш-қўнғир рангда. Нинабаргларининг узунлиги 3—6 мм, яшил рангли қарама-қарши жойлашган. Чангчили тўпгули кўп сонли чангчилардан иборат бўлиб, шоҳларининг уч қисмига жойлашган. Урғочи тўп гуллари эса ён шоҳларининг уч қисмига ўрнашган. Меваси 5—8 см узунликдаги чўзиқ қуббадан ташкил топган. Меваси гуллагандан ке-

йин иккинчи йилнинг охирларига бориб пишади. Секвойядендроннинг ватани Калифорния бўлиб, Сьерра-Невада тоғларида ўсади. Бу ўсимлик 1880 йилларда Самарқандга келтириб экилган. Ҳозир унинг 3 тути ўсади. Бири СамДДнинг биология куллиёти ҳовлисида, иккинчиси дорилфунун ректорати биносининг орқасида, учинчи тути эса Мичурин номли техникумнинг ҳовлисида ўсади. Секвойядендрон узоқ, яъни ўртacha 1500 йил яшайди. Унинг 4000 ёшдагилари ҳам фанга маълум. У ўзининг узоқ йил яшаши, доимий яшиллиги ва катта пирамидани эслатадиган чиройли ташки кўриниши билан кўкаламзорлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

СОХТАҚАШТАН (*Aesculus hippocastanum* L.) Сохтакаштандошлар оиласидан, бўйи 15 м га етадиган қалин шохли дараҳтдир. Барги лентасимон-мураккаб, узунлиги 15—20 см. Баргчалари сони 5—9 та бўлиб, тухумсимон, четлари ўткир тишли, устки қисми туксиз, остки томонида эса фақат барг томирлари бўйлаб туклар жойлашган. Ўзбекистонда апрель-май ойларида гуллайди. Гуллари йирик: чўзиқ тик турувчи узунлиги 20—30 см га етадиган шингилсимон-тўпгулларга жойлашган. Тожибарглари оқ ёки оч ёки оч пушти рангда, пастки қисмидаги сариқ, кейинчалик эса пушти рангга айланувчи доғлари бор. Меваси август-сентябрь ойларида пишади. Мевасининг сирти ўткир учли тиканчалар билан қопланган. Қўпинча 1 ёки 2—3 уруғли. Каштанинг ватани Европа, Осиё ва Шимолий Америкадир. Сохтакаштан Тошкентга 1883 йили келтирилган. Ӯша йиллари Самарқандга ҳам келтириб ўтқазилган. Каштанинг 25 тури бўлиб, шундан 13 тури МДҲ да иқлимлаштирилган. Шундан бир тури сохтакаштан Ўзбекистонда узоқ йиллардан бери ўстириб келинади. Сохтакаштан қурғоқчиликка чидамли, табиий шароитда 400—500, маданий ҳолда эса 300 ва ундан ҳам кўп йил яшайди.

ХУРМО (*Diospyros virginiana* L.) хурмодошлар оиласидан, бўйи 15—30 м га етадиган дараҳтдир. Танаси тўғри, қўнғир рангли пўстлоқ билан қопланган. Барги қалин, кенг-наштарсимон, узунлиги 5—15 см, эни 2—5 см, устки томони ялтироқ, туксиз. Хурмо Ўзбекистон шароитида май-июнь ойларида гуллайди. Гуллари қисқа гулбандларда ўрнашган, айрим жинсли. Тожибарглари кўкимтир-сарғиш ёки оқ-қўнғирсимон кўринишига эга. Меваси сентябрь-ноябрь ойларида пишади. У тўқ сариқ рангли. Хурмонинг ватани Осиё, Африка, Шимолий ва Жанубий Американинг тропик ва субтропик мамлакатларидир. МДҲ да ёввойи ҳолда битта тури, маданий ҳолда эса иккита тури ўстирилади. Ўзбекистонда эса фақат битта тури маданий ва иккинчи тури эса ёввойи ҳолда Ҳисор тоғида учрайди. У Ўзбекистонга 1880 йилда келтирилган. Ҳозир Самарқанд, Термиз, Денов, Андижон ва Тошкентда кўплаб экилади. Хурмо ёруғсевар дараҳт, совуққа ҳам анча чидамли. У 150—200 йил яшайди. Хурмо хушманзара ўсимлик, у гуллаган вақтда сар-

ҒИШ-ҚИЗГИШ ГУЛЛАР билан қопланади ва ажойиб манзара кашф этади.

БАЛХИТУТ (*Morus alba* L.) тутдошлар оиласидан, бўйи 5—10 м га етадиган дараҳт. Барги серэт, силлиқ, тўқ яшил, барг япробининг бир-икки жойи ўйиқли, баъзан бутун, четлари майда тишли. Танаси қўнғир, тарам-тарам пўстли, ҳар томонга таралиб, қисман пастга эгилиб ўсади. Меваси май-июнь ойларида пишади. У тўпмева бўлиб, оқ, ширин, уруғсиз. Шакарга бой. Шу сабабли ҳам ҳалқ уни қадрлаб маданийлаштирган. Мевасини ҳўллигига ва қуритиб истеъмол қилиш мумкин. Ундан тутмайиз, тут талқон, тут ҳолваси, тут шинниси тайёрланади. Баргидан ипак қурти боқиша кенг фойдаланилади. Барг олиш учун дараҳт шохлари ҳар йили қирқилади, сўнгра у сербарг новдалар ҳосил қиласиди. У қаламчасидан ва пайванд қилиб кўпайтирилади.

ШОТУТ (*Morus nigra* L.) тутдошлар оиласидан, бўйи 4—8 м га етадиган дараҳт. Шох-шаббаси шарсимон шаклда. Барги юраксимон, навбатлашиб жойлашган. четлари бутун ёки бир оз кертикли, арра тишли, дағал, қалин, орқа томони сертук. У айрим жинсли, бир уйли, ургочи гуллари йирик, калта. Меваси июль-август ойларида пишади. Ранги тўқ қизил, қора, сершира, хушбўй, шифобахш, бандидан қийин узилади. Меваси таркибида 25—27% гача қанд, турли хил витаминлар ва минерал моддалар бор. Меваси ҳўллигига истеъмол қилинади, шираси ичилади ва қуритилиб ейилади. Шотут ёки Шоҳтут ўз номидан ҳам маълумки, мевали дараҳтлар ичидаги аҳамиятли ва қимматли дараҳтдир. Шунинг учун ҳам унинг номини Шотут деб атаганлар. У камқонлик, қон босими, қанд касаллиги каби бир қанча касалликларга даводир. Ҳалқ унинг шу хусусиятини билиб аллақачон маданийлаштирган. Шотутнинг бошқа тутлардан фарқи секин ўсади ва кечроқ барг чиқаради. Баргини ипак қурти емайди. Уни пайванд қилиб қаламчасидан кўпайтириш мумкин.

ШАФТОЛИ (*Persica vulgaris* Mill.) раъногулдошлар оиласидан, бўйи 4—8 м га етадиган дараҳт. Барглари пояда навбат билан жойлашган, наштарсимондир. Апрель-май ойларида гуллайди. Гуллари қўш жинсли, баъзи турларида йирик атиргулсимон, баъзиларида эса майда, қўнғироқсимон, оқчил бинафша ранглидир. Меваси август ойида пишади. Серсув, данакли, ясси, думалоқ-тухумсимон, оқиш-яшилдан тўқ қизилгача, тукли ва туксиз. Эти кўкимтир-оқ, оч пушти, сариқ, тўқ қизил, данагидан ажралади, меваси нордон-ширин, ширин бўлади. Меваси таркибида 80—90% сув, 10—14% қанд, 0,08—1,02% олма, вино, лимон кислотаси, А, С, В витаминлар, ошловчи моддалар, данаги мағзида 20—60% ёғ ва бошқа моддалар бор. Кишилар мевасини хуш кўриб истеъмол қиласиди. Узбекистонда шафтолининг 9 хил (анжир, лола, оқ, золотой юбилей, старт, малиновий, обильний, Эльберта, Фарҳод каби) навлари экиласиди.

НОК ёки ОЛМУРУТ (*Rugus communis L.*) раъногулдошлар оиласидан, бўйи 12—18 м га етадиган дараҳт. Барглари тухумсимон, туксиз, яшил, ялтироқ, четлари ара тишилдири, май ойида гуллайди. Гуллари оқ, баъзан пушти ёки қизил. Меваси август-сентябрь ойларида пишади. У турли шаклда бўлиб, оғирлиги 25—300 г, сариқ, яшил, зарғалдоқ рангда. Меваси таркибида 7—9% қанд, А, В, С витаминлари бор. Нок қадимий маданий ўсимлик. У инсон саломатлиги учун витаминли мева сифатида истеъмол қилинади. МДҲда нокнинг 280 дан ортиқ нави мавжуд. Улардан ёзги: Вильямс, совға, кузги: Берелигея, Бере босқи: қишки: Кюре, қишки нашвоти 2, Тошкент ноки каби навлари экилади. Нокни пайвандлаш йўли билан кўпайтирилади. Ҳозирги пайтда паст бўйли навлари ҳам кўплаб экилмоқда.

ОЛЧА (*Cerasus vulgaris L.*) раъногулдошлар оиласидан, бўйи 4—6 м га етадиган дараҳт. Барглари кетма-кет жойлашган. Март-апрель ойларида гуллайди. Гуллари оқ ёки пушти, тўпгули унча катта бўлмаган соябон. Меваси июнь ойида пишади. Меваси думалоқ данакли, сувли, нордон, оч қизилдан тўқ қизилгача. Меваси таркибида 8—17,5% қанд, 0,9—2,8% кислота, С ва А витаминлари бор. Ҳўллигида истеъмол қилинади. Ундан мураббо, компот, жем, қиём тайёрланади. МДҲ да олчанинг 21 тури учрайди. Гилос ҳам олчалар туркумига киради. Олча данагидан, кўчатидан кўпайтирилади. Кўчати ўтқазилгач, 3—4 йили ҳосил беради. Ўзбекистонда олчанинг Любка, Ташкентская Майдюк, Самарқанд, Қора шпонка каби навлари экилади.

ҮРИК (*Armeniaca vulgaris Lam.*) раъногулдошлар оиласидан бўйи 10—15 м гача етадиган дараҳт. Барги кенг, тухумсимон Март-апрель ойларида гуллайди. Гули оқ ёки пушти, баргидан олдин очилади. Меваси июнь-июль ойларида пишади. Меваси таркибида 20% қанд, олма, лимон ва бошқа кислоталар, С, РР витаминлари, 10 мг гача каротин, мағзида 29—58% мой бор. Уни ҳўллигида, қуритиб (баргак, туршак), консерва (компот, қиём) ҳолида истеъмол қилинади. Меваси (данаги) ҳалқ табобатида юрак-қон томирлари системаси касалликларини даволашда ишлатилади. Ўзбекистонда қуритиладиган навларидан: бодоми, субҳони, исфарак, ҳурмойи, қандак; ҳўллигича ейиладиган; арзами, аҳорори, оқ ўрик, оқ нуқул, руҳи жувонон, палғори кабилар экилади. Данагидан кўкаради. Кўчати ўтқазилгач 3—4 йили ҳосил беради.

ТОК—ЎЗУМ (*Vitis vinifera L.*) узумдошлар оиласидан, чирмашиб ўсуви чутадир. Барглари панжасимон, З ва 6 бўлакли, навбат билан жойлашган. Апрель-май ойларида гуллайди. Гуллари майда, кўкимтир-сарғиш. Меваси август-сентябрь ойларида пишади. Меваси — узуми резавор, 1—4 уруғли, этли, серсувдир. Меваси ҳўллигида, қуритилиб (майиз), турли винолар (конъяк, вино, шампанский, компот, қиём, шарбат) тайёрланиб

истеъмол қилинади. Узум таркибида 65—85% сув, 33% гача қанд, 0,5—1,4 органик кислоталар, С, В₁, В₂ витаминлари, шунингдек А провитамин, уруғида 4—19% мой, 1,8—8% ошловчи моддалар бор. МДҲда токнинг 2 мингга яқин нави ўстирилади. У З группага: винобол (алеатико, оқ мускат, баян ширей), хўраки (хусайни, каттақўрғон, тоифи, чарос, қоражал, халилий, даройи) ва майизбоп (оқ кишмиш, қоракишиш, каттақўрғоний, султоний)га бўлинади. Ўзбекистонда токнинг бир қанча тури аллақачон маданийлаштирилган. Майиз етиширишда Самарқанд вилояти МДҲда биринчи ўринда туради.

БЕДА ёки ЙЎНФИЧҚА (*Medicago sativa L.*) дуккакдошлар оиласидан, бўйи 70—100 см га етадиган кўп йиллик ўт. Барги чўзиқ учта барг япроғидан иборат. У эрта баҳорда кўкарғандан кейин 60 кундан сўнг, иккинчи ўримида 40—45 кундан кейин гуллайди. Гултўплами шингил. Гули сариқ. Меваси июнь-июль ойларида пишади. Дуккаги 2—3 буралган, уруғи майда, сариқ, сариқ қўнғир, шакли буйраксимондир. Беда анча илгари маданийлаштирилган ўсимлик. МДҲда беданинг 60 га яқин тури учрайди, булардан 5 таси (кўк беда, сариқ беда) кўп экилади. Беда чорва молларининг тўйимли озиғидир. Ўзбекистонда 315 минг гектар ерга беда экилади. У деҳқончиликда алмашлаб экишда салмоқли ўрин тутади. Хусусан ғўза майдонларининг энг яхши ўйлдоши ҳисобланади.

САДАҚАЙРАФОЧ (*Ulmus densa Litv.*) қайрағочдошлар оиласидан, бўйи 15—20 м га етадиган йирик, сершоҳ раҳаҳтдир. Та什қи томондан шар ёки эллипс кўринишида. Шоҳчалари тукли. Барги катта, узунлиги 5—7 см, эни 1,5—3 см, тухумсимон, четлари арра тишли, уст томони кам тукли. Садақайрағоч февраль ойи охири, март ойининг бошларида гуллайди. Гуллари тўдатўда бўлиб, қисқа новдаларда ўрнашган. Гулқўрғони 4—5 бўлакли, чангчилари 4 та. Меваси март-апрель ойларида пишади. У қанотчали, катталиги 2 см. Ёввойи ҳолда Урта Осиёнинг тоғларида ўсади. Ўзбекистонда 8 та тури мавжуд бўлиб, улардан энг кўп тарқалгани садақайрағоч ва ғужумдир. Садақайрағоч республикамизнинг кўпгина шаҳар ва районларида қадимдан экиб келинади. У узоқ яшайди. Шоҳчалари зич, барглари ёз бўйи кўм-кўк бўлиши, яхши манзара ҳосил қилиши ва қуюқ соя бериши билан кишиларнинг эътиборини ўзига жалб қиласиди.

ҚИЗИЛ (*Cornus mas L.*) қайниндошлар оиласидан, бўйи 6 м га етадиган дараҳт ёки бутадир. Танаси ва шоҳлари сарғиш пўстлоқ билан қопланган. Новдалари кўкимтири-сарғиш. Барги тухумсимон, четлари текис, учи ўткир, узунлиги 8 см, эни 5 см, уст томони ялтироқ, ҳар икки томони сийрак тукли. Қизил март — апрель ойларида гуллайди. Тожибарги сариқ рангли бўлиб, меваси июль ойида пишади. Данакли меваси 2 см катта-

ликда, ширин-қимизак мазали. Қизил МДҲнинг жануби-ғарбий Европа қисмида, Қавказда, Қримда ёввойи ҳолда ўсади. Бундан 100 йил муқаддам Тошкентга келтириб экилган. Қизилнинг меваси таркибида 8—9% қанд, 2—2,3 % олма кислота ва бошқа моддалар бор. Ундан мураббо, компот, кисель, мармелад, вино ва бошқа ичимликлар тайёрланади. Еғоч қисми, пўстлоқ ва баргида 7—16% ошловчи модда бўлиб, ундан турли бўёқлар ва жуда кўп шира олиш мумкин. Қизил манзарали бўлиб, эрта баҳорда тўп-тўп сариқ гуллар ҳосил қилувчи ўсимликдир. Республикаизда юқорида кўрсатилганлардан ташқари, яна кўпгина кам тарқалган ўсимликлар турли мамлакатлардан келтириб иқлимлаштирилган. Улар ҳақида тўлиқроқ маълумотларни биология ўқитувчилари ва табиатшуносалар тўплашлари лозим. Улкамиздаги энг кўп тарқалган ва ўстириладиган ўсимликларнинг умумий рўйхатини 8-жадвалда келтирамиз.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ЎСИМЛИКЛАРИ

Инсон ва ҳайвонларнинг яшashi ҳамда ҳаёт кечириш жараёнида ўсимликлар асосий роль ўйнайди. Чунки улар озиқ-овқат, ем-хашак, дори-дармон, кийим-кечак, ҳаво ҳамда жуда кўпчилик моддаларнинг табиий манбалари хисобланади. Маълумки, ўсимликлар ўзларининг у ёки бу органларида ҳаёт учун зарур бўлган турли органик моддаларни, уларнинг бирикмаларини ҳамда минерал тузларни сақлайди. Инсон шу сабабли, ўсимликларнинг ҳар хил органларидан турли мақсадлар учун фойдаланиб келмоқда. Улар маданий ўсимлик турлари ва навлари билан чегараланиб қолмасдан, балки теварак-атрофидан ўсаётган ёввойи ўсимлик турларининг ички сирларини билиб, ўрганиб, улардан узоқ йиллар давомида фойдаланиб келмоқдалар. Бу ўсимликларнинг фойдали хусусиятларидан бири озиқ-овқат бўлишидир. Озиқ-овқат бўладиган ўсимликларни хомлигича ҳамда ҳар хил таомлар тайёрлаб истеъмол қилинади. Ҳозирги кунда республикамиз флорасида учрайдиган 4137 тур ўсимликлардан фақат 300 тури озиқ-овқат ва зиравор ўсимликлар сифатида ишлатилмоқда. Улардан ёввойи ҳолда учрайдиган ёнғоқ, олма, олча, писта ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон иқтисодиятини ривожлантиришда маълум даражада фойда келтиради. Биз флорамизда ёввойи ҳолда кенг тарқалган, озиқ-овқатлик хусусиятига эга бўлган, ҳар хил йўллар билан истеъмол қилинадиган, ҳалқ хўжалигининг турли тармоқлари учун аҳамиятли ҳисобланган айрим ўсимлик турлари тўғрисидаги маълумотларни баён этамиз.

ҚАТРАНФИ (*Celtis caucasica* Willd.) қайрағочдошлар оиласига кирувчи, бўйи 25 м келадиган шоҳ-шаббали дараҳт. Шоҳлари қўнғир ёки қизғиши-қўнғирсизмондир. Барг банди 5—7 мм

Баъзи маданий ўсимиликлар

№	Мадаллий номи	Илмий номи	Оиласи	Гуллаш даври
Дарахт ва буталар				
1.	Анор	<i>Punica granatum</i>	Анордошлар	Июнь — июль
2.	Анжир	<i>Ficus carioa</i>	Тутдошлар	Апрель
3.	Акас	<i>Robinia pseudacacia</i>	Дүккакдошлар	Апрель — май
4.	Беҳи	<i>Cydonia oblonga</i>	Раъногулдошлар	Апрель
5.	Бодом	<i>Amygdalus communis</i>	Раъногулдошлар	Март — апрель
6.	Гилос	<i>Cerasus avium</i>	Раъногулдошлар	Март — апрель
7.	Ғужум	<i>Ulmus androssovii</i>	Қайрағочдошлар	Март — апрель
8.	Жасмин	<i>Jasminum fruticans</i>	Зайтундошлар	Май — июнь
9.	Жӯқа, арғувон	<i>Tilia cordata</i>	Жӯқадошлар	Май — июнь
10.	Ёнғоқ	<i>Juglans regia</i>	Ёнғоқдошлар	Апрель — май
11.	Заранг	<i>Acer semenovii</i>	Зарангдошлар	Май — июнь
12.	Мажнунтол	<i>Salix babylonica</i>	Толдошлар	Апрель
13.	Нок (Олмурот)	<i>Pyrus communis</i>	Раъногулдошлар	Апрель
14.	Олма	<i>Malus domestica</i>	Раъногулдошлар	Апрель
15.	Олча	<i>Cerasus vulgaris</i>	Раъногулдошлар	Март — апрель
16.	Олхўри	<i>Prunus domestica</i>	Раъногулдошлар	Апрель
17.	Оқтол	<i>Salix alba</i>	Толдошлар	Апрель — май
18.	Оқтерак	<i>Populus alba</i>	Толдошлар	Апрель — май
19.	Оқтут	<i>Morus alba</i>	Тутдошлар	Апрель
20.	Писта	<i>Pistacia vera</i>	Пистадошлар	Март — май
21.	Ток	<i>Vitis vinifera</i>	Узумдошлар	Май — июнь
22.	Тилоғоч	<i>Larix sibirica</i>	Қарағайдошлар	Апрель — май
23.	Чинор	<i>Platanus orientalis</i>	Чинордошлар	Апрель
24.	Үрик	<i>Armeniaca vulgaris</i>	Раъногулдошлар	Май — июнь
25.	Шотут	<i>Morus nigra</i>	Тутдошлар	Апрель
26.	Шафтоли	<i>Persica vulgaris</i>	Раъногулдошлар	Март — апрель
27.	Шилвидараҳт	<i>Lonicera tatarica</i>	Шилвидошлар	Май — июнь
28.	Қайин	<i>Betula turkestanica</i>	Қайиндошлар	Апрель — май

1	2	3
29	Қайрағоч	<i>Ulmus pumila</i>
30	Қарағай	<i>Pinus silvestris</i>
31	Қизилқат	<i>Ribes vulgare</i>
32	Әман	<i>Quercus castaneifolia</i>
Күп үйлік		
1	Беда (Йүнгінчқа)	<i>Medicago sativa</i>
2	Гулхайры	<i>Althaea rhpticarpa</i>
3	Бинафша	<i>Viola odorata</i>
4	Саримсоқ	<i>Allium sativum</i>
5	Ёронгүл	<i>Pelargonium rosae</i>
6	Құлупнай	<i>Fragaria ananassa</i>
Икки үйлік		
1	Қарам	<i>Brassica oleracea</i>
2	Лавлаги	<i>Beta vulgaris</i>
3	Писэ	<i>Allium cepa</i>
4	Сабзи	<i>Daucus sativus</i>
5	Түрл	<i>Raphanus sativus</i>
6	Шолғам	<i>Brassica rapa</i>
7	Арлабодиён	<i>Anisum vulgare</i>
Бир үйлік		
1	Арпа	<i>Hordeum vulgare</i>
2	Бақлажон	<i>Solanum melongena</i>
3	Бодринг	<i>Cucumis sativus</i>
4	Бүгдой	<i>Triticum durum</i>
5	Гултохихүрөз	<i>Amaranthus caudatus</i>
6	Ёрәнғоқ	<i>Arachis hypogaea</i>
7	Жавдар	<i>Secale cereale</i>

4

5

Қайрағочдошлар
Қарағайдошлар
Қорақатдошлар
Қорақайындошлар

Март
Апрель — май
Апрель
Апрель

ұсимвиллар

Дүккакдошлар
Гулхайридошлар
Бинафшадошлар
Пиёзгулдошлар
Еронгулдошлар
Раъногулдошлар

Апрель — май
Май — июнь
Март — май
Июнь
Июнь — август
Май

к ұсимвиллар

Крестгулдошлар
Шұрадошлар
Пиездошлар
Соябонгулдошлар
Крестгулдошлар
Крестгулдошлар
Соябонгулдошлар

Май — июнь
Май — июнь
Май — июнь
Май — июнь
Апрель — май
Май — июнь
Май — июнь

ұсимвиллар

Бошоқдошлар
Томатдошлар
Қовоқдошлар
Бошоқдошлар
Гултожихүроздошлар
Дүккакдошлар
Бошоқдошлар

Апрель — май
Июнь — июль
Апрель — август
Апрель — май
Июнь — июль
Май
Апрель — май

I	2	3
8	Жүхори	<i>Sorghum vulgare</i>
9	Зиғир	<i>Linum humile</i>
10	Индов	<i>Eruca sativa</i>
11	Ипакпахта	<i>Gossypium barbadense</i>
12	Картошка	<i>Solanum tuberosum</i>
13	Каноп	<i>Papaver somniferum</i>
14	Күкнор	<i>Helianthus annuus</i>
15	Күнгабоқар	
16	Күнжут	<i>Sesamum indicum</i>
17	Ловия	<i>Phaseolus vulgaris</i>
18	Маккажүхори	<i>Sea mays</i>
19	Махсар	<i>Carthamus tinctorius</i>
20	Мош	<i>Phaseolus aureus</i>
21	Наша	<i>Cannabis sativa</i>
22	Намозшомгул	<i>Mirabilis jalapa</i>
23	Носқовоқ ёки сувқовоқ	<i>Cicer arietinum</i>
24	Нұхат	<i>Cucurbita moschata</i>
25	Ошқовоқ	<i>Gossypium hirsutum</i>
26	Пахта (ғұза)	
27	Петрушка	<i>Petroselinum crispum</i>
28	Печакгул	<i>Ipomoea tricolor</i>
29	Помидор	<i>Lycopersicon esculentum</i>
30	Райхон	<i>Ocimum basilicum</i>
31	Редиска	<i>Raphanus sativus</i>
32	Салат	<i>Lactuca sativa</i>
33	Седана	<i>Nigella sativa</i>
34	Сули	<i>Avena sativa</i>
35	Тамаки	<i>Nicotiana tabacum</i>
36	Тарық	<i>Panisum miliaceum</i>
37	Тарвуз	<i>Citrullus vulgaris</i>
38	Гултожихүрөз	<i>Celosia cristata</i>
39	Чирмөвгул	<i>Ipomea purpurea</i>
40	Шивит	<i>Anethum graveolens</i>

III

Зигирдошлар
 Крестгулдошлар
 Гулхайридошлар
 Томатдошлар
 Гулхайридошлар
 Күкнордошлар
 Мураккабгулдошлар
 Кунжутдошлар
 Дуккақдошлар
 Бошоқдошлар
 Мураккабгулдошлар
 Дуккақдошлар
 Тұтдошлар
 Намозшомгулдошлар
 Қовоқдошлар
 Дуккақдошлар
 Қовоқдошлар
 Гулхайридошлар
 Соябонгулдошлар
 Печакгулдошлар
 Томатдошлар
 Лабгулдошлар
 Крестгулдошлар
 Мураккабгулдошлар
 Айиқтовондошлар
 Бошоқдошлар
 Томатдошлар
 Бошоқдошлар
 Қовоқдошлар
 Гултоҗихұроздошлар
 Печакгулдошлар
 Соябонгулдошлар

Апрель — май
 Апрель — май
 Апрель — май
 Август
 Апрель — июль
 Август
 Апрель — август
 Июнь — июль
 Июнь — сентябрь
 Апрель — май
 Июнь — июль
 Июнь — июль
 Июнь — сентябрь
 Июль
 Апрель — июнь
 Апрель — октябрь
 Май — октябрь
 Апрель — май
 Май — июнь
 Май — июнь
 Май — июнь
 Июль — октябрь
 Апрель — май
 Июнь — июль
 Июль — сентябрь
 Июнь — сентябрь
 Апрель — май

1	2	3
41	Шоли	Oryza sativa
42	Шабдар	Trifolium resupinatum
43	Хина	Impatiens balsamina
44	Қалампир	Capsicum annuum
45	Қовун	Melo orientalis
46	Ғұза	Gossypium herbaceum
47	Хандалак	Melo Chandalak

Дағы ми

4	5
Бошоқдошлар	Август — сентябрь
Дүккәндошлар	Апрель
Хинадошлар	Июнь — июль
Томатдошлар	Июнь — июль
Қовоқдошлар	Май — август
Гулхайридошлар	Июнь — сентябрь
Қовоқдошлар	Апрель — май

узунликда ва туксиздир. Баргининг узунлиги 3—7 см, эни 2—3 см, тухумсимон ёки узунчоқ-тухумсимон, ўткир ёки ўткирлашган, чети ўткир тишсимон, асоси понасимон, устки томони тукли, остки томони эса туксиз бўлади. Гуллари туксиз гулбандда ўрнашган, катталиги 1—2 см. Меваси думалоқ, тўқ сариқ рангидир. Данаги буришганроқ бўлади. Қатранғи апрель ойнда гуллайди ва меваси сентябрь ойида пишади. Бу ўсимлик адир ва тоғ минтақасининг ўрта қисмидаги тошли, шағали ли ерларда учрайди. У, айниқса, Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг тоғли районларида кўп тарқалган. Қатранғидан турли мақсадлар учун фойдаланиш мумкин. Уни озиқовқат ўсимлиги сифатида ишлатса ҳам бўлади. Меваси ширин, яхши таъмли ва мазалидир. Мевасини шундайлигича ҳамда қуришиб, ун қилиб, буғдой ёки арпа унларига аралаштириб нон ёпиш, печенье тайёрлаш мумкин. Қатранғи меваси ўз таркибида кўп миқдорда қанд, крахмал, органик кислоталар ва А, В₁, С витаминлар сақлайди. Булардан ташқари данагида оқсил ва ёр бўлади.

ДЎЛНА (*Crataegus pontica* C. Koch.) раънгудошлар оиласидан бўлган бу ўсимликнинг бўйи 10 м га етади. Барги кўкяшил, устки ва остки томони сийрак тукчали, йирик барглари эса туксиздир. Баргининг бўйи ва эни деярли бир хил катталикда, барг банди япроқдан 3—6 марта кичикроқ, ромб ёки тескари тухумсимон, асоси кенг понасимон, 5—7 бўлакчага бўлинган бўлади. Тўпгулли зич, диаметри 3—5 см, тукчалари чалкашиб кетгандир. Қосачабарги уч қиррали. Гултожининг диаметри 2 см гача, меваси йирик бўлиб, диаметри 3 см гача, сариқ ёки тўқ сариқ рангли, учи ва мева банд томони бир оз ялпайган, 2—3 данакчали, ён томони силлиқдир. Дўлана июнда гуллайди ва меваси сентябрда пишади. У тошли ҳамда қуруқ жойларда, баъзан майда шағалли қияликларда, якка-якка, тўп-тўп ва айрим ҳолларда дўланазорлар ташкил этади. Дўлана меваси дори-дармонлик хусусиятига эга, унинг пишган меваси жуда ёқимили таъмли, мазали, иштаҳа билан истеъмол қилинади. Ундан ич кетишни даволашда фойдаланилади. Чехославакия тиббиётида дўлананинг баъзи турлари жуда қадрланади. Улар оғриқни қолдирадиган, юракнинг иш фаолиятини яхшилайдиган, паришонхотирликни (склероз)ни ва қон босимини даволайдиган дори-дармон сифатида ишлатилади. Дўлана данагида 6—10% ёғ, оқсил, мевасида 15—20% қанд, танид ва кварцетин моддалари, кратегус ва олма кислоталари бўлади. Шунингдек, 0,036 мг % В₁, 0,075 мг % В₂, 0,128 мг % РР, 45,3% С, 0,27 мг % Е витаминлари ҳамда 0,07 мг % каротин бўлади.

ЁВВОЙИХУРМО (*Diospyros lotus* L.) хурмодошлар оиласига сид, баландлиги 20 м гача борадиган шох-шаббали дараҳтдир. Шохлари қизгиши-қўнғирсимон, новдалари тукчалар билан қопланган бўлади. Барги тухумсимон ёки эллипсисимон, узунлиги

9—15 см, эни 3—5 см, асоси сиқиқ, учи ўткир, атрофи киприксимон тукчалар билан қолланган. Ўстки томони сариқ тукчали, түқ яшил, пастки томони оч яшил рангли, юшоқ, сертуклидир. Косачабарги тухумсимон, ўткир ёки уч қиррали, тукли, чети киприксимон туклидир. Гултожи қўнгироқсимон, гулбарглари юқорига — чангчигулга томон йўналган, уруғчи гуллари тўғри чиқади. Меваси олчасимон, дастлаб сариқ, сўнгра қора рангли бўлади. Хурмо май — июнь ойларида гуллаб, меваси октябрь — ноябрь ойларида пишади. Бу ўсимлик табиий ҳолда жумҳуриятимизнинг жанубий районларида, айниқса, Сурхондарё обlastининг Сангардак ва Тўпаланг дарёлари атрофидаги сернам, совуқ шамоллар тегмайдиган сойларда ўсади. Хурмо меваси жуда тўйимли, ширали ва мазали мевалардан ҳисобланади. Унинг поя ва баргларида турли органик моддалар, минерал тузлар мавжуддир. Шунингдек, ўз таркибида танид моддасини сақлайди. Хурмо мевасининг таркибида кўп миқдорда қанд моддаси, қсантофил, 1, 04 мг % каротин, 0,175 мг % В₁, 0,131 мг % В₂, 0,415 мг % РР, 143 мг % С, 1,15 мг % Е ҳамда А витаминлари, олма кислота, танид моддаси ва даҳагида ёғ бўлади.

ЁНГОҚ (Juglans regia L.), бу ёнгоқдошлар оиласига оид, баландлиги 30 м гача бўладиган мевали дараҳтдир. У Ўзбекистонда маданий ва табиий ҳолда жуда катта ёнгоқзорларни ташкил этади. Усиш шароитига қараб апрель-май ойларида гуллайди, меваси август ва сентябрь ойларида пишади. Табиий ёнгоқзорлар Зарафшон, Ҳисор Боботоғ, Уғом, Пском, Чотқол, Қурама ва Қоржантов тизмас тоғларининг дениз сатҳидан 800—2 000 (2500) м баландликдаги қора-қўнгир тупроқли ён бағирларида учрайди. Ўзбекистонда ёнгоқзорларнинг майдони 18 000 га дан кўпроқ бўлиб, ҳар гектаридан 300—500 кг ҳосил олиш мумкин. Ёнгоқ дараҳти ва унинг меваси халқ ҳўжалигининг турли тармоқлари учун асосий хом ашё манбаларидан бири ҳисобланади. Ёнгоқ меваси шундайлигича истеъмол этилади. Унинг пишмаган ёнгоғидан жуда яхши мурабболар тайёрлаш мумкин. Ёнгоқнинг мағзида 77% ёғ, 20% оқсил, крахмал, сахароза, глюкоза, 5% қанд, 23% азотли, 13% азотсиз моддалари ҳамда А, В, В₁, С витаминлари бўлади. Шунингдек, минерал тузлар ва микроэлементлар бор. Ёнгоқнинг пўстлоғида ва яшил мева пўстида 25%, баргиде 12% танид моддаси ҳамда 0,05—0,1% эфир мойи бўлади. Булардан ташқари мева пўстида ҳамда баргидаги югландин деб аталувчи бўёқ моддаси ҳам мавжуд. Ёнгоқларни кўплайтириш ва парвариш қилиш усуллари аллақачон ишлаб чиқилган. Бу усуллардан кенг фойдаланиб ёнгоқзорлар майдонини кенгайтириш зарур.

ЕВВОЙИ ОЛМА (*Malus sieversii* (Led.) M. Roem) раъногулдошлар оиласига кирувчи, бўйи 10 м га етадиган, шоҳ-шаббалари пирамидасимон, пўстлоғи оч кул ранг, тўқ жигар ранг ёки сариқ-қўнгирсимон рангли дараҳтдир. Ёш новдалари яшил-жи-

гар ранг, тукчали бўлади. Баргларининг чети арра тишли, баъзан тўмтоқ тишли, асоси понасимон торайган ва текис қирғоқли. Устки томони туксиз, марказий томирчалари бир оз тукли, пастки қисми тукли, кул ранг, узунлиги 5—7 см, эни 2—3,5 см га тенгдир. Тўпгули 3—5 та, гули йирик, диаметри 2,5—4 см, гулбанди чалкаш тукли. Косачабарги уч қиррали наштарсимон, узунлиги 0,5—0,6 см, эни 0,3 см, оқ чалкаш тукчалар билан қопланган. Гултожи оч кизил рангли. Меваси думалоқ ёки думалоқроқ-ясси, айрим пайтларда конуссимон, турли рангда ва катталикда бўлади. Уруғи тухумсимон, жигар ранг, катталиги 0,7 см, эни 0,5 см келади. Ёввойи олма апрель ва май ойларининг бошларида гуллайди, меваси август-сентябрь ойларида пишади. Бу ўсимлик тоғ ён бағирларида кўплаб учрайди. Ёввойи олма мевасидан, пюре, повидло, мураббо, консерва, қоқи тайёрланади. Компот ва лимонадлар ишлаб чиқаришда ҳам фойдаланилади. Бу мевалар ўзининг мазаси, таъми, таркибидаги моддаларнинг миқдори, ҳазм бўлиши билан маданий олма меваларида қолишмайди. Ёввойи олма мевасининг таркибида 10—13% қанд, 3,18% пектин, 0,3—0,5% азотли моддалар, бўёқ, темир моддаси, оз миқдорда эфир мойи ҳамда B_1 , B_2 , РР, С, Е витаминлари ва каротин моддаси бўлади.

ПИСТА (*Pistacia vera L.*) пистадошлар оиласига кирувчи, бўйи 10 м га етадиган бута, айрим ҳолларда дараҳтдир. У Фарғона, Зарафшон, Ҳисор, Боботоғ тизмаларининг денгиз сатҳидан 700—1 500 (2 000) м баландликлардаги соз тупроқли жойларида тарқалган. Писта март-май ойларида гуллайди ва меваси август-сентябрь ойларида пишади. Ўзбекистоннинг жанубий районларида табиий пистазорлар кўп. У ерлардаги писта майдонлари 75 000 га етади. Бу майдонлардан йилига 40 т мева йиғишириб олиш мумкин. Писта меваси озиқ-овқат сифатида ишлатилади. Ундан олинадиган мой кондитер ва парфюмерия саноатида қўлланилади. Медицинада писта магзидан олинган ёдан зайдун ёғи билан бир қаторда фойдаланилади. Ундан жигар, ошқозон касалликларини даволашда фойдаланилади. Пистадан олинган танид моддаси тиббиётда ишлатиладиган таниннинг асосий манбай хисобланади. Писта баргига 13—14%, бужғунида 26—35 % ва пўстлоғида 4—5% танид моддаси бор. Шунингдек, галол ва лимон кислоталари, бўёқ моддалари, флавонлар, витаминлардан 0,158 мг% B_1 , 0,1 мг% B_2 , 0,188 мг% РР, С ва каротин 10,48 мг% бўлади. Унинг мевасида 18—25% ёғ, оқсил, қанд моддалари бор. Пистанинг фойдали хусусиятларини ҳисобга олиб, унинг уруғидан тоғ ён бағирларида кўпайтириш ва мавжуд пистазорларни муҳофаза қилиш учун тегишли ташкилотлар сўнгги вақтларда катта ташкилий ишларни амалга оширмоқдалар.

АНЖИР (*Ficus carica L.*) тутдошлар оиласига кирадиган дараҳтсимон бута бўлиб, бўйи 4—10 м га етади. Унинг шох-шаббалири оч кул ранг, ёш новдалари тук билан қопланган. Курта-

ги қисқа, думалоқ. Барг бандининг узунлиги 3—5 см бўлиб, дағал тукчалари бор. Барги думалоқ-тухумсимон ёки тухумсимон, асоси бир оз сиқиқ, уни ўтмас ёки ўткирроқ, панжасимон, беш бўлакли. Бўлаклари тухумсимон ёки узунчоқ, устки томони яшил, остки қисми эса оч яшил рангли, барглари қисқа дағал тукчалар билан қопланган. Баргининг узунлиги 8—20 см, эни 6—15 см бўлади. Тўпмеваси пишганда сариқ ёки қизғиши-қора рангдадир. Анжир апрель ойида гуллаб, июль-август ойларида тўпмевалари пишади. Анжир маданий холда кўп ўстириладиган ўсимликлардан биридир. Лекин у ёввойи холда Сурхондарё обlastидаги Сангардак дарёсининг чап қирғоғида ҳамда Кўштут дарёсининг ўнг соҳилида денгиз сатҳидан 900—1700 (1800) м баландликдаги жойларда учрайди. Анжирнинг сутсимон шираси кал, сўгал, темиратки ҳамда юздаги сузлоқча (хуснбузар) ларни даволаш учун ишлатилади. У юқори калорияли, жуда сутли ва тўйимли мевали ўсимликлар қаторига киради. Унинг тўпмеваларининг таркибида кўп миқдорда фруктоза ва глюкоза, минерал тузлар, фицин моддаси, лимон, олма ҳамда сирка кислоталари, А, В, В₂ ва С витаминалари бўлади. Анжир барги май ойида 59—183 мг%, июлда 333 мг% ва октябрь ойида 123 мг% С витамин сақлар экан.

ҚИЗИЛЧЕТАН (*Sorbus tianschanica* Rupr.) раъногулдошлар оиласидан, унча катта бўлмаган, бўйи 5 м гача етадиган дараҳт ёки бутадир. Барра ноадалари сийрак тукли, йиллик ноадаси яшилсимон ёки қизил-қўнғирсимон рангли бўлади. Куртаклари йирик, узунлиги 15 мм, ўткир, туксиз, бальзан туклидир. Енбаргчалари наштарсимон-қалами ўткир учли, тўклиб кетувчи бўлади. Баргининг узунлиги 10—22 см, деярли 6 жуфт, айrim холларда 8 жуфт, барг банди туклидир. Косачабарги З қиррали. Гултоҗининг диаметри 2 см гача бўлади. Чангчилари, қисқа; меваси, кўндалангига 12 мм; у дастлаб сарғиш-қизил, сўнгра тўқ қизил рангли бўлади. Қизилчетан июнь ойида гуллаб, меваси сентябрь ойи бошларида пишади. У нам етарли ва унумдор ерларда дараҳт ҳамда бутазорлар орасида (тоғ минтақасидан то яйловгача бўлган ерларда) ўсади. Ўсимликнинг ташки кўриниши жуда чиройли, айниқса куз пайтида.

Қизилчетан баргидаги учувчан моддалар фитонцидлик (микробларни ўлдириш) хусусиятига эга. Қизилчетан меваси аччиқнордон бўлиб, совуқ урганидан сўнг мазали таъмга киради. Ундан мурабболар, компот ва сирка тайёрлаш мумкин. Қутилилган мева ҳамда мева шарбати дори-дармонлик хусусиятига эга. У юқори сифатли сурғи, сийдик ҳайдовчи ва ошқозон ишини яхшиловчи воситадир. Болгария табобатида бод касалини, буйрак тошини ва авитаминоз касалликларини даволашда ундан фойдаланадилар. Қизилчетаннинг пишган меваси: лимон, олма, янтар, вино ва сорбин кислоталарига бойдир. Шунингдек, унда қанд, танид, бўёқ, пектин моддаси ҳамда 40—50

мг% А, 250 мг% С, В, Р витаминлари ва каротиноидли ара-лашмалар бўлади.

ТОФОЛЧА (*Rupinus sogdiana* Vass) раъногулдошлар оиласига ки-рувчи, дарахт ёки буталардан иборат бўлиб, бўйи 2–6 м ке-ладиган, тиканли, ўш новдалари туксиз, жигар ранг-қизил рангдадир. Ўсувчи новдалардаги барглари кичик ёки йирик, катталиги 4,5—5 см, эни 1,8—2,1 см, энсиз эллипссимон, асоси понасимон, туксиз, ўткир тишли, баъзан тишлари барг қирғо-фига қараб қайрилган бўлади. Гулларининг диаметри 2 см, меваларининг катталиги 1—2 см, турли шакл ва рангдадир. Данаги 0,9—1,0 см узунликда, тухумсимон, силлиқ ҳамда бу-ришган бўлади. У март-апрель ойларида гуллайди, меваси июнь-июль ойларида пишади. Олча Тошкент ва Сурхондарё об-ластлари тоғли районларининг дарё соҳилларида нам етарли жойларда, сойларда, шимолий ён бағирларида, баъзан тошли ерларда ҳам учрайди. Умуман бу ўсимлик денгиз сат-ҳидан 800—2 000 м баландликдаги турли тупроқ ва иқлим шароитида тарқалгандир. Олча мевасидан турли мақсадларда фойдаланилади. Ундан мураббо, компот ва консервалар тайёр-ланади. Меваси ҳўллигича ва қуритилган ҳолда истеъмол қи-линади ҳамда турли овқатларга ишлатилади. Олча мевасининг таркибида 5—10% қанд, пектин, танид моддалари, лимон ва олма кислоталари, минерал тузлар, А, С витаминлари ҳамда каротин бўлади.

АНОР (*Rupica granatum* L.) анордошлар оиласига кирувчи, бўйи 5 м гача борадиган бутадир. У субтропик ўсимлик бўлиб, ва-тани — Истроил, Эрон ва Кичик Осиёда ҳамда Кавказда жуда кўплаб ўстирилади. Республикамизда анорнинг 40 тадан ор-тиқ навлари бор. У Ўзбекистоннинг деярли барча ноҳияларида ўстирилади. Табиий ҳолда ўсувчи анорлар Ўзбекистоннинг жанубий ноҳияларида учрайди. Анорзорлар жанубий ва фар-бий Ҳисорда, Қўштут дарёсининг ўнг қирғофида денгиз сатҳидан 1 000—1 300 м баландликларда учрайди. Анорнинг халқ ҳўжалигидаги аҳамияти каттадир. У мевали, бўёқли, танидли, доривор ҳамда витаминли ўсимликлардан ҳисобланади. Тиб-биётда тана пўстлоғи ҳамда илдиз пўстлоғидан тайёрланган дори-дармон билан ичак ва йўғон ичакдаги қурт (гижжа)ларни туширишда фойдаланилади. Мева пўстидан тайёрланган шарбат ошқозон ва ичак шамоллашида, зотилжамни даволашда ишлатилади. Меваси турли касалликларни, чунончи, ишта-ҳа очиш, сариқ, қичима, тиш тушиши ва юрак иш фаолиятини яхшилашда ҳамда даволашда қўлланилади. Унинг барги ва мева пўсти чой ўрнида ичилади. Анор таркибида 4% лимон кислота, 21% қанд, 20—30% танин, оз миқдорда крахмал, ёғ, сариқ бўёқ моддаси, минерал тузлар 0,2—3,5% псевдопельтье-рин ва пельтьерин алкалоидлари ҳам провитамин А, 0,144 мг% В₁, 0,044 мг% В₂, 0,319 мг% РР, 0,88 мг% Е, 39—105,6 мг% С витамини ва 1,02 мг каротин бўлади. Ўзбекистонда

анорзорларни яна кўпайтириш ва улардан унумли фойдаланиш учун барча имконият ҳамда шароит мавжуд бўлиб, улардан тўғри фойдаланишимиз лозим.

ҒУЖУМЧИЯ (*Cerasus verrucosa* (Franch.) Nevski) раънгугулдошлар оиласига мансуб паст бўйли, шоҳ-шаббали бутадир. Бир йиллик новдаларининг пўстлоғи кул ранг-сариқ, кўп йиллик новдалариники эса кул ранг-қўнғирдир. Баргининг устки ва остки томони туксиз, тескари-тухумсимон шаклда, ўткир учли, атрофи ўткир тишли бўлади. Косачабарглари ўткир, баъзан тўмтоқ, яхлит четли, айрим пайтларда беш тишчали, ичкари томони қалин тукчали бўлади. Гултожибарги тескари-тухумсимон, тирноқсимон торайган, узунлиги 6 мм, чангчилари 15—18 та, данагининг диаметри 8—9 мм, думалоқ ёки кенг тухумсимон, туксиз, оч қизил ёки тўқ қизил рангдадир. Ғужумчия ўсимлиги апрель-май ойларида гуллаб, меваси июнь-июль ойларида пишади. Бу ўсимлик Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё областларидаги тоғли районларининг майдада шағал-тошли жойларида, тоғ ён бағирларида, йирик тошлар ва қоя тошлар орасида ҳамда дарахт ва буталар орасида ўсади. Ғужумчия меваси ҳўллигича ва қуритилган ҳолда истеъмол этилади. Ундан мураббо ва компотлар тайёрлаш мумкин. Меваси таркибида қанд, нордон модда ва витаминалар кўпdir.

КАТТАБАРГЛИ ҚОРАҚАТ (*Ribes janczewskii* A. Pojark.) қорақатдошлар оиласига кирувчи, унча баланд бўлмаган бута, новдалари туксиз ёки кам тукли, аввал сариқ-олтинсимон, кейинчалик тўқ сариқ рангда бўлади. Барглари йирик, кўндалангига 15 см келадиган, юраксимон, 5 бўлакли бўлиб, чети ўткир, тиҳсимон қирқилган. Шингилларининг узунлиги 5 см бўлиб 5—10 та гуллардан ташкил топган. Гулбандлари туксиз, гулолди баргчалари наштарсимондир. Меваси йирикроқ, қора, жуда ёқимли ҳидга эга. У июнь ойида гуллаб, меваси август ойида пишади. Катта баргли қорақат тоғ ва ялов поясида ўсади. У ариқ бўйларида, дарё соҳилларида, жарлик ерларда ўсади. У ўсимликнинг меваси нордон-ширин ва ёқимли ҳидли бўлганлиги сабабли, ундан озиқ-овқат саноатида фойдаланса ҳам бўлади. Витамины сироп, мурабболар, мармелад, конфетлар тайёрлашда ҳамда вино, ароқ ишлаб чиқаришда ишлатилади. Унинг баргларидан бодринг, помидор, тарвуз, карам тузлашда ёки сиркалашда фойдаланиш мумкин. Катта баргли қорақат қиёми ошиқозонда овқат ҳазм бўлишига яхши ёрдам беради. Унинг таркибида минерал тузлардан кальций, темир, фосфор, кўп миқдорда шакар, танид, бўёқ ва пектин моддалари, лимон, олма кислоталари ҳамда витаминалардан 18 мг% А, 350 мг% С, В ва Р бўлади.

РОВОЧ (*Rheum L.*) Ўзбекистон флорасида ровочнинг 7 тури учрайди. Улар жумҳуриятимизнинг чўл, адир ва тоғ минтақаларида турли тупроқ шароитида кўплаб учрайди. Шулардан уч тури, яъни туяяпроқ, чухра ва Максимович чукраси

доривор ўсимликлардан ҳисобланади. Уларнинг ажойиб шифобахш ва бошқа хусусиятлари жуда қадимдан қишиларга маълумдир. Хусусан улардан озиқ-овқат, дори-дармон ҳамда тери ошлашда фойдаланиб келинган. Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» 11 китобида ровочларнинг дори-дармонлиги тўғрисида қўйидагиларни баён этади: «Унинг сиқиб олинган сувини кўзга тортилса, кўзни ўткир қиласди», «Қизамиқ, чечак, тоун ва вабога фойда қиласди», «Ровоч илдизи овқат ҳазмининг бузилишидан бўлган ичкетишда, ичак оғриқлари, буйрак ва қовуқдаги оғриқлар, бачадон оғриқлари ва қон кетишни тұхтатиша фойдалидир». Шунингдек ровочларнинг нордонлигини лимон нордонлигига тенглаштиради. Мажаллий аҳоли ровочларнинг барг бандини, баргнинг асосий томирларини, ёш поясини ва тўпгулбандини истеъмол қилиш билан бир қаторда уларда бошқа фазилатлар борлигини ҳам яхши билгандар. Унинг илдизи ва мевасидан тайёрланган шарбатлардан ҳалқ табобатида ичдан қон кетишни тұхтатувчи, иситмани туширувчи; ошқозон яраларини ҳамда ич кетиш касаллигини даволовчи восита сифатида фойдаланилади. Ровочларнинг тозалаб қуритилган илдизини сутда қайнатиб тайёрланган шарбати ошқозон-ичак ҳамда юрак касалликларини даволашда қўлланилади. Унинг илдиз кули билан яралар ва жароҳатланган жойлар даволанади. Тиббиётда ҳам ровочларнинг илдиз ва мевасидан спирт ёрдамида тайёрланган шарбат ичкетиш касалини даволаш учун тавсия этилади. Ровочнинг яна хислатларидан бири шундаки, у кўн саноати учун ҳам ҳомашё ҳисобланади. Ровочнинг таркибида 14—18% танид, 6,6% шакар моддаси, 22% крахмал, 0,8% глюкозид ва бўёқ моддалари, олма, вино ва лимон кислоталари, минерал тузлар ҳамда витамин С ва провитамин А бор.

ҚЎЗИЛОЛА (*Fritillaria ferganensis* A. Los.) пиёзгулдошлар оиласига оид, бўйи 60 см га етадиган кўп йиллик ўт. Пиёзи шарсизмон, эни 1—2 см. Пояси туксиз, барги кўк, туксиз, поянинг пастки қисмида жойлашган барглари қарама-қарши ёки ҳалқасизмон, ўрта қисмидагилари ҳалқасизмон, юқоридагилари қарама-қарши ёки навбатлашиб жойлашган. Ёndoш барглари жуфт ёки учта, учки томони қайрилгандир. Гуллари 1—3 тача бўлиб, бир томонга қараган шингиллардан иборат. Қўсакларининг эни 2 см, қисқа бандли, тиккайган кенг қанотчалидир. Қўзилола апрелда гуллаб, уруғи майдада этилади. У, тогнинг ўрта минтақасидаги оҳактошли жойларда ўсади. Қўзилола пиёзи крахмалга бой ва таркибида заҳарли моддалар бўлмагани учун озиқ-овқат ўсимликларига киради. Туркман ҳалқи қўзилола пиёзидан крахмал олиб, уни бир оз ун билан аралаштириб нон ёпганлар. Камчаткада ўсадиган турини севиб истеъмол этадилар ҳамда мурабболар тайёрлайдилар. Қўзилола пиёзи ўз таркибида 7% қанд, 59% крахмал, 4% клетчатка ва 11% оқсил сақлайди.

ДОВЖУТ (*Megacarpa gigantea* Rgl.), у крестгулдошлар оиласига киругучи, пояси тик, яхши ривожланган, туксиз, юқори қисми жуда шохланган, бўйи 70—150 см га етадиган, кўп йиллик ўсимлиkdir. Барги кўк, туксиз, поянинг паски қисмida жойлашган барглари чўзиқ, патсимон бўлинган, қисқа бандли, юқоридагилари кичикроқ, патсимон бўлакли ёки бутун, новдани ярим ўраб олган. Косачалари кенг, чўзиқроқ, жингалак тукчали, бўйи 2,5 мм га боради. Гулбарглари оқ, тескари-чўзиқ ёки тескари-тухумсимон, торайиб бориб, қисқа тирноқсимон шаклга эга бўлади, катталиги 3,5 мм, чангчиси 6 та. Мевабанди пастга эгилган, йўғонроқ, туксиз, 1,5—2 см катталикдадир. У апрель-май ойларида гуллаб, меваси май-июль ойларида пишади. Довжут тоғ минтақасининг ўрта қисмлари гача бўлган майда шағал тошли жойларда ўсади. Бу ўсимликининг бутун ер устки органлари ҳамда илдизи истеъмол этилади. Унинг илдизидан жуда ширин ва таъмли таомлар тайёрласа бўлади. Довжут илдизи крахмал, қанд, оқсил, ёғ, азотли ва азотсиз моддаларга бойдир.

ҚЎФА (*Turfa latifolia* L.) тўзғоқдошлар оиласига мансуб, бўйи 180 см га етадиган кўп йиллик ўт. Барги ярим цилиндрическин, уч томони деярли ясси, эни 4,5—10 мм, чангчи ва уруғчи тўлгуллари бир-биридан 3—8 см узоқликда туради. Чангчи тўлгулларининг узунлиги 35—40 см, эни 0,9—1,2 см. Уруғи етилганида эни 0,8—2 см, тор цилиндрическин бўлиб, тўқ, қўнгир рангдадир. У июль ойида гуллайди, уруғи август ойида пишади. Қўфа ботқоқ жойларда, тўқайзорларда, кўлларда, дарё қирғоқларида ўсади. Қўғанинг илдизпояси крахмалга жуда бой бўлиб, ундан ун сифатида фойдаланиш мумкин. Турли таомлар тайёрлашда ишлатса ҳам бўлади. Қўғанинг тўлгуллари билан ҳар хил яра (айниқса йирингли яра)ларни даволаш мумкин. Ўсимликининг илдизпоясида 7% клетчатка, 54% крахмал, 11,5% қанд, кўп миқдорда минерал тузлар бор. Баргига 210 мг% ва ёш поясида 100 мг% С витамин бўлади.

ПИЕЗ (*Allium* L.) пиёзгулдошлар оиласидан бўлиб, жумҳуриятимиз флорасида пиёзларнинг кўп йиллик (айрим ҳолларда икки йиллик) вакилларидан 68 тури кенг тарқалгандир. Шулардан фақат 3 тури (*A. сера*, *A. sativum* L., *A. rogettii* L.) маданийластирилган бўлиб, қолганлари табиий ҳолда турли туман иқлим ва тупроқ шароитига мослашган. Ёввойи пиёзларнинг деярли ҳаммаси фойдали зираворлик хусусиятига эга. Ёввойи пиёзларнинг саноат аҳамиятига эга бўлганларидан бири анзур пиёзиdir.

АЗНУР ПИЕЗ (*A. stipitatum* Vved.) йўғонлиги 3—6 см, йирик ясси-думалоқ, усти қора бўлиб, қофозсимон қобиқ билан қопланган. Пояси 60—150 см бўлиб, силлиқдир. Барги 4—6 та, қайишсимон, эни 2—4 см, чети текис, ости томони тукли, баъзан туксиз бўлади. Гулбанди деярли тенг, гулқўргонидан 3—6 марта узунроқдир. Кўсакчаси бир оз ясси-думалоқ, эни

5 мм гача бўлади. Анзур пиёзи май-июнъ ойларида гуллайди ва уруғи июнъ-июль ойларида пишади. У, Фарбий Тянь-Шань, Омонқўтон, Зарафшон ва Ҳисор тоғларининг ўрта минтақасигача бўлган юмшоқ тупроқли жойларда ўсади. Анзур пиёзи фитонцидлик хусусиятига эга; унинг пиёзидан тайёрланган салат ва консервалар иштаҳани очади, ошқозоннинг овқат ҳазм қилиш қобилиятини яхшилади. Табиий ҳолда ўсуви анзур пиёзларидан ҳозирги вақтда Самарқанд, Шаҳрисабз ҳамда Ленинобод консерва заводлари консервалар тайёрламоқда. Аммо истеъмол қилгандан уларни йилдан-йилга кўпайтириш шарти билан фойдаланиш зарур. Анзур пиёзининг таркибида турли хил кимёвий моддалар, айниқса, эфир мойи, глюкозид, протеин, крахмал, қанд моддалари ҳамда витамин A, B₂ ва 41 мг% С витамин бор. Бу ўсимликнинг фойдали хусусиятларини ҳамда аҳоли талабини назарда тутиб, уни уруғидан ёки ён пиёзчаларидан тоғ олдидаги бўш ерларда кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

КОВАР (*Capparis spinosa* L.) ковардошлар оиласига мансуб, ётиб ўсуви, бўйи 2,5 м га етадиган, пояси думалоқ, чизиқли, туксиз ёки сийрак оқ тукчалар билан қопланган кўп йиллик ўсимликдир. Барги яшил, думалоқ, тескари-тухумсимон ёки эллипссимон, узунлиги 5—6 см, туксиз, баъзан кам тукли, қисқа барг бандлидир. Ёнбаргчаларининг катталиги 4—7 мм, сарриқ рангли, у бир оз эгилган тиканлидир. Гули барг қўлтиғида ўрнашган, оқ рангли, 5—8 см катталика. Меваси тескари-тухумсимон ёки узунчоқ-тухумсимон, бўйи 2—4,5 см, эни 1,5—3 см келади. Уруғи буйраксимон, қўнғир рангли бўлиб, 3—3,5 мм дир. Ковар май-июль ойларида гуллайди, меваси июль-август ойларида пишади. У бегона ўтлардан ҳисобланиб, йўл чеккаларида, темир йўл атрофларида, дарё қирғоқларидаги жарликларда, эски деворлар тагида, баъзан уй деворларида ҳамда томларда, лалмикор майдонларда учрайди. Унинг энг кўп тарқалган районлари Зомин ва Жиззахнинг чўл, адир ва тоғ минтақасининг пастки қисмларида, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва бошқа областларимизнинг тоғли районларидир. Жумҳуриятимизнинг баъзи ноҳияларида ковар мевасини полиз экинлари сингари кўплаб истеъмол қиладилар. Унинг ғунча ва меваларини ҳамда энди кўкариб чиққан новдаларини сиркалавб зиравор сифатида истеъмол этиш мумкин. Уруғидан ёғ олиш мумкин. Маҳаллий аҳоли ковар меваси билан турли касалликларни, жумладан, милк ва тиш оғриқларини даволайдилар. Ковар меваси глюкозид, рутин, 12% қанд моддаси, пектин кислота аччиқ модда, минерал тузлар ҳамда кўп миқдорда, яъни 56,6 мг% С витамин, Р провитамин, данагида эса 36% ёғ бўлади. Илдизида калларидин алкалойди бор.

ОЛГИ (*Korolkovia severtzovii* Rgl.) пиёзгулдошлар оиласидан бўлиб, бўйи 20—60 см келадиган кўп йиллик ўсимликдир. Пиёзи шарсимон, қалинлиги 3—5 см. Пояси йўғон, тўғри, тук-

сиз, кўпинча, юқори қисмидан новда чиқарган бўлади. Барги поя ярмини қоплаб турувчи яшил, туксиз, барглари қарама-қарши, тўмтоқ ёки ўткирроқ, кенг тухумсимон, юқоридагилари навбатлашиб жойлашган. Гуллари кўп бўлмаган ғовак ҳолатидаги шингилчалардан иборат. Гулқўргон баргларининг катталиги 13—27 мм, яшил-қўнғир ёки қизғиш-қўнғир рангли. Кўсакчалари 2,5—5 см катталикда. У апрель-май ойларида гуллаб, уруғи май-август ойларида пишади. Олғи адир ва тог минтақаларининг Ўрта қисмигача бўлган лой тупроқли ён бағирликларда тарқалган. Олғи пиёзи яхшилаб ювиб ташлангандан кейин мазали таом тайёрлаб истеъмол этиш ёки қуритиб, ун қилиб нон ёпиш мумкин. Ўсимликнинг пиёзи крахмал, қандга, азотли ва азотсиз экстракт моддаларга жуда бойдир.

ИСМАЛОҚ (*Spinacia turkestanica* Iljin) шўрадошлар оиласидан бўлган жуда қимматбаҳо витаминли бир йиллик ўсимликдир. Унинг бўйи 10—40 см келади. Барги турли шаклларда (юмалоқ-тухумсимон, наштарсимон) бўлиб, тўпбарг шаклида жойлашгандир. У бегона ўт тариқасида жумҳуриятимизнинг деярли барча областларида лалмикор ерларда, адирларда кўплаб ўсади. Исмалоқ ўсиш шароитига қараб баҳордан то ёз бошлангунча гуллайди ва уруғ ҳосил қиласди. У баҳорда бошқа ўсимликларга нисбатан эртароқ униб чиқади. Исмалоқ сабзавот ўсимликлар группасига кириб, жуда ҳам витаминларга ҳамда минерал тузларга бойдир. Маҳаллий аҳоли исмалоқнинг барг ва барра новдаларидан турли хил лаззатли таомлар (сомса, чучвара, бучак, кўкат шўрва) тайёрлаб истеъмол қиласдилар. Ундан консервалар тайёрлашда ҳам фойдаланса бўлади. Бу ўсимлик кўпроқ истеъмол қилинса, организмдаги ортиқча сувларни тезроқ чиқариб юборади. Унинг барглари ҳамда барра новдаларининг 100 г да 75—80 мг С, 2—2,5 мг В, 4—6 мг Е, 3—5 мг К, 1,5 мг Д, А ва В₁ витаминлари, 2—9 мг каротин моддаси, минерал тузлардан: 50—60 мг кальций, 680—750 мг калий, 51 мг фосфор, 28—30 мг темир моддаси ҳамда яшил бўёқ моддалари бўлади.

БУҒДОЙ (*Triticum aestivum* L.) бошоқдошлар оиласидан, бўйи 1—1,5 м га етадиган бир йиллик ўсимлик. Поясининг ичи ковак. Барглари лентасимон бўлиб, поя бўғимларида биттадан жойлашган. Илдизи попук илдиз. Апрель-май ойларида гуллайди. Гуллари сарғиши ранг бўлиб, бошоғидан чиқиб туради. Бошоғида қилтиқли, баъзи турлари эса қилтиқсиз. Июнь-июль ойларида меваси пишади. Меваси дон. Дони оқ ёки қизғиш рангда. Усти қипиқ билан қопланган. Буғдойнинг 22 тури бор. Шундан икки тури юмшоқ (*Tg. vulgare* Vill.) ва қаттиқ (*Tg. durum* Desf.) буғдой бизда кўп экилади. Буғдойдан ун тортиб, ундан нон ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади. Халқимиз ҳаётини нонсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбекистонда буғдойнинг бир қанча навлари экилади. Масалан, Қизил буғдой, Қизил

шарқ, Ватан, Сурхок-5688, «Красная звезда» навлари ва бошқалар.

ШОЛИ (*Oguzia sativa L.*) бошоқдошлар оиласидан, бўйи 50 см дан 3 м гача етадиган бир йиллик иссиқсевар ўсимлик. Пояси тик, илдизи попук илдиз, узун (1 м гача). Барги яшил, қизғиши ёки бинафша рангда. Тўпгули шингил. Апрель ойида 1—2 см чуқурликда сувли ерга қаторлаб экилади. Август ойида дони пишади. Меваси қобиқли дон. Донидан (гуруч), ёрмасидан турли таомлар (палов, ширгуруч, мастава, шавла) тайёрланади. Шолининг бир қанча навлари бор. Бизда УзРОС-7, УзРОС-7-13, УзРОС-269, Узбекский-15, Арпа шоли, Дубовский-129 ва бошқа навлари экилади.

НЎХАТ (*Cicer arietinum L.*) дуккақдошлар оиласидан, бўйи 20—27 см га етадиган бир йиллик ўсимлик. Пояси тик, барги мураккаб, тоқ патсимон. Илдизи ўқилдизли. Май-июнъ ойларида гуллайди. Гули барг қўлтиғида 1—2 тадан жойлашган, оқ, пушти ёки қизил рангда. Меваси дуккак, июль-август ойларида пишади. Дони думалоқ, қиррали. Дони таркибида 30% гача оқсил, 5—8% мой, 60% дан ортиқ азотсиз экстрактив моддалар бор. Нўхат, асосан, лалмикор ерларда экилади. У энг қимматли, оқсилга бой озиқ-овқат сифатида кўпайтирилади.

Узбекистонда унинг Мелютинская-4, Гибридний-27 ва бошқа навлари экилади.

МОШ (*Phaseolus aureus Roxb.*) дуккақдошлар оиласидан, бўйи 20—100 см га етадиган бир йиллик ўсимлик. Пояси тукли, сершоҳ, чирмашувчи. Барглари мураккаб, уч япроқли, узун бандли. Ўқилдизли, азот тўпловчи тугунаклар ҳосил қиласиди. Июнъ ойида гуллайди. Гули сарғиши бўлиб, қисқа шингилларга тўпланган. Меваси июль-август ойларида пишади. Меваси (дуккаги) энсиз цилиндрисимон, қўнғир, қора, 6—25 та уруғли. Уруғи (дони) думалоқ цилиндрисимон яшил, сарғиши, қўнғир рангда. Дони таркибида 24—30% оқсил, 2—4% мой, 46—50% крахмал ва турли витаминалар бор. Мош иссиқсевар ўсимлик. Энг қимматли озиқ-овқат маҳсулоти хисобланади. Узбекистонда «Победа-104», «ВИР-628», «ВИР-4730» каби навлари экилади.

ТАРИҚ (*Rapicicum miliaceum L.*) бошоқдошлар оиласидан, бўйи 50—150 см гача етадиган бир йиллик ўсимлик. Барглари наштарсимон, тукли, яшил ёки қизғиши. Илдизи попуксимон бўлиб. 1—1,5 м чуқурликка киради. Май ойида гуллайди. Гули икки жинсли. Тўпгули рўвак. Меваси июнъ-июль ойларида пишади. Дони қипиқ билан қопланган. У думалоқ, овал шаклида. Дон оқ, сарик, қизил, жигар рангларда бўлади. Донида 10—15% оқсил, 59% углевод ва бошқа моддалар бор. Узбекистонда тарик кўпинча баҳорикор ерларга экилади. У энг қадимий ўсимлик. Донидан озиқ-овқат, паррандаларга дон сифатида фойдаланилади. Кейинги пайтда кам экиладиган бўлиб қолди.

ОҚЖҮХОРИ (*Sorghum cerguum Hosf.*) бошоқдошлар оиласидан, бўйи 2—4 м га етадиган бир йиллик ўсимлик. Уни қўқон жўхори деб ҳам атайдилар. Барги наштарсимон, илдизи попук илдиз. Май ойида гуллайди. Тўпгули зич рўваксимон, тик ёки эгилган. Меваси — дон, июль-август ойларида пишади. Дони думалоқ бўлиб, қобиқ билан қопланган. Донидан озиқ-овқат (гўжа) сифатида, кўк поясидан силос бостиришда фойдаланилади. Оқ жўхори Узбекистонда қадимдан ўстирилиб келинади. У иссиқсевар ўсимлик. Шўр ва кам сув ерларда ҳам яхши ҳосил беради. Жўмҳуриятимизда унинг бир қанча навлари: Қатта бош, Хўраки, Чиллаки, Хитой қаҳрабоси-813, Оранжевое-160 каби навлари экилади.

КУНЖУТ (*Sesamum indicum L.*) кунжутдошлар оиласидан, бўйи 1—2 м га етадиган бир йиллик ўсимлик. Пояси тик, сершох. Барглари қисқа бандли, йирик, четлари бир оз ўйиқли. Ўқилдизи 1 м гача чуқурликка киради. Май-июнь ойларида гуллайди. Гули туташган 5 та тожбаргли, йирик, оч пушти, бинафша ёки оқ рангда бўлади. Меваси август-сентябрь ойларида пишади. У 4,6 ёки 8 қиррали кўсакча. Меваси пишганда қирраларидан чатнаб, уруғи сочилиб кетади. Уруғи қўнғир рангда. Кунжут уруғидан ёғ олинади. Уруғини пресслаш йўли билан ҳолва тайёрланади. У озиқ-овқат саноатида, тиббиётда кенг қўлланилади. Узбекистонда унинг «Тошкент-112», «Кубанец-55», «Сераҳский-470» каби навлари экилади.

ЗИФИР (*Linum humile Mill.*) зифирдошлар оиласидан, бўйи 40—180 см га етадиган бир йиллик ўсимлик. Барглари майда, наштарсимон, бандсиз. Апрель-май ойларида гуллайди. Гуллари майда, ҳаво ранг, пушти, тўпгули соябонсимон. Меваси июль ойида пишади, беш уяли, думалоқ кўсакча. Уруғи майда, яssi, силлиқ-ялтироқ. Уруғи таркибида 42—49% ёғ бўлади. Зифир толасидан автомобиль, авиация, резина ва пойабзал саноатида, кунжарасидан чорвачиликда, уруғидан ёғ олишда, озиқ-овқат саноатида фойдаланилади. Узбекистонда кишилар уни қадимдан экиб, ундан юқори сифатли ёғ олиб келмоқдадар. У ичак-ошқозон, ўн икки бармоқ ичак ва яраларни даволашда халқ табобатида кенг қўлланилиб келинмоқда. Унинг уч нави толаси ва мойи учун экилади.

КУНГАБОҚАР (*Helianthus annuus L.*) мураккабгулдошлар оиласидан, бўйи 3—4 м гача етадиган бир йиллик ўсимлик. Пояси тик, тукли. Барглари йирик, оддий юраксимон, узун бандли. Май-июнь ойларида гуллайди. Тўпгули саватча шаклида. Саватча марказидаги гуллар найчасимон, икки жинсли, четдагилари қизғиш-сариқ, тилсимон. Меваси июнь-июль ойларида пишади. Пистаси таркибида 38—47% мой бор. Ундан озиқ-овқатга, техникада ва тиббиётда ишлатиладиган мой олинади. Узбекистонда кам ўстирилади. Унинг саватчаси қуёш чиққандан то ботгунча кунга томон бурилади. Шу сабабли уни кунгабоқар деб атайдилар. Пистаси истеъмол қилинади.

ЁВВОЙИ АРПА (*Hordeum spontaneum* C. Koch.) бошоқдошлар оиласидан, бўйи 30—100 см келадиган, бир йиллик ўсимлиkdir. Пояси тик ўсувчи, силлиқ ва туксиз. Барг нови туксиз ҳамда силлиқ, барги ясси, ингичка, узунлиги 4,5—9 см, эни 6—8 мм, бир оз эгилувчан. Бошоқлари яшил, З тадан жойлашган. Бошоқчадаги тангачалар қалами-бигизсимон, сертук, қилтиқли, қилтиғи билан биргаликда 1,5—1,7 см га teng. Ён бошоқчалари қилтиқсиз, уч қисми буралиб кетган бўлади. Ёввойи арпа май ойида гуллайди ва уруги июнда пишади. У чўл минтақасидан тортиб, то тоғолди қисмигача бўлган текис, қуруқ жойларда, ён бағирликларда ўсади. Ёввойи арпанинг пишган донидан ун тайёрлаб, ундан турли таомлар пиширса бўлади. Шунингдек, бу ўсимлик ҳайвонлар учун ем-хашак ҳам бўлади. Ёввойи арпа донининг таркибида кўп миқдорда крахмал, қанд моддаси, клетчатка, протеин, оқсил ва азотсиз экстракт моддалари мавжуддир.

СЕМИЗЎТ (*Portulaca oleracea* L.) семизўтдошлар оиласига киравчи, бўйи 35 см га етадиган бир йиллик ўсимлиkdir. Пояси этли, туксиз, тарвақайлаган, ярим ётиб ўсади. Поясининг пастки қисмида ўрнашган барглари навбатлашиб, юқори қисмидагиси эса қарама-қарши жойлашгандир. Барги бандсиз, понасимон, тескари, чўзиқ ёки чўзиқ-понасимон шаклда бўлиб, асосига қараб сиқилган, яшил ранглидир. Гуллари кичик, новдачаларининг учларида ва барг қўлтиғида 2—3 тадан жойлашган. Гултошибарглари сариқ, тескари тухумсимондир. Кўсакчалари тухумсимон ёки думалоқ, 5—8 мм узунликдадир. Семизўтнинг гуллаши ва уруғлаши июнь-октябрь ойларига тўғри келади. У бегона ўт бўлиб, боғларда, экин майдонларида, айниқса полиз экинлари экиладиган ерларда кўп тарқалган бўлади. Семизўтни новда ҳамда барра поялари тўғридан-тўғри хомлигича ёки пишириб истеъмол қилинади. Бу ўсимлик Кавказ халқларининг истеъмол қиладиган севимли ўсимлигидир. Ундан салат тайёрлашда ва суюқ таомларга солиб ишлатишида фойдаланиш мумкин. Ўсимлик ширасидан олиниши мумкин бўлган порошок дори-дармонлик хусусиятига эгадир. Бу ўсимлик ёрдамида ҳароратни пасайтириш ҳамда ичак яраларини даволаш мумкин. Семизўтнинг таркибида кўп миқдорда сутсимон ширали моддалар, 22% азотли ва 2,5% азотсиз моддалар, 0,4 ёғ, 1,4% клетчатка, органик кислоталар, минерал тузлар ҳамда 179—300 мг% витамин С бўлади.

ЖАФ-ЖАФ (*Capsella bursa — pastoris* (L.) Medik.) эрта баҳорда кўкариб чиқадиган, турли витаминларга бой ва истеъмол қилиниши мумкин бўлган ўсимликлардан биридир. Жаф-жаф крестгулдошлар оиласига киравчи, бўйи 10 см, бальзан 70 см келадиган бир ёки бир қанча пояга эга бўлган, кўп новдали бир йиллик ўтдир. Унинг пояси тукчалар билан қопланган. Илдизолди барглари тўпбарг ҳосил қилади, ланцетсимон бўлиб, витаминга бой озиқдир. У бегона ўт тариқасида боғлар-

да, экин майдонларида, ташландик жойларда, йўл атрофларида кўплаб ўсади. Жағ-жағ апрель ойининг охиридан бошлаб — то май ойининг ўртасигача гуллайди, уруғи июль ойида пишиди. Бу ўсимликни ҳалқимиз қадимдан озиқ-овқат ва дори-дармон сифатида ишлатиб келади. Унинг янги тайёрланган баргларидан торт, пюре, сомса, чучвара ҳамда ҳар хил ҳамирли овқатлар тайёрлаш мумкин. Булардан ташқари, жағ-жағ шарбати ва ширасининг сувдаги эритмаси ҳалқ табобатида ошқозон, жигар, буйрак ҳамда ичкетиш касалликларини даволашда ишлатилади.

Ҳозирги вақтда медицинада жағ-жағдан тайёрланган дорилар буйрак, ўпка хасталикларини даволашда, шунингдек, акушерлик ва гинекологияда қон кетишни тұхтатиши учун құлланилади. Адабиётларда көлтирилған маълумотларга кўра, жағ-жағнинг таркибида рамкоглюкозид, гисопик, танид, сапонин, капсин, тирамин, холин, инозит, диосмин, смола ва фумарол моддалари, олма, лимон ҳамда вино кислоталари, оз миқдорда эфир мойи, минерал тузлар ва С витамин, А провитамин мавжуд. Жағ-жағ ўсимлиги жуда фойдали эканлигини хисобга олиб, унинг ер устки қисмларини очиқ ҳавода, соя жойда қуритиб, сўнгра турли мақсадлар учун ишлатилса бўлаверади.

САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЎСИМЛИҚЛАРИ

Сахий табиат жонажон ўлкамиз учун ўзининг бисотида нимаики бўлса, аямаган. Серқуёш диёrimиз — жашнатмакон Ўзбекистонимизнинг шуҳрати беҳудага дунёга машҳур бўлмаган. Тилими тилни ёрадиган Хоразмнинг қовунлари, Мирзачўлда етиштирилган тарвузлар, Самарқанднинг ҳандалаги, Фарғона, Андижоннинг турлупомидорлари етти иқлимга маълум ва машҳурdir.

Ўзбекистонда етиштирилаётган сабзавот-полиз ўсимликларининг инсонлар учун аҳамияти бошқа ўлкаларда етиштирилаётган сабзавот-полиз экинларидан тубдан фарқ қиласи. Бу фарқ шундан иборатки, бизда экиб ўстирилаётган ўсимликлар ўзларига керакли қуёш ҳароратини истаганча олади. Намлик — сув етарлї. Тупроғи эса унумдор. Табиат яратган бундай имкониятлар бу ерда ўсадиган ҳар бир ниҳол учун қулай ва етарлидир. Жумҳуриятимизда етиштирилаётган сабзавот-полиз экинларининг сервитаминлиги, тўйимлилик даражасининг юқорилиги, фойдалилиги, инсон организми учун зарур бўлган микроэлементларга бойлилигининг сабаби ҳам ана шундадир.

Биз турғунлик йиллари жиддий хатоларга йўл қўйдик. Ана шундай хатоларимиздан бири ва ҳеч кечириб бўлмайдигани пахта-ғўза якка ҳокимлиги деб қанчадан-қанча сабзавот-полиз экинлари экиладиган ерларга ҳам пахта экиб тупроқ структурасини буздик. У ерларга селитра деган балони ҳаддан ташқари кўп солиб Она-заминимизни оёқ ости қилдик. Эвазига

етиштирилаётган сабзавот-полиз экинларида маза-ю матра қолмади. Қанчадан-қанча қовун-тарвузларнинг, сабзи-пиёзларнинг, картошка, помидорларнинг нави айниди, сифати ёмонлашиди. Биз табиатшуносларнинг, биологларнинг, мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларининг вазифаси ана шу хатомизни тезликда тузатиб сабзавот-полиз экинларимизни асл ҳолига келтиришимиз, уларнинг олдинги шуҳратини тиклашимиз зарур.

Биз шу мақсадда қўйида жумҳуриятимизда экиладиган сабзавот-полиз экинларининг баъзиларини ботаник таърифини, хусусиятларини баён этамиз. Азиз ўқувчиларимиз улар билан тенқидий нұқтаи назардан танишиб чиқиб камчиликларини тўлдириар деган умиддамиз.

БОДРИНГ (*Cusumis sativus* L.) қовоқдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Барги беш бурчакли, четлари қиррали. Май-июнь ойларида гуллайди. Гултожибарги 5 дона, сариқ рангли. Чангчилари барг қўлтиғида бандсиз, тукли бўлиб, уруғчилари битта. Бодринг кўкариб чиққач, эртагиси 30—40 кунда, кечкиси эса 50—60 кунда гуллайди. Туккан меваси 8—10 кунда етилади. Меваси оч яшил бўлиб, уруғи пишганда сарғиши-қўнғир тусга киради. Мевасида витамин С, 92, 7—97,7% сув, 1,1—3,7% қанд ва минерал тузлар бор. У ҳўллигича, тузланган ва консерваланган ҳолда истеъмол қилинади. Ўзбекистонда селекция йўли билан етиштирилган «Марғилон-822», «Ўзбекистон-740», «Ўзбекистон тўнгichi-265», «Қўйлиқ-262» каби навлари экилади.

ҚОВУН (*Melo orientalis* (S. Kudr.) Nah.) қовоқдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўтсимон ўсимлик. Барги узун бандли, йирик, барг қўлтиғида гажаги бор. Турига қараб, асосан июнь ойида гуллайди. Гули айрим, баъзан икки жинсли, сариқ рангда. Меваси кўп уруғли, турли шакл ва рангда. 300 г дан 20 кг гача ва ундан ҳам оғир. Таркибида 16—18% қанд, витамин С, каротин, пектин моддалари, минерал тузлар бор. Мевадан ҳўллигига, қуритиб, (қовунқоқи), қиём ва повидло тайёрлаб фойдаланадилар. Қовун жумҳуриятимизнинг ҳамма вилоятларидаги экилади. Айниқса, Хоразм қовунларининг шуҳрати дунёга машҳур. Бизда экиладиган қовун навлари, асосан қўйидаги тўртта ботаник турга мансуб: ҳандалак, амири, кассаба ҳамда зард каби.

Ҳандалак турига (эрта пишар турлари, кўкча, ҳандалак, замча, сариқ ҳандалак, босволди кабилар), амирига (ездар пишадиган давлатбой, даҳбеди, амири, нонгўшт, шакарпалак, тошлоқи), кассабага (бўрикалла, гурвак) ва зардга (кузги ва қишки турлари, қўйбош, умрбоқи, гулоби, арқони, бешики, қариқиз ва бошқалар) киради.

ҚОВОҚ (*Cucurbita moschata* Duch.) қовоқдошлар оиласига киравчи, пояси ётиб ўсуви бир йиллик ўсимлик. Барги йирик, тукли барг қўлтиғида гажаги бор. Май-июль ойларида гуллайди. Гули икки жинсли, йирик, сариқ. Меваси август-сентябрь ой-

лариди пишади. У турли шакл ва рангда: чүзиқ, пушти, кул ранг, доғли, тұқ сариқ, пўсті қаттиқ ва юмшоқ каби. Меваси таркибида 15—18 % қуруқ модда, 8—10% қанд, аскорбин кислота, азотли бирикмалар, уруғида 20—40% ёғ бор. Меваси овқатга ишлатилади. Үндән бучак, кади чучвара, баворна, чалмакади, мантиқади, хоним, ширкади каби таомлар тайёрланади. Уруғидан тиббиётда, хусусан болалардаги гижжа касаллигини йўқотишда фойдаланилади.

Қовоқнинг бир қанча турлари бор. Бизда уларнинг кўпгина навлари: «Палов кади» (ошқовоқ), «Кашкарная-1644» (оим-қисвоқ), давлон кади, томоша кади, ва бошқалар экилади. Қовоқнинг ем-хашак турлари ҳам бор.

ТАРВУЗ (*Citrullus vulgaris* Schrad.) қовоқдошлар оиласидан, ётиб ўсувчи бир йиллик ўсимлик. Палаги 3—4 м, барги узун бандли, бўлакли, ўқилдизли. Июнь ойида гуллайди. Гули икки жинсли. Чангчили гуллари палакда тўп-тўп, уруғчили гуллари эса якка ҳолда жойлашади, оч сариқ рангли. Меваси август-сентябрь ойларида пишади. Юмалоқ, чўзинчоқ шаклда бўлиб, ранги оқ, қора, ола-була рангда бўлади. Таркибида 6—11% қанд, С витамины, азотли моддалар ва бошқа бирикмалар бор. Ўзбекистонда тарвузнинг бир қанча навлари экилади. Масалан, «Ўзбекский-452», «Король куба», «Мраморний», «Хайит қора», «Човкари», «Қўзибой», «Кадан» ва бошқа навлар. Тарвуздан лалмикор-баҳорикор ва сугориладиган ерларга экиб ҳосил олинади. Асосан меваси учун экилади. У қадимий ўсимлик. Кишилар үндан ўз чанқоғини қондириш, озиқ сифатида, буйракдаги тошни ювиш, сийдик ҳайдаш мақсадларида фойдаланади. Тарвузнинг хашаки турлари ҳам бор.

БАҚЛАЖОН (*Solanum melongera* L.) томатдошлар оиласига кирувчи, бўйи 50—100 см га етадиган бир йиллик ўсимлик. Барги тухумсимон, узун бандли, четлари тўлқинсимон. Май ойида гуллайди. Гултожибарги беш бўлакли. Меваси июнь-июль ойларида пишади. Оч сариқ, тұқ бинафша, қора рангда бўлиб сирти силлиқ, ялтироқ. Уруғи майда, чўтири, сарғишиб бўлди. Меваси таркибида 3,2—4,6% қанд, 19% аскорбин кислота, В₁, В₂ витаминлари бор. Үндан кишилар озиқ-овқат сифатида фойдаланади. Ўзбекистонда унинг бир қанча навлари; «Болгар-87», «Исполин-63», «Ўзунбинафша ранг-239» ва бошқа навлар экилади. Улар гектаридан 250—300 ц гача ҳосил беради.

ПОМИДОР (*Lycopersicon esculentum* Mill.) томатдошлар оиласидан, бўйи 80—120 см га етадиган бир йиллик ўсимлик. Барглари йирик, қирқилган, тұқ яшил рангда, туклар билан қопланган. Май ойида гуллайди. Гули оч сариқ, майда бўлиб, тўпгулларга йиғилган. Поядаги тўпгуллари шингил кўринишида. Меваси июнь-июль ойларида пишади. У юмалоқ, чўзинчоқ, ноксимон, ранги эса қизил, пушти ва сариқ бўлади. Помидорнинг меваси кўпинча қизил бўлиб, кўзга ташланиб туради.

Унинг номи ҳам шундан олинган (итал. Pomidoro, рото d'ого олтин олма деган маънони билдиради). Меваси таркибида 6—8% қуруқ модда, 3—7% қанд, витамин С, В₁, В₂, каротин, минерал туз ва органик кислоталар бор. У ҳўллигидаги консерваланган (томат) ҳолда, қуритиб истеъмол қилинади. Ўзбекистонда помидорнинг қўйидаги навлари экилади: «Талолишин-186», «Темнокрасний-2077», «Молдавский ранний», «Майкопский урожайный-2090», «Маргион-101», «Волгоградский-595», «Чудоринка-670», «Гибрид-88», «Юсупов» ва бошқалар. Помидорнинг асл ватани Жанубий Америка. У бизга 1920 йиллардан кейин келтирилган.

КАРТОШКА (*Solanum tuberosum* L.) томатдошлар оиласидан, бўйи 50—80 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Барглари жуфт патсимон бўлниган. Илдизи попук илдиз типида. Ер ости новдалар ҳосил қиласи. Июнь-июль ойларида гуллайди. Гули икки жинсли, оқ, оч бинафша, ҳаво ранг тусда. Меваси июль—август ойларида пишади. Икки чаноқли, кўп уруғли, серсув резавордир. Уни еб бўлмайди, заҳарлидир. Ўзбекистонда эртаги (февраль охири—мартда) ва кечки картошкалар (май охири—июнда) экилади. Унинг асл ватани—Жанубий Америкадир.

Картошкани Россияда 18-аср бошларида, Ўзбекистонда эса 19-асрнинг биринчи ярмида эка бошлаганилар. Картошканинг ер ости тугунағи истеъмол қилинади. Унинг таркибида 75—80% сув, 14—28% крахмал, 2% ча оқсили, витаминлардан В₁, В₂, С ва провитамин А (каротин) бор. Жумҳуриятимизда картошканинг бир қанча навлари Седов эртапишар, Прискул эртаги-эртапишар, Ним ранг-ўртача пишар, Берлихинген-ўртапишар, Лорх-ўртапишар, Қайчибарг-кечпишар, Обидов-кечпишар кабилар экилади.

ШОЛГОМ (*Brassica oleracea* L.) крестгулдошлар оиласидан, бўйи 60—80 см га етадиган икки йиллик сабзавот ўсимлик. Биринчи йили баргли поя ва илдизмева ҳосил қиласи. Иккинчи йили са гулпоя ҳосил қилиб, гуллайди ва уруғлайди. Июнь-июль йларида гуллайди. Гули тўрт бўлакли, шингил тўпгулга йилган, оч сариқ рангли. Июль—август ойларида меваси пишади. Меваси қўзок, думалоқ ясси, ясси, оқ, қизил, бинафша рангли. Уруғи думалоқ, майда, оч рангдан тўқ қўнғиргача. Уруғи июль ойи охири август ойининг бошларида экилади. Шолғомнинг илдизмеваси истеъмол қилинади. Унинг таркибида 8,5—16,9% қуруқ модда, С, В₁, В₂ витаминалари, 1,1% клетчатка, каротин, хонтал мойи ва бошқалар бор. Шолғом шамоллашга қарши ҳалқ табобатида жуда қадимдан қўлланилиб келинмоқда. Ўзбекистонда унинг Наманган шолғоми ва Самарқанд қизил шолғоми экилади. У совуқса чидамли. Ҳосили октябрь-ноябрь ойларида йиғиштириб олинади.

САБЗИ (*Daucus carota* L.) соябонгулдошлар оиласидан, бўйи 40—60 см га етадиган икки йиллик сабзавот ўсимлик. Биринчи йили тўпбарг ҳосил қилиб, илдизмева беради, иккинчи йили

эса гулпоя чиқарыб уруғлайды. Барги 2—3 патсимон қирқилган, барг банди узун. Май-июнь ойларида гуллайды. Гули икки жинсли. Тұпгули мұраккаб соябон, ҳашаротлар ёрдамида чангланади. Меваси июнь-июль ойларида пишади. Уруги майда, сарғыш рангда. Сабзининг илдизмеваси истеъмол қилинади. Илдизмеваси серсув, навига қараб узунчоқ, цилиндрический, оғирлиги 40—200 г келади. Үнинг таркибида 1,1% азотли моддалар, 0,2% ёғ, 9,2% углеводлар, 25 мг% каротин, А, С, В₁, В₂, РР витаминлари бор. Жумҳуриятимизда сабзининг бир қанча навлари: мушак, сариқ, мирзойи, қизил мирзойи, мушак мирзойи, шантанә, нант кабилар етиширилади.

ТУРП (*Raphanus sativus* L.) крестгүлдошлар оиласидан, бўйи 40—60 см га етадиган икки йиллик ўсимлик. Биринчи йили барг тўплами ва этли илдизмева ҳосил қилади; иккинчи йили эса гулпоя чиқарыб уруғлайды. Турп май—июнь ойларида гуллайды. Гули икки жинсли, оқ, пушти, сарғыш ёки бинафша рангда. Гул тўплами — шингил. Тожибарглари пушти, бинафша ранг, қизил, қизғиши-бинафшиа, баъзан оч сариқ, четдан чангланади. Меваси июнь-июль ойларида пишади. У очилмайдиган қўзоқ. Уруги думалоқ-овал, очдан тўқ жигар рангача.

Үнинг илдизмеваси истеъмол қилинади. Илдизмеваси таркибида 1,92% оқсил, 1,58% қанд, 1,55% клетчатка, 8,29 мг% С витамин ва бошқа моддалар бор. Турпдан ҳўллигида, айrim вақтлари доривор сифатида ҳам фойдаланилади. Узбекистонда үнинг «Марғилон», «Эртаги май» каби навлари экилади.

КАРАМ (*Brassica oleracea* L.) крестгүлдошлар оиласидан, икки йиллик ўсимлик. Биринчи йили барглар ёзиб бош (карам) чиқаради. Иккинчи йили ўзагидан гулпоя чиқарыб, уруғлайды. Май—июнь ойларида гуллайды. Гуллари сарғиш, йирик шингилларга тўпланган. Меваси июнь-июль ойларида пишади, қўзоқ. Уруги юмалоқ, тўқ қўнғир рангли. Карам овқатга ишлатилиди, тузланади, консерва қилиб истеъмол қилинади. Үнинг таркибида углеводлар, оқсиллар, минерал тузлар, витаминлар ва бошқа моддалар кўп. Үнинг оқ ва қизил карам, савой карами, брюссель карами, барг карам, хитой карами, гулкарам каби турлари экилади.

Узбекистонда оқ қарамнинг қуйидаги навлари; Биринчи номер, Грабовский-147 эртаги карам, Слава-1305 ўрта пишар, Тошкент-10 ўртача пишар карам, Ўзбекистон-133 ўртача, кечки қарам кабилар экилади.

РЕДИСКА (*Raphanus sativus* var. *racicula* Pers.) крестгүлдошлар оиласидан, бир йиллик ўсимлик. Барглари кўп, кертикли, тукли. Илдиз бўғизида тўпбарг ҳосил қилади. Май—июнь ойларида гуллайды. Гуллари икки жинсли, тўрт тожибаргли, оқ ёки сариқ рангли, тўпгули шингил. Меваси июнь—июль ойларида пишади. Қўзоги тик, урчуқсимон ёки цилиндр шакли. Уруги тухумсимон, оч кул ранг. Кишилар редисканинг илдизмевасини истеъмол қиласидилар. Редиска совуққа анча чидамли.

Уни иссиқхона ва парникларда, ҳовлиларда экиб кўпайтирилади. Жумҳуриятимизда редисканинг қуйидаги навлари; Сакса-эртапишар, Думалоқ, Қизил-оқ учли-ўртапишар, Тошкент оқи-ўртапишар, Майский-ўртапишар, Қизил улкан-кечпишар кабилар экилади.

ПИЁЗ (*Allium sativum L.*) пиёзгулдошлар оиласига мансуб, иккى йиллик сабзавот ўсимлик. Биринчи йили уруғи сепилиб бош пиёз олинади. Иккинчи йили эса, бош пиёз экилиб уруғ олинади. Баргларининг ичи ковак. Май—июнь ойларида гуллайди. Гули икки жинсли. Меваси июнь-июль ойларида пишади. Уруғи уч қиррали, қора рангда. Бош пиёз таркибида 14—16 % қурутук модда, 7,8—11,1% қанд, 1,3—6,9 мг (баргида 19—57 мг%) С витамини ҳамда A, B₁, B₂ витаминлари, лимон, олма кислоталари, фитонцид ва бошқа моддалар бор. Бош пиёз истеъмол килинади. Пиёздан тиббиётда ошқозон-ичак, нафас органлари, юрак-томир системаси ва бошқа касалликларни даволашда фойдаланилади. Ўзбекистонда пиёзнинг бир қанча маҳаллий навлари: Андижон оқ пиёзи, Марғилон пиёзи, Қоратол пиёзи, Форобий, Тунгони-56, Искан-313 кабилар экилади.

САРИМСОҚ (*Allium sativum L.*) пиёзгулдошлар оиласидан, бир йиллик ўсимлик. Барги лентасимон, илдизи попуксимон. Уруғ тугмай, майда пиёзчалар — бўлакчалари ҳосил қилиб кўпаяди. Шу сабабли бир туп пиёзбошида 8—10 тагача пиёз бўлакчалари бўлади. Саримсоқ таркибида 66% сув, 26,3% углеводлар, 6,76% оқсил моддалари, 1,44% кул, 0,77% клетчатка, С витамин, эфир мойи, хусусан фитонцид ва минерал моддалар бор. Саримсоқни (салатга, нонга суртиб, паловга) истеъмол қиладилар. Ундан сабзавотларни тузлашда, консерва тайёрлашда, тиббиётда ва ветеринарияда ҳам кенг фойдаланилади. Ўзбекистонда унинг қуйидаги навлари: «Майский» — эртапишар, «Бинафша ранг Ўзбекистон», «Андижон», «Дунгон» — кечпишлари экилади.

ҚАЛАМПИР, ГАРМДОРИ (*Capsicum annuum L.*) томатдошлар оиласидан, бўйи 30—60 см га етадиган бир йиллик ўсимлик. Барглари појда кетма-кет жойлашган, ён баргчалари бўлмайди, четлари бутун. Май-июнь ойларида гуллайди. Гули икки жинсли. Қосачаси ва гултожи 5 бўлакли. Меваси июнь-июль ойларида пишади, конуссимон, асоси энли, учи учлироқ, қизил, тўқ қизил рангда. Уруғи сариқ, ясси бўлади. Меваси аччиқ. Қишилар қалампирни овқатга, салатга солиб, помидор, бодринг, карамни тузлаганда қўшиб фойдаланадилар. Меваси этли, ичи ковак, фақат асосида уруғлари жойлашган. Меваси нинг шакли ва ранги ҳар хил, ўзига хос ҳиди ва таъми бор. Унинг таркибида A ва C витаминлари жуда кўп бўлади. Шу нарса аниқланганки, қалампир билан шуғулланган қишилар ҳеч вақт тумов ва грипп касали билан оғримас эканлар. Ўзбекистонда унинг бир қанча турлари: аччиқ қалампир, болгар қалампир экиб кўпайтирилади.

ШИВИД, УКРОП (*Anethum graveolens* L.) соябонгулдошлар оиласидан, бўйи 40—90 см га етадиган бир йиллик ўсимлик. Бағлари чочиқ, ўткир ҳидли. Эрта баҳорда экилса, май-июн ойларида гуллайди. Гули соябон, икки жинсли. Меваси шунь-август ойларида пишади. Уруғи майда, жигар ранг.

Шивид ош кўк сифатида, шунингдек, салатга соладилар, помидор, бодринг тузлаганда, чаккидан айрон тайёрлаганда ундан кўп фойдаланадилар. Унинг таркибида А, В, С витаминлари, эфир мойлари бор. Бизнинг жумҳуриятимизда, асосан, унинг бир тури, ҳидли шивид экиб кўпайтирилади.

ПЕТРУШКА (*Petroselinum crispum* (Mill.) Nutt.) соябонгулдошлар оиласидан, бўйи 80—100 см га етадиган икки йиллик ўсимлик. Биринчи йили барг ва урчуқсимон илдизмева ҳосил қилади. Бағлари уч марта патсимон қирқилган. Иккинчи йили гулли поя ҳосил қилиб гулга киради. Май—июн ойларида тўлиқ гуллайди. Гуллари майда, четдан чангланади, тўпгули соябонсимон. Меваси июн—июль ойларида пишади. Уруғи майда. Унинг баргини истеъмол қиладилар. Барги ва илдизмева сида оқсил, ёф С, А, В₁, В₂ витаминлари ва бошқа моддалар бор. Петрушканинг хам барг ва илдизи истеъмол қилинадиган икки тури бор. Узбекистонда асосан охирги тури экиб фойдаланилади. Уни ҳовлиларда, иссиқхоналарда, уйларда экиб қиш мавсумида хам истеъмол қиладилар.

ЗИРАВОР ЎСИМЛИКЛАР

Ўзбекистон флорасидаги зиравор ўсимликларнинг баъзи турлари овқатга солиниб ёки тўғридан тўғри халқ томонидан бир неча юз йиллардан бери истеъмол қилиниб келмоқда. Абу Али ибн Сино ҳар хил касалликларга чалинмаслик учун кўпроқ сабзавот, турли кўкатлар ва ўсимлик маҳсулотлари истеъмол қилишини таъкидлаган ва юзлаб касалликларни ўсимликлардан тайёрланган дорилар билан даволаган эди. Маълумки, ҳар қандай овқатга хуштаъм бериш учун ўсимликнинг барг, поя, гул, уруғ, илдиз ва пиёзи ишлатилади. Бу биринчидан, таомни хуштаъм қилиб, одамнинг иштаҳа билан овқатланишига имкон берса, иккинчидан эса, уни ўсимликлар таркибидаги турли витаминлар, глюкозидлар, танид моддаси, эфир мойлари, органик кислоталар, минерал тузлар билан таъминлайди. Бу моддалар овқатнинг тез ва осон ҳазм бўлишида, одам организмига тез синфишида, турли касалликларга ва умуман одам организмида моддалар алмашинишини яхшилашда катта роль ўйнайди. Баъзи зираворлар (қалампир, хрен, саримсоқ) бактерицидлик ҳамда антиокислителлик хусусиятига эга бўлади. Шу сабабли тайёрланган овқатларни улар ёрдамида узоқ сақлаш мумкин. Бу давр ичida улар овқатда микроорганизмларнинг кўпайишига йўл қўймайди (балки уларни ҳалок қиласи ва ёғларни ачиб қолишига йўл қўймайди). Бундай ўсим-

ликларнинг юқорида айтиб ўтилган хусусиятларини назарда тутиб, озиқ-овқат саноатида турли-туман консервалар тайёрлашда, ширинликлар ишлаб чиқаришда ва пазандачиликда кенг қўлласа бўлади. Ҳар бир ўсимлик овқатга солиб ёки тўғридан-тўғри истеъмол қилинар экан, унинг қайси вақтда одам организмни учун зарур бўлган моддаларга бой бўлишини билиш керак. Баъзи ўсимликлар — ялпиз, кашнич, райхон, кийикўт, асосан барглари барралик даврида шундайлигича ва қуритилган ҳолда истеъмол қилинади. Айрим ўсимликлар (зира, укроп, арпабодиён ва бошқалар) нинг эса уруғлари овқатга солинади. Кўпчилик ўсимликларнинг, чунончи қалампир, зиркларнинг мевалари истеъмол қилинади. Шунинг учун барги ишлатиладиган ўсимликларнинг барглари гуллагунга қадар йиғиштириб олинади. Баъзи ўсимликларнинг мевалари витамин, органик ва минерал моддаларга бой бўлган даврда кўплаб йиғиштириб олинади. Шунингдек, уруғлари истеъмол қилинадиган ўсимликларнинг уруғлари тўла пишган даврда йиғиштириб олинади. Ҳосилни йиғиштириб олиш учун ўткир пичноқ ва ўроқлардан фойдаланилади. Акс ҳолда маҳсулотнинг сифати бузилади ва ўсимлик қуриб қолади. Масалан, Қашқадарё областининг тоғли районларнда зира уруғи яхши пишмаган даврида қўл билан юлиб ва кетмон билан чопиб тўпланаади. Бу ҳол зира ўсадиган майдонларнинг ҳатто йўқ бўлиб кетишига олиб келмоқда. Истеъмол қилинадиган ўсимликларнинг кўпчилигидан икки ва уч марта ҳосил олиш мумкин. Ҳар гал ўсимлик ўриб олинганда уни жуда тагидан ўриш ярамайди. Акс ҳолда илдизидаги ўсиш нуқтасига, куртакларга шикаст етади. Агар зиравор ўсимликлар қуритилиб олинадиган бўлса, у ҳолда сояда қуритилади, чунки қуёшда қуритилганда, биринчидан, ўсимлик ўзининг яшил рангини йўқотади, иккинчидан, эфир мойлари тез учиб кетади. Шунингдек, витаминлар, органик моддалар ва минерал тузлар ҳамда турли кислоталар парчаланиб, бузилиб, дастлабки хусусиятларини йўқотади. Маҳсулот қуритилгандан сўнг қуруқ жойда сақланади. Бунинг учун зираворлар сақланадиган уйларнинг иссиқлик ҳарорати 16—20 даражадан ошмаслиги зарур. Ҳар бир тур ўсимликдан тайёрланган маҳсулот шишадан, чиннидан, сополдан тайёрланган идишларда ёки салофан халталарда ҳаво кирмайдиган ҳолда уйда сўрилар устида ёки шкафлар ичидага алоҳида сақланishi керак. Зираворлар солинган идишларга қуёш иурининг тўғри тушишига йўл қўймаслик зарур. Шуни айтиш зарурки, зираворлар солинган идишларни вақти-вақти билан кузатиб туриласди. Агарда идишларнинг деворлари терлаган бўлса, демак зираворлар етарли даражада қуритиб олинмаганилигидан дарак беради. Бундай пайтларда уларни қайтадан қуритиб олиш керак. Умуман сақлаш учун тайёрланган зираворларнинг намлиги 12—15% дан ошмаслиги лозим. Агар юқорида айтилганларга риоя қилинса, у ҳолда йиғиштириб олинган зиравор-

ларни 2—3 йилгача сақлаш мүмкін. Юқорида фойдалы хусусиятлари баён этилган, қимматбақо хом ашे берувчи, саломатлик учун зарур бўлган зиравор ўсимлик турларининг кўпчилиги республикамизнинг чўл, адир, тоғ ва яйлов миңтақаларида кенг тарқалган, баъзи бирлари маданийлаштирилган. Қуйида халқимиз томонидан кўп ишлатиладиган ва табиатда кенг тарқалган зиравор ўсимликлариниң баъзиларини келтирамиз.

ҚИЗИЛЗИРК (*Berberis integrifolia* Bge) зиркдошлар оиласидан бўлиб, бўйи 4 м га етадиган бута. Барги тескари-тухумсимон ёки чўзиқ, бўйи 4—5 см, эни 1,3—1,8 см қисқа бандли, яхлит қирралидир. Соя жойда бўлган барглари йирик, ўткир тишли. Гуллари узун шингилчаларда 12—20 тадан бўлиб жойлашган. Косачабарглари ва гултожибарглари бир хил шаклли, тескари-тухумсимон ёки чўзиқроқ бўлиб, тожибарглари қизил рангдадир. У май—июнь ойларида гуллаб, меваси июль—август ойларида пишади. Қизилзирк Тошкент, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё областларидаги тоғларининг ўрта қисмида ўсади. Қизилзирк ҳар хил таомларга солиб ишлатилади. Саноатда унинг мевасидан турли-туман шарбатлар, мурабболар, консервалар ва конфетлар тайёрлашда кенг фойдаланилади. Пўстлоқ ва илдизидан эса сариқ рангли бўёқ олиш мүмкін.

ТОҒБЎЗНОЧ (*Dracosperma integrifolium* Bge) лабгулдошлар оиласидан бўлиб, бўйи 30—45 см келадиган чала бутадир, новдалари қисқа, майин тукчалар билан қопланган. Барги ўткир, асоси понасимон, бутун қиррали, сийрак тукчали, юқоридаги баргларининг асосида майдага тищчалари бўлади. Гуллари новдаларининг учидаги тўпгул ҳосил қилади. Косачабаргларининг узунлиги 9—14 мм, майин, тукли бинафша ранглидир. Гултожибарглари 15—18 мм катталикда, ташқи томони қалин, майин тукчали, ички томони сийрак тукчали, бинафша рангли бўлади. У июнь—июль ойларида гуллаб, уруғи июль—август ойларида пишади. Тоғбўзноч Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё областларидаги шағалли тоғ ён бағирларида учрайди. Тоғбўзноч ёқимли ҳидга эга бўлиб, ўз таркибида 2—3% эфир мойи сақлайди. Бу ўсимликни ҳам зиравор ўсимлик сифатида ишлатиш мүмкін.

ТОҒЖАМБИЛ (*Thymus seravschanicus* Klok.) лабгулдошлар оиласига оид, бўйи 10—20 см га етадиган, асоси ёғочланган, ётиб ўсадиган чала бутадир. Барги тескари тухумсимон ва чўзиқ, тўмтоқ, асоси чўзиқ, деярли бандсиз, киприкчали, чети яхлитдир. Тўпгуллари новданинг уч қисмида жойлашган. Гуллари қисқа бандли бўлади. Косачабарги 4—5 мм узунликда, гултожибарги 5—7 мм катталикда, оч пушти рангли, ташқари томони бир оз туклидир.

Тоғжамбил июнь—август ойларида гуллаб, уруғи июль—сентябрь ойларида пишади. У жумҳуриятимизнинг тоғ минтақасидаги тошли ва юмшоқ тупроқли ерларида кенг тар-

қалгандир. Маҳаллий аҳоли ундан жуда қадимдан зиравор ўсимлик сифатида фойдаланиб келгандар. Уни ҳар хил овқатларга, айниқса қази тайёрлашда ишлатилади. Тоғжам билдан саноатда сабзавотли, гүштли, балиқли, замбуруғли консервалар, колбасалар тайёрлашда ишлатилади ҳамда вермут, ликёр, арақ ва конфетларга қўшилса, хушбўй ҳид беради. Греклар тоғжам билнинг барг ва тўпгулларидан тумов, қорин оғриғи, уйқусизлик касалликларини даволашда фойдаланадилар. Ҳозирги вақтда тиббиётда балғам кўчирувчи, бод касаллигини даволовчи, сийдик ҳайдовчи ва иштаҳа очувчи дори-дармон сифатида ишлатилади. Тоғжам бил таркибида ошловчи, оқсил, бўёқ моддалари, камед, смола, ёғлар, органик кислоталар, минерал тузлар, витамин С ҳамда 0,26—0,35% эфир мойи бўлади. Эфир мойи хушбўй ҳидли, жигар ранг бўлиб, асосини фенол, тимол, карвакрол ташкил этади.

ИССОП (*Hyssopus zergavschanicus* Pazij) лабгулдошлар оиласига кирувчи, бўйи 20—50 (70) см, тик ўсуви чала бутадир. Барги наштарсимон ёки чўзиқ-наштарсимон, ўткир ёки тўмтоқ, асоси понасимон, чети яхлит, тукчали ёки киприкчали бўлади. Гуллари қисқа бандли бўлиб, ярим соябон кўрининишида тўпгул ҳосил қиласди. Гултожибарги тўқ кўк-гунафша рангли, каттаги 9—10 мм га тенг. Иссолюи июль—август ойларида гуллайди, уруғи август—сентябрь ойларида пишади. У жумҳуриятимиз тоғ ён бағирларида тошли, қуруқ ерлардан тортиб, тоғнинг ўрта қисмигача бўлган тошли жойларда кенг тарқалган.

Иссоп баргларини ҳамда барра новдаларини зиравор ўсимлик сифатида турли таомларга ишлатса бўлади. Саноатда эса уни вино, ликёр тайёрлашда ишлатса, яхши натижалар беради. У энг яхши асалчил ўсимликлардан ҳисобланади. Халқ табобатида иштаҳа очувчи ва организмнинг ҳаракатчанлигини оширувчи дори-дармон сифатида ишлатилади. Иссолдан Европа мамлакатларида ва АҚШ тиббиётида бод, астма (нафас қисиши), ошқозон-ичак, истисқо касалликларини даволашда ҳамда гижжа туширишда ишлатиладиган дорилар тайёрланади. Бизнинг тиббиётимизда иссолдан балғам кўчирувчи, ярани битирувчи, астма, сариқ ва истисқо касалликларини даволашда фойдаланилади. Ундан атир-упа ва косметика маҳсулотлари тайёрлашда фойдаланилади. Иссолюи эфир мойли ўсимликлардан бўлиб, ундан эфир мойларини ажратиб олиш Венгрияда яхши йўлга қўйилган. Қуритилган ўсимлик таркибида 0,3—0,9% эфир мойи бўлади. Узбекистонда табиий ҳолда ўсаётган иссолнинг барг ва пояларида гуллаш даврида 0,4—0,76% эфир мойлари бўлади. Эфир мойлари хушбўй ҳидли бўлиб, таркибида альдегид, карбон, пинокамфон, α-пинен ҳамда сирка кислотаси бўлади. Узбекистон шароитида иссолнинг ҳар бир гектар майдонидан 170 кг қуруқ ўсимлик массаси йиғишириб олиш мумкин.



27- расм. Кийикүт.

тоғ минтақаларининг шимолий, жанубий, жануби-ғарбий ён бағирларидағи шағалли ва тошли, құнғир тупроқы ерларда ва денгиз сатқидан 2400 м гача бұлган баландликларда үсади. Кийикүт маҳаллий халқларнинг севимли зирауорларидан бўлиб, ундан ҳар хил таомлар ва салатлар тайёрлашда ишлатилиб келинмоқда. Кийикүтдан мева сабзавот маҳсулотларини тузлашда фойдаланиш мумкин. Кийикүт турли гүшт ва балиқ маҳсулотларини консервалашда ва вино, ликёр ишлаб чиқаришда қўлланилиши мумкин. Бу үсимлик қорамурч ва лавр баргларидан кўра шифобахшиги, хуштаъмлиги билан устун туради. Кийикүт халқ табобатида юрак санчиш касалига қарши қайнатилиб ичилади. Унинг барг, поя ва тўпгулларида 0,06—2,3% гача эфир мойи бўлади. Эфир мойи оч яшил ёки сарик, жигар ранг бўлиб, унинг таркибини ментол, ментон, пулегон, пинен ташкил этади.

ЛИМОНҮТ (*Melissa officinalis* L.) лабгулдошлар оиласига кирадиган, пояси тик ўсувчи, бўйи 30—80 см келадиган кўп йиллик ўтдири (28- расм). Унинг барги тухумсимон-юмалоқ ёки юраксимон, четлари арасимон, ости томони туксиз, усти кисқа тукчалар билан қопланган. Гуллари узун, тукли, гулбандли, новдаларда ҳалқа шаклида жойлашган. Гултожибарглари оқ, ташқи томони тукчали. Уруғи уч қиррали, чўзиқроқ, тўқ құнғир рангидир. Лимонүт июнь—август ойларида гуллайди ва уруғи июль — сентябрь ойларида пишади. У тоғ этакларидан тортиб, то тоғ минтақасининг ўрта қисмигача бўлган ён бағирларда, дараҳт ҳамда буталар остида кўп учрайди. Лимонүтнинг ёш барги ва новдалари кўклигича ёки

КИЙИКҮТ (*Ziziphora pedicellata* Pazijet ved.) лабгулдошлар оиласига киравчи, бўйи 40 см келадиган кўп йиллик үсимликдир (27- расм). Барги қисқа бандли, яхлит чеккали, асоси понасимон, тукли ёки қам тукли бўлади. Гуллари новдаларнинг уч қисмида шарсимон-думалоқ шаклли тўпгуллар ҳосил қилади. Гултожибарги 7—8 мм, оч бинафша ранги бўлади. У июнь—июль ойларида гуллайди, уруғи июль—август ойларида етилади. Кийикүт

құритилған ҳолда овқатға, салатға, компот ва сутли таомларға соли-ниб, истеъмол этилади. Үндан гүшт, балиқ ва замбуруғ консерваларни тайёрлашда фойдаланиш мүмкін; үндан спиртли ва спиртсиз ичим-ликлар (вермут виноси ҳамда лик-ер) ишлаб чиқаришда фойдалани-лади. Лимонұтдан чойға хушбүй ҳид бериш, шунингдек, совун тай-ёрлаш мақсадларыда фойдаланиш мүмкін. Бу ўсимлик зиравор сифа-тида Италия, Англия, Скандинавия ва шимолий Америкада маданий ҳолда ўстирилади. Лимонұт тибби-әтде организм фаолиятини актив-лаштиришда иштака очувчи, ошқозон ва нафас йүлларининг яллиғла-нишини даволовчи восита сифатида қўлланилади. Үндан тайёрланган дорилар ошқозон ва ичакда тўпла-ниб қолган газларни ҳайдаб чиқа-ришда ишлатилади. Чехословакия-да бу ўсимликдан оғриқни пасай-тирадиган, шиш ҳамда томир тор-тишувини даволайдиган дорилар тайёрланади. Лимонұт таркибида 5% танид моддаси, органик кисло-талардан лимон, янтар кислотаси, минерал тузлар, 0,05—0,3% эфир мойи, С, В₁ витаминлари, А провитамини бор.

ЯЛПИЗ (*Mentha asiatica* Boriss.) лабгулдошлар оиласига мансуб, бўйи 100 см келадиган, пояси тик новдали, қалин тукли, кўп йиллик ўсимликдир. Барги узунчоқ-тухумсимон, ўткир, асоси юмалоқ ёки юраксимон, қисқа бандли ёки бандсиз, чети майда, арасимон. Гултоғибарги оч бинафша рангли, 3—4 мм катта-ликда бўлади. Ялпиз июнь—август ойларида гуллайди ва уру-ғи июнь—сентябрь ойларида пишади. Бу ўсимлик нам ва зах-ерларда, ариқ бўйларида, дарё қирғоқларида, булоқ атрофла-рида кенг тарқалган. Умуман, у денгиз сатидан 400—2300 м баландликдаги жойларда ўсади. Ялпиз зиравор ва доривор ўсимлик сифатида Шрта Осиёда, Мисрда, Греция ва Италия-да жуда қадимдан маълум. Баъзи ривоятларга кўра ялпизнинг ҳиди инсон зеҳни яхши ишлашига ёрдам берар экан. Шу са-бабли Италия ва Мисрда талабалар ялпизни ўзлари билан бирга дарсхоналарга олиб келишар экан. Римликлар уйга келган меҳмонни яхши кутиб олиш ва унинг кайфияти яхши бўлиши учун ялпиз сувини уйларига пуркар ва столларини унинг барглари билан артар эканлар. Махаллий аҳоли эрта



28-расм. Лимонұт.

баҳорда, эндиғина күкәриб чиққан ялпизни териб олиб, улардан қозонда ёки тандирда күк сомса ёпишади ва чучвара тай-ерлашади. Барра баргларини ва тұңгулларини аччиқ-чучукларга, шүрваларга, сабзавот ва гүштдан тай-ерланган таомларга солиб истеъмол қилишади. Тиббиётда, халқ табобатчилигиди, үндан турли касалликларни даволашда фойдаланилади. Айниқса, нафас йүллари ва овқат ҳазм қилиш органларининг фаолиятини яхшилашда, бод, қичимани даволашда ҳамда оғриқни пасайтиришда, фармакологияда дори-дармонарларга ҳид беришда ишлатилади. Атир-упа саноатида паста, порошок ва совунлар тай-ерлашда, виноларга ҳид беришда құлланилади. Ялпизнинг ер устки органларининг таркибида 1,5—2% эфир мойи, 3—8% танид ва аччиқ моддалар, кофеин ва хлореген кислоталари ҳамда А ва С витамины бор.

ЗУФО (*Nereta cataria* L.) лабгулдошлар оиласига киругчи, тана-си жингалак түкчалар билан қопланган, бўйи 80—100 см кела-диган кўп йиллик ўсимликдир. Барги бандли, уч бурчакли, тухумсимон, ўткир, асоси юраксимон, йирик арасимон, устки томони туксиз, оч яшил, остки қисми жингалак түкчали, оқиши-яшил ранглидир. Гуллари сийрак бўлиб, ярим соябон ҳолдаги тўпгулни ташкил этади. Ен баргчалари жуда майдада, бигизси-мон, тукли. Косачабарги 5—6 мм, тукли, тор, уч бурчакли, ўткир тишлидир. Гултожибарги 7—8 мм, оч бинафша рангли, ташқари томони тукли. Ёнғоқчаси 1,5 ми, эллипссимон, қўн-ғир ранглидир. Зуфо июнь—июль ойларида гуллайди, уруғи июль—август ойларида пишади. У тое миңтақасининг ўрта қис-мигача бўлган жойларда, боғларда, йўл атрофларида учрайди, дарахт ва буталар остида ўсади. Европа ва Шарқ мамлакатла-рида зуфо жуда қадимдан зиравор ўсимлик сифатида ишлати-лади. Үндан ҳар хил таомлар тай-ерлашда, соуслар пиширишда фойдаланадилар. Үндан турли консервалар ишлаб чиқаришда ва маренатлар тай-ерлашда фойдаланиш мумкин. Зуфонинг ер устки қисмлари хушбўй бўлиб, унинг таркибида 0,27% эфир мойи бўлади. Эфир мойининг асосини цитраль, лимонен, ди-пентен, пулегон, тимол моддалари ташкил этади. Уруғининг таркибида 26% ёғ бўлади.

ТОГРАЙҲОН (*Origanum tytthanthum* Gontsch.) лабгулдошлар оиласига мансуб, кўп йиллик ўт бўлиб, бўйи 40 см келади. Поянинг юқори қисми шохланган. Барги тухумсимон ёки чўзиқ, уч то-мони ўткир ёки тўмтоқ бўлиб, асоси кенг понасимон, қиррали бўлади. Гуллари поянинг ёки новдаларнинг уч қисмida деярли бандсиз бўлиб, рўваксимон шаклда тўпгул ҳосил қилади. Биз-да ўсимликнинг бир тури ва бир қанча формалари учрайди. Улар жумҳуриятимизнинг барча тоғли ноҳияларидаги майдада шағалли, чириндига бой бўлган қўнғир ва қоратупроқларда ўсади. Шунингдек, дарё ёқаларида, булоқлар атрофида, дарахтлар тагида ва очиқ майдонларда, адир ҳамда жанубий,

шимолий төг ён бағирларыда ўсиб, денгиз сатқидан 2400 м гача баландликларда кенг тарқалған. Тоғрайхон июль-август ойларыда гуллайди, уруғи август—сентябрь ойларыда түлиқ пишади. Бу ўсимлик жуда ёқимли ҳидга эга. Шунинг учун үндан зиравор ўсимлик сифатида, ҳар хил консервалар тайёрлашда бодринг, карам, помидор, узум, олма ва тарвузларни сиркалаш ҳамда тузлашда фойдаланиш мүмкін. Тоғрайхоннинг жуда қадим замондан бери шифобахш ўсимлик эканлиги күпчиликка маълум. Унинг ер устки қисми гуллаш даврида овқат ҳазм қилиш аъзоларининг иш фаолиятини яхшилаш учун ишлатилади. Тиббиётта үндан тайёрланган шарбатлар уйқусизликка қарши ҳамда сийдик ҳайдовчи восита сифатида ва танадаги доғларни даволашда фойдаланилади. Үндан олинган эфир мойи дори-дармон сифатида, тиш оғригини даволашда ҳам ишлатилади. Ўсимликдан вермут виносига, квас, ва арақларга ҳид беришда ҳамда спиртсиз ичимликлар тайёрлашда фойдаланилади. Тоғрайхоннинг ер устки қисмидан эфир мойи олиб, ҳар хил атирлар, тиш пасталари, ҳидли совунлар тайёрлашда фойдаланиш мүмкін. Тоғрайхон таркибида 2,2% эфир мойи, 6—8% танид моддаси, органик кислоталар, минерал тузлар ҳамда витамин С ва провитамин А жуда кўп миқдорда бўлади.

ДАШТИИЁЗ (*Allium talassicum* Rgl.) пиёзгулдошлар оиласига мансуб бўлиб, бўйи 75 см га етади, пиёзи 1—5 тадан қисқа илдизпояларга бириккан бўлиб, бўйи 7—15 мм, пўсти қўнғир рангли бўлади. Поясининг деярли учдан бир қисмини силлиқ ёки ғадир-будур барг нови қоплаб туради. Барги 3—7 та, ингичка-қалами ёки ипсисон, эни 0,5—2 мм, томирчали, томирчалари нотекис, тўпгули шар ёки ярим шар шаклида. Гулбандлари тенг, гулқўргон баргларидан 1,5—3 марта узун, тўпгул остида ён баргчалари бор. Гулқўргон баргчалари тухумсимон, оч сариқ-яшил рангли. Кўсакчаси гулқўргонидан бир оз узунроқ. У июль ойида гуллайди ва уруғи август—сентябрь ойларыда пишади. Даштииёз төғ минтақасининг ўрта қисмидаги қояли ва тошли ён бағирликларда ўсади. Бу ўсимликни зиравор сифатида истеъмол қилиш мүмкін. У таъмлилини ва сифатлилиги жиҳатидан кўпчиликка манзур бўлган анзур пиёзидан қолишмайди.

ОШАНИН ПИЁЗИ (*A. Oschaninii* O. Fedtsch.) пиёзгулдошлар оиласига мансуб бўлиб, бўйи 100 см га етади; пиёзи 1—3 тадан илдизпояларига бириккан, катталиги 2—4 см, тухумсимон пўсти қизғиши-қўнғир рангда, пояси анча яхши ривожланган бўлиб, ичи бўш, остики қисми бўртиб чиққан, асоси барг нови билан қоплангандир. Барги 4—5 тагача бўлади. Тўпгули шарсимон бўлиб, кўп гуллидир. Гулқўргонининг юлдузсимон баргчалари 4—5 мм, қалами-чўзиқ ёки чўзиқ-наштарсимон, оқ томирчалари эса яшил рангидир. Кўсакчаси уч қиррали шарсимон бўлиб, эни 5 мм дир. У май ойида гуллаб, уруғи июнь

ойида етилади. Бу пиёз қояларда, төг ён бағирларыда ўсади. Унинг барг ва пиёзларини күкариб чиққандан бошлаб, хомлигча ёки пиширган ҳолда истеъмол этиш мумкин. Уларни турли таомлар тайёрлашда, консервалар ишлаб чиқаришда ишлатса бўлади. Бу пиёз турли моддаларга бойлилиги ҳамда фитонцидлик хусусияти билан маданий пиёздан қолишмайди.

АЛҚОРҮТИ (*Mediasia macrophylla* (Rgl. et Schmalh.) M. Pittem.) соябонгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик бўлиб, бўйи 100—130 см га етади. Кўп пояли. Пояси ариқча изли, тукли, юқори қисми шохланган бўлади. Барги қалинроқ, чўзинчоқ, уч бурчакли. Тўпгули новда учларида жойлашган бўлиб, узун бандли, 10—20 нурли гуллар йигиндисидан ташкил топган, ҳар бир гулнинг узунлиги гулбанди билан бирга 2—3 см. Соябондаги гуллар сони 20 тага етади. Июнь—июль ойларида гуллайди, уруғи август—сентябрь ойларида пишади. Алқорўти жумҳуриятимизнинг Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг төғли районларидаги шағал тошли төг ён бағирларыда кўп учрайди. Маҳаллий аҳоли алқорўтини жуда қадим замонлардан буён зиравор ўсимлик сифатида истеъмол қилиб келмоқда. Алқорўти турли озиқ-овқатлар тайёрлашда ишлатилишидан ташқари, сутли ва мойли таомларни 1—3 ҳафта мобайнида ачиб қолишига йўл қўймайди ва ҳушхўр қиласди. Шунингдек, алқорўти баргларидан қатиқ, сариёғ, пишлок, чалоп тайёрлашда ҳамда бодриинг, помидор, карам ва тарвузларни тузлашда фойдаланилади. Ўсимликнинг ер устки қисмидан озиқ-овқат саноатида, гўштли, балиқли консервалар ҳамда турли колбасалар ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин. Алқорўтининг ер устки қисми витаминларга, органик моддаларга, минерал тузларга ҳамда эфир мойигига жуда бой бўлади.

ЗИРА (*Vinum persicum* (Boiss.) K.—Pol.) соябонгулдошлар оиласига мансуб бўлган, бўйи 40—60 см га етадиган, туксиз, оч яшил рангли, кўп йиллик ўтдир. Пояси тўғри, ўрта қисмидан бошлаб шохланган, ариқча изли бўлади. Илдизолди барглари жуфт патсимон қирқилган бўлиб, асоси понасимондир. Поядаги барглари нов бандли, жуфт патсимон қирқилган, иш шаклида. Соябонсимон тўпгули ҳар томонга қараб шохланган, 15—20 нурли. Соябончаларида 20—30 тадан гулларни бўлиб, гулбандлари ҳар хил узунликдадир. Гулларнинг ҳаммаси уруғлайди. Зира май—июнь ойларида гуллайди, уруғи июнь—июль ойларида пишади. У жумҳуриятимизнинг Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё областларидаги адир ва төг минтақасининг пастки қисмida учрайди. Зира, асосан, Туркистон, Зарафшон (Омон-Кўтон) ҳамда Ҳисор тогининг жануби-ғарбий қисмida кенг тарқалган бўлиб, 8200 га майдонни эгаллайди. Бу майдонлардан йилига 30 т зира уруғи териб олиш мумкин. Зира жуда қадим замонлардан бери Урта Осиё ва Шарқ халқларининг севиб истеъмол қиласидиган зира-

вор ўсимликларидан ҳисобланади. К. Маҳмудов «Ўзбек таомлари» деган китобида зирани 250 хил овқатга ишлатиш мумкинлиги тўғрисида ёзди. Ҳақиқатан ҳам маҳаллий ҳалқлар ўзларининг севимли таомлари: палов, қовурдоқ, кабоб, шовла, қази, ҳасип ва мастава каби таомларни тайёрлашда зира уруғини жуда қадимдан ишлатиб келганлар. Абу Али ибн Сино зирадан ошқозон, ичак, жигар ва сийдик йўллари касалликларини даволашда дори-дармон сифатида фойдаланган. Зира уруғининг ўзига хос хушбўйлиги ва дори-дармонлик хусусияти унинг таркибида эфир мойига боғлиқдир. Зира уруғининг таркибида 2,75—3%, баргларида 0,12% тўқ сариқ-қизғиши рангли эфир мойлари бўлади. Сўнгги пайтларда Ўзбекистон бозорларида зира уруғи сотувчи кишиларнинг сони жуда кўпайиб кетди. Улар зиразорларни пайҳон қилмоқдалар, ўсимликтарни ривожланишига ва кўпайишига заарар етказмоқдалар. Натижада зиразорларнинг камайиб кетиши ҳоллари кузатилмоқда. Шу сабабли қимматбаҳо зира ўсимлигини муҳофаза қилиш ишига алоҳида эътибор бериш керак.

ҚОРАЗИРА (*Carum carvi* L.) соябонгулдошлар оиласига мансуб, бўйи 40—80 см келадиган икки йиллик ўт. Пояси асосидан иянжасимон шохланган, ичи бўш, усти ариқча излидир. Барги туксиз, ҳар хил шаклли, барги 6—8 жуфт бўғимдан ташкил топган, икки-уч бўлакли ёки бутундир. Гуллари 1—2 та ўрама баргчага эга, 5—11 нурли, ички томонида жойлашган нурлар, ташқи томондаги нурлардан қисқароқ, узунлиги 5 см; соябончалари ўрама баргсиз, 20 та гули бор; гултожи bargлари 1,6—2 мм катталика, оқ ёки пушти рангда. Уруғи тухумсимон, ўткир қиррали, узунлиги 3 мм. Қоразира июнь ойида гуллайди; уруғи июль ойида пишади. У Ўзбекистоннинг кўпгина тоғли ноҳияларида дарё қирроқларида, ариқ ва сой атрофларида ўсади. Қоразира зиравор ўсимликлардан бўлиб, унинг уруғидан нон-булкалар, конфетлар, колбасалар, арақ-ликёр тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Ҳозирги вақтда у турли консерваларга қўшилади; бодринг, помидор ва карам тузалашда ишлатилади. АҚШ, Дания, Норвегия, Венгрияда барг ва поялари ни ҳар хил салатларга, таомларга солинади; пиширилган олма ҳамда қайнатилган лавлагиларга қўшиб истеъмол қилинади. Ҳалқ табобатида қоразира уруғини ошқозон-ичак касалликларини даволашда чой қилиб ичиб келинган. Дори тайёрлашда унинг уруғидан ҳар хил дори-дармонларга ёқимли ҳид беришда фойдаланадилар. Тиббиётда эса ошқозон касалликларини даволашда, сурги сифатида ишлатишади. Қоразира — энг яхши эфир мойли ўсимликлар қаторига кирганлиги сабабли уни ҳам АҚШ, Англия, Голландия, Дания, Норвегия, Польша, Венгрияда кўплаб экилади. Қоразира уруғида ўсиш шароити ва навига қараб, таркибида 2—7% эфир мойи, 12—18% ёғ, 10—12% оксил, 3% шакар, ошловчи моддалар, минерал тузлар ва 20—23% протеин бўлади.

АНИС (*Pimpinella multiradiata* Korov.) соябонгулдошлар оиласига киравчи бир йиллик, бўйи 60—100 см келадиган ўт. Поясининг ичи бўш, ариқча изли, қисқа майин тукчалар билан қопланган. Поя ўрта қисмидан бошлаб шохланган. Барглари тукчали, асосидаги барглар қисқа ва ингичка бандли, тухумсимон ёки юраксимон, чети тишли, диаметри 4—5 см. Поянинг пастки ва ўрта қисмидаги барглари 3—5 баргчалардан иборат. Охиргиси думалоқ, тухумсимон, асоси қисқа понасимондир. Юқоридаги барглар патсимон қирқилган бўлиб, 3—5 бўлакдан ташкил топган. Соябони 10—25 нурли, ўрама баргсиз, тарвақайлаган, узунлиги 4 см, соябончалари 12—20 гулли, гулбанди тукли, ичкарида жойлашганлари ташқаридагиларга нисбатан қисқадир. Гултожибарглари тескари-юраксимон, ичига қараб бир оз бўртган, туксиз, асоси киприкли, катталиги 0,8 мм га тенг, уруғи тухумсимон, асоси юрак шаклида, қалин, тарвақайлаган тукчали бўлади. Май—июль ойларида гуллайди, уруғи июль—август ойларида пишади. Анис суфориладиган ерлардаги боғларда, ариқ бўйларида ҳамда тоғ минтақасида тарқалгандир. Ўсимлик баргларини барра пайтида турли таомларга ишлатса бўлади. Уруғини эса нонвойчиликда, қандолатчиликда, ҳар хил ичимликлар тайёрлашда, ошпазликда (шўрва ва яхна гўштларни пиширишда) фойдаланиш мумкин. Помидор, бодринг, карам ва тарвузларни тузлашда фойдаланса ҳам бўлади. Тиббиётда аниснинг уруғи ва мойи нафас йўлларини, ошқозон-ичак фаолиятини яхшилашда ҳамда турли дорилар тайёрлашда, шунингдек, атир-упа саноатида ва косметикада кенг қўлланилади. Анис уруғининг таркибида 1,5—6% гача эфир мойи бор.

АРПАБОДИЁН (*Foeniculum vulgare* Mill.) соябонгулдошлар оиласига киравчи икки йиллик ўсимлик бўлиб, бўйи 70—100 см га етади. Поя ва барглари кўк рангли, туксиз, ариқча изли. Поя асосидаги барглари кўп бўлакчали, поя барглари қисқа бандли, пардасимон новли бўлади. Соябонлари ўрама баргсиз, 10 нурли, нурлари 2—4 см узунликда бўлиб, соябончалари 20—25 гулли. Меваси мева бандидан 2 марта қисқа, чўзиқцилиндресимон, катталиги 5 мм, қовурғачалари ипсимон, улар орасидаги ариқчалар кенгроқ, кўк рангли бўлади. Ўсимлик июнь—июль ойларида гуллайди, уруғи июль—август ойларида етилади. Арпабодиён жумҳуриятимизнинг далаларида ёввойи ҳолда кўплаб учрайди. Маданий ҳолда эса таморқаларда ўстирилади. Арпабодиённи жуда қадим замонлардан бери маҳаллий халқлар турли овқатларга ишлатиб келганлар. Унинг барра баргларидан ва ёш новдаларидан салат тайёрланади. Помидор, бодринг, карам тузлашда фойдаланилади. Арпабодиён саноатда турли-туман шириналлар (ҳолва, нишолда), ичимликлар тайёрлашда, ион спишда ва яхна гўштлар пиширишда ишлатилади. Тиббиётда арпабодиённинг ўзига хос ўрни

бор. Ундан махсус препарат тайёрланиб ошқозон-ичак касалликларини даволашда ишлатилади. Халқ табобатида сийдик ва ел ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади. Арпабодиён уруғи таркибида 3—7% гача эфир мойи, 12—16% ёғ ва 10—12% оқсили моддалари бўлади.

ЖАМБИЛГУЛ (*Acinos graveolens* (MB) Link.) лабгулдошлар оиласига оид, бўйи 20 см келадиган бир йиллик ўт. Пояси тўғри, оддий ёки асосидан кам шохланган, жингалак тукчалар билан қопланган. Поя барглари узун бандли, тухумсимон-ромб ёки кенг эллиссимон бўлиб, майда тукчали, бутун қирғоқли бўлади. Гуллари тарвақайлаган, тукли, гулбандли, ён баргчалар қўлтигида жойлашган. Ён баргчалари кичик, ипсисимон, туклидир. Косачабарги 8—10 мм, майнин ва қаттиқ тукчали; учбурчак, бигизсимон, тикан тишчали, гултожибаргига нисбатан иккى марта қисқа бўлади. Гултожибарглари — пушти рангли, косачабаргидан чиқиб туради. Ёнфоқчалари 2,25 мм, қора, силлиқ, уч қиррали тескари-наштарсимондир. Бу ўсимлик май ойида гуллаб, уруғи июнь ойида етилади. Жамбилгул Тошкент ва Сурхондарё вилоятларининг тоф минтақаларида тошли, шағалли ерларда ўсади. Жамбилгулнинг ер устки қисмларидан турли меваларни консервалашда фойдаланиш мумкин. Гуллаш даврида унинг барг ва тўпгуллари таркибида 0,35—1,2% эфир мойи бўлади. Унинг асосини эса карвакрол терпенили углеводородлар ташкил этади.

ВИТАМИНЛИ ЎСИМЛИКЛАР

Барча тирик организмлар, айниқса кишилар ҳаётida витаминлар муҳим роль ўйнайди. Аввало, витаминлар организмда моддалар алмашинувини бошқариб туришда, шунингдек, истемол қилинган овқатларни осон ва тез ҳазм бўлишида ҳамда организмга яхши сингишида муҳим роль ўйнайди. Бинобарин, организмни турли юқумли касалликлардан сақлашда, яра ва жароҳатларни тез битишида, организм тез толиқиши олдини олишда, жисмоний жиҳатдан чиникишда, машқдан сўнг кучни қайтадан тез тиклашда ва шунга ўхшаш қатор ҳолларда яхши ёрдам беради. Инсон организмида витаминлар етишмаслиги натижасида, турли касалликлар, яъни цинга, целлагра, берибери, қон ивимаслик, шапкўр, рапхит ва бошқа хасталиклар содир бўладики, уларни бир ном билан авитаминоз касаллиги дейилади.

Витамин А (провитамин каротин) ёш организм ўсишини таъминлаш билан бир қаторда, уни турли касалликлардан ҳам химоя қиласди. Кўриш қобилиятини яхшилади. Терининг ташки таъсиротга чидамлилигини оширади. Ҳайвонлардан яхши зот олишда аҳамиятлидир.

Витаминлардан B, B₁, B₂, PP ва бошқалар нерв системалари ишини бир маромга солишда, юрак, жигар фаолиятини

яхшилашда, кўриш ҳамда ошқозон-ичакнинг ишини тартибга солишда катта аҳамиятга эга.

Витамин С организмда етишмаса, карбонсувларнинг парчаланиши ва ҳазм бўлиши ёмонлашади, цинга касали рўй беради.

Витамин Д (провитаминалар-стринлар) кальций ва фосфорли тузлар алмашинуvida катта аҳамиятга эга. У болаларни ракит касаллигидан сақлади.

Витамин Е организмда ёғ алмашинуvida, мускуллар ва эндокрин безлари фаолиятини нормаллаширишда, қонни кўпайтиришда роли каттадир. Бу витамин етишмаслиги натижасида инсонда наслиззлик ёки бола ташлаш ҳоллари содир бўлади.

Витамин К қонни куюқлашиши ҳамда ивишига ёрдам беради.

Витамин РР майдо қон томирлари деворларини мустаҳкамлайди. Қалқонсимон безлар фаолиятини яхшилаиди. Витаминлар ўсимликларда моддалар алмашинуви вақтида ҳосил бўлган ортиқча маҳсулотлар бўлмасдан, балки физиологик актив моддалардир. Улар ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнларида катта аҳамиятга эга. Агар ўсимликларнинг ҳам витаминларга эҳтиёжи сезилиб қолгудек бўлса, уларни витаминлар билан озиқлантирилади ва натижада, улар соғломлашиб, яхши ўсади, ривожланади, ҳосилдорлиги ошади, мевалари тез пишади ва сифатли бўлади. Ўсимликларга витаминлар ортиқча берилса, уларнинг ривожланиши тезлашади ёки сусайди. Кўпчилик витаминлар латин ҳарфлари билан белгиланади. Улар ўсимликларнинг поя, барг, гул, мева, уруғ, илдиз, илдизпоя, пиёзи ҳамда тугунакларида маълум миқдорда тўпланади. Витаминларнинг миқдори, ташқи шароит факторларига, ўсимликларнинг ёшига, ривожланиш даврларига, ўсиш ҳамда тарқалиш шароитига кўп томонлама боғлиқдир. Витаминларга етарли шароит бўлмаса, яъни С витамини ҳавода кислород миқдори кам бўлса, темир, мис идишларда сақланса ёки шу элементларга яқин қўйилса; К витамини кўп ва кучли ёруғликда тез бузилади ҳамда парчаланади. Е витамин ва каротин кислород ҳамда ёруғлик таъсирида бузилиши ёки парчаланиши мумкин, шунингдек, кўпчилик витаминлар иссиқ ва қайнаган сувда бузилади. Шу сабабли витаминли ўсимликлардан фойдаланганда, уларни юқорида баён этилган хусусиятларини эътиборга олиш лозим. Витаминли ўсимликлардан янгилигига, яъни намлигига ёки соя жойда қуритиб фойдаланиш керак. Ҳозирги кунгача жумҳурятимизда витаминли ўсимликларни ўрганиш яхши йўлга қўйилмаган. Уларнинг тарқалиши ва саноат аҳамиятига эга бўлган турлари ҳақида етарли маълумотлар йўқ. Биз мазкур бўлимда баъзи бир кенг тарқалган витаминли ўсимликларнинг аҳамияти ҳақида бир оз тўхталамиз.

ЖИЛОНЖИЙДА (*Zizyphus jujuba* Mill.) жумрутдошлар оиласи-
га мансуб, унча катта бўлмаган, 2—3 (5) м га етадиган да-
рахт. Унинг ёш новдалари тукли, эски новдалари туксиздир.
Баргчалари бандли, чўзиқ-тухумсимон, уч қисми бир оз чў-
зиқроқ, чети тўмтоқ тишли, устки томони туксиз, пастки
томонидаги томирчаларининг усти бир оз тукли бўлади. Гули-
нинг диаметри 3—4 мм га тенг. Гулбанди 3—4 мм. Косача-
барглари тухумсимон, уч қисми ўткирлашган, узунлиги 2 мм.
Гултожибарглари косачабаргларидан қисқа, асосига қараб,
торайган. Меваси думалоқ ёки чўзиқроқ, қизғиши тўқ сариқ
рангли бўлади. Июль ойида гуллайди, меваси сентябрь ойида
пишади. Жилонжийда тоғ минтақасининг ўрта қисмидаги ўсади.
У, айниқса, ёввойи ҳолда Сурхондарё обlastидаги Сангардак
ва Тўпаланг дарё қирғоқларида учрайди. Халқимиз жилонжий-
да мевасининг дори-дармонлик хусусиятини жуда қадимдан
билишган. Ундан турли касалликларни даволашда, айниқса,
қон босимини пасайтиришда фойдаланганлар. Жилонжийда
меваси ширин ва мазали бўлиб, шундайлигича истеъмол эти-
лади. Унинг таркибида эса қанд, крахмал, танид, кварцетин;
оз миқдорда сапонин моддалари, ҳар хил ёғ кислоталари ва
400 мг% С витамины бор.

ЧАКАНДА (*Hippophaë hamnoïdes* L.) жийдадошлар оиласига
кирувчи, унча катта бўлмаган дараҳт ёки бута; бўйи 2—5 м га
етади. Шохланган, ўткир тиканли ўсимликдир. Баргининг узун-
лиги 2—9 см, эни 3—15 мм, устки томони оч яшил, остки
томони кумушсимон оқ рангидир. Гуллари барги билан бир
вақтда чиқиб, ривожланади ҳамда тўп бўлиб шохчаларда жой-
лашади. Етилган меваси сершира, тўқ сариқ-апельсин рангли,
ананас мазали, шарсимон ёки бир оз чўзинчоқ шаклда бўлади.
Чаканда май ойида гуллайди ва меваси август-сентябрь ойла-
рида пишади. У тўқайзорларда, дарё соҳилларида ўсади. Бу
ўсимлик витаминга жуда бойдир. Халқ табобатида тишни чи-
дамли қилиш ҳамда қон босимини даволаш учун ишлатилади.
Барг ва мевалардан тайёрланган шарбат ичкетишни даволаш-
да ишлатилади. Чаканда баргининг таркибида 230—262 мг%
С витамины, танид, бўёқ моддалари, мевасида 0,09 мг% В₁,
0,356 мг% В₂, 0,375 мг% РР, 0,67 мг% Е, 172—300 мг% С
витаминлари, провитамин, ксантофил, оқсил, 4—7% ёғ, нор-
дон моддалар ва минерал тузлар бўлади. Мевасини шундай-
лигича истеъмол этиш ёки ундан қиём, консерва, кисель, вино
ҳамда спиртсиз ичимликлар ва витаминли сувлар тайёрлашда
фойдаланиш мумкин.

ТОТИМ (*Rhus coriaria* L.) тотимдошлар оиласига кирувчи да-
рахт, баъзан бута ҳолидаги ўсимлик бўлиб, бўйи 5 м га етади.
Унинг барги тоғ патсимон-мураккаб бўлиб, новдада кетма-кет
жойлашган. Барг ва мевалари баҳор, ёз ойларида яшил ранг-
га, кузга бориб эса қизил ранга киради. Тотимнинг меваси
рӯвак ёки бир бош узумга ўхшаб гуж ҳолда новданинг учиди

жойлашади. Июнь-июль сйларида гуллайди; меваси сентябрь-октябрь ойларида лишиб етилади. Тотим иссиқсевар ўсимлик бўлгани учун кўпроқ иқлими иссиқ жойларда, айниқса, Сурхондарё обlastининг Сангардак, Тўпаланг, Дуоба, Қўштут дарёларининг шағал тошли қирғоқларида ўсади. Унинг яхши хусусиятларидан бири шуки, у бошқа ўсимликлар учча ўса олмайдиган қуруқ ва шағал тошли ерларда ўса олади. Кишилар қадим замонлардан бери тотимнинг ер устки қисмидан териларни ошлашда, газламаларни бўяшда, шунингдек, зиравор ўсимлик сифатида фойдаланиб келганлар. Бу ўсимлик дориворлик хусусиятига ҳам эга бўлиб, ундан йўтал, оғиз ва миilk жароҳатлари, томоқ оғриги каби касалликларни даволашда, шунингдек иштаҳани очадиган ва овқат ҳазм қилишни яхшилайдиган восита сифатида фойдаланилади. Тотим мевасини овқатга солиб ишлатса ҳам бўлади. У овқатга нордон ва хушбўй маза беради. Тотимнинг таркибида 10—12% танид моддаси, галл, пирогалл ва вино кислоталари, кварцетин, рамнетин ва мирицетин деган бўёқ моддалари ҳамда кўп миқдорда С витамини бўлади.

ФЕДЧЕНКО НАЎМАТАГИ (*Rosa fedtschenkoana Rgl.*) жумҳуриятимиз териториясида наъматакларнинг 13 тури учрайди. Уларнинг ҳаммаси бута ўсимликлар ҳисобланниб, раъногулдошлар оиласига киради. Уларнинг мевалари турли витаминларга, айниқса, С витаминига бойдир. Витаминларнинг сифати ҳамда миқдори, наъматакларнинг ўсиш шароитига ва меваларнинг етилиш даражасига кўра ўзгариб туради. Наъматак турларидан итбурун (*R. sapina*) ҳамда Федченко наъматаги бирмунча тўлиқ ўрганилган. Федченко наъматаги бўйи 3—6 м бўладиган, бир қанча пояларга эга бўлган, тик ўсуви ва шоҳ-шаббалари тарвақайлаган ўсимлиkdir. Шоҳларининг пўстлоғи қўнғир рангли, ёш новдачалари бир оз яшил ёки қўнғирроқ яшил рангдадир. Шоҳлари қаттиқ тиканли бўлиб, ён томонга қараган. Барги мураккаб барг, 5—9 та атра тишли баргчалардан ташкил топган. Уларнинг устки томони кўк-яшил, остки томони оч яшил рангидир, шакли тухумсимон, узунчоқ-тухумсимон ёки думалоқ бўлиб, узунлиги 10—30 мм, эни 8—20 мм га teng. Гултожи оқ ёки пушти рангли, диаметри 5—9 см. Гултаги тўқ қизил, этдор, тухумсимон, узунчоқ-тухумсимон ёки шишиасимон, диаметри 2—3 см бўлади. Меваси йирик бўлиб, узунлиги 5 см га етади. Федченко наъматаги июнь-август ойларида гуллайди; меваси июль-сентябрь ойларида пишади. У, кўпинча, очиқ майдонларда, тошли жойларда, қуриб қолган дарё ўзанларида, арчазорларда ҳамда тоғ ён бағирликларида ўсади. Федченко наъматагининг меваси авитаминоз ва зотилжам касалликларини даволашда ишлатилади. Витаминларга бой бўлганлиги сабабли, табиий поливитамишли дори-дармонлар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Унинг меваси таркибида 1500—1800 мг % С, 8—14% қанд, 3% танид, 8—10%

пектинли моддалар, 15—18 мг % каротин, В₁, В₂, РР, К, Е витаминлари ҳамда А провитамини, лимон ва олма кислоталари, оз миқдорда эфир мойи ҳамда флавонлар бўлади. Наъматакларнинг табиий бойликлари кўп. Улардан янада унумли фойдаланиш лозим, бунинг учун барча имкониятлар мавжудир.

ҚОРАҚАНД (*Berberis oblonga* Schneid.) маҳаллий аҳоли қорақанд ёки зирк деб атайдиган бу ўсимлик зиркдошлар оиласига кирувчи ва бўйи 3 м гача бўлган бутадир. Ўзбекистонда зиркнинг 5 тури учрайди. Улар, асосан тоғли районларда тарқалгандир. Зирклар июнь-июль ойларида гуллайди; меваси июль-сентябрь ойларида пишади. Ўрта Осиё халқлари қорақанд мевасидан қадим замонлардан бери зиравор ўсимлик сифатида фойдаланиб келмоқдалар. Унинг мевасидан турли-туман шарбат ва мурабболар, консервалар, спиртли ва спиртсиз ичимликлар ҳамда сиркалар тайёрлаш мумкин. Ўсимликнинг ёш барглари (иордон ва мазали бўлганлиги) дан озиқ-овқат саноатида фойдаланиш мумкин. Йилдизидан эса сарғиш рангли бўёқ олинади. Қорақанднинг барг ва пишмаган мевалари таркибида берберин алкалоиди мавжуд бўлиб, юракнинг иш фаолиятини нормаллаштириш хусусиятига эга. Халқ табобатида, унинг меваларидан тайёрланган қиёмдан қон босими (гипертония) ва зотилжам касалликларини даволашда фойдаланилади. У, иштаҳа очувчи, чанқовни босувчи, ошқозон-ичак ишини яхшиловчи восита ҳамдир. Қорақанднинг пишган меваси таркибида кўп миқдорда олма, лимон ва вино кислоталари, танид, бўёқ моддалари ҳамда 120 мг % С, В₁, В₂, РР, Е, А витаминлари ва каротин бўлади. Бу ўсимликнинг табиий бойликлари кўп, улардан фойдаланишимиз лозим.

ЧЎЛЯНТОҚ (*Alhagi pseudalhagi* (МВ.) Desv.) дукқакдошлар оиласига кирувчи кўп йиллик ўсимлик бўлиб, бўйи 130 см та етади. Унинг поя ва новдалари силлиқ, туксиз бўлади. Новдалари ингичка бўлиб, юқорига қараб ўткир бурчак ҳосил қилган ҳолда ўсади. Такини қаттиқ, барги тухумсимон чўзиқ, устки томонида тукчаларни бор. Гуллари қизил ёки пушти рангда бўлиб, поя ва новдада 3—8 тадан жойлашган. Дукқаклари чўткасимон бўлиб, 4—7 уруғлидир. Уруғи буйраксимон шаклли кичик ва силлиқдир. Чўлянтоқ май-сентябрь ойларида гуллайди; уруғи август-октябрь ойларида пишади. Бу ўсимлик жумхуриятимизнинг чўл, адир ва тоғ минтақасининг ўрта қисмидаги бегона ўт сифатида кўп учрайди. Чўлянтоқ чорва моллари учун тўйимли озиқ ўсимликлардан ҳисобланади. Чорва моллари чўлянтоқни, асосан, куз ва қиши фаслида яхши ейди. Бу ўсимлик турли органик моддаларга, минерал тузларга ҳамда С витаминига жуда бой. Чўлянтоқнинг ер устки органлари таркибида 500 мг %, баргидаги эса то 1000 мг % гача С витамини бўлиб, у ўсимлик қуритилганда ҳам бузилмасдан узоқ муддатгача сақланиб қолади.

ЁВВОЙИ ПИЁЗ (*Allium suvorooi* Rgl.) пиёзгүлдошлар оиласынга киругучи, пиёзи 2—3 см катталыкта бўлган кўп йиллик ўсимлиkdir. Пояснинг бўйи 30—100 см га етади. Барглари 2—6 тагача, қайишсимон, эни 5—20 мм, чети ғадир-будир, кўп ранглиdir. Соябони ярим думалоқ ёки думалоқ бўлиб, кўп гуллди; гулбанди гулқўргонидан 2—5 марта узун. Юлдузсимон гулқўргон баргчаларининг узунилиги 4,4 см, учи ўтмас, пастга эгилган ва қайтган, пушти-бинафша рангли бўлади. Кўсакчалари кенг тухумсимон. У май ойида гуллайди ва уруғи июнь-июль ойларида етишади. Бу пиёз Тошкент, Фарғона, Самарканд областларининг тоғолди қисмидаги созупроқларда ўсади. Ёввойи пиёз ёқимсиз ҳидли бўлсада, ундан консерва тайёрланганда ҳиди йўқолади. Бундай консервалар эса ўзининг тўйимлилиги, фойдали хусусияти билан анзур пиёзи консервасидан қолишмайди. Ёввойи пиёз таркибида турли органик моддалар, минерал тузлар, фитонцитлар ҳамда С витамини бўлади.

ШЕРОЛГИН (*Artemisia dracunculus* L.) мураккабгулдошлар оиласига киругучи, бўйи 40—130 (150) см келадиган кўп йиллик ўтдир. Барги яхлит, баъзан эса уч бўлакли бўлади. Тўпгуллари рўваксимондир. Шеролгин июнь ойида гуллайди, уруғи сентябрь ойида пишади. У дарё соҳилларида, ариқ бўйларида, зах ерларда ўсади; тоғ этакларидан тортиб яйловгача бўлган ерларда учрайди. Шеролгиндан Кавказ халқлари севимили зирашор ўсимлик сифатида фойдаланадилар. Улар бу ўсимликни тархун номи билан турли овқатлар тайёрлашда фойдаланадилар. Ундан саноат аҳамиятига эга бўлган эстрагон сиркаси тайёрланади. Турли винолар ишлаб чиқаришда фойдаланса бўлади. АҚШ аҳолиси уни ўз боғларида ўстирадилар. Унинг ҳўл ва қуритилган ер устки қисмларини салатларга, ҳар хил таомларга соладилар. Бодринг, карам ва помидор тузлашда ишлатадилар. Шунингдек, конфетларга хушбўй ҳид беришда фойдаланадилар. Шеролгин халқ табобатида сийдик ҳайдайдиган ва тиц тушиши олдини олишда ишлатиладиган дори-дармонлик хусусиятига эга бўлган ўсимлик сифатида қадрланади. Тиббиётда истисқо касалликларини даволашда қўлланилади. Бу ўсимлик С витаминга, органик



29-расм. Яснотка.

моддаларга ва минерал тузларга, фаландрен, танид ҳамда эфир мойига жуда бой.

ЯСНОТКА (*Lamium album* L.) лабгулдошлар оиласига кирувчи, бўйи 70 (100) см га етадиган кўп йиллик, илдизпояли ўсимликдир (29-расм). Пояси тик ўсади. Барги тухумсимон, асоси думалоқ ёки юраксимон бўлиб, чети аррасимон тишли, майин тукчали ёки туксиздир. Гуллари бандсиз, юқориги баргларининг қўлтиғида ҳалқа шаклида ўрнашган; гултоғи оқ, узунлиги 2—2,5 см, ташқи томони тукчали бўлиб, бир оз қийшайгандир. Данакчаси тескари-тухумсимон, ўткир қиррали, узунлиги 2,5 мм гача бўлади. У июль ойнда гуллайди, уруғи август ойида пишади. Яснотка Тошкент ва Сурхондарё областларининг тоғли районларида заҳ ерларда, ариқ бўйларида, дарё қирғоқларида ва сойларда ўсади. Унинг ёш новдаларини сабзавот сифатида истеъмол қилиш мумкин. Таркибида кўп миқдорда бўёқ моддалари, каротин ва 130—286 мг% С витамини бўлади.

ГАЗАНДАЎТ (*Urtica dioica* L.) газандаўтдошлар оиласига мансуб, кўп йиллик ўт. Ўсимликнинг бўйи 60—125 см бўлиб, барги тухумсимон, барг чети тиҳсимон қирқилган, учи ўткирлашган, пояда қарама-қарши жойлашади. Газандаўтнинг барча органлари қичитузчи тукчалар билан қопланган. Газандаўт жумҳуриятимизнинг (денгиз сатҳидан 3000 м гача баландликда бўлган) тоғли ноҳияларида кенг тарқалган. Бу ўсимлик, асосан, сернам жойларда: ариқ бўйларида, дарё қирғоқларида, булоқ атрофларида, дараҳтлар тагида, баъзан боғларда учрайди. Газандаўт май-сентябрь ойлари давомида гуллайди ҳамда уруғи июль-октябрь ойларида етилади. Газандаўтнинг барг ва барра новдаларидан юқори сифатли салатлар, соуслар, пюре ҳамда борш ч тайёрлаш мумкин. Ҳалқ табобатида газандаўтдан қонни тўхтатувчи дори сифатида фойдаланилади. Илмий тиббиётда қоннинг ивиши, бачадоннинг қисқариши, қон томирларининг торайиши учун унинг баргидан шарбатлар тайёрлаб фойдаланилади. Чехословакия дори тайёрлаш саноати газандаўтдан турли галенли ва маҳсус препаратлар тайёрлайди. Болгария ҳалқ табобатида газандаўтдан ошқозон, диабет, жигар, бурундан қон кетиш ва зотилжам касалликларини даволашда фойдаланилади. Шунингдек, бу ўсимликдан кўп миқдорда хлорофил олиш ва уни дори тайёрлаш, озиқовқат ҳамда атир-упа саноатида ишлатиш мумкин. Ўсимлик илдизи сарик, барги эса яшил бўёқ моддасига бой. Газандаўт таркибида С, В, К витаминлари ва А провитамин, чумоли кислота, каротин, гистамин, 3,7% танид, темир моддаси ҳамда минерал тузлар бўлади.

ГУЛПАР (*Heracleum lehmannianum* Bge) соябонгулдошлар оиласига мансуб, кўп йиллик ўқилдизли, бўйи 100—200 (250) см келадиган ўсимликдир. Пояси кўп сонли, йўғон, ичи бўш бўлиб, ўрта қисмидан бошлаб шоҳланган, қаттиқ ва ялтироқ тукчалар билан қопланган бўлади. Илдизолди барглари кенг ту-

хумсимон ёки патсимон бўлиб, бир оз ўйилган, чети тишсимон, банди чизиқли, дағал тукчалидир. Соябони даста тўпгул шаклида бўлиб, ҳар бирида 40—50 та гулдан иборат шингилчалардан ташкил топган. Гултожи оқ ёки пушти рангли. Меваси тескари-тухумсимон ёки эллипссимон, деярли туксиз, узунлиги 0,9—1,0 см бўлади. Гулпар июнь ойнда гуллаб, уруғи июль-август ойларида пишади. У Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона областларининг тог ёнбагирларидағи нам ерларда, ариқ бўйларида, дарё қирғоқларида, булоқ атрофларида кўплаб учрайди. Гулпар чорва моллари учун яхши ем-хашакдир. Ёш баргларидан кўк шўрва тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Ўсимликнинг яшил қисми ва пишган меваси кўп микдорда эфир мойига, турли витаминлар (айниқса 0,043 мг % В₁, 0,117 мг % В₂, 160,5 мг % С витаминлари ва 2,8 мг % каротин) га эга. Унинг илдиз ва баргларидаги глюкозид ҳамда фурокумарин (бергаптен ва ксантатоксин) дан тиббиётда фойдаланиш мумкин.

ТОҒБУРЧОҚ (*Cicer songoricum Steph*) дуккақдошлар оиласига киравчи, кўп йиллик, бўйи 75 см гача бўлган ўтдир. Пояси кўтарилиб ёки тик ўсуви эгри-буғри, асосидан шохланган ва тукчасимон безлар билан қоплангандир. Барги мураккаб бўлиб, 8—10 см узунликда тоқ баргчалар билан тугайди. Баргчалари (4) 5—10 жуфтли, иккала томони ҳам туксимон безлар билан қопланган ёки деярли бесиз, атрофи арасимон тишли, асоси бутун қирғоқли бўлади. Баргчалари чўзиқ-думалоқ, кўпинча тескари тухумсимон ёки кенг тескари-тухумсимон, баъзан понасимон, узунлиги 6—10 (20) мм тенгдир. Гулбанди 1—2 гулли. Гулбанди 4—7 (10) мм узунликда асоси кичик тишли, ёнбаргчалидир. Гуллари йирик, бинафша-ҳаво ранг ёки бинафша-пушти, баъзан кўк рангидир. Дуккаги бўртган, чўзиқ катталини, 2,5—3 см, сертуқ безли. Уруғи 3—7 мм узунликда, тухумсимон, уч томони қайрилган, туксиз, тўқ жигар рангли бўлиб, бир оз буришганроқ бўлади. Тоғбурчоқ июнь-июль ойларида гуллаб, уруғи июль-август ойларида пишади. У дengiz сатҳидан 1 500—3 500 м баландликкача бўлган шимолий ва жанубий тог ён бағирларида буталар орасида учрайди. Бу ўсимлик ҳайвонлар учун юкори сифатли ем-хашак бўлиб, турли кимёний моддаларга жуда бой. Айниқса тоғбурчоқнинг уруғида оқсил моддаси ҳамда В₁ ва В₂ витаминлари кўп бўлади.

ТАРОҚБОШ (*Bromus danthoniae Trin.*) бошоқдошлар оиласига киравчи, бўйи 60 см келадиган, бир йиллик ўсимликдир. Унинг пояси тик ўсуви, туксиз ёки тукли бўлади. Барг нови тукли, баъзан тукчалар билан қопланмаган бўлади. Барг тилчаси 3 мм узунликда, кесиксимондир. Барги қалами, ясси, қисқа тукчали. Рӯваги сиқиқ, катталини 10 см келади, новдачалари ғадир-будур, туклидир. Бошоғи 4 см узунликда, наштарсимон, 6—10 гулли, ўткир қиррали бўлади. Тароқбош майда гуллайди ва уруғи июнь ойларида пишади. Бу ўсимлик адир ва тог

минтақасининг ўрта қисмигача бўлган ерларда учрайди. Тароқбош қорамоллар ҳамда қўй-эчкилар учун яхши ем-хашак ҳисобланади. Унинг ер устки органларида ҳар хил органик моддалар ва минерал тузлар бўлади. У гуллаш даврида таркибида 175 мг % С витамини сақлайди.

ИТУЗУМ (*Solanum nigrum* L.) итузумдошлар оиласидан бўлиб, бўйи 75—100 см га етадиган бир йиллик бегона ўтдир; пояси тик ўсади, баъзан ётиб ўсади; асосидан шохланган. Барги тўқ яшил, узунчоқ-тухумсимон ёки ромбсимон шаклда бўлиб, ўртасидан учига қараб бир оз сиқилиб боради, чети тишсимон қирқилган, баъзан бутун. Гултожи оқ рангли. Уруғи сариқ рангли, буйраксимон бўлади. Итузум июнь ойидан октябрь ойигача гуллайди; меваси июль-ноябрь ойларида пишади. У бегона ўт сифатида, асосан боғларда, полиз, ғўза ва бошқа экинлар орасида ариқ ва дарё бўйларида кўп учрайди. Итузумнинг баргидан Ўрта Осиё ҳалқлари яраларни даволашда, бош оғриқни қолдиришда, барг шарбати эса бурун жароҳати ва қулоқ оғриқни даволашда ишлатилган; меваси кўзнинг кўриш қобилиятини яхшилаш хусусиятига эга эканлиги маълум. Итузумдан болгар ҳалқ табобатида асаб ва қуёнчиқ касалликларини, бош оғриқни ҳамда чипқонни даволашда фойдаланилган. Меваси таркибида салонин алкалоиди, ласонин, солалгаргин, қанд, пектин, 7—10 % танид моддалари мавжуд. Пишган мева витаминларга жуда бой бўлиб, таркибида 89 мг % А ва 1630 мг % С витаминлар бўлади. Бу ўсимликтаги С витаминнинг миқдори катта баргли қорақанд (зирк) га нисбатан 3—4 марта кўпроқдир.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

Инсон ва ҳайвонлар организмида рўй берадиган турли касалликларни даволашда ишлатиладиган дори-дармонлар ичидан шифобахш ўсимликлардан тайёрланадиган дорилар салмоқли ўрин тутади. Жуда кўпчилик доривор ўсимликлардориҳоналарда сотилмайди, балки дори-дармонлар ишлаб чиқаришдаги асосий хом ашё манбани ҳисобланади. Биз дори-дармонлардан фойдаланаётганимизда, кўпинча уларни шифобахш ўсимликлардан тайёрланадиганни хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Масалан: кардиовален — юрак касалликларини даволашда қўлланилдиган сифатли дорилардан бўлиб, у дўлана, асарун (валериана), сариқгул (адонис) ва бошқа бир қанча ўсимлик турларидан тайёрланадиган мураккаб бирикмадир. Ҳозирги вақтда тиббиётда ишлатиладиган 900 дан ортиқроқ хил дори-дармонларнинг учдан бир қисми доривор ўсимликларнинг маҳсули ҳисобланади. Юрак касалликларини даволашда фойдаланилдиган дориларнинг 77%, жигар ва ошқозон-ичак йўлларида учрайдиган касалликларни даволайдиган дориларнинг 74%, бачадон касалликларига қарши ишлатила-

диган дориларнинг 80% шифобахш ўсимликлардан тайёрлангандир.

МДХ мамлакатлари флорасида учрайдиган 17500 тур юксак спорали ва гулли ўсимликларнинг тиббиётда 70 оиласга мансуб бўлган 247 тури қўлланилмоқда. Ҳозирги пайтда ташландиқ, бўз ва чўл ерларнинг ўзлаштирилиши сабабли, ёввойи доривор ўсимликларнинг турлари ва бойликлари камайиб кетмоқда. Бундан ташқари, шифобахш ўсимликларнинг табиий бойликларининг ҳосилдорлиги ҳар йилги об-ҳаво шароитига боғлиқ бўлиб, кўпинча барқарор эмас. Шу туфайли, шифобахш ўсимликларнинг 50 тури маданийлаштирилган ҳолда экилмоқда. С. С. Саҳобиддинов маълумотларига қараганда, Ўрта Осиё ўсимликлар оламида доривор ўсимликларнинг 413 тури халқ табобатида турли касалликларни даволашда фойдаланилмоқда. Ҳ. Ҳолматов ва З. Ҳабибовларнинг кўрсатишича жумҳуриятимиз флорасида доривор ўсимликларнинг 577 тури аниқланган. Доривор ўсимликларнинг шифобахш бўлиши улар таркибидаги кимёвий моддаларнинг турли-туманилигига ва шу моддаларнинг инсон ёки ҳайвон организмида касаллик туфдирувчи манбан (замбуруғ, бактерия ва вирусларига таъсир этиш самарарадорлигига боғлиқдир. Доривор ўсимликлардан тайёрландиган дори-дармонлар организмга таъсир этиш характерига қараб, тинчлантирадиган, ухлатадиган, оғриқ қолдирадиган, қон кетишни тўхтатадиган, каракт қиладиган, қўзгатадиган, дармонсизлантирадиган, қувватлантирадиган, қайд қилдирадиган, яраларни битирадиган ва антибиотик сингари группарга бўлинади.

ЎСИМЛИКНИНГ ДОРИ-ДАРМОНЛИҚ ХУСУСИЯТИ НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ?

Дарҳақиқат жуда кўп ўсимлик турлари шифобахш, яъни дори-дармонлик хусусиятига эга. Гарчи, шундай экан, уларнинг қувват берувчи кучлари нималарга боғлиқ? Аввало шуни қайд этиш лозимки, ўсимликлар мураккаб тузилишга эга бўлган жонли табиий лабораториядирки, улар оддий анорганик моддалардан мураккаб органик моддалар ёки бирикмаларни ҳосил қилиш қобилиятига эга. Ана шу ҳосил бўлган мураккаб тузилишга эга бўлган моддалар фақат ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши жараёнда аниқ бир физиологик вазифани бажарибгина қолмай, балки уларни ташқи муҳит таъсирларидан ҳимоя қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ўсимлик органларида тўпланган органик ёки биологик актив моддалар саноатимиз ва халқ ҳўжалигимизнинг турли тармоқлари ҳамда тибиёт шоҳобчалари учун юқори сифатли хом ашё манбаларидан ҳисобланади.

Дори-дармон хусусиятига эга бўлган ўсимликлар таркибида

углеводородлар, органик кислоталар, полисахаридлари, крахмал, оқсил, мой ва мой кислоталари, эфир мойлари, алкалоид, танид, сапонин, глюкозид, аччиқ моддалар, фитонцидлар, микроэлементлар, витаминалар, минерал тузлар ва бошқа моддалар бўлади. Ана шу моддаларнинг комплекс таъсири сабабли ўсимликлар дори-дармонлар хусусиятига эга. Бу биримлардан айримлари ҳақида баъзи бир маълумотлар келтирамиз.

БҮЕҚ МОДДАЛАР. Ўсимлик органлари турли пигментларни, яъни бўёқларни сақлайди. Уларга хлорофилл, флавоноид, антоциан, каротиноид ва бошқалар киради. Хлорофилл яшил бўёқ бўлиб, ўсимлик органларининг яшил қисмларида учрайди. Бу модда хлорофилл «А» ҳамда хлорофилл «Б» та бўлинади. Хлорофилл сувда парчаланмайди, аммо ёғда парчаланади.

ФЛАВОНОИДЛАР сариқ ранг деган сўзни англатади. Улар табиий мураккаб биримлардан бўлиб, бензо-У пирон маҳсулли ҳисобланиб, унинг асосини фенил-пропан ташкил этади. Флавоноидлар, ўз навбатида, флавон, флавоноид, флавонол, катехин, антоциан каби группаларга бўлинади.

АНТОЦИАНЛАР бинафша рангдан қизил рангача бўлган бўёқ кўринишини беради. Антоцианлар флавонли глюкозидлар ҳисобланиб, гидролизланиб, қанд ҳамда агликон-антоцианидинга парчаланади. Улар ўз навбатида, керацианин, энин ва бетанинларга бўлинади. Антоцианлар сувда яхши эрийди. Қиздирилса ёки қайнатилса тез бузилади, яъни ранги ҳамда хусусиятни йўқотади. Антоцианлар ўсимликларнинг гули, меваси ҳамда уруғларида кўпроқ бўлади. Тибиётда кварцетин ва рутин моддаларидан тайёрланадиган дори-дармонлар кўпроқ қўлланилади. Улар юрак-томир, қон кетиш, ошқозон яраси, қон босими ошиши каби хасталикларга қарши ишлатилади.

ТАНИД айрим ўсимликларнинг барги, меваси, пўстлоғи, илдиз ҳамда тугунакларида тўпланади. Бу модда ўсимлик ҳужайра ширасида эриган ҳолда учрайди. У бошқа моддалар билан бириккан ёки айрим ҳолда бўлади. Ўсимлик тўқималари ўлгандан сўнг ҳужайра деворчаларига шимилади. Танид тери саноати учун асосий ҳом ашё ҳисобланади. Бу модда тибиётда ошқозон-ичак касалликлари олдини олувчи бактерицид модда тариқасида ишлатилади.

АЛКАЛОИДЛАР ўсимликларнинг турли органларида тўпланадиган азот сақловчи ва ишқор хусусиятига эга бўлган жуда мураккаб органик биримлардан ташкил топган моддалардир. Бу моддалар ўзига хос физиологик таъсиричаник хусусиятига эга. Алкалоидлардан морфин, папаверин, хинин, кофеин, кодеин каби турли хил дори-дармонлар ишлаб чиқарилади. Улар тибиётда турли хасталикларни даволашда кенг қўлланилади.

ГЛЮКОЗИДЛАР ўсимликларнинг барча тана қисмларида, мева ва илдизларида сақланади. Улар намлик ва ферментлар таъсирида иккига парчаланади. Натижада қандли глюкозид ва

қандсиз (агликон) компонентларга бўлинади. Глюкозидлар инсон организмига таъсир этиш хусусиятига қараб юрак-томир системасига таъсир этувчи, терлатувчи аччиқ, сапонинли глюкозидлар ва антраглюкозидларга бўлинади. Глюкозидлар юрак-томир системасига таъсир этувчи бошқа моддалардан фарқли ўлароқ тўғридан-тўғри юракка таъсир этади. Аччиқ глюкозидлар эса ошқозон-ичак йўлларининг иш қобилиятини оширади, иштаҳани очади ҳамда овқат ҳазм бўлишини яхшилади.

АЧЧИҚ МОДДАЛАР (азотсиз мураккаб моддалар) терпенили бирималардан ташкил топган бўлиб, аччиқ таъмга эга. Бу моддалар таъсирида ошқозон шираси кўплаб ишлаб чиқарилади, овқат яхши ҳазм бўлади, иштаҳа очилади. Айниқса, бу хасталикка чалингандар беморлар учун муҳим аҳамият касб этади.

КУМАРИНЛАР, айниқса соябонгулдошларга оид ўсимлик органларида тўпланадиган биологик актив моддалардир. Бу моддалар цисортооксикор кислоталардан ташкил топган. Кумаринларнинг таъсир қуввати турлича бўлиб, тиббиётда энг кўп ишлатиладиганлари фурокумаринларга тегишилдири. Бу моддалар ультрабинафша нурларга нисбатан организмнинг сезувчаник хусусиятини оширади, қон томирларни кенгайтиради. Фурокумаринлар тери хасталикларини даволашда кенг қўллашибидиган дориларни ишлаб чиқаришда асосий хомашё манбаларидан ҳисобланади.

ОРГАНИК КИСЛОТАЛАР ўсимлик ҳужайра ширасида учрайди. Ўсимликнинг барча органларида, айниқса меваларида олма, лимон, вино, шовил, чумоли, аскорбин, баъзан хин ва николен кислоталари ҳолида бўлади. Организмда органик кислоталар моддалар алмашинувида актив иштирок этади. Шира ишлаб чиқариладиган безларнинг иш қобилиятини оширади. Ўт суюқлиги ва панкреатик ширанинг ажралишига таъсир кўрсатади. Органик кислоталар бактерицидлик хусусиятига эга. Шу сабабли ҳам турли микробларни қириб ташлайди. Натижада инсон организмига хасталиклар юқиши олдини олади. Органик кислоталар иштаҳани очади, овқат ҳазм бўлишини яхшилади.

ФЕРМЕНТЛАР ўсимлик тўқималарида ҳосил бўлади. Улар меваларда кўпроқ тўпланади ҳамда моддалар алмашинуви жараёнида фаол иштирок этади. Ферментлар деярли оқсил моддалардан ҳосил бўлади. Организмда содир бўладиган кимёвий реакциялар ферментлар иштирокида ўтади. Шунингдек, ферментлар маълум моддаларнинг реакцияга киришини тезлаштиришда катализаторлик ролини ҳам ўтайди. Ферментларга таъсир кўрсатадиган ҳарорат 40°C дан юқори бўлмаслиги лозим. Агар ҳарорат бу кўрсаткичдан юқори бўлса, ферментлардаги оқсиллар коагуляция ҳолига тушади, натижада ферментлар катализаторлик хусусиятини йўқотади.

ФИТОНЦИДЛАР ўсимлик органларида тўпланиб, микроорганизмларни қириб ташлаш хусусиятига эга бўлган мураккаб тузилишдаги органик моддалардан ҳисобланади. Бу моддаларни ўсимлик антибиотиги ёки фитонциди дейилади. Фитонцидлар алкалоид, эфир мойи, антоциан кўринишларида бўлиши мумкин. Ўсимликлардан айрим фитонцидлар тоза ҳолда ажратиб олинган. Масалан, аллицин фитонциди саримсоқдан ажратиб олинган бўлиб, аллин аминокислоталаридан ташкил топган. У бактерицидлик хусусиятига эга. Фитонцидлар бактерияларни қириб ташлайди ва ўсиши ҳамда кўпайиши олдини олади. Ўсимликлардан олинган фитонцидлар тиббиётда антибиотиклар сифатида ишлатилади. Айниқса юқумли касалликларни даволашда қўлланилади.

КРАХМАЛ полисахаридларга мансуб бўлиб, мураккаб тузилишга эга. У организмни тетиклаштиради ҳамда қувватини оширади. Тирик организмда ундан глюкоза ҳосил бўлади. Крахмалдан тиббиётда ошқозон-ичак ҳамда тери касалликаренни даволашда қўлланиладиган дори-дармонлар тайёрланади. Шунингдек, крахмал саноатда, уй-рўзгор ишларида кенг кўламда ишлатилади.

ПОЛИСАХАРИДЛАР ўсимликларнинг барча органларида, айниқса мева, тугунак, илдиз ҳамда лиёzlарида кўп бўлади. Полисахаридлар мураккаб тузилишга эга бўлиб, углеводлар йиғиндисидан ташкил топади. Улар кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган моддалардан бири ҳисобланади.

АЗОТЛИ МОДДАЛАР мураккаб бирикмалардан ташкил топган бўлиб, уларнинг асосини оқсилли моддалар ҳосил қилаади. Улар, ўз навбатида, аминокислоталар ҳамда амидлардан иборат. Шунингдек, оқсилсиз азотли моддалар ўз таркибида нуклеин кислота, аммиак тузлари, нитратлар, баъзи витамин ва глюкозидларни саклайди.

ОҚСИЛЛАР ўсимликларнинг, асосан, уруғи ҳамда меваларида кўп тўпланади. Улар тўйимли озиқ-овқат манбани ҳисобланади. Оқсиллар протеолит ферменти таъсирида аминокислоталарга парчаланади, организмда моддалар алмашинувини тўғри йўлга қўйишда иштирок этади ҳамда унинг қувватини оширади.

ВИТАМИНЛАР мураккаб органик бирикмалардан ҳосил бўлган бўлиб, ўсимликларнинг барча органларида бўлади. Витаминлар ташки мұҳит таъсирига жуда чидамсиз бўлиб, тез бузилади, парчаланади ҳамда ўзининг фойдали хусусиятларини йўқотади. Масалан, С. Р. В₁, В₂, РР, Н ва патоген витаминлар қайнаган сувда тез парчаланади ҳамда шифобахшик хусусиятини йўқотади. А, К, Д, Е витаминлари қайнаган сувда тез парчаланмайди ёки бузilmайди, аммо ёғларда парчаланиб хусусиятини йўқотади. С, А, В, витаминлари кислород таъсирида бузилади. В₂ витамины эса таъсирга чидамлироқдир. Витаминлар инсон тўқималари учун доимий ва зарурий ком-

понентлардан ҳисобланиб, моддалар алмашинуви жараёнида актив иштирок этади. Инсон организмини турли касалликлардан химоя қилиш қобилиятини оширади. Қон томирларининг деворчаларида холестерин тўпланишига йўл қўймайди. Шунингдек, қон таркибини доимий сақлаб туришда муҳим аҳамият касб этади.

ЭФИР МОЙЛАРИ ўсимликларнинг ҳамма органларида тўпланадиган бир қанча моддаларнинг мураккаб бирикмасидан ташкил топган, генетик жиҳатдан ўзаро узвий боғланган органик моддалар йигиндисидир. Эфир мойларининг компонентларига углеводород, спирт, альдегид, кетон, фенол, лактон, эфир, хинон, кислота, азотли бирикмалар ва бир қанча моддалар киради. Тибиётда эфир мойларидан турли хасталикларни даволашда қўлланиладиган дори-дармонлар ишлаб чиқарилади. Бу дори-дармонлар оғриқни қолдириш, асаб системасини тинчлантириш, ошқозон-ичак фаолиятини яхшилаш хусусиятига эга. Эфир мойлари атир-упа, фармацевтика ҳамда озиқ-овқат саноати тармоқлари учун асосий хомашё манбаи ҳисобланади.

МОИ ВА МОИ КИСЛОТАЛАРИ ўсимликларнинг уруғи, мева ҳамда данаклари таркибида бўлиб, мураккаб тузилишга эга бўлган эфир, глицерин кислоталарининг бир асосли ёғ қаторларидан иборат. Мой ҳамда мойсимон моддалар озиқ-овқат соҳасида ишлатилишидан ташқари, оғир ва енгил машинасозлик саноатининг бошқа тармоқларида ҳам қўлланилади.

Тибиётда эса малҳам дори, крем ва пластир тайёрлашда, баъзан доривор моддаларни эритишда ишлатилиди. Қўпинча ўсимлик мойлари қон-томир ҳамда томирчалари деворидаги холестерин моддасини эритиш хусусиятига эга. Умуман, шу нарсани қайд этиш лозимки, ўсимликларнинг шифобахшлиги фақат юқорида қайд этилган моддаларга боғлиқ бўлибгина қолмай, балки бир қанча органик бирикмалар, минерал тузлар, макро ҳамда микроэлементларнинг ўзаро бирга таъсир этиш кучига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ИШЛАТИЛАДИГАН ОРГАНЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МУДДАТЛАРИ

Доривор ўсимликларнинг турли органлари, янги куртаги, пўстлоғи, барги, гули, уруғи, меваси, данаги, илдизи, илдизпояси ҳамда тугунакларидан турли хил касалликларни даволашда қўлланиладиган дори-дармонлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Доривор ўсимликларнинг қувватчанлиги улар таркибидаги биологик актив моддалар ҳамда турли мураккаб тузилишдаги бирикмаларнинг фақат миқдорига боғлиқ бўлибгина қолмай, балки кўп жиҳатдан сифатига ҳам боғлиқdir.

Доривор ўсимликларнинг таъсир этиш қуввати ҳамда юқори сифатли бўлиш даври ўсимликларнинг гуллаш ҳамда уруғ-

лаш даврининг бошланиш вақтига тўғри келади. Ана шу пайт ўсимликтининг ер устки массалари йигиб олинади. Уруғ ва мевалари эса тўлиқ пишганда, илдиз, илдизпоя ҳамда тугуваклари ўсиш даврининг охирида (ўсимлик уйқуга кетиши олдидан) ёки эрта баҳорда йигиб олинади.

ҚУРТАҚЛАР бўртиш пайтида, эндигина ўса бошлини олдидан, яъни эрта баҳорда териб олинади. Агар куртаклар ўса бошлагандан сўнг терилса, дори-дармонлик хусусиятини пўқотади. Уларни жуда эҳтиёткорлик билан териб олиш зарур.

ПЎСТЛОҚ ўсимлик икки йиллик соғлом, касалланмаган шох-шаббаларидан ажратиб олинади. Шира ҳаракати кучли бошланган пайтда, яъни куртакларнинг яхши бўртиш вақтида пўстлоғи ажратиб олинади. Бу даврда пўстлоқ тез ва осон ажралишидан ташқари, бу вақтда биологик актив моддаларнинг таъсир қуввати юқори бўлган пайтга ҳам тўғри келади.

БАРГ ўсимлик қийғос гуллаган пайтда терилади. Терилаётган барг соғлом, касалланмаган, ҳашарот емаган бўлиши керак. Усимлик баргининг учдан бир қисми териб олиниши мумкин. Барг терилаётган вақтда қўлни юқоридан пастга қараб ҳаракат қилиш ва баргни банди билан териб олиш зарур. Терилган барглар тезда қуритиладиган майдончаларга келтирилади ҳамда қуритилади. Хомашё учун тайёрланган барглар яхши қуритилган, майдаланган, рангини йўқотмаган ҳамда ўзига хос ҳидга эга бўлиши керак.

ГУЛЛАР ғунчалаш даврининг охири ва очилиш пайтининг бошларида терилади. Бу вақтда терилган гулларнинг гултоҷибаглари кўп тўкилиб кетмайди, тайёрланган хом ашёнинг ранги деярли ўзгармайди, ҳиди сақланади. Ўт ўсимликларнинг гуллари қайчи, ўткир пичоқ, ток қайчилгр билан қирқилади, дараҳт ва буталарники эса илгакли симлар ёрдамида терилади. Хомашё учун терилган гуллар соғлом, касалланмаган, ҳашарот емаган, эзилмаган бўлиши керак. Терилган гуллар саватчаларда қуритиш майдончаларига келтирилади ёки хоналарда брезент устида қуритилади. Агар донмий фойдаланиладиган майдонлар бўлса, асфальтланган бўлиши зарур. Қуритилаётган хомашёга қўёш нури бевосита тушмаслиги керак. Акс ҳолда маҳсулот сифати бузилади, хомашё ранги бутунлай ўзгаради, таъсир этиш кучи деярли йўқолади. Усимликларнинг ер устки органлари, яъни пояси, новдаси, барги ва гуллари биргаликда териладиган бўлса, уларни териш муддати гуллаш пайтига тўғри келади. Усимликларнинг ер устки органларини йиғиншитириб олишида ўткир пичоқ, ток қайчи ҳамда ўроқлардан фойдаланилади. Кўп йиллик ўтлар ва чала буталарни тагидан эмас, балки асосидан 7—8 см баландроқдан ўриш керак. Қуритишга тайёрланган хомашё соя жойларда, маҳсус майдончаларда, хоналарда ва айвонларда қуритилади. Уларни ёйиб, кун давомида 2—3 марта ағдариб туриш лозим. Бу вақт-

да хоналарнинг эшик ва ойналарини очиб, шамоллатиб туриш лозим. Ҳомашёнинг қуриганини аниқлаш учун унинг пояси эгиб кўрилади, агар пояси синса, баргларини бармоқлар орасига олиб ишқалаганда майдаланиб кетса, у етарли қуриган ҳисобланади. Қуритилган ўсимлик хом ашёларини бир жойга тўплаб, уларни синиб ва майдаланиб кетишига йўл қўймаслик лозим. Тайёр хомашё оч яшил рангли, ўзига хос ҳидли бўлишинамлиги 12—13% дан ошмаслиги керак.

МЕВА ВА УРУҒЛАР пишиб етилишига қараб бир неча марта терилади. Баъзи ўсимлик уруғлари пишиши билан дарҳол тўкилиб кетади, натижада ҳоснлдорлик камаяди. Бунинг олдини олиш учун шу хилдаги ўсимлик уруғларини тўлиқ етилмаган пайтда, яъни қўнғир тусга кириши билан тера бошлаш лозим. Тўпгулли ўсимликларнинг уруғларини тўпгуллари билан бирга йиғишириб олиб, кичик-кичик боғ қилиб боғланади, сўнgra уларни соя жойларда ёки маҳсус майдончаларда қуритилади. Қуритилган ўсимлик боғлари янчилади ва уруғлар тозалаб олинади. Сершира мевалар фақат яхши пишганда, ҳаво очиқ вақтда эрталабки ҳамда кечки соатларда терилади. Ҳаво жуда исиб кетганда терилмайди. Чунки терилган сершира мевалар иссиқ кунда тез бузилади. Уларни эҳтиёт қилиб, эзиз юбормасдан териш керак. Мевалар саватчаларга терилади. Мевалар орасига ҳар 5 см оралиқда ўсимлик барғи ёки ёш новдачалар қўйилиб, устидан яна мевалар терилади. Мева ва уруғлар терилган вақтда бошқа бегона ўтларнинг мева ва уруғлари аралашиб кетмаслиги, ўсимлик қолдиқлари, касалланган мевалар ажратиб олиниши лозим.

ИЛДИЗ, ИЛДИЗПОЯ ВА ТУГУНАКЛАР ўсимлик уруғи ва мевалари тўлиқ пишиб етилгандан кейин, ўсиш даврининг охирида, яъни қишки уйқуга кириш вақтида тайёрланади. Баъзан эрта баҳорда ўсимлик вегетацияси бошланишидан олдин ковлаб олинади. Илдиз, илдизпоя ва тугунакларни ковлаб олишда ўткир теша, кетмон ва белкураклардан фойдаланилади. Ўсимлиknинг ер устки органлари бутунлай синиб ёки йўқолиб кетмасдан олдин ковлаш ишларини амалга ошириш керак. Ковлаб олинган илдиз, илдизпоя ва тугунаклар тупроқдан ажратиб олинади ҳамда саватчаларга солиниб, оқар сувда ювилади. Суви селтигандан кейин эса маҳсус майдончаларга келтирилиб, сараланади. Бунда, албатта, чириган, қурт еган илдизчалар ҳамда бошқа ўсимликларнинг турли қолдиқлари олиб ташланади ва маҳсус қуритиш майдончаларида қуритилади. Шуни эсле тутиш лозимки, гуллаб турган ўсимликларнинг ер остки органларини ковлаб олиш қатъиян ман этилади. Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, доривор ўсимликларни белгиланган муддатда териб олмаслик, хомашё тайёрлаш ва қуритиш қондаларига риоя қилмаслик тайёрланган хомашё сифатининг пасайишига, уларнинг таркибидағи биологик актив моддаларнинг миқдори ва сифатининг пасайишига сабаб

бўлади. Улардан тайёрланган дори-дармонлар етарли таъсирчанлик қувватига эга бўлмайди.

Бу моддалар меъёрида маълум дозада бўлса, яхши даволайди ва инсон саломатлигига фойда келтиради. Агар дозаси ошиб кетса, заҳарли ҳисобланади. Биологик актив моддалар барча ўсимлик органларида ҳам бир хил миқдорда учрамайди. Улар ўсимликларнинг органларида кўп ёки кам бўлиши, айрим ҳолларда эса мутлақо бўлмаслиги ҳам мумкин. Моддаларнинг миқдори ва сифати шу ўсимликнинг ўсаётган географик муҳитига, уларнинг ривожланиш даврларига, ёшига ва кўпгина бошқа ҳолларга боғлиқ бўлади ҳамда ўзгариб туради. Бу жараён маълум қонуният асосида содир бўлади. Баъзан уни ташқи таъсирот ёрдамида ўзгартириш мумкин. Табиий шароитда ўсаётган ёввойи шифобахш ўсимликларнинг дори-дармонлик хусусиятларини билиш ва уларни ўқувчиларга баён этиш учун, аввало ўқитувчи ўсимлик турларини ҳамда формаларини яхшироқ билиб олиши адабиётда келтирилган маълумотлардан тўлиқ хабардор бўлиши лозим. Шунингдек, ўқувчиларни табиат қучоғига олиб чиққанда, ўша жойлардаги маҳаллий ҳалқлардан доривор ўсимликлар ҳақида сўраб, уларнинг қайси бирларидан қандай мақсадлар учун фойдаланаётганлиги ҳақида билиб олишлари керак. Ўқувчилар эса шифобахш ўсимликлардаға гербарий теришлари, уларнинг маҳаллий номларини яхши билиб олишлари ҳамда ҳар бир ўсимликнинг ўсиш шароити ва ривожланиш даврларини аниқ кўрсатишлари керак. Лозим бўлса, ўқувчилар шифобахш ўсимликларнинг турларини ва формаларини бир-бири билан аралаштириб юбормасдан, алоҳида-алоҳида тўплашлари зарур. Тўпланган ўсимликлар турли аралашмалардан тозаланиши, қурилган, чириган қисмлари олиб ташланиши керак. Тайёрланган хомашённи қуёшда қуритиш мумкин эмас, чунки улар таркибидаги биологик актив моддаларнинг сифати бузилади. Шу сабабли, уларни юқори бўлмаган ҳароратда (махсус хоналарда), шамол тегиб турадиган соя жойларда қуритиш ва қуруқ хоналарда сақлаш тавсия этилади.

ДОРИВОР ЎСИМЛИК БОЙЛИКЛАРИНИ ҚАИТА ТИҚЛАШ ВА МУҲОФАЗА ЭТИШ ИҮЛЛАРИ

Ўсимлик хомашёларидан тайёрлананаётган дори-дармонларга бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Дарҳақиқат шундай экан, бу талабни тўлиқ қондириш учун ўсимлик бойликларидан тўғри ва оқилона фойдаланишга, улардан кўпроқ дори-дармонлар тайёрлашга жиддий эътибор бериш керак.

Доривор ўсимлик бойликларидан тўғри ва оқилона фойдаланмаслик, уларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олмас-

лик, уларни йиғиб олишни белгиланган мұддатда ўтказмаслик үсімлік турларининг йұқолиб кетишига ҳамда бойлікларининг қайта тикланишига катта іңтисодий ва социал зарар келтиради. Шу сабабли шифобахш үсімлік хомашёларини тайёрлашда илмий асосда ишлаб чиқылған тадбир ва қоңдаларга тұлық амал қилиш зарур.

Үсімлік хомашёларини тайёрлашда фақат унинг миқдорига ҳамда белгиланган режани ортиги билан бажаришга әзтибор берібгина қолмай, балки сифатына ҳам талабчанлықты ошириш лозим. Бунинг учун үсімлік хомашёларини тайёрловчи ташкилот ходимлари ҳамда мутахассиселар үсімліктарнинг морфологик ва биологияк ұсусиятлары билан тұлық таниш бўлиши, уларни үсиш ва тарқалиш ноҳиялари, териш мұддати ҳамда даврлари, маҳсулотни тайёрлаш қоидаси ва қуритиш үсуллари, кимёвий таркиби ва ишлатилиши тўғрисидаги маълумотларга тўла эга бўлишлари, шунингдек, улар үсімлік турларини бир-биридан тұлық фарқлай олишлари зарур. Чунки бир туркумга мансуб турлар бир-бирига жуда ўхшаш бўлса-да, шифобахшлиги жиҳатидан тубдан фарқ қиласди. Агар шифобахш үсімліклар әзтиборсизлик билан тайёрланса, у кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шифобахш үсімлік бойлікларини қайта тиклаш ва муҳофаза этиш учун қўйидаги шартларни бажариш зарур:

- үсімлікларнинг барча белги ҳамда ұсусиятларини яхши билиш;
- үсімлікларни синдириб, илдиз ёки илдизпояс ҳамда түгунаклари билан суғуриб олмаслик;
- үсімлікларнинг илдиз ёки пиёзлари тайёрланыётган бўлса, уларнинг ҳаммасини қаторасига олмасдан, балки оралатиб ковлаб олиш;
- уруғни сутлик даврида, меваси пишмасдан йиғишириб олмаслик;
- етилган уруғ ҳамда меваларни битта қолдирмай териб олмаслик;
- гуллаб турган ёки уруғлаган үсімлікларни ялпи йиғишириб олмаслик;
- йиғим-терим ўтказиладиган майдонларни ҳар икки-беш йилда алмаштириб туриш;
- касалланган ҳамда зааррланган үсімлік турларини термаслик, уларга қарши кураш чораларини кўриш;
- ноёб үсімлік бойлікларини сақлаш мақсадида заказниклар ташкил этиш, шу жойларда чорва молларини боқмаслик, ҳамда ем-хашак тайёрламаслик ва ҳоказо. Ана шу тадбир ҳамда қоңдаларга қатъий амал қилиш зарур. Акс ҳолда үсімлік бойліклари йилдан-йилга камайиб кетаверади.

Биз жумҳуриятимизда ёввойи ҳолда бирмунча кенг тарқалған, баъзи доривор үсімліклар ҳақида қўйида тўхталамиз:

ҚУШЖИЙДА (*Elaeagnus angustifolia* L.) жийдадошлар оиласи-
га мансуб, баландлыги 8 м келадиган, пўстлоги қўнғир-қизил
рангли дараҳтдир. Ёш новда ва барглари кумушсимон оқ тук-
чалар билан қопланган. Барги эллипссимон шаклда бўлиб,
узунлиги 3,5—7 см ва эни 0,7—1,8 см, банди 1,2 см гача бўла-
ди. Гули хушбўй ҳидли, гулбандли, барг қўлтиғида 1—3 та
бўлиб жойлашган. Гулқўргонининг ташқи қўриниши кумуш-
симон-оқ, ички томони деярли туксиз ва сариқ рангдадир. Чанг-
чиси жуда қисқа, ипсимон ва чўзиқ чангчидан иборат. Меваси
данак мевадан иборат бўлиб, думалоқ-тухумсимон шаклли,
бўйи 1,3 см, эни 0,7 см келади. Данаги чўзиқ-тухумсимон, усти
чизиқчали, узунлиги 1 см га, эни эса 0,5 см га teng. Қушжийда
май ойида гуллайди; меваси сентябрь ойида етилади. Бу ўсим-
лик Узбекистоннинг барча вилоятларида ёввойи ҳолда ва қис-
ман маданий ҳолда ўсади. У, айниқса тўқайзорларда ҳамда
шўрҳок ерларда кўп тарқалган. У манзарали, асалчил, мевали
ҳамда эфир мойли ўсимликдир. Унинг мевасидан озиқ-овқат
сифатида, тиббиётда эса дори-дармонлар тайёрлашда фойда-
ланиш мумкин. Қушжийданинг барги бод ва бел оғриқни,
меваси эса ичкетишини даволайдиган воситадир. Унинг тарки-
бida 10% танид моддаси бўлиб, улардан тери ошлашда фой-
даланиш мумкин. Қушжийданинг ҳар бир тупидан 2—20 кг
жийда олиш мумкин. Меваси қанд моддасига жуда бойдир.
Уларда 50% углеводородлар, 11% оқсили, 12% клетчатка, та-
нид моддалари ва минерал тузлар бор. Шунингдек, меваси
таркибida 0,34 мг % B₁, 0,21 % B₂, 0,069 мг % PP, 93 мг % C,
0,23 мг % Е витаминлари бўлади. Баргларида 8—12 % танид
ва 200 мг % С витамини бор.

ЗАФОЗА (*Ephedra equisetina* Bge) зағозадошлар оиласига кирув-
чи, бўйи 1,5 м га етадиган бутадир. Поя новдалари бўғимли,
пўстлоги кул ранг бўлади. Новдаси тик ўсади, тўғри, силлиқ,
билинар-билинмас ариқчали, бўғим оралиғи 2 см га teng.
Барглари тангачалар шаклида бўлиб, новдада қарама-қарши
жойлашган. У очиқ уруғли ўсимликлар тоифасидан бўлганли-
ги учун, уларда ҳали ҳақиқий гуллар бўлмайди. Шу сабабли
уларнинг чангчи ва уруғчилари жойлашган жойни эркак гул-
лар ва уруғчилар деб аташ, чангчилар йиғиндинисини эркак гул-
лар ва уруғчилар йиғиндинисини урғочи гуллар деб аташга
одатланилган. Чангдонли қуббаларининг узунлиги 4—5 мм
бўлиб, думалоқ, 2—4 чангчилидир. Уруғчи қуббалари қисқа
бандли, новдада 1—2 ёки 4 тадан жойлашган бўлиб, бир гул-
лидир. Меваси этдор, шарсимон, қизил, 6—7 мм га teng. Уру-
ғи наштарсимон, икки томони бўртиб чиқсан, 4—6 мм узун-
ликда бўлади. Зағоза июнь ойида гуллаб, меваси июль ойида
пишади. У тоғ минтақасининг тошли ён бағирликларида, қоя
тошларда ўсади. Бу ўсимлик ҳалқ табобатида қичима, бод,
шамоллаш, ошқозон яраларини даволашда, меваси эса ҳар-
ратни туширишда қўлланилади. Зағозадан эфедрин алкалоиди

олинади ва бу алкалоид тиббиётда турли касалликларни даволашда ишлатилади. Унинг таркибида 14% гача танид, бўёқ моддалари, С витамини ва органик кислоталар ҳам мавжуд.

ҚИРҚБЎГИМ (*Equisetum arvense* L.) қирқбўғимдошлар оиласига киравчи, спорали кўп йиллик ўсимлик бўлиб, бўйи 40—60 см га етади; поя ва шохчалари бўғимларга бўлинган. Баҳорда апрель-май ойларида қизғиш-қўнғир рангли шохланмаган новдалар кўкариб чиқади ва унинг уч қисмида спорали бошоқ ҳосил қиласди. Бу новда споралар етишгандан сўнг қурийди. Сўнгра илдизпоядан яшил рангли шохланган новда ҳосил бўлади. Бу новда ўсуви новда бўлиб кеч кузгача яшил ҳолда туради. Қирқбўғим қисман бегона ўт сифатида экинлар орасида, асосан эса ариқ ва дарё бўйларидаги зах ва ботқоқ ерларда, ўтлоқзорларда жуда кўп учрайдиган, анча кенг тарқалган ўсимликдир. Қирқбўғимдан дори-дармон сифатида қадимдан фойдаланилади. Ҳалқ табобатида унинг қиёми (ёки шарбати) дан ва қайнатмасидан ошқозон-ичак жароҳатлари, қон кетиши, зотилжам ва йўтал каби касалликларни даволашда фойдаланиб келинган. Тиббиётда, у сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади. Қирқбўғим болгар тиббиётида ўпка сили ҳамда сийдик чиқарувчи органлар касалликларини даволашда қўлланилади. Қирқбўғим таркибида кўп миқдорда кремний кислота, сапонин-эквизетанин, эквизетрин алкалоиди, танид, никотин, flavon ва глюкозид моддалари, шавел ва олма кислоталари, минерал тузлар, 10—15% оқсил, 2—3% ёф, каротин, С ва А витаминлари бор.

ШИРЧОЙ (*Geum urbanum* L.) раъногулдошлар оиласига киравчи кўп йиллик ётиб ўсуви йўғон илдизпояли, поясининг узунлиги 70 см келадиган ўсимликдир. Илдизолди барглари узун бандли, лирасимондир. Барги тескари-тухумсимон, ён бўлмалари ўткир, уларнинг сони бир-уч жуфт, йирик, тиҳсимон бўлади. Охирига ва икки ён бўлинмалари қолганларига нисбатан каттароқдир. Поя барглари қисқа бандли, асосигача уч бўлакка бўлинган, ўткир бўлаклидир. Гулнинг диаметри 1,5 см, тик ўсадиган, узун ва ингичка гулбандлидир. Гултожи оч сариқ, тескари-тухумсимон ва эллипссимон, тарвақайлаган. Уруғи тескари-тухумсимон шаклда, бир-бирига ўтиб кетган ва қайрилган тукчалар билан қопланган. Ширчой май-июнь ойларида гуллайди; уруғи июнь-июль ойларида пишади. Бу ўсимлик тоғларда, йўл атрофларида, дарё қирғоқларида, ариқ бўйларида учрайди. У Тошкент вилоятининг тоғли районларида кўпроқ тарқалган. Ширчой дори-дармонлик хусусиятига эга. Унинг қиёми ёки шарбати билан ичкетиш ва кўкрак оғриқни даволаш мумкин. Ширчойдан чой дамлаб ичса бўлади. Ўсимлик таркибида ҳар хил органик бирикмалар ва минерал тузлар кўп. Айниқса, 10—25% танид, бўёқ моддалари, смола, flavonli глюкозид, глюкозид генин, 0,03—0,08% эфир мойни, 137 мг % А, 117 мг % С витаминлари бор.

ҚИЗИЛМИЯ (*Glycyrrhiza glabra* L.)

Дуккакдошлар оиласига мансуб, илдизи бирмунча яхши ривожланган, тик ўсуви күп йиллик ўт (30-расм). Унинг бўйн 40—120 (200) см бўлади. Пояси сершоҳ, қисқа, дагал тукчаларга эга. Ёнбаргчалари бигизсимон бўлиб, тез тушиб кетади. Барги узун. Дуккаклари туксиз, баъзан безли тукчалар билан қопланган бўлиб, тўғри ёки бир оз қийшайган, узунлиги 1,5—3 см, эни 5—6 мм, 2—7 та уруғли бўлади. Уруғлари кичик, деярли юмaloқ, бир оз бўртган, силлиқ, тўқ қўнғир рангидир. Қизилмия арель-май ойларида гуллайди, меваси июль-сентябрь ойларида етилади. Бу ўсимлик ариқ бўйларида, дарё қирғоқларида, тўқайзорларда, шўрҳок ерларда, баъзан бегона ўт сифатида экин майдонларида кўп учрайди. Умуман, қизилмия жумхуриятимизнинг чўл, адир минтақаларида кенг тарқалган. Абу Али ибн Сино давридан ҳозирги кунгача қизилмиянинг илдиз шарбати йўтал, шамоллаш, кўкрак оғриқ, ошқозон-ичак яраларини даволашда кенг қўлланилмоқда. Тиббиётда қизилмиядан тайёрланган дорилар бод, тери, кўз касалликларини даволашда ишлатилади. Ўсимликдан олинган флавоноид-лиевиритин, ликвиритозидлар, ошқозон-ичак яраларини даволашда ишлатилади. Чехословакия фармацевтика саноати қизилмия ўсимлигидан бир қанча галенли препаратлар (доривор суюқлик, чой, қуюқ ширалар, экстрактлар, пилюлалар) ишлаб чиқармоқда. Бу дори-дармонлар балғам кўчирувчи, сурги, қўланса ҳидга қарши ишлатиладиган воситалар ҳисобланади. Қизилмиядан озиқ-овқат саноатида ёқимли ичимликлар, конфетлар ҳамда тамакига яхши таъм беришда фойдаланиш мумкин. Урта Осиё ва Кавказ халқлари бу ўсимлик илдизидан бўёқ олиб, уни жун газламаларни бўяшда ишлатганлар. Қизилмия таркибида хилма-хил органик ва минерал моддалар мавжудdir. Масалан, унинг илдизида 6—14% ширин-тахир глюкозид-глицеризин ва олма кислоталари, шакар ҳамда 8,4% танид моддаси бўлади; ер устки қисмларида 8% сапонин, 15% оқсил ва 7% ёғ ҳамда бошқа фойдали моддалар борлиги аниқланган.

ЧОЙЎТ (*Hypericum perforatum* K.) чойўтдошлар оиласига кирувчи, бўйи 75 см гача бўлган кўп йиллик ўт бўлиб, пояси силлиқ, юқори қисми шохлангандир (31-расм). Барги тухум-



30-расм. Қизилмия.



31-расм. Чойұт.

симон, түпгүллари чүткасимон-рўвак ёки юмалоқ-тухумсимон шаклда бўлади. У адир миңтақасидан бошлаб тоғ миңтақасининг ўрта қисмигача бўлган жойларда турли шароитга мослашган ҳолда учрайди. Чойұт май-август ойларида гуллайди, июль-сентябрь ойларида эса уруғи пишади. Чойұтнинг шифобаҳшлиги жуда қадимдан маълум. Шу сабабни халқимиз чойұт 99 дарднинг давоси деб бежиз айтмаган. Унинг ер устки қисмидан жигар, ошқозон, шамоллаш каби касалликларни даволашда ҳамда буриштирувчи ва сийдик ҳайдовчи восита ва бўёқ сифатида фойдалангилар. Бу ўсимликнинг барги, новда ва түпгүллари, айниқса гуллаш даврида дори-дармонлик хусусиятига эга бўлиб, улардан тиббиётда ошқозон-ичак, жигар, йўтал, яра, зотилжам касалликларини даволашда, қон кетишини тўхтатишда доридармон (шарбат ёки препарат) сифатида фойдаланилади. Чойұтдан антибактериал хусусиятга эга бўлган иманин ҳамда оқсили препарат гиптальбин тайёрланади. У шикастланган тўқимани тиклайди. Баъзи маълумотларга қараганда, чойұтдан олинган шарбат вена қон томирига

кеборилса, у юрак фаолиятини ва қон босимини яхшилади, иштаҳани очади, ошқозон-ичак ишини тартибга солади. Болгар халқ табобатида чойұтдан ошқозон ширасидаги кислоталиликтин пасайтиришда, бўғим бодини, бувасил (геморрой), жигар, буйрак касалликларини даволашда фойдаланилади. Бу ўсимликдан Чехословакияда ҳам нафас ва ошқозон-ичак йўлларида учрайдиган ҳар хил касалликларни даволашда фойдаланилади. Чойұтнинг бундай шифобаҳш бўлишига сабаб, унинг таркибида турли кимёвий моддалар бўлишидир; чунончи; 3,8—13% танид, 14% смола, 12% шакар моддалари, 0,2—0,5% эфир мойи, гипрозид-глюкозид, flavon-гиперин, гиперицин, псевдогиперицин каротин, антоциан, органик кислоталар, минерал тузлар ва С, А витамиини бўлади.

ҚОРААНДИЗ (*Inula helenium L.*) мураккабгулдошлар оиласига кирувчи пояси тик, жўякли, тукли, бўйи 100—175 см келадиган кўп йиллик ўтдир. Барглари жуда йирик бўлиб, узунлиги 50 см, эни 25 см гача; атрофи тиҳсимон қирқилган, тукчалар билан қопланган бўлади. Қораандиз июнь-июль ойларида гуллайди ва уруғи июль-август ойларида пишади. У тоғ этакларидан тортиб, тоғ миңтақасининг ўрта қисмигача бўлган захерларда, дарахт ва буталар орасида учрайди. Қораандиздан

жуда қадим замонлардан буен Ўрта Осиё ва Европа халқлари турли мақсадларда фойдаланиб келган. Абу Али ибн Сино бу ўсимликнинг илдиз ва баргларидан бод, бўғим оғриқлари ва эт узилишини даволашда фойдаланган. Халқимизнинг Андиз бор жойда от ўлмас дейиши бежиз эмас. Халқ табобатида ҳозирги пайтда ҳам қораандиз илдизидан тайёрланган кукун ва шарбатлардан балғам кўчирувчи, сийдик ҳайдовчи, ҳароратни пасайтирувчи, қичима, экзема, бавосил, сил касалликларини даволашда ва гижжа туширувчи дори сифатида, баргидан эса яраларни даволашда фойдаланилади. Тиббиётда унинг илдизидан тайёрланган дори ошқозсн ва йўғон ичак жароҳатларини даволашда ишлатиляпти. Қораандиз манзарали ва нектар (шира) га бой ўсимлик бўлиб, унинг илдизидан газмол бўяшда ҳам фойдаланиш мумкин. Қораандиз таркибида органик моддалар, минерал тузлар, С витамини ҳамда эфир мойи, 44% инулин, 6% танид моддаси ҳамда бирмунча алкалоид ва сапонин моддаларининг мавжудлиги сабабли у қимматбаҳо доривор ўсимлик ҳисобланади. Баргиде алантопикрин деб аталувчи аччиқ модда ҳам бўлади. Куз фаслида унинг илдизида фойдали моддалар миқдори ортади. Демак, шу вақтларда уни фойдаланиш учун йигиштириб олиш мақсадга мувофиқдир.

БОЗУЛБАНГ (*Lagochilus inebrians* Bge.) лабгулдошлар оиласига мансуб, бўйи 20—60 см келадиган кўп ийллик ўт (32-расм). Пояси асосидан ёғочланган, тик шохланган, қаттиқ тукчалар билан қопланган. Улар тушиб кетгандан кейин ўрнини оқ, ялтироқ пўстлоқ эгаллайди. Барги бандли, тухумсимон, думалоқ ёки деярли елпигичсимон, тўмтоқ, асоси понасимон, бўлакли, барг чети бутун ёки бўлакчали, сертуклидир. Гуллари ўтроқ, юқори барг қўлтиқларида 4—6 тадан жойлашган. Ён барглари уч қиррали, бигизсимон, тиканли, туклар билан қопланган. Гултожи 20—28 мм узунликда, оқ ёки пушти рангли, томирчалари жигар рангдадир. Ёнгоқчалари туксиз, 4—5 мм катталикда. Бозулбанг июнь-июль ойларида гуллайди ва уруғи июль-сентябрь ойларида етилади. Бу ўсимлик Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг адирларида ва тоғ этакларидаги шағал тошли жойларда тарқалган. Бозулбанг халқ табоба-



32-расм. Бозулбанг.

тида ва тиббиётда жуда қадрланади. Ундан тайёрланган қайнатма ва шарбат қон кетишини тұхтатиши, қон босимини пасайтириш хусусиятларига зәгадир. Бозулбанг органларыда лагохилин, 4—7% танид, флавонли глюкозид, органик кислоталар, каротин, 0,05% эфир мойи ва С витамины ҳамда темир, кальций тузлари мавжуд.

АРСЛОНҚУЛОҚ (*Leonurus turkestanicus* V. Krecz et Kipr.) лабгулдошлар оиласига киравчи бўйи 150 см келадиган кўп йиллик ўтдири. Пояси юқори қисмидан шохланган бўлади. Барги узун бандли, кенг-тухумсимон, думалоқ, панжасимон бўлинган, патсимон бўлаклардан иборат.

Гуллари пояда ҳалқасимон жойлашган. Ён барглари бигизсимон, бир оз қайрилган бўлиб, майниндир. Косачанинг учун учбурчакли, тиканга айланган. Гултожи 12—13 мм узунликда бўлиб, оч қизил ёки тўқ пушти ранглидир. Арслонқулоқ июнь-июль ойларида гуллаб, уруғи июль-август ойларида пишади. У дарахт ва буталар орасида, йўл атрофларида, тоғнинг ўрта қисмигача бўлган жойларда (арик ва булоқлар бўйида) кўплаб учрайди. Арслонқулоқдан тайёрланган қайнатмадан ошқозон ва юрак оғриқларини ҳамда асаб касаллукларини даволашда фойдаланилади. Бу ўсимликнинг ер устки қисмларининг таркибида леопурин деган аччиқ модда, 5—8% танид, сапонин, алкалоид, 0,1—0,2% эфир мойи тарабида.

Барглари минерал тузлар бор.

САЧРАТҚИ (*Cichorium intybus* L.) мураккабгулдошлар оиласига киравчи кўп йиллик ўт ўсимликдир (33-расм). Пояси тик, тукчалар билан қопланган, шохланган бўлиб, бўйи 70—125 см га етади. Унинг илдизолди барглари тескари-тухумсимон, чўзиқ, чети қирқилган. Поя барглари наштарсимон, йирик, тишсимон қирқилган, асоси пояни ўраб туради. Поя юқори қисмидаги барглар яхлит, қирқилмаган. Саватчалари поя ва ён новда учладида тўп бўлиб ёки биттадан жойлашган, қисқа гулбандлидир. Гуллари кўк-ҳаво ранглидир. Сачратқи ўсиш шароитига қараб, июнь ойидан то октябрь ойигача гуллайди ва уруғи етилади. Бу ўсимлик ариқ ва дарё қирғоқларида йўлларнинг четида, ташландиқ ерларда, боғларда, захжойларда ўсади ва адир минтақасидан бошлаб тоғнинг ўрта минтақасигача бўлган ерларда учрайди. Унинг баргидан салатлар тайёрлаб



33-расм. Сачратқи.

истеъмол этиш мумкин. Илдизидан эса юқори сифатли спирт олишда ҳамда озиқ-овқат саноатида вино ва кофе тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Халқимиз сачратқининг шифобаҳшилигини билган ҳолда, ундан тайёрланган шарбатга офтоб уришдан сақлаш ниятида болаларни чўмилтирган. Үсимлик кули ёғ, қатиқ билан аралаштирилиб тери экземасига қарши ишлатилган. Илдиз шарбатидан иштаҳани очадиган, ошқозон-ичак фаолиятини яхшилайдиган дори-дармон сифатида фойдаланган. Жигар ва сарик касалини, чипқон ҳамда теридаги доғларни кетказишида қўлланган. Чехословакияда сачратқини қанд лавлаги сингари экиб, цикория деган кофе ва чой тайёрлаш учун зарур бўлган модда оладилар. Сачратқи илдизида 55—65% инулин, 0,1—0,2% аччиқ модда интибин, 4,0—9,5% фруктоза, 10—20% левулоза, 0,6% ёғ ҳамда В₁ витамини бор. Баргида эса ёғ, инулин, шакар, азотли моддалар, кальций, кобальт, темир элементлари ҳамда витамин С, В₁ ва каротин бўлади. Сачратқи билан озиқланган сигирлар кўп сут беради.

ЗУБТУРУМ (*Plantago major* L.) зубтурумдошлар оиласидан бўлиб, бўйи 10 (55) см келадиган кўп йиллик ўт. Барги тухумсимон ёки эллипссимон, асоси юмалоқ ёки икки томонидан сиқиқ, текис қиррали. Гултожибарглари оч қўнғир рангли, тусиз, найчадан иборат, тухумсимон-наштар шаклга эгадир. Уруғи қўнғир тусли бўлиб, майда, зубтурум май-сентябрь ойларида гуллайди ва уруғлайди. У бегона ўт сифатида ариқ бўйларида, дарё қирғоқларида, йўл атрофларида, зах ерларда, боғларда кўп ўсади. Зубтурумнинг шифобаҳшилик хусусияти ҳалқقا қадимдан маълум. Унинг баргидан кўз оғриқни, яраларни, айниқса, чипқонни даволашда фойдаланиб келинган. Шарбатидан эса тери шамоллашини, қон кетишни тўхтатишда, йўтал ва ичкетишни даволашда дори-дармон сифатида фойдаланилган. Үсимлик баргида глюкозид, инвертин ва эмульсин, каротин, 4% танид моддалари, алкалоид ҳамда 8,4 мг %—41,2 мг % С, А, К витаминлари, уруғида оқсил ва 22% ёғ бўлади.

БЎЙИМОДАРОН, БОШОГРИҚЎТ (*Achillea millefolium* L.) мураккабгулдошлар оиласига кирувчи, пояси бир ёки бир неча чизиқли, тик ўсуви, бўйи 70—80 см га етадиган кўп йиллик ўтдир (43-расм). Барги патсимон қирқилган, оч яшил ёки яшил рангли, устки томони, айниқса томирчаларининг усти сертук бўлади. Поянинг учки қисмида ясси тўпгуллари саватча шаклида жойлашади. Саватчалари узунроқ, қадаҳсимондир. Бўйимодарон июнь-август ойларида гуллайди ва июль-сентябрь ойларида уруғлайди. Бу үсимлик йўл атрофларида, боғларда, дараҳт ва буталар тагида, сойларда, майда шағалли қияликларда учрайди. Умуман бўйимодарон адир минтақасидан яйлов минтақасигача бўлган ерларда тарқалган. Гуллаш даврида унинг ер устки қисмидан тайёрланган қиём ёки шарбат



34-расм. Бўйимодарон.

ки томони сийрак жингалак туккалидир. Коsача баргларининг шакли тескари-тухумсимон, ўткир учли бўлиб, тоjибаргларидан 1,5 марта қисқадир. Тоjибарглари сариқ рангли бўлиб, узунлиги 20—25 мм, эни 6—10 мм келади. Сариқул июнь-июль ойларида гуллаб, уруғи июль-август ойларида пишади. У Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари териториясидаги тоғ миintaқасининг юқори қисмидан бошлаб, яйлов миintaқасигача бўлган юмшоқ тупроқли жойларда ўсади. Сариқулнинг баргидан тайёрланадиган шарбатлар халқ табобатида қадимдан нафас қисиши касалликларига қарши ишлатилиб келинган. Сариқул юрак-қон томир системасининг ишини тартибга солувчи, қувватини оширувчи, сийдик ҳайдовчи дори-дармон сифатида ишлатилаётган *A. vernalis* ўсимлигига нисбатан таъсир қуввати 2,5 марта кучли. Чунки унинг ер устки қисмларида юрак касалини даволашда ишлатиладиган адонизид глюкозиди жуда кўп миқдордадир.

БЕШБАРГ (*Potentilla reptans* L.) раъногулдошлар оиласига мансуб, судралиб ўсуvчи, кўп йилик ўт. Унинг пояси ингичка, туксиз ёки сийрак, қисқа туккали бўлиб, судралиб ўсиб поя бўғимларидан илдиз чиқаради. Илдизолди барглари узун бандли, ўткир, яхлит қирғоқли, панжасимон, 5—7 баргчали бўлади: баргларининг чети арасимон тишлидир. Поя барглари қисқа бандли, бир оз йирикроқ бўлади. Гуллари барг қўлтиғида

халқ табобатида ошқозон-ичак касалликлари, бошогриқ, зотилжам, қон кетиш каби касалликларни даволашда қўлланилади.

Таббиётда ҳам ундан тайёрланган препаратлар билан ошқозон яраси, ичакдан қон кетиш, бавосил касаллиги даволанади. Бўйимодарон ўсимлигининг таркибида 0,01—0,65% эфир мойи, 0,05% алкалоид, танид ва аччиқ ахиллейн моддаси, глюкозид, органик кислоталар, минерал тузлар, каротин ҳамда С, К витаминлари бор.

ГУЛИЗАРДАК, САРИҚГУЛ (*Adonis turkestanica* Adolf.) айиқтовондошлар оиласига кирувчи, бўйн 80 см кела-диган кўп йиллик ўт. Пояси тўғри, кўндаланг ариқчали, жингалак тукчали. Илдизолди барглари яхши ривожланмаган бўлиб, қўнғир рангли тангача кўринишидадир. Поя барглари йирик, бандсиз, жуфт патсимон қирқилган, учи ўткирлашган, яхлит қирғоқли ёки бир-икки бўлакли, ост-

биттадан жойлашган бўлиб, сариқ ранглидир. Чангчиси 20 та бўлиб, узун ипли ва чангдони чўзиқ. Мевалари тухумсимон силлиқ ва туксиз. Бешбарг май-август ойларида гуллайди ва уруғлайди. У жумҳуриятимизнинг текислик қисмидан тортиб, тоғ минтақасининг ўрта қисмигача бўлган деярли барча зах жойларда, ариқ атрофларида, дарё соҳилларида, ўтлокзорларда учрайди.

Халқ табобатида бешбарг илдизидан тайёрланган қайнатма ёки қиём ичкетиш ва қон кетишни тўхтатувчи, оғиз бўшлиғида баъзан содир бўлган жароҳатларни даволовчи восита хисобланади.

Бешбаргнинг органларида 5,8—11,5% танид, 16% гача қанд, органик кислоталар, глюкозид ҳамда С витамини мавжудdir.

ҚОҚИЎТ (*Taraxacum officinale* Web.) жумҳуриятимизнинг ҳамма жойида кенг тарқалган (айниқса, эрта баҳорда) ўсимликдир. Эрта баҳорда унинг майин, ёш баргларини кишилар витаминли сабзавот сифатида хомлигича (салатлар тайёрлаб) ишлатадилар. Унинг қуритилган илдизини янчиб, сўнгра қовуриб кофе ҳам тайёрлаш мумкин. Қоқиўтдан тиббиётда кўкрак оғриғи, камқонлик ва дармонсизланиш каби касалликларни даволашда фойдаланилади. Чехословакия халқ табобатида қоқиўтдан тайёрланган дори-дармондан жигар, сариқ ва қанд касаллигини даволашда фойдаланилади. Ундан турли галенли препаратлар тайёрланади. Унинг илдизи таркибида 40% инулин, 2—3% қанд моддаси, 3% каучук, 13—15% оқсили моддалар, 10% тараксацин деган аччиқ модда бор. Шунингдек барги ва илдизи таркибида 15,8—52,6 мг % С ҳамда В₂ витаминлари мавжуд.

САНЧИҚЎТ (*Thalictrum minus* L.) айиқтовондошлар оиласига мансуб бўлган кўп йиллик, пояси сербаргли, туксиз, силлиқ, тик ёки бўримидан эгилган ўтдир. Барги бандли, поянинг уч томонида жойлашганлари эса бандсиз. 3—4 марта қирқилган кенг патсимон баргларга эга. Гуллари қизил рангли бўлиб, рўваксимон тўпгул ҳосил қиласди. Гулқўргон барглари тухумсимон, узунлиги 3—4 мм ва эни 1,5—2 мм, чангчиларининг узунлиги эса 7—8 мм. Тугунчалари 4—8 та. Уруғи тухумсимон ёки овалсимон, узунлиги 4 мм ва эни 2 мм. Санчиқўт июнь-июль ойларида гуллайди ва уруғи июль-август ойларида пишади. Бу ўсимлик Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг воҳаларида, дарё қирғоқларида, тоғ минтақасининг ўрта қисмигача бўлган жойларда тарқалгандир. Санчиқўтдан тайёрланган шарбат ёки қиём билан биқин ва кўкрак оғриқ касалликларини даволаш мумкин. У турли хил кимёвий моддаларга бойдир. Айниқса, унинг барги таркибида С витамин 277 мг % ни ташкил этади.

ИХРОЖ (*Tithymalus zergavschanicus* (Rgl.) Prokhl.) сутламадошлар оиласига кирувчи илдизпояли, бўйи 10—40 см келадиган кўп

йиллик ўтдир. Пояси күп сонли, тик ўсуви ариқчали бўлиб, күп барглидир. Барглари яхлит қирғоқли, навбатлашиб жойлашган. Поянинг энг пастдаги барглари тангачасимон бўлиб, тушиб кетмайди. Юқори қисмидаги барглари чўзиқ-эллипссимон бўлиб, узунлиги 1,5—5,5 см, эни 0,5—1,7 см келади. Ён баргчалари жуфт, тухумсимон, ўткирлашган, катталиги 1—2,5 см, эни 0,5—1,0 см га тенг. Соябонсимон тўпгули новданинг учда жойлашган бўлиб, 5 нурлидир. Эркак гуллари чангидан, урғочи гуллари эса фақат уруғидан ташкил топган. Уруғлари уч хонали кўсакча ичиде етилади. Улар силлиқ бўлиб, оч қўнғир ранглидир. Ихроj июль-август ойларида гуллайди ва уруғлайди. У төf минтақасининг юқори қисмидан, то яйлов минтақасигача бўлган тошли ён бағирликларда ўсади. Баъзан йирик майдонларда ихроjзорларни ҳосил қиласди. Маҳаллий аҳоли ихроj ўсимлигидан кучли сурги сифатида, ошқозон-ичак яраларини ва очиқ яраларни даволашда, иштаҳани очадиган дори-дармон сифатида кенг фойдаланинг жумҳуриятимиз территорииясида 33 тур ихроj учрайди. Шулардан ҳозирча 4—5 туридан фойдаланилади. Уларнинг деярли барчасининг таркибида танид ва қанд моддаси, смола, С витамин ҳамда органик кислоталар бўлади.

СЕБАРГА (*Trifolium pratense* L.) дуккакдошлар оиласига кирувчи пояси ингичка, тик ўсуви, тукли (айниқса, бўғимлари), бўйи 50 см келадиган кўп йиллик ўтдир. Барги узун бандли (пастки баргларининг банди 20 см га етади) Баргчаларининг узунлиги 1,5—3,0 см, эни 0,69—2,8 см, тескари-тухумсимон ёки чўзиқроқ тухумсимон, яхлит қирғоқлидир. Қаллак шаклидаги тўпгулларининг катталиги 2—3,5 см келади. Улар поя ва новдаларининг уч қисмida биттадан жойлашган бўлади. Гуллари бандсиз бўлиб, ғултожи қизил-пушти ранглидир. Дуккаклари бир уруғли, эллипссимон ёки чўзиқроқ. Уруғи сариқ ёки жигар ранг, силлиқ, думалоқ, бир оз ўйилгандир, катталиги 1,5—2 мм га тенг. Себарга апрель-сентябрь ойларида гуллайди ва уруғи июнь-октябрь ойларида етилади. У жумҳуриятимизнинг барча экин майдонларида, ариқ бўйларида, дарё соҳилларида, заҳ ерларда, тоғолди қисмидаги жойларда кенг тарқалган ўсимликлардан ҳисобланади. Маҳаллий аҳоли себаргадан тайёрланган қайнатма билан куйган жойни ва яраларни даволайди. Сийдирувчи, ичоғриқни қолдирувчи, ошқозоннинг функциясини яхшиловчи дори сифатида фойдалидир. Чехословакияда себарга тўпгулларидан олинган шарбат билан кўкрак оғриғини даволайдилар. Хўшбўй ванна қабул қилишда кўп ишлатилади. Себаргада флавонли бўёқ моддалари, танид, протеин, клетчатка, кампферол, 0,02—0,3% эфир мойи, минерал тузлар, глюкозид-трифолин, салицилии ва кумарин кислоталари ҳамда 170—229 мг % С витамини бўлади.

ОҚҚАЛДИРМОҚ (*Tussilago farfara* L.) мураккабгулдошлар оиласига мансуб, илдизпояли судралиб ўсуви кўп йиллик ўти-

собланади. Унинг пояси 5—25 см баландликда бўлиб, бир-бигрига қўшилиб кетган тукчалар билан қопланган. Поядати барглари узунчоқ-тухумсимон, илдизпояюолди баргларининг эни 10—25 см, юраксимон, чети ҳар хил тищали, ўйилган, устки қисми туксиз бўлади. Гуллари саватча ҳолда жойлашган, саватчанинг диаметри 2,5 см гача бўлади. Оққалдирмоқ апрель-июль ойларида гуллаб, уруғлайди, У ўтлоқзорларда, аринқ ҳамда дарё бўйларида заҳ ерларда кенг тарқалган. Оққалдирмоқ баргидан тайёрланган қиём, шарбат ва шира турли хил касалликлар: йўтал, шамоллаш, сил касаллигини даволашда ишлатилади. Нафас сиқиш пайтида, унинг қуритилган барглари папирос каби чекилганда, жуда яхши натижа беради. Дори тайёрлашда ўсимлик барги чой таркибиغا киритилган бўлиб, галенли дорилар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Бу ўсимлик турли хил моддаларга бойдир. Унинг таркибида 5—12% танид, глюкозид, сапонин, туслилагин, фитострин, инулин, крахмал, каротиноид моддалари ҳамда С витамини кўп бўлади. Шунингдек, оққалдирмоқнинг гули таркибида 0,08—0,12 % эфир мойи, танид ва бўёқ моддаси тараксантина бор.

ОМОНҚОРА (*Ungernia vitoris* Vved.) чучоммагулдошлар оиласига киравчи кўп йиллик ўтдир. Унинг тухумсимон пиёзи 4—7 см катталика бўлиб қўнғир-қора рангдадир. Барги поядати икки қатор бўлиб жойлашган, эни 2—3 см, узунлиги 20—25 см га тенг. Соябони (2) 4—7 гулли бўлиб, ҳаммаси бир томонга қараган. Гуллари сарфиш-пушти рангда бўлади. Кўсакчалари кенг-юраксимон ажралган, эни 2—2,5 см. Омонқора август ойида гуллаб, уруғи сентябрда пишади. Омонқора ўсимлиги Сурхондарё вилоятидаги тоғ минтақасининг ўрта қисмидаги лой тупроқли ерларда кўп учрайди. Е. Е. Короткованинг таъкидлашича, ҳар йили унинг ҳўл ҳолатдаги баргидан 300—500 т ҳосил йиғиш мумкин, гектаридан эса 4—30 т ҳўл барг ва 30—300 т пиёз йиғиб олиш мумкин. Омонқора илдизи галантамин алкалоиди олишда асосий хомашё манбай ҳисобланади. Бу моддалар тиббиётда шол, радикулит ва бошқа асаб касалликларини даволашда ишлатилади.

ҚАШҚАРБЕДА (*Melilotus officinalis* Ders.) дуккакдошлар оиласига мансуб, икки йиллик ўсимлик (35-расм). Пояси тик, шохланган, туксиз ёки унинг юқори қисми тукли бўлиб, бўйи 100(150) см гача бўлади. Ёнбаргчаси бигизсимон; барги тухумсимон, узунлиги 9—25 мм, эни 3—16 мм га тенг. Шингилсимон тўпгулида 30—80 та гули бор. Гултожибарглари сариқ рангли. Дуккаклари тухумсимон бўлиб 5—8 мм катталика кўндалангига ғадир-будир, туксиз. Қашқарбеда май-август ойларида гуллайди ҳамда уруғлайди. Бу ўсимлик жумҳуриятимизнинг барча вилоятлари территорияларида бегона ўт сифатида кенг тарқалган. У ўйларидан, боғларда, экин майдонларида, ариқ бўйларида, ўтлоқзорларда учрайди. Халқ табобатида қашқарбеданинг ер устки қисмидан олинган қай-



35- расм. Қашқарбеда.

натма иситма касаллигини даволашда ишлатилади. Баргларидан тайёрланган талқондан яраларни даволашда фойдаланилади. Фармацевтикада турли дорилар тайёрлашда құлласа бўлади. Болгарияда ўсимлик шарбати чипқон, қулоқ оғриғи, мигрен ҳамда қон босимига қарши восита ҳисобланади. Қашқарбеданинг ер устки органларининг таркибида 398 мг % С, 45 мг % Е витаминлари, 8,5 мг % каротин, 0,25 % мелилотин-глюкозид, кумарин, холин, танид ва flavonli глюкозид бўлади.

ЁВВОЙИ САБЗИ (*Daucus carota* L.) соябонгулдошлар оиласидан бўлиб, бўйи 150 см келадиган кўп йиллик ўсимликдир. Унинг пояси думалоқ, силлиқ, чизиқчали, ўрта қисмидан бошлаб шохчаланиб кетган. Барги чўзиқтухумсимон, патсимон, икки бўлакчали, чети қирқилган ёки тишсимон бўлади. Баргнинг устки томони туксиз, остки томони эса тукли бўлади. Пастки барглари бандли, юқоридаги барглари эса бандсиз бўлиб, поя

ва новдаларда жойлашгандир. Тўпгули кўп нурли, соябон шаклида бўлиб, гуллаганида шингилларга бўлинib кетади. Меваси мевабандидан 2—3 марта қисқа. Ёввойи сабзи май—июнь ойларида гуллайди, уруғи июль-август ойларида пишади. У дарё ва ариқ бўйларида, боғларда, адирларда ҳамда тоғолди қисмларида учрайди. Ёввойи сабзининг уруғи турли мамлакатларда ҳар хил дори-дармон сифатида фойдаланилади: Мисрда буйракдаги тошларни туширишда, Америкада, Европа ва Осиёда ҳайз кўришни қўзғатувчи дори сифатида ишлатилади. Бизда унинг уруғи гижжага қарши ва сурги сифатида ишлатилади. Ёввойи сабзи уруғи сийдик ҳайдаш хусусиятига ҳам эгадир. Ўсимликнинг уруғи, пояси, ҳамда илдизи хушбўй ҳидли бўлганлиги сабабли, улардан балиқли, гўштли таомлар тайёрлашда, бодринг, карам, помидор, тарвуз тузлашда, олма, олча, шафтолиларни зираворлаб-сиркалашда, ликёр, вино ишлаб чиқаришда фойдаланилиши мумкин. Ёввойи сабзи уруғининг таркибида 18% ёғ, 21% протеин, 7,5% гача эфир мойи, каротин, А провитамин, 15—62 мг % В₁, В₂, К ва 11 мг % С витаминлар бўлади.

СУВҚАЛАМПИР (*Polygonum hydropiper* L.) торондошлар оиласига кирувчи бу ўсимлик аччиқ таъмли, пояси тик ўсуви қизғыш рангли, бўйи 75 см келадиган бир йиллик ўтдир. Поянинг

пастки қисмида жойлашган барглари қисқа бандли, юқоридағылары эса бандсиз бўлиб пояда жойлашгандир. Баргнинг узунлиги 8 см гача, эни эса 3 см гача бўлади. Сувқалампир июль-октябрь ойларида гуллайди ва уруғлайди. У, жумҳуриятимизнинг деярли барча вилоятлари территориясидаги ариқ бўйларида, сувли жойларда ва зах ерларда кўп тарқалган. Сувқалампирнинг барги, новда ва илдизи жуда аччиқдир. Гуллаш даврида унинг шифобахшлик хусусияти ортади. Ундан тайёрланган препарат гидропиперин ҳамда шарбат, ичдан қон кетиши, зотилжам ва бавосил касалликларини даволашда ишлатилиди. Болгар ҳалқ табобатида бу ўсимликнинг қиёмидан ошқозон, ичак касалликларини ва турли яраларни даволашда фойдаланилди. Сувқалампирнинг барг ва новдаларида рутин, квартетин, 8% гача танид, полигопиперин глюкозид, қанд моддалари, эфир мойи, полигон, сирка, олма, валериан ва мелисин кислоталари, минерал тузлар, Р, К ҳамда 200 мг % С витаминалари бўлади.

БАХМАЛГУЛ (*Althaea rosea* L.) пахтадошлар- гулхайридошлар оиласидан, бўйи 2 м гача стадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Поялари узун тик ўсади. Июнь-сентябрь ойларида гуллайди. Бахмалгулнинг ватани — Болқон. У МДҲ мамлакатларининг ҳамма жойларида; Болтиқ бўйидан тортиб, Ўрта Осиёнинг энг жанубий районларигача тарқалган. Асосан манзарали ўсимлик сифатида кўп экилади. У, батъзан бегона ўт сифатида экинлар ичиди ҳам учрайди. Наманган вилоятида озиқ-овқатга ишлатилидиган бўёқ олиш мақсадида бахмалгулнинг қизил серқатли хили саноат миқёсида ўстирилди. Гулида шиллиқ, ошловчи ва бўёвчи моддалар бўлади. Гулининг дамламаси меъда-ичак ва нафас органлари касалликларида қўлланилди.

ДАЛАЧОЙ (*Hurigicium perforatum* L.) далаҷоидошлар оиласидан, бўйи 30—35 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси битта ёки бир нечта, силлиқ. Июль-август ойларида гуллайди. Уруғи июль-сентябрь ойларида пишади. Ҳалқ табобатида далаҷоининг қайнатмаси ва дамламасидан буйрак, юрак, меъда-ичак йўли касалликларида, йўталда фойдаланилди. Яллиғланишга қарши антисептик ва организмнинг тонусини оширувчи восита сифатида қўлланилди. Ички органлардан қон кетганда тўхтатади. Сиртдан ярани битириш учун ишлатилиди. Гижжани туширади ва сийдикни ҳайдайди, суюқ экстракти спазмолитик таъсир кўрсатади. У жумҳуриятимизнинг тое зоналарида кўп ўсади.

ЧИЛОНЖИЙДА (*Ziziphus jujuba* Mill.) жумрутдошлар силасидан, бўйи 4—5 м гача етадиган кичикроқ дараҳт. Ёш новдалари тук билан қопланган, кекса шохлари яланғоч. Июнь-июль ойларида гуллайди. Меваси август-сентябрь ойларида пишади. Ўзбекистоннинг Ҳисор ва Фарғона тог тизмаларининг қуруқ ён бағирларида ўсади. Чилонжийда, айниқса, унинг дурагай нави кўп ўстирилди. Меваси таркибида 28% гача қанд, органик кисло-

талар, ошловчи моддалар, рутин, каротин бор. С витаминга бой. Баргода ошловчи моддалар, флавоноидлар, сапонинлар, органик кислоталар, қанд ва бошқа моддалар күп учрайди. Ибн Сино чилонжийда мевасидан буйрак ва қовуқ касалликларини даволашда фойдаланган. Халқ табобатида чилонжийда қайнатмаси камқонлик, астма, йўтади ва қон босими касалликларида қўлланилади. Бунда у сурги бўлади, сийдик ҳайдайди.

ҚОРАЗИРК (*Berberis oblonga* Schneid.) зиркдошлар оиласидан, бўйи 4 м гача етадиган бута. У май ойида гуллайди. Меваси август-сентябрь ойларида пишади. Меваси таркибида С, В₁, В₂, РР, Е, Н витаминлари, минерал тузлар, каротин каби моддалар бор. Мевасидан зиравор сифатида фойдаланилади. Ундан ичимликлар, шарбатлар, мураббо ва бошқалар тайёрлашда фойдаланилади. Тиббиётда мева ва баргидан тайёрланган дамлама сийдик ҳайдайди, сурги сифатида ичилади. Сариқ касалини даволашда қўлланилади.

СУВОРОВ ПИЁЗИ (*Allium suvorovii* Rgl.) пиёзгулдошлар оиласидан, бўйи 30—100 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. У май ойида гуллайди, хосили июнь ойида пишади. Пиёз бошининг қалинлиги 2—3 см. Фойдаланилайдиган қисми — пиёз бошида турли биологик актив моддалар — эфир мойлари, глюкозидлар, фитонцидлар, протеин, крахмал, аччиқ моддалар, А провитамины, В, С, витаминлари бўлади. Турли касалликларда, айниқса тери экземасида кучли фитонцид восита сифатида фойдаланилади. У жумҳуриятимизнинг адир ва тоғ зоналарида ўсади.

ЧЎЧҚАҚУЛОҚ (*Allium karaaviense* Rgl.) пиёзгулдошлар оиласидан, бўйи 15—25 см га етадиган кўп йиллик пиёз бошли ўсимлик. Апрель-май ойларида гуллайди. Май-июнь ойларида хосили етилади. Шарсимон пиёз бошининг қалинлиги 2—6 см. Пиёз боши таркибида эфир мойи, аччиқ моддалар, витаминлар, минерал тузлар, микроэлементлар, фитонцидлар ва бошқа биологик актив моддалар бўлади. Суворов пиёзи сингари турли касалликларни даволашда қўлланилади. У жумҳуриятимизнинг фақат тоғ зонасида ўсади.

ИТБУРУН (*Rosa canina* L.) раъногулдошлар оиласидан, бўйи 3 м гача етадиган бутадир. Шохлари ёйсимон тарвақайлаган, қаттиқ тиканлари сийрак жойлашган. Апрель-май ойларида гуллайди. Меваси июль-октябрь ойларида пишади. У жумҳуриятимизнинг тоғ дарёлари ва жилғалари қирғоқларида, боғларда, ёнғоқзорларда ва ўрмонларда ўсади. Халқ табобатида мева қайнатмаси ва дамламаси ичак фаолияти бузилганда ва инфекцияларда буриштирувчи восита сифатида, милк касалликларида оғиз чайиш учун ишлатилади. Мева экстракти — холосос холециститда, сариқ касаллигида, жигар ҳамда ўт пухагининг бошқа касалликларида қўлланилади.

ШИРИНМИЯ (*Glycyrrhiza glabra* L.) дуккакдошлар оиласидан, бўйи 60—100 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси бир нечта, тик ўсувчи тикансимон безлар билан қопланган. Май-июль ойларида гуллайди. Меваси июль-сентябрь ойларида етилади. Ширинмия қадимги шифобахш ўсимликлардан бири ҳисобланади. Илдизидан тайёрланган дорилар бод, нафас сиқиш, буйрак, тери ва кўз касалликлари ва меъда ярасини даволашда ишлатилади. Шунингдек, балғам кўчиради ва яллигланишга қарши таъсир этади. У жумҳуриятимизнинг чўл, адир ва тоғ зоналарида ўсади.

СИГИРҚУЙРУҚ (*Verbascum songoricum* Schrenk) сигирқуйруқдошлар оиласидан, бўйи 60—150 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояларининг, асосан юқори қисми шохланган, пастки қисми баргиз, пояси бақувват бўлиб ўқилдизли. Гулларида фойдаланиладиган қисмида шиллиқ моддалар, қанд, сапонин, эфир мойи, каротиноид ва бошқалар бор. Юқори нафас йўллари шамоллаганда, шунингдек меъда-ичак касалликларида яллигланишга қарши ва юмшатадиган восита сифатида қўлланилади. Ўзбекистоннинг тоғ ён бағирларидан тоғнинг ўрта қисмигача бўлган қияликларда ўсади.

БЎТАК ЎЗ (*Centaurea depressa* M.B.) мураккабгулошлар оиласидан, бўйи 50 см га етадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Май-июнь ойларида гуллайди. Меваси июнь-июль ойларида пишади. У сийдик ҳайдовчи дори сифатида буйрак ва қовуқ касалликларида қўлланилади. Ўсимлик гули баъзи сийдик ҳайдовчи чойлар таркибида киради. Халқ табобатида иссиқни туширувчи сифатида ва баъзи кўз касалликларини даволашда фойдаланилади. Жумҳуриятимизнинг адир ва тоғ зоналарида бегона ўт сифатида кўп ўсади.

ҚИЗИЛБАРГ (*Epilobium tetragonum* L.) онаградошлар оиласидан, бўйи 70—100 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси оддий. Июнь-август ойларида гуллайди ва шу даврда меваси пишади. Барги таркибида аскорбин кислота, каротин, 10% га қадар пирогалл групласига кирадиган танид, алкалоид ва бошқа моддалар бор. У қизилқон яллигланишга қарши восита сифатида, меъда яраси касаллигига, гастрит ва колитларда қўлланилади. Қизилбарг жумҳуриятимизнинг Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятларидағи тоғларнинг ён бағирларнда ва далаларда ўсади.

МАВРАК (*Salvia sclarea* L.) лабгулдошлар оиласидан, бўйи 40—120 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Пояси жуда кўп, тик ўсади. Юқори қисми шохланган. Июнь-август ойларида гуллайди. Үруғи август-сентябрь ойларида пишади. Халқ табобатида маврак гули ва барги қайнатмаси юрак уриши тезлашганда, кам қувватлиқда, қовурилган меваси эса болалар бурни қонаганда ишлатилади. Мева талқонини ёғга ийлаб ярага қўйилади, ўти хушбўй, овқатни ҳазм қилишда ёрдам беради, буйрак касаллигига ва иссиқ кўтарилганда фойдала-

нилади. Маврак Ўзбекистоннинг тоғли ерларида, айниқса тоғларидаги тошли тупроқларда, бутазорлар орасида ва далаарда, қуий, ўрта миңтақаларда, чўлларда кўп ўсади.

ҚЎЙТИКАН (*Xanthium spinosum* L.) мураккабгулдошлар оиласидан, бўйи 20—60 см га етадиган бир йиллик ўсимлик. Пояси шохланган. Июнь-июль ойларида гуллайди. Уруғи август-сентябрь ойларида пишади. Таркибида йод кўп бўлганлиги учун бу ўсимликнинг ер устки қисмларидан қалқонсимон безнинг фаолияти сусайганда фойдаланиш тавсия этилади. Бундан ташқари, бу ўсимлик терлатувчи, бодга қарши, шунингдек, марказий асаб системасини тинчлантирувчи восита ҳамдир. Барги антисептик восита ҳисобланади. Меваси ва уруғи бир қатор тери касалликларини даволашда қўлланиладиган дори таркибига киради. Ўзбекистондаги ариқлар бўйларида, экинзорлар орасида ўсади.

САРИҚЧОЙ, ЧОЙЎТ (*Hyperricum scabrum* L.) далачойдошлар оиласидан, бўйи 20—50 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Пояси бир нечта, қизғиш. Май-июнь ойларида гуллайди. Уруғи июнь-август ойларида пишади. Махсус фитокимёвий текширишлар натижасида сариқчойнинг ер устки қисмидаги актив биологик моддалар миқдори худди далачойники сингари эканлиги аниқланди. Халқ табобатида сариқчойдан турли касалликларни; буйрак, юрак, меъда-ичак йўли шамоллагандан унинг қайнатмасидан фойдаланганлар. У худди далачой сингари фойдаланилади. Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғ этакларида, чакалакзорлар ичida, тошлоқ ерларда ўсади.

КОРААНДИЗ (*Inula helenium* L.) мураккабгулдошлар оиласидан, бўйи 100—175 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Поясининг юқори қисми шохланган. Илдизи ўқилдиз, қаттиқ туклар билан қопланган. Май-июнь ойларида гуллайди. Меваси июль-август ойларида пишади. Халқ табобатида кораандизнинг илдиз ва илдизпояси балғам кўчирувчи, сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади. У экзема, қўтирил, бавосил, гижжа туширувчи дори сифатида фойдаланилади.

Тиббиётда нафас йўлларининг ўткир ва сурункали касалликларида, меъда-ичак йўли фаолияти бузилганда қўлланилади. Қораандиз Ўзбекистоннинг адир ва тоғ зоналарида кенг тарқалган.

ТУРКИСТОН ДЎЛНАСИ (*Crataegus turkestanica* A. Pojark.) раънгулдошлар оиласидан бўйи 2—4 м га етадиган тиканли дараҳт. Ёш даврида тикансиз бўлади. Июнь ойида гуллайди. Сентябрь ойида меваси пишади. Гули таркибида хлороген кислота, холин, ацетилхолин, гиперозид ҳамда бошқа актив биологик моддалар борлиги аниқланган. Дўланадан тайёрланган дорилар юрак фаолиятининг иши бузилишида, юрак ва қон томирлари касалликларида қўлланилади. У Ўзбекистоннинг тоғ миңтақасида, тоғларнинг тошли ён бағирларидаги бутазорлар ичida ўсади.

ОЛАБҮТА (ОҚШҮРА) (*Chenopodium album* L.) шүрәдошлар оиласыга мансуб бүлган бу ўсимлик бегона ўт сифатида экин майдонларида, ташландиқ жойларда, девор тагларида ариқ бўйларида ҳамда шўрхок ерларда кўп учрайди. Халқ табобатида олабўта ўсимлигининг қайнатмаси ёки қиёми билан томоқ оғриғи, зотилжам, қичима ва ошқозон оғриғи каби касалликларни даволаганлар. Олабўта таркибида кўп миқдорда бўёқ моддаси, эфир мойи, леуцин ва бетанин алкалоидлари, олеан кислотаси, С витамини, каротин ва минерал тузлар бор. Уруғида эса 16% гача азотли, 38% гача азотсиз моддалар, сапонин ҳамда 6% гача ёғ бўлади.

ҚАРИҚИЗ (*Arctium leiospermum* Juz. et Serg.) мураккабгулдошлар оиласыга кирувчи бир йиллик ўт, бўйи 150—175 см келадиган, пояси тик ва қиррали, кўп баргли, юқори қисмидан шохлангандир. Илдиэолди барглари жуда йирик, тухумсизмон, асоси юраксизмон бўлади. Пояда жойлашган барглари катта бандли устки томони яшил рангли, туксиз, баъзан қисқа тукли, остки томони оч яшил рангли, чети майда тишлидир. Гуллари саватча ҳолида жойлашган бўлиб, унинг диаметри 3 см гача бўлади. Қариқиз июнь-август ойларида гуллайди ва меваси июль-сентябрь ойларида пишади. Унинг меваси одам ва ҳайвонларга илашиб тарқалади. Бу ўсимлик сугориладиган воҳаларда (йўл атрофларида, уйлар атрофида, ахлатхоналарда) ўсади. Қариқизнинг ёш поя ва новдаларини пиширилган ҳолда, илдизини эса сабзавотлар сингари овқатларга солиб истеъмол қилинади. Зарур бўлганда қутилган илдизи янчилиб, буғдой ёки арпа унинг аралаштирилган ҳолда нон ёпилса ҳам бўлади. Ўсимликдан тайёрланган қиём сийдик ҳайдаш ва терлатиш хусусиятига эгадир. Барг ширасидан яраларни даволашда фойдаланилади. Уруғи сурги сифатида, чипқон ҳамда говмуччани даволаш учун қўлланилади. Чехословакияда қариқиздан галенли дори-дармон тайёрланаби, йиринглаган яра ва экземани даволашда ҳамда сочни мустаҳкамлаш ва ўстириш учун фойдаланилади. Қариқиз илдизи таркибида 35—40% инулин ва танид ҳамда аччиқ моддалар бўлади. Унинг ер устки органларида 2—4% танид моддаси, пигмент, каротин ва оз миқдорда эфир мойи мавжуддир.

САПОНИНЛИ ЎСИМЛИКЛАР

САПОНИН — кўпирувчи деган маънони англатиб, ўсимликлар ҳосиласи ҳисобланади. У кимёвий таркибига кўра жуда мураккаб тузилишга эга. Сувда коллондли қуюқлик ҳосил қиласи, қаттиқ чайқатилганда кўпирадиган, глюкозидлар группасига кирувчи модда. Сапонин тоза ҳолда оқ рангли кундан иборатдир. У кислоталар таъсирида гидролизланганда агликонлар ва ҳар хил шакарли қисмларга парчаланади. Кўп ядроли бирикма агликонлар сапонин таркибида бўлиб, уларни

сапогенинлар дейилади. Сапонин шундай бир хусусиятга эгаки, у холестерин моддалари билан ўзаро таъсирашиб молекулали бирикмалар ҳосил қилиб, сувда яхши эримайди. Бу моддаларнинг хусусиятидан фойдаланиб, бир қанча янги бирикмалар ҳосил қилиш мумкин. Сапонин яхши кристалланмайди, ишлов берилганда осон парчаланганилиги туфайли соф ҳолдаги кимёвий сапонин моддасини ажратиб олиш жуда ҳам қийиндири. Сапонин моддаларининг кўпчилик қисми аморф ҳолатда ажратиб олинган бўлиб, таркибида бошқа моддалар ҳам учрайди. Сапогенин сувда эримаслиги, аммо органик эритувчи моддаларда яхши эриши, сувда кўпирмаслиги ҳамда қонни қуюқлаштираслиги туфайли сапониндан фарқ қиласди. Сапогенин сапонинга қараганда яхши ўрганилган, стеринсимон бирикмаларга ўхшаш бўлганлиги туфайли физиологик актив моддаларни, айниқса жинсий гормонлар, бўйрак қобигидаги гормонлар юракка таъсири этувчи гликозидлар ва ўт кислоталарни ўрганишда муҳим роль ўйнайди. Сапонин инсон организмининг баъзи бирларига кучли таъсири этади. Улар бурун, лаб ва кўз атрофидаги ҳужайра ҳамда тўқималарни яллиғлантиради, кўзни ёшлантиради, бурундан сув келтиради, акса урдиртиради, баъзан аллергия беради, қизил қон таначалари (эритроцитлар) ни парчалайди, яъни гемолизлантиради.

Тиббиётда сапониндан тайёрланган турли дори-дармонлардан кенг фойдаланилади. Айниқса, балғам кўчирувчи, сийдик ҳайдовчи, экзема ва бод касалликларини даволашда кенг ишлатилади. Диоскария ўсимлигидан олинадиган сапониндан диосгенин, кортизон, преднизолон ва бошқа бир қанча қимматбаҳо дори-дармонларни синтез қилишда асосий хомашё манбани ҳисобланади. Ўсимликлардан олинаётган сапонин моддалирига ҳалқ ҳўжалигимизнинг турли тармоқларида эҳтиёж каттадир. Улардан пенобетонлар ишлаб чиқаришда, озиқ-овқат саноатида қандолатлар ҳамда нишолда тайёрлашда, тўқимачилик саноатида жундан ясалган газмолларни тозалашда кенг қўлланилади. Шунингдек металлургия алюминини электролиз қилишда ишлатилади. Сапонинли ўсимликлар Узбекистон флорасида ҳам кўп тарқалган. Сапонинлар ўсимликларнинг аъзоларида ҳар хил миқдорда, яъни барги, гули пояси, меваси, илдизи ва тугунакларида тўплланади. Сапонинлар миқдори ўсимлик аъзоларида бир оз ёки кўп тўпланиши турли хил факторларга боғлиқdir. Аввало, ўсимликларнинг ўсиш шароитига, ривожланиш даврига ҳамда кўп жиҳатдан ёшига, агар улар экин сифатида ўстириладиган бўлса, қўлланиладиган агротехник тадбирларга боғлиқdir. Узбекистон флорасида учрайдиган, қимматбаҳо хомашё манбани ҳисобланган, аммо ўринсиз фойдаланиш туфайли Узбекистон «Қизил китобига» киритилган (етмак ёки бех), уларни экин сифатида ўстириш мумкин. Шу ўсимликлардан айримларини баён этамиз:

ЕТМАК (*Acanthophyllum gypsophiloides* Rgl.) чиннигулдошлар оиласидан, бўйи 50—80 см га етадиган чала бута шаклида ўсувчи кўп йиллик ўсимлик. Пояси тик, ён шохчалар ҳосил қилиб ўсади. У шундай ён шохчалар ҳосил қиласиди, унинг диаметри 80 см дан ошади. Поялари оқиш ва тўқ қизил тусада, бўғимлари йўғон бўлади. Илдизи жуда ҳам энич, йўғонлиги 10 см га етади. Барглари поя ва ён шохчаларида бир-бирига қарама-қарши ҳолда жойлашади. Барги узунчоқ, бигизсимон шаклда, узунлиги 1—2 см, эни 0,5—3,0, мм, тиканга ўхшайди. Етмак март ойида гуллаб, кўкаради. Гултожибарглари оқ, узунлиги 0,5 см га яқин, тўпгуллари поясининг учидаги жойлашган. Гуллари жуда тез тўкилиб кетади. Меваси май-июнь ойларида пишади. Уруғидан яхши унади. Етмакнинг илдизида кўпик ҳосил қилувчи модда — сапонин бор. Сапонин моддаси кондитер саноатида (нишолда, лак, крем, бўёқ ишлаб чиқариш саноатида), газламаларни ювиш, металларни тозалаш, ҳашаротларга қарши курашиб ва ўт ўчириш ишларида, қисман дори тайёрлашда кенг фойдаланилади. Ўзбекистоннинг Пискент ва Оҳангарон районлари атрофида кўп учрайди.

ЕРСОВУН (*Leontice eversmannii* Bunge) зиркдошлар оиласидан, бўйи 20—45 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик (36-расм). Унинг ер ости пояси 20—30 см узунликда бўлиб, поясининг асосида тугунаклари бўлади. Тугунакларнинг катталиги 15 см дан ошади. У февраль ойида кўкариб, апрель ойида гуллайди. Гуллари сарғиш, 20—30 таси бирга тўпланиб, шодагул ҳосил қиласиди. Дастреблаб илдиз бўғиздан чиқадиган иккита барги 3—5 см кўтарилади. Барг япроги уч бўлакка бўлинган. Барги мураккаб баргга ўхшаб кетади. Поядаги барглар сони 3 та ёки 5 та бўлади. Булардан поясининг пастки қисмидаги иккитаси илдиз бўғизидаги баргларга ўхшашдир. Ерсовун меваси май ойида пишади. У шишиган чаноқчадан иборат. У жумҳуриятимизнинг кўпгина вилоятларида қумлоқ ва соуз тупроқли ерларда ўсади. Айниқса, лалмикор ерларда кўп учрайди. Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон ноҳияларида жуда кўп ўсади. Унинг илдизи таркибида кўпик ҳосил қилувчи модда бўлгани учун



36-расм. Ерсовун.

илгари вақтди совун ўрнида ишлатилган. Тугунағида крахмал ҳам кўп. Ундан спирт саноатида, дори тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Уни моллар деярли емайди.

КАЧИМ (*Gypsophila perfoliata* L.) чиннигулдошлар оиласига кирувчи, баландлиги 140 см гача борадиган кўп йиллик ўт ўсимлиkdir. Пояси этдор, бир қанча шоҳ-шаббачаларга эга. Барглари узун сершира, кўк рангли, ўткир, наштарсимон. Гуллари рўвак ҳолидаги тўпгуллар ҳосил қиласи. Гултожибарглари оч қизғиши ранглидир. Качим июнь-август ойларида гуллайди, уруғи август-сентябрь ойларида тўлиқ пишади. Качим ўсимлиги табиатда унча кенг тарқалмаган. У адир ҳамда тоғолди қисмида, шўрҳок ерларда заҳроқ жойларда тарқалгандир. Качимнинг табиий бойликлари йўқ. Лекин, унинг хомашёсига бўлган талаб йилдан-йилга ошиб бормоқда. Чунки ўсимликнинг илдизлари 8 фоизгача сапонин моддаларини сақлайди. Унинг ер устки массаси қорамол ва қўй-эчклилар учун тўйнимли озиқ-ҳашак ҳисобланади. Ҳашак таркибида 12 фоиздан кўпроқ ҳўл протеин, 15 фоизга яқин оқсил моддалари ҳамда 2 фоиздан ортиқ ёғлар борлиги аниқланган. Качим хомашёсига бўлган талабни қондириш мақсадида уни экинга айлантириш агротехника қондалари Узбекистон Фанлари академияси Ботаника илмий-тадқиқот институти ўсимлик хомашёлари бўлимнинг олимлари томонидан ишлаб чиқилган. Экинга айлантирилган качим ўсимлигидан олинадиган хомашё учинчи йилиёқ барча техник талабларга тўлиқ жавоб беради. Бу даврда унинг илдиз ҳосилдорлиги қуруқ вазнда гектаридан 18 т га етади. Ундаги сапонин моддаларининг миқдори эса 16 фоиздан ортади.

ЗАҲАРЛИ ЎСИМЛИКЛАР

Заҳарли ўсимликлар ўз органларида заҳарли моддалар (алкалоидлар, гликозидлар ва органик кислоталар)ни сақлайди. Ўсимликларнинг зарарлилиги, айниқса, уларнинг таркибидаги кимёвий моддаларнинг хилларига ҳамда миқдорига боғлиқдир. Алкалоидлар (арафча алкали — ишқор ва юнонча еидос — ўхшаш деган сўзларидан олинган бўлиб, ишқорга ўхшаш маъносини беради) углеродли бирикмалардан ташкил топган бўлиб, ўз таркибида азот моддасини сақлайди ва ишқорий реакцияли бўлгани туфайли кислоталар билан реакцияга киришиб, туз ҳосил қилиши қобилиятига эгадир. Шу сабабли, кўпинча алкалоидлар ўсимликлар таркибида туз ҳолатида учрайди. Гликозидлар фермент ёки қайнатилган сув таъсирида қанд ва аглюкон моддаларига парчаланади. Ана шу аглюкон моддаси гликозидларнинг одам организмига таъсирини кўрсатади. Кўпчилик гликозидлар юракнинг иш фаолиятига таъсир этади. Гликозидларга сапонин моддалари ҳам киради. Бу модда совунга ўхшаш кўпчилик гликозидларнинг иш фаолиятига эга бўлиб, одам организмига ёмон таъсир қиласи.

ради. Ошловчи моддалар эса, таъм билиш нервларини қўтиқ-лайди ва буриштиради. Аччиқ моддалар эса асабин қўзғатиб сўлак ва ошқозон суюқлиги ишлаб чиқарувчи безларнинг фолиятига ёмон таъсир этади. Заҳарли ўсимликлар таркибида, бундан ташқари синил, филикс, лимон, олма, янтар ва бошқа органик кислоталар бўлади. Бу кислоталардан энг заҳарлиси синил кислота бўлиб, аглютин каби таъсирга эга. Шунингдек, баъзи эфир мойлари ҳам инсон организмига таъсир этиб, бош оғритади ва кўнгилни айнитади. Агар ўсимликлардаги заҳарли моддалар ҳайвон ёки одам организмига ўтиб қолгудек бўлса, улар организмига турли хил таъсир қилиб, нерв системаларининг иш фолиятини ўзгартирали ҳамда заҳарланиши вужудга келтиради. Бундай ўсимликлардан бири Мадагаскар оролида ўсадиган тангин ёнғонининг меваси бўлиб, у бодом меваси катталигига, унинг бир донаси билан 20 дан ортиқ одамни заҳарлаб ўлдириш мумкин. Ўсимлик таркибидаги заҳарли моддалар ҳам уларнинг ўсиш шароитига, ривожланиш даврларига, ёшига ҳамда тарқалишига қараб ўзгариб туради. Оқпарпи ўсимлиги заҳарли бўлиб, уни ҳар йили манзарали ўсимлик сифатида ўстирганда, бир неча йилдан сўнг заҳарсиз ўсимликка айланishi мумкин. Бошқа ноҳияларга нисбатан жанубий ноҳияларда учрайдиган заҳарли ўсимликларнинг заҳарлилик ҳусусияти кучлироқдир. Ўсимлик органларида тўпланган заҳарли моддаларнинг миқдори бир хил бўлмайди. Бу моддалар ўсимликнинг ер устки қисмларда гулларида, илдизларида ёки меваларида тўпланади. Кўпинча заҳарли ўсимликлар ҳўллигига қуритилганига нисбатан жуда хавфлидир. Қуритилган ўсимликларда заҳарли моддаларнинг миқдори ҳамда таъсир этиши камая боради. Кўпчилик заҳарли ўсимликлардан олинган заҳарли моддалар оз миқдорида дори-дармонлик ҳусусиятига эга бўлиб, улардан турли-туман дорилар ишлаб чиқарилади ва ҳар хил касалликларни даволашда кенг қўлланилади. Заҳарли ўсимликларни билмаслик ва уларга етарли эътибор қиласлик натижасида заҳарланиши ҳоллари рўй бериши мумкин. Шу сабабли биз, қўйида жумҳуриятимиз териториясида кенг тарқалган айрим заҳарли ўсимликлар ҳақида тўхталамиз.

ОҚПАРПИ (*Aconitum talassicum* M. Pop.) айиқтовондошлар оиласига мансуб, тугунак илдизли кўл йиллик ўт. Ўсимликнинг бўйи 15 см га етади, пояси тик, оддий ёки кам шохланган, жингалак тукчалар билан қопланган бўлади. Остки барги бандли, энг учидагиси эса бандсиз, остки ва устки томони туксиз, асосигача бўлинган, 3—5 понасимон сиқиқ бўлакчалардан иборат. Уларнинг ҳар бири 2—3 йирик тишли, бўлакчали бўлади. Юқори шингилчаларида гуллари йирик, оч-кўк ранглидир. Гулқўрғонининг юқори баргчалари тухумсимон, чети тукчали бўлади. Уруғи 2 мм бўлиб, оч рангли. Бу ўсимлик шюнь-август ойларида гуллайди ва уруғи август-сентябрь

ойларида пишади. Оқпарпи Тошкент, Самарқанд вилоятларидаги тоғ минтақасининг тошли ён бағирликларида учрайди. Оқпарпининг барча қисми, айниқса, тугунак илдизлари жуда заҳарлидир. Ундаги заҳарли моддаларнинг асосини аконитин, мезоконитин, гипаконитин, напеллин алкалоидлари ташкил этади. Бу ўсимлик чорва моллари учун заҳарлидир. Уни одам истеъмол қилса заҳарланиши мумкин.

ТОГТУРБИД (*Dictamnus tadschikorum Vved.*) рутадошлар оиласига кирувчи бўйи 50—80 см келадиган кўп йиллик ўтдири. Ўсимлик танаси жингалак тукчалар билан қопланган. Барги 3—6—7—8 жуфтли бўлиб, мураккаб патсимондир. Гуллари шингилсимон рўвак шаклда. Ён баргчалари чўзиқ наштарсимон, узунлиги 6—7 мм. Гултожибарглари пушти рангли, 3,5 см гача катталикда бўлади. У май-июнь ойларида гуллайди ва уруғи июль-август ойларида пишади. Тоғтурбид Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларининг тоғ минтақаларида бута ва дараҳтзорлар орасида учрайди. Бу ўсимлик танасида заҳарли моддалар ҳосил қилувчи безлар мавжуд. Шу безлардаги суюқлик одамнинг бирор жойига (террисига) тегса, шу ерни ачиштиради ва ўяди. Натижада терида узоқ вақтгача сақланиб қоладиган қизил ва қора доғлар пайдо бўлади. Бордию, уларни ҳайвонлар истеъмол қилса, тезда заҳарланиб ўлади. Тоғтурбид таркибида кўп миқдорда эфир мойи бўлиб, унинг асосини флексинеоллол, диктамнолактон, тригонеллин ҳамда тез тарқалувчи метилховиковол ва ацетол ташкил этади. Алкалоидлардан эса диктамин, скимианинлар мавжуддир.

ҒУМАЙ (*Sorghum halapense* (L.) Rers.) бошоқдошлар оиласига мансуб бўлган кўп йиллик, илдизпояли карантин ва жуда хавфли бегона ўтлардан ҳисобланади. Ўсимликнинг бўйи 160 см гача бўлиб, пояси тик ўсади. Баргининг эни 2 см келади. Рўваксимон тўпгулининг узунлиги 40 см дир. Илдизпояларининг узунлиги 15—20 см бўлади. Ғумай июль-август ойларида гуллайди ҳамда уруғлайди. У жумҳуриятимизнинг барча суюриладиган экин майдонларида кенг тарқалган. Ғумай танасида синил кислота ва цианоген глюкозиди бўлганлиги сабабли уни еган чорва моллари тезда заҳарланади. Чорва моллари учун энг заҳарли давр унда ён новдалари ҳосил бўлган пайтдир. Кейинчалик унинг таркибидаги заҳарли моддалар миқдори камая боради. Бундай пайтда эса у чорва молларининг севимли озиқларидан бирига айланади.

КАМПИРЧОПОН (*Trichodesma incanum* (Bge) DC.) говзабон (кампирчопон) дошлар оиласига кирувчи илдизпояси яхши ривожланган, пояси тарвақайлаган, судралиб ўсуви, баъзан тик ўсуви кўп йиллик ўсимликдир. Ўсимликнинг танаси, барги, гули қалин, майин туклар билан қопланган. Баргининг узунлиги 3—8 см, эни 1,3—2,8 см бўлиб, бандсиздир; шакли тухумсимон ёки чўзиқ тухумсимон бўлиб, чети текисдир. Тўп-

гуллари рўваксимон бўлиб, новдаларининг учларнда жойлашган. Гул банди дастлаб 1—2,5 см бўлиб, кейинроқ узаяди. Гултожибарги гуллаш даврининг бошланишида кўкимтири рангли бўлиб, кейинчалик пушти рангга айланади. Ёнфоқалари оқ жигар рангли, узунилиги 6—8 мм, эни 5—7 мм, кенг-тухумсимон бўлиб, қаттиқдир. Кампирчопон май-июль ойларида гуллайди ҳамда уруғ ҳосил қиласди. У воҳаларда, адир ва тоғ минтақаларида, айниқса лалмикор ерларда жуда кенг тарқалган заҳарли ўсимликдир. Унинг ер устки органларида заҳарли алкалоидлардан триходесмин, инқанинлар мавжуд. Алкалоидларнинг энг кўп миқдори ўсимликнинг уруғида бўлади. Унинг хом уруғида 1,5% ва пишган уруғида 2,7% алкалоид бор. Кампирчопон ўсимлиги чорва моллари ва баъзан одамлар учун жуда хавфлидир. Буғдой донига аралашган уруғлар овқатга ишлатилса, кишилар ҳаётида бахтсиз ҳодиса рўй бериши мумкин.

БОДИЁНИ РУМИЙ (*Conium maculatum* L.) соябонгулдошла оиласига кирувчи бу икки йиллик ўсимликнинг бўйи 100—120 см га етади. Унинг пояси ғовак, юзаси ариқчали, туксиз, юқори қисми шохланган бўлади. Илдизолди барглари узун бандли, уч марта қирқилган бўлиб, патсимондир. Соябонининг ҳар бири 20—25 мм катталикдаги ўзаро тенг бўлмаган 10 нурли соябончалардан ташкил топган. Гулбаргларининг катталиги 1 мм, уруғи 3 мм бўлиб, тухумсимондир. У май-июнь ойларида гуллаб, уруғи июль-август ойларида етилади. Бодиёни румий жумҳуриятимизнинг сугориладиган майдонларида, айниқса, Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида тоғ минтақасининг пастки қисмида кўп учрайди. У заҳарли ўсимлик бўлиб, таркибида конин, метилконин, коницени, конгидрин, псевдоконгидрин алкалоидлари, кофеин кислота, 0,08—0,12% эфир мойи бўлади. Ўсимлик уруғи пишган даврда уруғдаги алкалоидларнинг миқдори 2% га, эфир мойи эса 1,2% га етади. Кўпинча бу ўсимликнинг баргини петрушка барги, уруғини арпабодиён уруғи билан алмаштириб юбориш мумкин. Шу туфайли, баъзан у билан заҳарланиш ҳоллари учрайди. Инсон заҳарланганда марказий нерв системасининг иш фаолияти бузилади, нафас олиши оғирлашади ва бахтсиз ҳодиса рўй бериши мумкин.

УЧМА (*Ceratocephalus falcatus* (L.) Pers.) айиқтовондошлиар оиласига кирувчи бўйи 3—10 см келадиган бир йиллик ўт (37-расм). Барги бандли, панжасимон уч бўлакли, бўлаклари яхлит ёки 2—3 бўлакчалидир. Гулдор новдаларининг катталиги баргига тенг ёки бир оз каттароқ бўлади. Гуллари майда, оч сариқ рангли. Меваси тукчали ёки туксиз ўроқсимон эгилган учли, кўпинча юқорига қармоқсимон қайрилган бўлади. Учма март-апрель ойнда гуллайди; уруғи май ойнда пишади. Бу ўсимлик жумҳуриятимиз вилоятларининг чўл, адир ва тоғ минтақаларида кўп учрайди. Учма халқ табобатида қадим замонлардан



37- расм. Учма.

бери ишлатилиб келинмоқда. У билан тери касалликларини, айниқса қўтири ва яраларни даволаб келгандар. Учма чорва моллари учун гуллаш даврида жуда заҳарли ҳисобланади. Айниқса, ана шу даврда қўй ва эчкилар заҳарланиб ўлади. Ўсимликнинг заҳарли бўлиши таркибидагиprotoанемоние алкалоидига боғлиқдир. Ўсимлик таркибидаги 0,026% алкалоидлар бўлиб, улар тезда реакцияга кирувчи жуда актив моддалардан иборатдир. Ўзбекистонда учманинг икки тури, айниқса тарқалган, бирини оташак деб аталади. Умумий

биологияси жиҳатидан иккаласи ҳам бир-бираига ўхшаб кетади. Фарқи, фақат учманинг меваси илмоқсимон, оташакни эса тўғри, ўтқирдир. Иккаласи ҳам гуллаш вагулдан энди чиқиб мева туккан пайтида хавфли бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир табиатшунос учманинг заҳарли эканлигини билиши ва моллар еб заҳарланмаслиги олдини олиши керак. Юқорида баён этилган заҳарли ўсимликлардан ташқари, жумҳуриятимизда бирмунча кенг тарқалган бошқа турлар рўйхатини 9-жадвалда келтирамиз.

НАРКОТИК ЎСИМЛИКЛАР

Кейинги пайтда фақат жаҳондагина эмас, балки ўлкамизда ҳам наркотик, нашавандлик (гиёхвандлик) анча кенг ёйилди. Шу нарса ачинарли ва ҳаддан ташқари хавфлини нашавандликка кўпгина ёшлар ҳам берилмоқда. Наша — гиёҳ эса наркотик ўсимликлардан олинади. Наркотик ўсимликлар таркибидаги кишишинг марказий асаб системасини аввал кўзғатиб, сўнгра унинг иш фаолиятини кескин пасайтирадиган моддалари бўлган гиёхлардир. Бу моддалар қаторига асосан ўсимликлар таркибидаги (барги, меваси, пояси, уруғида учрайдиган) алкалоидлар киради. Шу сабабли ҳам наркотик ўсимликларнинг барча органлари заҳарли бўлиб, уни истеъмол қилган киши аста-секин унга ўрганиб наркоманияга — гиёхвандликка айланиб қолади. Шуни ачиниш билан айтиш мумкинки, бу дўзахга, қопқонга тушган кишининг ҳаётин жар ёқасида бўлади. Ундан қутулиш жуда оғир. Кўпчилик дастлаб бир чекиб кўрай қандай кайф бераркан, ҳиди қанақа экан, деб ҳазил-ҳазил билан бошлаб, сўнгра аста-секин ўрганиб қоладилар. Нашавандликнинг бошланишида, унинг биринчи даврида киши хурсанд, тетик, ҳушчақчақ, серҳаракат бўлади. Тез орада бу ҳолат сержаҳиллик, қўйполлик, тез аччиғи чиқадиган ва хафа

Заңарлы ўсимліклар

№	Махилдік номи	Илмий номи	Оиласы	Гуллаш даври
Бу та в а ч а л а б у т а л а р				
1	Құшбарғ	<i>Zygophyllum atriplicoides</i>	Тұятовондошлар	Апрель
2	Қызболтир	<i>Ammothamnus Ichmanii</i>	Дүккәндошлар	Апрель — май
3	Төшбінүрғун	<i>Nanophyton erinaceum</i>	Шұрадошлар	Май — июнь
К ў п ы л л и к ў т л а р				
4	Айиқтовон	<i>Ranunculus laetus</i>	Айиқтовондошлар	Июнь
5	Иткучала	<i>Eminium alberti</i>	Күчаладошлар	Июнь — июль
6	Қакра	<i>Acroptilon repens</i>	Мұраккабгулдошлар	Июнь — июль
7	Күчала	<i>Arum korolkovii</i>	Күчаладошлар	Май — июнь
8	Мұхалис	<i>Seriphularia integrifolia</i>	Сигирқүйрүкдошлар	Июнь
9	Олмосұт	<i>Ranunculus zeravshanicum</i>	Айиқтовондошлар	Апрель — май
10	Оқмия	<i>Vexibia alopecuroides</i>	Дүккәндошлар	Апрель — май
11	Парпи	<i>Aconitum zeravshanicum</i>	Айиқтовондошлар	Июнь — июль
12	Сутлама	<i>Tithymalus jaxarticus</i>	Сутламадошлар	Апрель
13	Тиканлы шохбарғ	<i>Ceratophyllum demersum</i>	Шохбаргдошлар	Апрель — май
14	Тұятовон	<i>Zygophyllum miniatum</i>	Тұятовондошлар	Апрель
15	Шохбарғ	<i>Ceratophyllum submersum</i>	Шохбаргдошлар	Май — июнь
16	Қорақулоқ	<i>Eminium regelii</i>	Күчаладошлар	Апрель — май
И к к и ы л л и к ў т л а р				
17	Тұғмабош	<i>Ranunculus sceleratus</i>	Айиқтовондошлар	Апрель — май
Б и р ы л л и к ў т л а р				
18	Бұзшұра	<i>Halogeiton glomeratus</i>	Шұрадошлар	Май
19	Қорамиғ	<i>Vaccaria segetalis</i>	Чиннингүлдошлар	Апрель — май

№	Махаллий номи	Илмий номи
20	Кўкмараз	<i>Heliotropium lasiocarpum</i>
21	Мингдевона	<i>Hyoscyamus niger</i>
22	Оташак	<i>Ceratocephalus facatus</i>
23	Совунўт	<i>Anagallis arvensis</i>
24	Темиртикан	<i>Tribulus terrestris</i>
25	Чакамаг	<i>Galium aparine</i>
26	Юлдузўт	<i>Stellaria neglecta</i>

Оиласы	Гуллаш даври
Говзабангулдошлар	Май — июнь
Томатдошлар	Апрель — май
Айқтовондошлар	Март — апрель
Наврұзгулдошлар	Апрель — май
Тұятовондошлар	Май
Рұяндошлар	Апрель — май
Чиннигулдошлар	Апрель — май

бўладиган, бўлар-бўлмасга жазаваси тутадиган бўлади. Бу унинг иккинчи босқичи ҳисобланади. Уни истеъмол қилиш давом эта берган сари учинчи даври бошланиб, бунда одам наркотик модда қабул қилмаса тура олмайдиган, ҳар нарсадан қўрқадиган, ваҳимага тушадиган, қўл-оёқлари тиришиб, кўзлари чақчайиб: руҳан тушкунликка тушадиган, маюсланадиган, йиглайдиган бўлиб қолади. Муттасил наша чеккан кишиларнинг асаб системаси ишдан чиқиб, улар ўзлари билмаган ҳолда оғир жиноятлар қилиб қўйишлари (зўрлаш, пичоқ уриш, пул учун ўз ота-онасини уриш каби) мумкин. Бу наркотиклар ҳаётида кўп учрайдиган воқеалардир. Энг ачинарлиси улар жинсий заифлик касалига учрайдилар. Эвазига оиласлари (хотини ташлаб кетади) бузилади. Борди-ю, бола туғилса ҳам у майиб-мажруҳ бўлиб туғилади ҳамда ундан бўлган зурнёт бир умрга баҳти қаро бўлиб, ё шол, ё қўлсиз, ё бир оёғи ишламайдиган, ё бир қўли калта ва ҳоказо қолади. Шуниси даҳшатлики, инсонни шу кўйга соладиган ҳам инсон. Бу «инсон»лар пул, мол-дунё, бойлик деб ҳар қандай жирканч ишдан ҳам қайтмайдиган маҳлуқлардир. Ўлар кўра-била туриб афъонни — оғуни инсонларга сотади. Ёшларни заҳарлайди. Наша истеъмол қилганлар узоқ яшамайди. Аниқ статистик маълумотларга қараганда уларнинг ўртача умри 23—25 йилдан ошмайди. Ҳа, нашавандлик оғир касаллик. Истагимиз, бу балони инсон зотига яқинлантирмаслик керак. Бу касофатдан, оғатдан биз катталар, тарбиячилар ёш авлодни сақлашимиз, асраримиз лозим. Шунинг учун биз қуида ўлкамизда кўп учрайдиган ва ўстириладиган энг хавфли наркотик ўсимликларни эслатиб ўтишни лозим топдик.

ҚЎҚНОР (Papaver somniferum L.) кўкнордошлар оиласига мансуб, бўйи 60—100 см га етадиган сутсимон ширали бир йиллик ўсимлик. Барглари патсимон, поядা навбатлашиб жойлашган. Май-июнь ойларида гуллайди. Гули йирик, якка, қизил, сариқ, оқ, пушти рангда, узун бандли. Меваси июнь-июль ойларида пишади. Меваси кўсакча. Ичиди майда шарсимон уруғлари бор. Уруғи таркибида 48—50% ёғ бўлади. Кўкнорнинг 100 дан ортиқ тури бўлиб, шундан Ўзбекистонда 5 тури учрайди. Бизда унинг икки нави: мойли ва опийли кўкнор экилиди. Опийли кўкнорнинг мева кўсакчаси маҳсус пичноқча билан тилинади. У ердан сутсимон шира ажралиб чиқади ва у қотади. Уни пичноқча билан қириб шишага солиб тўпланади ва қуритиб олинади. Унинг қуриган кўсаги майдаланиб, уни ҳам ичадилар. Бу кишига вақтинча кайф беради. Кўкнор уруғини ноннинг юзига сепилади, қандолатчиликда, озиқ-овқат саноатида, техникада ишлатиладиган мой олишда ҳам фойдаланадилар. У тиббиётда, хусусан халқ табобатида қадимдан қўлланилиб келинади. Уни ҳовлиларга, экинлар ичига, төр этакларига экадилар.

НАША (*Cannabis sativa L.*) тутдошлар оиласига мансуб, бўйи 1—4 м га етадиган, пояси қиррали, бир йиллик ўсимлик. Барглари панжасимон, четлари арра тишли, майда туклар билан қопланган, май-июнъ ойларида гуллайди. Гуллари беш бўлакли, тўпгули сийрак, шингил. Икки уйли ўсимлик. Чангчи гулли ўсимлик уруғчи гулли ўсимликка нисбатан кам баргли. Уруғчи гулли ўсимлик гуллари майда, кўримсиз. Меваси июль, август ойларида пишади. У бир уруғли, икки паллали ёнғоқча, пўсти қаттиқ, тўқ яшил. Ичиде уруғлари бор. Уруғидан мой, поясидан тола (15—25%) олиш учун экилади. Мойни озиқ-овқат, консерва, лак-бўёқ тайёрлашда, совунчиликда, толасидан эса арқон, каноп, презент, дағал мато, қоп ва бошқалар тайёрланади. Уруғидан кишилар нашавандлик мақсадида ҳам фойдаланадилар. Уруғи таркибида 30—35% мой, 23—25% оқсил бор. Кунжарасидан чорва молларига озиқ сифатида фойдаланадилар. Наша қадимий ўсимлик, унинг асл ватани Осиё, Бизда Украина, Шимолий Кавказ, Урал, Ўрта ва Қуян Волга бўйида, Қирғизистонда экилади. Ўзбекистонда у кам экилади.

ТАМАКИ (*Nicotina tabacum L.*) таматдошлар оиласига мансуб, бўйи 1—2,5 м га етадиган бир йиллик ўсимлик. Барглари йирик, бандли, четлари бутун, юмалоқ ёки эллипссимон, яшил, майда тукчалар билан қопланган, пояда навбатлашиб жойлашган. Баргининг юзаси силлиқ ёки ғадир-будур. Бир ўсимликда 25—50 тагача барглар бўлади. Илдизи ўқ илдиз, 1,5—2 м гача чуқурликка боради. Йюнь-июль ойларида гуллайди. Гуллари икки жинсли, беш бўлакли, пушти, қизил ёки оқ. Узидан чангланади.

Август-сентябрь ойларида меваси пишади. Меваси кўсакча, кўп уруғли. Уруғи таркибида 30—35% мой бўлади. Унда, асосан, баргига никотин, анабазин, никотимин ва бошқа алкалоидлар бор. Масалан, тоза қуритилган тамакининг баргига 1—4% никотин, 2—20% углеводлар, 1—13% оқсил, 5—17% органик кислоталар ва бошқа моддалар бўлади. Тамакидан турли хил папирослар тайёрланади. Ҳозирги пайтда тамакининг 60 дан ортиқ тури маълум. У Америка ва Австралияда ўсади. Тамаки мамлакатимизда, асосан Грузия, Арманистон, Краснодар ўлкаси, Молдавия, Қирғизистон, Қозоғистон, Украина ва Ўзбекистонда экилади. Ўзбекистоннинг Самарқанд вилояти Ургут ноҳиясида хомашё сифатида унинг икки тури; *махорка* (*N. rustica* ва *тамаки* — *N. tabacum*) экилади. Тамакининг бир қанча навлари; Американ-287С (2804), Дюбек киргизский 03-4-15(2898), Трапезонд-3072 каби навлари кўп экилади.

МАХОРКА (*Nicotiana rustica L.*) томатдошлар оиласига мансуб, бўйи 1—1,20 м гача етадиган, пояси қиррали ёки юмалоқ бир йиллик ўсимлик. Барги юраксимон, кўкимтири, тўқ яшил, бандли. Пояда 12—20 тагача бўлади. Бутун ер устки танаси безли тукчалар билан қопланган ва ёқимли ҳид таратади. Баргига

(қуруқ модда ҳисобида) 5—10% никотин, 15—20% органик кислоталар, 5—10% лимон кислота бўлади. Июнь-июль ойларида гуллайди. Гули икки жинсли, сариқ ёки сарғиш яшил, тўпгули рўваксимон. Меваси август-сентябрь ойларида пишади. Меваси икки уяли, кўп уруғли кўсакча. Уруғи майда, овал шаклда, қўнғир тусда. Илдизи ўқилдиз бўлиб 1,5 м чуқурликкача киради. Махорла чекиладиган, ҳидланадиган маҳсулот, қишлоқ хўжалиги экинлари заараркунданаларига ва қўтирга қарши препаратлар тайёрланади. Махорканинг асл ватани Жанубий Америкадир. У Польша, Венгрия, Ҳиндистон, Жазоир ва Тунисда экилади. Мамлакатимизда Украина, Белоруссия, Тамбов, Рязань обlastida ва Қозогистонда ўстирилади. Унинг ҳозирги пайтда 14 нави районлаштирилган. Улардан малопа-синковий пехлевең-4, АС-18/, Хмеловка 125-С каби навлари кўп экилади.

МИНГДЕВОНА (*Hyoscyamus niger* L.) томатдошлар оиласига мансуб, бўйи 1—1,5 м гача етадиган икки йиллик ўсимлик. Пояси шохланган, туклар билан қопланган. Поядаги барглари тухумсимон, 3—7 бўлакли, бандсиз, кетма-кет жойлашган. Апрель-июль ойларида гуллайди. Гуллари сарғиш, кенг воронкасимон, поя учиди тўпгул ҳосил қиласди. Меваси май-август ойларида пишади. Меваси икки хонали, кўп уруғли, кўзачасимон кўсакча. Мингдевона Ўрта Осиё, Сибирь, Кавказ, Узоқ Шарқда кенг тарқалган. Унинг МДХ мамлакатларида 11 та, Ўзбекистонда эса 5 тури ўсади. Ўзбекистонда кўпинча қора мингдевона кўп учрайди. У йўл ёқларида, ўтлоқ ва партов ерларда экинлар ичиди, деворлар тагида, боғча участкаларида ўсади. У наркотик ўсимлик ҳисобланади. Унинг барги, уруғи таркибида алкалоидлар, гиосциамин атропин, скополамин каби моддалар кўп учрайди. Барг экстракти ва уругининг мойидан кишилар бод, асаб касалликларида оғриқ қолдирувчи дори сифатида фойдаланадилар. Баргидан астма касаллигига чекиладиган астматол порошоги тайёрланади. Барг шираси ўсма касаллигига, қулоқ оғриғига шифо бўлади. У қадимдан шифобахш ўсимлик сифатида маълум. Фақат ундан тўғри фойдаланиш керак. Унинг уругини болалар билмай истеъмол қилиб қўйишлиари мумкин. Бу истеъмолнинг миқдорига қараб организизга турлича таъсир этади. Қамроқ истеъмол қилинса оғиздан кўпик келиб боланинг кўзи чақчайиб ҳушидан кетади. Қўпроқ қабул қиласа қўл-оёқларини шол қилиб қўяди. Боланинг ранги оқарив, қайд қиласди ва ҳушидан кетади. Бундай пайтда тезда шифокорга мурожаат қилиш зарур. Имкони бўлса, шифокор келгунга қадар беморни қайд қилдириш керак. Бунда унинг ичини ювиш, қатиқ ичказиб дастлабки ёрдам кўрсатиш керак.

МОХОВКОСА (*Hyoscyamus pusillus* L.) томатдошлар оиласига мансуб, бўйи 15—30 см га етадиган бир йиллик ўсимлик. Пояси безли ёпишқоқ туклар билан қопланган. Барги пояди қарама-қарши жойлашган, баргининг четлари текис ёки баъзан патсимон

қирқилган, икки томони ҳам беэли түкчалар билан қопланган, калта бандли. Апрель-май ойларида гуллайди. Гуллари оч са-риқ, барг құлтиғида биттадан ўрнашган. Гулкосаси беш тиши, күзачасимон тузилган бўлиб, унинг ичидә кўсаги — меваси жойлашган. Меваси июнь ойида пишади. Меваси ичидә майда уруғлари бор, поя ва баргларида заҳарли алкалоидлар бўлади.

Моховкоса ўз номидан ҳам маълумки, инсонлар учун заҳарли, наркотик ўсимликдир. Унинг поя ёки мевасини билмасдан истеъмол қилинса, одамнинг қўл-оёқларини шол қилиб қўяди. Марказий асаб системасига таъсир этиб, бош мияни тормозлаши мумкин. Бундай пайтда дарҳол шифокорга мурожаат этиш керак. Моховкоса Узбекистоннинг ҳамма вилоятларида, адирларда, шўр ерлар атрофида ташландиқ ерларда, экинлар ичидә бегона ўт сифатида кўп учрайди.

БАНГИДЕВОНА (*Datura stramonium L.*) итузумдошлар оиласига мансуб бўйи 100—120 см га етадиган бир йиллик, қўланса ҳидли ўт. Пояси теварак-атрофга қараб шохланган, туксиз, силлиқ ва яшил рангидир. Барги йирик, тухумсимон, уч томони ўткирлашган, устки томони эса тўқ яшил, остки қисми оч яшил рангли. Гуллари гулбандли, барг қўлтиғида биттадан жойлашган. Косачаси беш қиррали, 4—6 см катталикда, яшил рангли ва қисқа тукли, ўткир тишчали бўлади. Гултожи оқ, узунилиги 6—12 см, узун найча бўлиб, уч томони қайрилган. Меваси кўсакдан иборат бўлиб, унинг усти ўткир тиканлидир. Бангидевона май-сентябрь ойларида гуллайди, меваси июль ойидан бошлаб етилади. Халқ табобатида бангидевонадан тинчлантирувчи дори сифатида, шунингдек у бод, асаб касалликлари, кўз ва тиш оғригини даволашда фойдаланилган. Тиббиётда бангидевонадан нафас қисиши, йўтал, нафас йўллари шамоллашида ва бавосилни даволашда фойдаланилади. Бангидевона таркибида алкалоидлардан атропин, гиосциамин ва скополамин, эфир мойи, ошловчи моддалар ва ёғ кислоталари бўлади. У экинлар ичидә, деворлар тагида, ташландиқ ерларда, пахтазорлар чеккасида кўп ўсади. Унинг уруғини билмасдан еб қўйилса, кишини оғир аҳволга солиб қўяди. Шу туфайли ундан болаларни эҳтиёт қилиш зарур.

ЭФИР МОЙЛИ ЎСИМЛИКЛАР

Ер юзида тарқалган барча гулли ўсимликлар 300 оиласа мансуб бўлиб, шундан 87 оиласининг 2500 турида эфир мойлари борлиги аниқланган. МДҲ мамлакатлари флорасида эса 77 оиласа киравчи 1 100 дан ортиқ тур эфир мойли ўсимликлардир. Узбекистонда эфир мойли ўсимликларнинг 607 тури маълум бўлиб, улар 261 туркумга ва 56 оиласа киради.

МДҲ мамлакатлари эфир мойли ўсимликларни экиш ва улардан олинаётган ҳосил жиҳатидан дунё миқёсида етакчи

ўринни эгаллайди. Ҳозирги кунда эфир мойли ўсимликларни экиб етиштириш билан 1 300 колхоз ва 59 маҳсус совхоз шуғулланмоқда. Уларнинг умумий экин майдонлари 230 000 гектардан ошиқроқдир. Мамлакатимизда 1967 йили 39 номда 1650 т эфир мойлари ишлаб чиқарилган бўлиб, улардан 400 дан ортиқ хил парфюмерия-косметика моллари ва 60 дан ортиқ турли хил хушбўй ҳидли совунлар тайёрланган. Улар реализация қилиниши натижасида 800 миллион сўмлик маблағ даромад қилинган. Бу кўрсаткич 1985 йилга бориб, 1140 ни ташкил этди. Мамлакатимизда табиий эфир мойларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда химиявий усул билан хушбўй ҳидли синтетик моддалар ҳам олинмоқда. Бу моддаларни синтез қилганда хом ашё манбай бўлиб эфир мойларининг баъзи бир компонентлари; линалоол, цитраль, цитранеллаль евгенол, анетоллар ҳамда асосан табиий ўсимлик қолдиқларидан юзага келган тошкўмир, нефть, торфлар ҳисобланади.

МДҲ мамлакатида синтетик моддалар ишлаб чиқарадиган энг йирик корхона Калужский комбинатидир. Бу корхона умумий синтетик моддаларнинг 50% ини ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозирги вақтда йилига 150 номдан иборат бўлган 3 000 т синтетик ҳидли модда олинниб, у эса саноатимизнинг айrim тармоқларида фойдаланилмоқда. Халқ ҳўжалиги турли тармоқларининг эфир мойларига бўлган талабини қондириш учун эфир мойлари олиш техникасини янада мукаммаллаштириш ҳамда синтетик ҳидли моддалар ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган бўлишига қарамасдан, эфир мойларига бўлган эҳтиёж янада ошиб бормоқда. Шу сабабли, сўнгги вақтларда асосий эътиборни эфир мойли ўсимликларни янада кўпроқ ва илмий асосда ўрганишга қаратилмоқда. Эфир мойлари ўсимликнинг турли органлари (барги, пояси, гули, меваси, уруғи ва илдизи) да ҳужайра ва тўқималарнинг маҳсус жойларида (каналчаларда) тўпланади. Бундан ташқари, ҳужайра ширасида ва паренхима ҳужайраларида эмульсия ҳолида учрайди. Ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиш шароитига қараб, ундаги эфир мойларининг миқдори ўзгариб туради. Эфир мойлари кимёвий таркибининг жуда мураккаблиги, учувчанлиги ва хушбўй бўлиши билан ўсимлик мойларидан фарқ қиласди. Агар эфир мойлари қофоз ёки материалга тегизилса, унда ҳеч қандай доғ қолдирмайди. Ўсимлик мойлари эса доғ қолдиради. Шунингдек эфир мойлари овқат сифатида истеъмол қилинмайди, ўсимлик мойлари эса истеъмол қилинади. Эфир мойлари кўпчилик ўсимликларда эркин ҳолда бўлиб, сув буғи ёрдамида ҳайдаб ёки экстракция йўли билан ажратиб олинади. Баъзи ўсимликларда эфир мойлари глюкозидлар ва бошقا моддалар билан бириккан ҳолда бўлади. Уларни соғ ҳолда ажратиб олиш учун ферментация усулидан фойдаланилади. Эфир мойлари бир қанча моддаларнинг мураккаб бирикмасидан ҳосил бўлган кўпинча генетик жиҳатдан ўзаро узвий боғланган турли

хил органик бирикмалардан иборат. Уларнинг компонентлари қаторига углеводородлар, спиртлар, альдегидлар, кетонлар, феноллар, лактонлар, эфирлар, хинонлар, кислоталар, азотли бирикмалар ва бошқа моддалар киради. Эфир мойлари таркибидаги компонентлардан бирининг миқдори кўп бўлса, у мойнинг ҳидини, яъни физикавий ва кимёвий хусусиятларини белгилайди. Эфир мойларининг компонентларидан атира-упа саноати учун энг аҳамиятлиси кислородли бирикмаларидир. Ўсимликлардан ажратиб олинган эфир мойлари очиқ ҳавода, ёруғлик таъсирида тез ўзгариш хусусиятига эга. Натижада уларнинг ранги, таркиби ҳамда хусусиятлари ўзгариб кетади. Юқори температурада қайновчи полимерли бирикмалар ҳосил қиласди. Бундай ҳодисанинг рўй беришига асосий сабаб кислород ва ҳаво намлиги таъсирида эфир мойлари таркибидаги компонентлар баъзи бирларининг оксидланиши ҳам учувчаник ҳолатини йўқотишидир. Эфир мойларининг таркибида альдегидлар бўлса, бу вақтда унинг ранги қораяди.

ЭФИР МОЙЛАРИНИНГ ЎСИМЛИК УЧУН АҲАМИЯТИ

Эфир мойларининг ўсимлик аъзоларида қандай функцияни бажариши ва аҳамияти тўғрисида бир қанча қарашлар ҳамда фикрлар мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари ҳақида қўйида тўхталиб ўтамиз, масалан баъзи қарашларга кўра эфир мойлари ўсимликни турли хил касалликлардан ва заараркунандаларнинг таъсиридан сақлаб қиласди. Шу билан бир қаторда ўсимлик тўқималари шикастланганда, унинг чиrimаслиги ва қайтадан тикланиши учун хизмат қиласди. Лекин адабиётдан ҳамда шахсий кузатишларимиздан маълумки, ялпиз, мармарак, ёронгул тоғрайҳон, авруг ва бошқа кўпчилик эфир мойли ўсимликлар, одатда ҳар хил касалликларга учрайди ва шикастланади. Эфир мойлари ўсимликларни ҳайвонлар томонидан ейилишидан ҳимоя қиласди деган иккинчи фикр бор. Шуни айтиш керакки, шувоқ, эстрагон, лаванда каби ўсимликларни қорамол, қўй ва эчкилар ейиши ҳаммамизга маълумидир. Ўсимлик гулларидағи эфир мойлари ҳашаротларни ўзига жалб қиласди ва улар ёрдамида чангланади деган учинчи фикр ҳам мавжуд. Тендалнинг кўрсатишича эфир мойлари буғланиб чиқиб, ўсимлик атрофини ўраб олади ва иссиқ ҳаво йўлини маълум дараҷада тўсади. Натижада кундуз кунлари ўсимликни ҳаддан ташқари қизиб кетишдан ва кечалари совиб қолишдан сақлайди, шунингдек ўсимликда сув буғланишини ҳам бошқариб турди. Шаробонинг таъкидлашича, эфир мойлари ўсимликларда запас модда сифатида уларнинг яшил қисмларида ҳосил бўлади. Сўнгра мева берадиган аъзоларига томон аста-секин ўта бошлайди. Гуллаш даврида уларнинг бир қисми сарфла-

нади, қолган қисми эса яна баргларга қайтади. Менар ва Мерниларнинг таъкидлашларича, эфир мойлари ўсимликтинг ҳаёт жараёнида пайдо бўлган ташландиқ модда бўлиб, уни ўсимликлар барча аъзоларидан чиқариб ташлашга ҳаракат қиласди.

Юқорида баён этилганлардан маълум бўладики, ўсимлик организмида эфир мойларнинг ҳосил бўлиш сабаблари ва уларнинг аҳамияти тўғрисида хилма-хил фикрлар, фаразлар мавжуд бўлиб, бу фикрлар ҳали қатъий келишиб олинмаган фаразлар бўлиб келмоқда. Эфир мойлари мураккаб бирикмалардан ташкил топган бўлиб, уларнинг таркибий қисмлари ҳар хилдир. Шунингдек, эфир мойлари компонентларининг ҳосил бўлиши ҳам турличадир. Лекин шуни таъкидлаш керакки, эфир мойлари ўсимликларда қандайдир муҳим физиологик ролни бажаради. Улар моддалар алмашинуви туфайли ҳосил бўлган мураккаб бирикмалардан ташкил топган маҳсулотдир.

ЭФИР МОЙЛАРИНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ

Жуда қадим замонлардан буён одамлар овқатларга яхши мазали таъм ва ёқимили ҳид бериш мақсадида турли-туман зиравор ва эфир мойли ўсимликларнинг баргларидан, меваларидан ҳамда уруғларидан фойдаланиб келмоқдалар. Сўнгги пайтларда халқ хўжалигининг турли соҳаларида эфир мойли ўсимликлардан олинаётган хомашё маҳсулотлари ишлатилмоқда. Айниқса, эфир мойларидан парфюмерия саноатида атирупалар, тиш пасталари ва порошоклар, помадалар ҳамда соувулар ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади. Фармацевтиканда баъзи бир эфир мойлари ҳамда уларнинг аралашмаларидан ментол, тимол, анетол ва бошқалардан даволашда, антисептик хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли турли хил (тиш оғриғи, тери касалликлари, соchlарга ишлов берадиган) дорилар тайёрлашда фойдаланилади. Ментолнинг спиртли эритмаси оғиз бўшлиғи жароҳатланганда ва нафас йўллари яллиғланганда, ошқозон-ичак йўллари инфекциясиз касаллик билан оғриганда даволаш мақсадида ишлатилади. Валидол, камфорадан — юрак, тимол ва евгенолдан — тиш касалликларини даволашда кенг фойдаланилади. Эфир мойлари учувчанлик ва бактерицидлик хусусиятларига, хушбўй ҳидга эга бўлганлиги туфайли улардан жамоат биноларини, мактабларни, болалар яслиларини, боғчаларини, кинотеатрларни дезинфекция қилишда ишлатиш мумкин. Улардан қишлоқ хўжалик ўсимликларини заараркунанда ва касалликларига қарши курашишда фойдаланилади. Эфир мойлари озиқ-овқат саноатида катта аҳамиятга эга. Улар конфетлар, ҳар хил булочкалар, спиртли ва спиртсиз ичимликлар, винолар, ликёрлар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Консерва ва балиқчилик саноатларида эфир мойсиз иш кўриш мумкин эмас. Баъзи ўсимликларнинг (ко-

риандр, анис, тмин) уруғларидан эфир мойлари ажратиб олингандан кейин, улардан техник мақсадларда ишлатилади-ган ёғлар олинади. Қолған күнжаралари эса ҳайвонлар учун юқори сифатли, оқсилли озиқ ҳисобланади. Құпчилик эфир мойли ўсимликлар атиргуллар, гулсапсарлар, райхонлар, пи-ёзгуллар ўз навбатида манзарали, лаванда, кориандр, мар-марак ва иссоплар эса эң яхши асалчил ўсимликлардандир. Сүнгги пайтларда эфир мойларидан ташқари, сунъий йўл билан хушбўй моддалар ҳам олинмоқда. Лекин улар эфир мойлари ўрнини боса олмайди. Сунъий йўл билан олинган ҳидли моддалардан консерва ва болиқчилик саноатида, арақ, вино ва ликёр ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Шундай қилиб, эфир мойлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатилиши билан бир қаторда халқаро бозорда уларга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Халқ хўжалигининг айрим тармоқлари учун хомашё ҳисобланувчи, республикамизда ёъвойи ҳолда ўсуви баъзи бир эфир мойли ўсимликлар ҳақида қўйида тўхталамиз.

ҚИЗИЛАРЧА (*Juniperus zeravshanica* Kom.) сарвидонилар оиласига мансуб, бўйи 20 м га етадиган дарахт, айрим ҳолларда эса паст бўйли бута бўлиб, шох-шаббали, шохлари йўғон, учидағилари ингичка, пўстлоғи қизғиши бўлади. Мева (қубба)си 9—12 мм, қисқа бандли, 2—3 та, баъзан 4 данакчали, шарсимон, хомлигига яшил, пишганда тўқ жигар рангли бўлиб, кулранг мум билан қоплангандир. Данакчалари 5—7,5 мм, учбурчак-тухумсимон, ёндагилари бир оз каттароқ бўртиб чиқсан, ариқчали, пишмагани оқиши, етилгани жигаррангидир.

Қизиларча Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг тоғли районларида майда шағал тошли (денгиз сатҳидан 1000—2500 м баландликкача бўлган) жойларда ўсади. У баъзан бирмунча қалин арчазорларни ҳосил қиласиди. У тоғларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда, шамол ва ёмғир эрозияси олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, қимиз тайёрлашда унинг мевасидан фойдаланиш мумкин. Бундай қимиз янада шифобахш бўлиб, яхши таъмли ва хушбўй ҳидли бўлади. Утмишда қурилиш материали сифатида ундан кенг фойдаланилган. Қизиларчанинг ёш (барра) шох-шаббалари таркибида 0,45,—0,75% эфир мойи бор. Бу мой рангсиз, кучли ҳидли бўлиб, асосини мирцен, цедрол, камфен, терпен ташкил этади. Ундан парфюмерияда ва тиббиётда фойдаланадилар.

АВРУГ (*Perovskia scrophulariifolia* Bge.) лабгулдошлар оиласига кирувчи чала бута бўлиб, бўйи 120 см га етади. Поясининг асос қисми ёғочланган, пўстлоғи қўнғир рангидир. Барги наштарсимон ёки тухумсимон, тўмтоқ, асоси юраксимон, атрофи йирик, тўмтоқ, арра тишли, эски барглари туксиз, барг бандида юлдузсимон тукчаларнинг қолдиқлари бўлади. Гулла-

ри қисқа бандли, кам гулли бўлиб, шингил шаклида рўваклар ҳосил қиласи. Гулолди барглари кичик, тухумсимон, тушиб кетадиган. Қосачабарги 5—6 мм, бинафша рангли, сертук бўлади. Гултожибарги 11—12 мм бўлиб, бинафша ранглидир. Аврург июнь-июль ойларида гуллаб, уруғи июль-август ойларида етилади. Бу ўсимлик адир ва тоғ минтақаларининг майда шағал тошли ерларида ҳамда ён бағирликларида кўп ўсади. Унинг асосий бойликлари Фарғона водийсида ва Қашқадарё областининг тоғли районларида жойлашгандир. Авругзорларнинг гектаридан 1,5—2,5 т (қуритилган вазнда) ҳомашё йиғиштириб олиш мумкин. Авругнинг яшил қисмлари ва тўпгуллари эфир мойларига бойдир. Унинг таркибидаги эфир мойларидан турли хил ҳидли совунлар ҳамда атилар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Авругда эфир мойларининг энг кўп бўлиши шоналаш ва гуллаш давридир. Бу вақтда унинг барг ва тўпгулларидаги эфир мойларининг миқдори 1,14—2,3% га етади. Улар сариқ ёки жигар рангли бўлиб, ўткир ҳидга эгадир. Эфир мойининг асосини камфен, цинеол, аромадендрен-кариофиллен ташкил этади.

ЁВВОЙИ ЧИННИГУЛ (*Dianthus tetralepis Nevski*) чиннигулдошлар оиласига киравчи бу ўсимликнинг пояси асосидан ёғочланган ва кучли шохланган бўлиб, бўйи 15—25 см келадиган кўп йиллик ўтдир. Баргининг эни 1—1,5 мм, ўткир, туксиз, яшил ёки кул рангли бўлади. Гули новданинг уч қисмида биттадан жойлашган. Қосачабарги 25—32 мм, цилиндричесимон, тор уч бурчакли, ўткир тишчали, найига қараганда 2—3 марта кичик. Тожибарглари 40—45 мм, оқ ёки оч қизил рангли, чуқур ўйилган бўлади. Ёввойи чиннигул май-июль ойларида гуллаб, уруғи июль-август ойларида етилади. У жумҳуриятимизнинг барча тоғли ноҳияларида майда шағал тошли ва тошли ерлarda ўсади. Унинг гули хушбўй ҳидли бўлиб, таркибида қимматли эфир мойи бўлиб ундан парфюмерия саноатида юқори сифатли атир ва одеколонлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин. Ўсимликнинг гулида 0,15—0,2% эфир мойи бўлиб, у сариқ ранглидир. Ёввойи чиннигул манзарали ўсимликлардан ҳисобланади; шунинг учун уни боғларда экиб ўстириш мумкин.

ОҚШАИР (*Ferula jaeschkeana Vatke.*) соябонгулдошлар оиласига киравчи кўп йиллик монокарп, бўйи 100—150 см келадиган ўт. Пояси йўғон, юқори қисми шохчали, қизғиши-қўнғир ранглидир. Барги йирик, юмшоқ, тез сўлийдиган, устки томони кўпинча туксиз остки томони тукли, илдизолди барги кенг бўлиб, 3 марта қирқилган, бўлаклари қўш патсимон қирқилган бўлади. Поя барги бир оз кичик, ўрама баргининг кўриниши тухумсимон, юмшоқ, пояни камраб олади. Соябони ҳар хил катталиктаги соябончалардан ташкил топган; диаметри 16 см гача бўлиб, 20—25 нурлидир. Соябончалари 10—15 гулли, ўрама баргсиз. Қосачабарги тишсиз. Гулбарги 2,5 мм, ясси, учи

эгилган сариқ рангли бўлади. Меваси яssi, бир оз торайган, узунлиги 20—32 мм, эни 10—22 мм, тухумсимон ёки чўзиқ — тухумсимон, қизишиш-қўнғир ранглидир, у май-июнь ойларида гуллайди ва меваси июль-август ойларида пишади. Оқшаир тоғ ва яйлов минтақаларининг тупроқли ва майда тошли жойларида ўсади. У баъзи оқшаирзорларни ҳосил қилади. Халқ табобатида оқшаир смоласидан захм ҳамда ҳар хил яраларни даволашда фойдаланилган. Ўсимликнинг илдизи ўз таркибида 0,4—0,7% смола, смоласи эса 11—15% эфир мойи сақлайди. У оч яшил бўлиб, ўзига хос жуда кучли ҳидга эга.

СУВЯЛПИЗ (*Mentha arvensis* L.) лабгулдошлар оиласига кирувчи кўп йиллик ўт бўлиб, бўйи 50 см келади. Пояси тик ўсувчи, шохланган майин тукчали. Барги бандли бўлиб, чўзиқ ромб шаклида. Гуллари бандли, узун косачабаргига тенг ёки ундан бир оз узунроқ. Гулолди барглари узун бандли. Косачабарги 2,5 мм, ўткир тишли, қисқа жингалак тукчали, найига қараганда 4 марта кичикроқ. Гултожи барги 4—5 мм, оч қизилбинафша рангли бўлади. Сувялпиз июль-август ойларида гуллаб, уруғи август-сентябрь ойларида пишади. Бу ўсимлик Тошкент ва Фарғона вилоятларидаги нам ва зах ерларда (ариқ бўйларида, дарё қирғокларида), умуман воҳаларда ва адир минтақасида кўп тарқалгандир. Халқ табобатида сувялпиз нафас йўллари ҳамда овқат ҳазм қилиш органларининг иш фаолиятини яхшилашда, юрак уришини нормаллаштиришда, бод касалини даволашда ишлатилади. Сувялпизнинг эфир мойлари парфюмерия саноатида тиш порошоги ҳамда пасталар, ҳидли совунлар тайёрлашда ишлатилади. Сувялпиз таркибида гуллаш даврида бутун ер устки қисмида 0,5%, баргига эса 1,2% эфир мойи бўлади. У яшил-ариқ рангли, ёқимли ҳидли, бир оз ачиштирадиган хусусиятга эга бўлиб, асосини ментол, ментон, карен, линилоол, пулегон ҳосил этади.

ДАСТАРБОШ (*Achillea filipendulina* Lam.) мураккабгулдошлар оиласига мансуб, бўйи 60—85 см га етадиган кўп йиллик ўт. Кўп пояли, йўғон, ариқсимон қиррали, тукли безларга эга. Барглари узун, патсимон ўйилган, йирик тишли бўлакчаларга эга, пастки барглари бандли, юқоридагилари эса бандсиз. Саватчаси 4—10 мм катталиқда, турли хил сондаги гуллардан иборат бўлиб, саватчаси новданинг учларида жойлашган. Гулўрни 2—5 мм, цилиндричесимон, гуллари сариқ рангли бўлади. Уруғи 2—2,25 мм, чўзиқ-понасимон, кул ранг қора туслидир. Бу ўсимлик июнь-сентябрь ойларида гуллаб, уруғи август-сентябрь ойларида етилади. Дастарбош жумҳуриятнинг адир ва тоғ минтақасидаги ариқ бўйларида, дарё соҳилларида, шағал тошли, майда тошли ён бағирликларда кўплаб ўсади. У, доривор ҳамда эфир мойли ўсимликлардан бўлиб, унинг қиём ёки шарбатидан ошқозон оғриқларини ҳамда бавосилини даволашда фойдаланиш мумкин. Ўсимлик гуллаш даврида барглари таркибида 0,24%, ер устки қисмида 0,19%, тўпгулларида 0,32,

уруғлаш пайтида эса түпгулларида 0,38% эфир мойи сақлады. Бу мой оч сарық рангли, ёқимсиз, ўткир ҳидлидир. Эфир мойи таркибини оқтилен, пинен, борнеол, камфор, камfen, мураккаб эфирли спиртлар ташкил этади. Эфир мойи, борнеол ва камфарапаларни олиш манбаси хисобланади.

ЭРМОН (*Artemisia absinthium* L.) мураккабгулдошлар оиласига мансуб, бир ёки бир неча пояли, юқори қисми шохланган, бўйи 100 см келадиган кўп йиллик ўтдир. Поянинг пастки қисмидаги барглар узун банди билан биргаликда 20 см, З марта патсимон қирқилган, чети яхлит тишли, ўрта қисмидаги барглари қисқа бандли, қўш патсимон қирқилган, юқоридагилари деярли бандсиз, патсимон ёки бутундир. Тўпгуллари рўвак шаклида; саватчаларнинг эни 2—5 мм, 40—80 гулли бўлиб, шарсизмондир. Гул ўрни бўртган, тукли. Уруғчи гуллари ипсизмон най шаклида, уруғи 1 мм, жигар ранглидир. Ўсимликнинг бутун танаси оқкумушсимон рангли, қисқа, қалин тукчалар билан қопланган. Эрмон майдада гуллайди ва уруғи сентябрь ойида пишади. Бу ўсимлик жумҳуриятнинг тоғ минтақасигача бўлган ерларда, воҳалардаги ариқ бўйларнда, йўл ёқаларнда, деворлар тагида, ташландиқ ерларда ҳамда тўқайзорларда кенг тарқалган. Эрмоннинг ёш барглари ва новдаларини қовурилган овқатларга солиб зиравор сифатида истеъмол қилиш мумкин. Қуритилган барг ва новдаларидан вермут, ликёр ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Халқ табобатида эрмон шарбатидан қоринда оғриқ пайдо бўлганда, ичакда тўпланган газларни чиқаришда ҳамда иштаҳа очадиган дори-дармон сифатида фойдаланганлар. Тиббиётда ҳам унинг барги ва гуллаган қисмларидан тайёрланган шарбат (экстракт)дан овқат ҳазм қилиш аъзоларининг ишини яхшиловчи ва иштаҳани очувчи дори сифатида фойдаланилади. Эрмоннинг ер устки қисмларида 0,5—2% эфир мойи, оқсили, глюкозид — абсентин, смола, С витамины ва ҳар хил кислота тузлари бўлади. Булардан ташқари, олма ва янтар кислота, минерал тузлар, ошлов ҳамда артеминзетин моддалари бор. Эрмон эфир мойининг асосини фелландрен, пинен, терпен-алкоголь-туйон ва кетон-туйон ҳосил қиласи. У ўткир ҳидли, кўк-яшил ёки тўқ яшил бўлиб сувдан қийинлик билан ажратиб олинади.

ЮФОН (*Prangos tschimganica* B. Fedtsch.) соябонгулдошлар оиласига киравчи бўйи 100 см бўлган кўп йиллик ўтдир. Пояси ариқчали юқори қисми қарама-қарши шохланган бўлиб, поядага ҳалқа шаклида жойлашган. Илдизолди барглари узун бандли, чўзиқ-тухумсимон, кўп марта патсимон ўйилган, поя барглари узун бўлиб, кўп бўлаклидир. Соябони йирик, эни 20 см, нури ариқчали, йўғонлашган бўлиб ўрама барги б та баргчалардан ташкил топган. Соябончалари 10—15 гулли. Меваси бандли бўлиб, кенг эллипссимон, катталиги 15 мм, қирраси бўртиб чиққан бўлади. У июнь ойида гуллайди, уруғи июль ойида етилади. Юфон Тошкент вилоятининг шағал тошли ён бағир-

ларидаги ҳамда дараҳт ва буталар орасида учрайди. Юғон баргидаги 0,12%, поясида 0,05%, мевасида 0,38% ва илдизида 0,45% эфир мойи бўлади. Бу мой оч сариқ рангли, хушбўй ҳидлидир. Ундан тиш порошоги ва пасталар, ҳар хил совунлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

САЁҚ (*Reseda luteola* L.) резедадошлар оиласига кирувчи бўйи 80 см бўлган икки йиллик ўт. Пояси бир ёки бир нечта бўлиб тик ўсади. Барги бутун, узунлиги 6—9 см, эни 9—12 мм, бандсиз ва туксиздир; пастки барглари тескари-тухумсимон, тўмтоқ учли, асосида қараб сиқилган бўлади. Тўпгуллари бошоқсимон; узунлиги 13—15 см, эни 10 мм, зич, тик, баъзан пастки томони шохланган. Гуллари бандли, кичик, сариқ рангидир. Косачабарги 4 та, бир хил, катталиги 2 мм, чўзиқ. Гултожибарги 4 та, сариқ рангли. Чангчиси 40 та бўлиб, ип шаклида. Саёқ май-август ойларида гуллайди ва уруғлайди. У Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг ариқ бўйларида, йўл ёқаларида, дарё соҳилларида, экинларга яқин жойларда, тоғ ён бағирликларида тарқалган бўлади. Саёқ ўсимлигидан газламаларни сариқ рангга бўяшда фойдаланиш мумкин. Унинг ер устки қисмида сариқ рангли модда — лютеолин, 0,09—0,27% эфир мойи ва уруғида эса 30—34% ёғ мавжуд. Эфир мойи ўткир ҳидли, оч сариқ рангли бўлиб, уни парфюмерияда ишлатиш мумкин.

МАРМАРАК (*Salvia sclarea* L.) лабгулдошлар оиласига кирувчи, кўп йиллик ўт бўлиб, бўйи 50—100 см келади. Пояси тик ўсуви, қаттиқ, шохланган бўлиб, қалин тукчалар билан қопланган. Барги бандли, йирик-тухумсимон, асоси юраксимон, айниқса пастки томони жингалак туклидир. Гулолди баргчалари кенг-тухумсимон, бандсиз учи ўткир, деярли пардасимон, оқ ёки оч қизил бинафша рангли бўлади. Гуллари қисқа гулбандли, гулолди баргчаларининг қўлтиғида 2 тадан ўрнашган бўлиб, пирамидасимон тўпгул ҳосил қиласиди. Косачабарглари 9—11 мм, жингалак ва без тукчалар билан қопланган, найидан 1,5 марта қисқадир. Гултошибарглари оч қизил бинафша рангли. Ёнгоқчаси 2,5 мм, думалоқ, уч қиррали, оч жигар рангидир. Мармарак июнь-июль ойларида гуллаб, уруғи июль-август ойларида етилади. У, воҳаларда, адир ва тоғ миңтақаларида кўп учрайди. Мармаракнинг барглари суюқ овқатларга, мурабболарга солиб ишлатилади. Унинг қуритилган баргларидан турили хил консервалар тайёрлашда, арақ, ликёр ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин. Тибиётда мармаракдан нафас йўлларида ва овқат ҳазм қилиш аъзоларида содир бўладиган баъзи касалликларни даволашда фойдаланилади. Мармарак асосий эфир мойли ўсимликлардан бўлиб, у халқ хўжалигимизнинг баъзи тармоқлари учун хомашё манбани ҳисобланади. Ундан олинадиган эфир мойи парфюмерияда, консерва саноатида, вино ишлаб чиқаришда ва фармацевтикада жуда қадрланади. Шу сабабли, эфир мойига бўл-

ган талаб йил сайин тобора ошиб бормоқда. Мармарак шоналаётган пайтда унинг тўпгуллари таркибида 0,38%, гуллаш пайтида эса 0,31%, уруғи пишган пайтда 0,45—0,48% эфир мойи бўлади. Эфир мойи оч сариқ рангли, хушбўй ҳидли, асосини борнеол, цинеол, пинен, туйон моддалари ташкил этади. Мармарак таркибида эфир мойидан ташқари, танид моддалари, смола, фитонцид, А ва С витаминлари бўлади. Уруғида эса 25—30% ёғ бор. Бу ёғ сифати жиҳатидан пахта мойидан қараганда юқори туради. Мармарак ёғи таркибида йод миқдори кўп бўлганлигидан у тезда қуриб қолиш хусусиятига эга. Ундан юқори сифатли алиф мойлари тайёрлаш мумкин.

ТОГДАСТАРБОШ (*Tanacetum pseudoachillea* C. Winkl.) мураккабгулдошлар оиласига мансуб, бўйи 50—100 (130) см келадиган кўп йиллик ўт. У кўп пояли, сербарг, сийрак тукчали, фақат уч қисми шохланган бўлади. Барги сийрак ва узун тукчали тухумсимон кўринишда бўлиб, қўш патсимон қирқилган, чўзиқ-эллипсимон арра тишилдири. Поянинг пастки ва ўрта қисмидаги барглари узун бандли, юқоридагилари эса ўтроқ, кичикдир. Саватчалари зич, ясси тўпгул шаклда бўлиб, ўрама барги тухумсимон ёки шарсимон. Ўрама баргининг баргчалари туксиз, сариқ рангли, уч қисми яшилроқ бўлади. У июнь-август ойларида гуллайди, уруғи июль-сентябрь ойларида етилади. Тоғдастарбош ариқ бўйларида, дарё қирғоқларида, нам ва салқин жойларда, дараҳт тагларида учрайди, баъзан унча катта бўлмаган майдонларни (тоғнинг ўрта минтақасида) ҳосил қиласиди. АҚШнинг Индиана штатида тоғдастарбошнинг барги корица ва мускат ёнғоги ўрнини босади ва гўштли консерваларап ҳамда ликёрларга ҳид беришда ишлатилади. Германияда у гижжага қарши ва ҳар хил ичак касалликларни даволашда ишлатилади. Бельгия ва Финляндия фармацевтикасида тоғдастарбошдан ҳалқасимон гижжага қарши ишлатиладиган дори-дармонлар ишлаб чиқарилади. Халқ табобатида ундан гижжага қарши ва бош оғриқни даволашда фойдаланилади. Тиббиётда гижжа туширишда ва зотилжам касалликларни даволашда, ҳашаротларга қарши курашда қўлланилади. Германияда тарқалган дастарбошларнинг барги ва тўпгулидан иборат саватчаларида 0,2—0,7% эфир мойлари борлиги аниқланган. Фаргона водийсидаги Кўктош сойидан терилган тоғдастарбошларнинг баргига 0,02—0,05%, гуллаб турган саватчаларида 0,1—0,4% эфир мойлари борлиги аниқланди. Эфир мойлари сариқ, яшилсимон, яшил-сариқсимон рангли, ўткир ҳидлидир. Унинг асосини борнеол, туйон, танацетон ҳосил қиласиди. Бундан ташқари, танацетин аччиқ моддаси, танапето—ошлов кислотаси, алкалойидлар, флавонойидлар ва органик кислоталар бор. Усимликдан парфюмерияда косметика маҳсулотлари, хушбўй сувлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин.

ТОШБАҚАТОЛ (*Haplophyllum perforatum* (M.B.) K. et K.) рутадошлар оиласига мансуб, пояси тик, шохланган, туксиз, бўйи

70 см бўлган кўп йиллик ўт. Барги қисқа бандли, текис қирғоқли кенг тухумсимондир. Тўпгуллари шохланган, рўваксимон, кўп гуллидир. Тоҷибарги 3—3,5 мм, сариқ рангли, кўсакчалари қисқа бандли, эни 3—4 мм бўлиб, очилмайди. Тошбақатол май-июль ойларида гуллаб, уруғи июнь-август ойларида етилади. У Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг адир ва тоғ минтақаларидаги майда шағал тошли ерларда кенг тарқалган. Махаллий аҳоли тошбақатол қиёми ёки қайнатмаси билан тиш оғриғи ва ошқозон касалникларини даволайди. Тошбақатол таркибида хаплоперин, изохаплоперин, перфорин ва бошқа алкалоидлар мавжуд. Бу ўсимлик таркибида гуллаш даврида 0,05—0,21% эфир мойи бўлади.

ЎЛМАСЎТ (*Helichrysum magacandicum* M. Pop.) мураккабгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик, пояли, бўйи 70—85 см келадиган, момиқ тукчали ўт. Барги яхлит, илдизолди баргчалари чўзиқ, тескари тухумсимон, поя барглари тиккайган, ўтроқ, ўткир учлидир. Саватчаси ярим шарсимон ёки гуллаганида шарсимон, 8—10 мм диаметрли. Ўрама барглари чексиз, оч сариқ рангли бўлади. Тоҷбарги тўқсариқ. Ўлмасўт июнь-июль ойларида гуллайди, уруғи июль-август ойларида етилади. У адир, тоғ минтақасининг тошли, шағал тошли жойларида ҳамда дарахт, буталар тагида учрайди. Ўлмасўт дориворлик хусусиятига эга бўлиб, ошқозон касалникларини даволашда қўлланилади. Ўсимлик таркибида аччиқ танид моддалари ва эфир мойи бўлади. Ўлмасўт таркибида гуллаш ва уруғлаш даврида 0,08—0,11% эфир мойи бўлади. Бу мой тиббиётда кўпроқ ишлатилади.

БУРГАН (*Artemisia annua* L.) мураккабгулдошлар оиласига мансуб, бўйи 30—100 см келадиган бир йиллик ўсимликдир. Пояси биттадан, тўғри, тик ўсуви, юқори қисми шохланган, қиррали, яшил ёки қизғиш бўлиб туксиздир. Барги 3—5 см, тухумсимон, пастки барглари узун бандли, 2—3 марта қўш патсимон қирқилган бўлиб, поянинг ўрта қисмидаги барглари бандсиз ёки қисқа бандли, кичик, қўш патсимон ўйилган, юқориги барглари кичик ва ўтроқдир. Тўпгуллари кўп шохланган, рўваксимон шаклли, саватчалар ҳосил қиласиди. Уруғи гуллари кўп сонли иккى жинсли, сариқ рангли, кичик, ипсимон, туксиз. Уруғининг катталиги 0,5 мм бўлиб, жигар ранглидир. Бурган июль ойида гуллаб, уруғи октябрь ойида пишади. У жумҳурнитимизнинг тоғ минтақасигача бўлган жойлардаги боғларда, экин майдонларида, ариқ буйларида, канал ёқаларида, ташландиқ жойларда, тўқайзорларда учрайди. Бурганинг ер устки қисмлари гуллаш ва уруғлаш даврида 0,29—0,65% гача эфир мойи сақлайди. Бу мой оч сариқ ёки тўқ сариқ рангли, ўткир ҳидли бўлиб, цинеол, камфен, борнеол, артемизиакетон, изоартемизиакетон, фенол, евгенол, сирка ва ёғ кислота ҳамда бошқа моддаларнинг мураккаб биринклиаридан ташкил топгандир.

ҚИЗИЛБУРГАН (*A. scoparia* W. et K.) муракка бгулдошлар оиласига мансуб, бўйи 30—70 см келадиган бир ёки икки йиллик ўсимлиkdir. Пояси тик ўсувчи, юқори қисми сершоҳ, момиқ тукли. Пастки барглари бандли, гуллаш даврида сўлиб қолувчи қўш патсимон қирқилган ёки уч марта патсимон қирқилган баргларга эга, ўрта қисмидаги барглари бирмунча кичик, ўтроқ 2—3 марта ўйилган, юқоригилари эса бутун ва ипсимондир. Тўпгуллари ёйик рўвакли. Саватчаси 2—2,5 мм, тухумсимон, 6—12 та гулли, ўтроқ ёки бандли бўлади, гул ўрни бўртган, туксиз. Уруғчи гуллари ипсимон, най шаклида, асоси бир оз кенгайган, икки жинсли, сариқ ёки қизил рангли. Уруғи чўзиқ қиррали 1 мм катталикда жигар рангли бўлади. У июль-август ойларидан бошлаб гуллайди ва уруглайди. Қизилбурган чўл ва адир минтақаларида бегона ўт сифатида кўп тарқалган ўсимликлардан ҳисобланади. Қизилбургандан артемизиол моддаси ажратиб олинган. Бу модда буйрак ва сийдик йўлидаги тошларни операциясиз туширишда ишлатилиди. Ўсимликтаги эфир мойининг миқдори уларнинг ўсиш шароитига, ривожланиш даврига ҳамда формаларига қараб 0,25—0,6% гача бўлади. Эфир мойи оч сариқ, тўқ жигар рангли, ёқимсиз ҳидлидир.

ҚЎНГИРЗИРА (*Pimpinella multiradiata* Eug. Kog.) соябонгулдошлар оиласига мансуб, бўйи 60—100 см келадиган бир йиллик ўт. Пояси битта, ариқчали, юмшоқ, калта тукчали, паншахасимон шохланган бўлади. Баргининг ҳар иккала томони тукли, узун ва ингичка бандли, думалоқ, юраксимон, тишчали, поянинг пастки ва ўрта қисмидаги барглари 3—5 та бўлади. Соябони 4 см узунликда, 10—25 нурли, ўрама баргсиз, тарвақайлаган бўлади. Соябончалари 12—20 та гулли, гулбанди тукли. Уруғи 2 мм, тухумсимон, тукли, қиррали бўлади. Қўнгирзира июнь-июль ойларида гуллайди, уруғи эса июнь-август ойларида пишади. У ариқ бўйларида, дарё қирғоқларида, заҳ ёрларда, тоғ олди қисмларида тарқалган. Маҳаллий халқлар қўнгирзира уругини турли-туман таомларга ишлатадилар. Тибиётда ундан балғам кўчирувчи дори сифатида ҳамда бошқа дориларга ёқимли ҳид ва таъм бериш учун фойдаланилади. Унинг барча қисмida эфир мойлари мавжуд. Илдизида 0,02—0,7%, уруғида 1,6—3% эфир мойи бўлади. У очиқ ҳавода тез оксидланади ва оч сариқ ранг ҳосил қилади. Эфир мойлари жуда ёқимли ҳидга эга бўлиб ширин таъмлидир. Унинг асосини анетол ташкил этади. Ўсимлик уруғида смола, крахмал, шакар моддалари ва 22% ёғ бўлади. Қўнгирзирадан вино, ликёр ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин.

ОШЛОВЧИ ЎСИМЛИКЛАР

Ошловчи ўсимликлардан олинаётган танид моддаси (тери ошлашда, кўнлашда) тери саноатида, тибиётда (дори-дар-

монлар тайёрлашда), балиқчилик саноатида (балиқ овлайдиган асбоблар, айниңса түрларни чиритмасликда ишлатилиши билан) муҳим аҳамиятга эга. Танид моддаси билан ошланган терилар юмшоқ, эгилувчан, сувни ўтказмайдиган ва унда чиримайдиган, қотмайдиган ҳамда қайнатилганда титилиб кетмайдиган (гидролизга берилмайдиган) хусусиятларга эга бўлади. Тери саноатида ўсимликлардан олинаётган танид моддасидан ташқари, сунъий ҳолда кимёвий усул билан тайёрланган кўнловчи моддалар — синтантлар (сульфосинтан, сульфитцеллюоза экстракти, хром, бензохинон, альдегидлар, спиртлар) ҳам маълум миқдорда ишлатилади. Синтантлар ўсимликлардан олинидиган танид моддаси билан биргаликда қўлланилади. Юқори сифатли маҳсус тагчармлар ишлаб чиқаришда фақат танид маддасидан тайёрланган экстрактлар ишлатилади. Шу сабабли уларни синтантлар билан бутунлай алмаштириш мумкин эмас. Айниңса, фармацевтика, тўқимачилик, пластмасса саноатларида қўлланиладиган танид маддасини синтантлар билан алмаштириб бўлмайди. Юқори сифатли танид маддаси эман дарахтининг пўстлоқ ёки ёғочлик қисмидан, толаларнинг пўстлоқларидан, скумия, лабазник, тотим каби ўсимликларнинг баргларидан, торон, отқулоқ, ровоч ва бошқа бир қанча ўсимликларнинг илдизларидан олинади. Танид маддасига бўлган эҳтиёжни қондириш учун МДҲ давлатларида ҳар йили камида 850 000 куб м эман дарахтининг ёғочлик қисми, 200 минг т ўсимлик пўстлоғи, 5—6 минг т торон ва ровоч илдизлари сарф қилинмоқда. Бу кўрсаткичлар йил сайн ошиб бормоқда. Ошловчи ўсимликларнинг Европада — 40 тури, Ҳиндистонда — 68 тури, Ўрта Осиёда — 250 тури, шу жумладан Узбекистонда — 180 дан ортиқ тури ўсади. Улар, толдошлар — Salicaceae, қайниндошлар — Betulaceae, пистагулдошлар — Anacardiaceae, торондошлар — Polygonaceae, раъногулдошлар — Rosaceae, герандошлар — Geraniaceae, мимозадошлар — Mimosaceae, кермакдошлар — Plumbaginaceae ва бошқа оиласаларнинг вакилларидир. Узбекистон флорасида энг аҳамиятли ошловчи ўсимликлардан: торон, отқулоқ, ровоч, анжабор, кермак, тотим кабилар кенг ўрганилган. Уларнинг баъзи бирларини маданий экин сифатида экиб кўпайтириш мумкинлиги ҳар тарафлама исботланган. Халқ хўжалигининг баъзи тармоқлари учун хомашё бўладиган ошловчи ўсимликлардан энг муҳимлари куйдагилардир.

ЗАРАНГ (*Acer L.*) бу туркум вакиллари зарандошлар оиласидан бўлиб, бўйи 20 м га борадиган дарахтлардир. Зарангнинг Узбекистон флорасида 14 тури мавжуд. Улар жумҳуриятилизнинг барча вилоятларининг териториясида денгиз сатҳидан 2000 м баландликкача бўлган майда шағалли жойларда учрайди. Баъзи турлари боғларда ўстирилади. Энг кўп тарқалгани Туркистон зарангидир. Ундан маҳаллий халқлар ҳар хил мақсадлар учун, чунончи: жуда мустаҳкам ва оғир бўлганли-

ти учун унинг ёғочидан турли хил хўжалик асбоб-ускуналари тайёрланади; пўстлоғидан сурги сифатида фойдаланилади. Заранг баргидаги 11% ва меваларида 13,5% танид моддаси бор. Республикаизда унинг табний бойликлари бирмунча кўпdir.

ТОЛ (*Salix L.*), бу туркум вакиллари толдошлар оиласига ки-
рувчи дараҳтлар бўлиб, МДҲ мамлакатлари флорасида улар-
нинг 167 тури мавжуд, шундан 43 тури Ўзбекистонда учрайди.
Буларнинг 28 тури ёввойи толлардир. Уларнинг кўп тарқалган
турлари: оқтол, кўқтол, қоратол, сариқтол, мажнунтол ва
эчкитоллардир.

КЎҚТОЛ (*S. coerulea* Wolf.), бу туркум вакиллари толдошлар
оиласига ки-
рувчи дараҳтлар бўлиб, шохлари қўнғир рангли
туксиз, кул ранг мумсимон модда билан қопланган. Куртаги
1—3 мм, ипсимон, тез тушиб кетади. Банди 2—4 мм. Барги-
нинг узунлиги 3—7 см, эни 4—8 мм, бутун ёки майдага арра-
тишилдири. Тўпгуллари (кучала) барглари билан бир вақтда
ҳосил бўлади. Чангчиларининг узунлиги 2,2 см, эни 4—5 мм,
уругчилари 1,2—1,8 мм катталикда, эни 4 мм. Тўпгулларининг
ўқи туксиз. Кўқтол апрель — май ойларида гуллаиди ва уру-
лайди. У жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида ариқ бўй-
ларида, дарё қирғоқларида ва тўқайзорларда ўсади. Маданий
ҳолда ҳовуз атрофларида, ариқ бўйларида ва кўча ёқаларида
ўстирилади. Толлар ҳалқ хўжалингидаги катта аҳамиятга эга.
Улардан тупроқ емирилиши ҳамда сув тошқинига қарши ку-
рашиш учун ариқ ва дарё бўйларига экиласди. Толларнинг
ёғочи эса ҳар хил асбоб-ускуналар ясашда, целялюзда, пласт-
масса ишлаб чиқаришда қўлланилади. Уларнинг ёш новдала-
ридан сават ва стуллар тўқилади. Пўстлоғидан олинадиган
толалардан ип, арқон, қоп-қанор ҳамда балиқ овлашда ишла-
тиладиган тўрлар тайёрланади. Улар асалчил ўсимликлар
ҳамдир. Тўқайлардаги толзорларнинг гектаридан 150 кг асал
олиш мумкин. Фармацевтикада унинг пўстлоғидаги салицин
моддаси олинади. Толларнинг пўстлоғидаги танид моддасидан
тайёрланган экстракт юқори сифатли тагчармлар ва махсус
буюмлар ишлаб чиқарипда қўлланилади. Кўнчилик саноати-
да аҳамиятга эга бўлган танид, асосан 2—6 ёшли толларнинг
пўстлоғидан олинади ва уларнинг миқдори пўстлоғида 10—
13%, баргидаги эса 7% ни ташкил қиласди.

ЮЛҒУН (*Tamarix L.*), бу туркум юлғундошлар оиласига мансуб
бўлиб, бўйи 3—4 (6—8) м келадиган бута, баъзан эса дараҳт
ҳолида ўсуви бир қанча турларга эга. Фақат Ўзбекистон
флорасида унинг 12 тури учрайди. Юлғунлар жумҳуриятимиз-
нинг барча вилоятларида кенг тарқалган. Улар дарё воҳаси-
да, кўл ва дengiz атрофларида, шўрхок ерларда ҳамда тақир
жойларда кўплаб ўсади. Юлғунлар бўёқли ва асалчил бўлиб,
манзарали ўсимлик ҳисобланади. Юлғунларнинг кўпчилик тур-
ларидан жуда қадим замонлардан бўён Жанубий Америка,

Италия, Испания ва Осиё халқлари тери ошлашда фойдаланиб келмоқдалар. Юлғунларнинг яшил новдаларида таниднинг миқдори 9—14% гача, ёғочланган қисмидагача ва меваларида 15% гача бўлади. Юлғунларнинг жумҳуриятимизда йирик запаслари йўқ. Шу сабабли ҳам улар унчалик саноат аҳамиятига эга эмас. Лекин уларнинг биологиясини, экологиясини ўрганиш назарий аҳамиятга эгадир.

ЭМАН (*Quercus L.*), бу туркум қорақайиндошлар оиласига мансуб бўлиб, бўйи 40 м гача бўлган дараҳтлар киради. Ўзбекистонда бу туркумнинг 7 тури манзарали ўсимлик сифатида боғларда, шаҳар кўчаларида, парк ва ҳиёбонларда ўстирилади. Жумҳуриятимизда гарчи табиий эманзорлар бўлмасада, ўсимлик ҳақида қисқача маълумотлар беришни лозим топдик, чунки МДҲ мамлакатлари кўнчилик саноати учун керак бўлган хомашёнинг деярли 50% и эман дараҳтининг пўстлоқ ва ёғоч қисмларидан олинади. Эманлардан турли мақсадлар учун фойдаланиш мумкин. Унинг ёғочидан юқори сифатли асбоб-ускуналар, уй жиҳозлари тайёрланади. Эманинг кенг тарқалган ва энг аҳамиятли тури *Quercus robur L.* ҳисобланади. Унинг баргида 3%, пўстлоғида 9—10%, ёғоч қисмida 5% ва мевасида 2% гача танид моддаси бор.

ҚАНДИМ (*Calligenum L.*), бу туркум торондошлар оиласига мансуб бўлиб, буталардан иборат, жумҳуриятимиз флорасида қандимнинг 74 тури учрайди. Қандимлар чўл минтақасининг қумли жойларида ўсади. Уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти жуда каттадир. Улар манзарали ва асалчил ўсимлик ҳисобланади. Қандимларнинг яшил новдаларида 10—13%, мевасида 5% танид моддаси бор. Иил фаслларининг ўзгариши билан улардаги таниднинг миқдори ҳам ўзгариб боради ва кузга бориб жуда камайиб кетади. Қандимнинг жумҳуриятимизда учрайдиган турларидан тери ошлаш саноатида фойдаланилмайди. Аммо чўлларга экилади ва қум кўчишига қарши курашда фойдаланилади. Куз ва қиш давомида чорва моллари учун (айниқса, қўй, эчки, тую) озиқ бўлиб ҳисобланади.

АНЖАБОР (*Geranium collinum Steph.*) ёронгулдошлар оиласига киругчи бўйи 60 см келадиган кўп йиллик ўт бўлиб, ўсимликнинг барча қисми туклидир. Барги узун бандли, буйраксимон, юқоригилари деярли ўтроқ, асосигача 5—7 бўлакли қирқиленган, эни 3—7 (12) см, бўлаклар кенг ромбсимон ёки жуда торайган, учидағиси чуқур қирқиленган, тухумсимон, ўтқир ёки тўмтоқ бўлакчалидир. Баргининг устки қисми оч ёки тўқ яшил, тукли, остки томони кул ранг, деярли туксиз. Поя учида икки гулли гулбанд ҳосил бўлади. Ен баргчалари 3—5 мм узунлика, бигизсимон. Қосачабарглари 7—8 мм катталика, оқ ёки ҳар хил рангли, чўзиқ, батъзан чўзиқ-тухумсимон, чети пардасимон, қисқа тукчали. Тожибаргларининг узунлиги 9—17 мм, эни 5—8 мм бўлиб, қорамтир-пушти ранглидир. Уруғи 3 мм катталика бўлиб, бир оз чўзинчоқдир. Анжабор июль-

сентябрь ойларида гуллайди ва уруғлайди. У тоғ минтақасининг дарё қирғоқларида, булоқ атрофларида, сернам жойларда кўп ўсади. Анжаборниң асосий табиий запаслари Фарғона тизма тоғининг ғарбий ён бағирликларида, дениз сатҳидан 2300—3000 м баландликда учрайди. Текширишлар Чортот ва Суртош деган жойлардан йилига 10 000 т қуруқ хашак йиғишириб олиш мумкин эканлигини кўрсатди. Анжаборниң баргларида 18%, илдизпояларида 20% танид моддаси бор. Улардан фармацевтикада танин олиш учун фойдаланиш мумкин.

КЕРМАК (*Limonium meyeri* (Loiss) Ktze.) кермакдошлар оиласига киравчи кўп йиллик ўт бўлиб, бўйи 40—80 (150) см га етади. Илдизи йўғон бўлиб, ер юзига яқин жойидан шохланади. Барги кенг-тухумсимон ёки кенг-эллипссимон, баъзан чўзиқ, тескари-тухумсимон, ўткир учли, оч яшил ёки кул ранг-яшил тусда бўлади. Поянинг юқори қисмида шохланган рўваксимон тўпгул ҳосил бўлади. Гуллари қисқа, ғовак бўлиб, бир нечта гул биргаликда бошоқчали кичик тўпгуллар ҳосил қиласди. Косачабаргларининг катталиги 3,5—4,5 мм, 5 ёки 10 бўлакли, оч бинафша ёки оқиш ранглидир. Тоҷибарглари кўк-бинафша рангли. Кермак июль-октябрь ойларида гуллайди, уруғи август-октябрь ойларида пишади. Бу ўсимлик Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган, Самарқанд ва Бухоро вилоятларининг шўр ва шўрхок жойларида, шўр сувли ҳавзалар ва кўллар атрофида ўсади. Унинг асосий бойликлари Марказий Фарғонадаги ва Мирзачўлдаги шўрхок ва шўр ерларда тарқалган. Сўнгги йилларда бундай ерлар ўзлаштирила бошланиши натижада уларнинг майдони йилдан йилга қисқариб бормоқда. Маҳаллий халқлар кермакдан жуда қадимдан тери ошлишда ва матоларни бўяшда фойдаланиб келганлар. Кермакнинг илдизида 14% гача танид моддаси бўлади. Шунингдек, илдизида бўёқ моддалар, минерал тузлар ҳамда органик кислоталар мавжуд.

ОШЛОВЧИ ТОРОН (*Polygonum coriarium* Grig.) торондошлар оиласига киравчи кўп йиллик ўсимлик бўлиб, илдизлари яхши ривожланган. Унинг пояси тик ўсиб, бўйи 1—2 м га етади. Баргларининг узунлиги 12 см, эни 7 см га етади. Тўпгули рўваксимон бўлиб, анча йирик кўп шохчали, катталиги 45 см га етади. Ёнгоқчаси 3 қиррали, ўткир жигар рангли ёки қўнғир туслидир. Ошловчи торон июнь-август ойларида гуллайди ва уруғлайди. У Ўзбекистоннинг тоғли районларида дениз сатҳидан 1800—3100 м гача бўлган баландликларда ўсади. Унинг саноат аҳамиятига эга бўлган запаслари Фарғона тоғларининг шимолий, шимоли-шарқий, шимоли-ғарбий ва ғарбий ён бағирликларида 2000—2600 м баландликда учрайди. Ошловчи тороннинг барра новдаларини хомлигича истеъмол этиш мумкин. Унинг илдиз шарбати ич касалликлари ҳамда зотилжамни даволашда, порошоги эса ҳар хил яралар учун ишлана-

тилади. Маҳаллий халқлар жуда қадим вақтлардан буён ошловчи торон илдизидан териларни ошлашда фойдаланганлар. Унинг илдизи Ўрта Осиёдан ташқарига чиқариб ҳам сотилган. Ошловчи тороннинг таркибида 25 (35) % гача танид моддаси, flavonoidлар, глюкоза, крахмал, минерал тузлар, галлол ва олма кислоталари, С ва К витаминлари борлиги аниқланди.

ҚОНТЕПАР (*Biebersteinia multifida* DC.) ёрондошлар оиласига кирувчи, бўйи 60 см келадиган тугунак илдизли кўп йиллик ўт. Унинг пояси битта ёки бир қанча бўлиб, тик ўсади. Кўп миқдордаги баргларининг узунлиги 10—20 см, эни 1,5—8 см, энг пастки барглари қисқа бандли, юқоридагилари эса бандсизdir. Еш баргларининг ҳар иккала томони тукчалар билан қопланган. Барги уч жуфт патсимон бўлаклардан иборат. Косячабарглари тухумсимон, чўзиқ-наштарсимон, ўтмас, ҳар хил катталикда. Тожибарглари тор понасимон ёки тескари-тухумсимон шаклда, майда тишли, тўқ сариқ рангидир. У апрель-май ойларида гуллайди ва уруғ ҳосил қиласди. Концепар жумҳуриятимизнинг Гошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг денгиз сатҳидан 1300—1800 (2000) м баландликда бўлган тоғ ён бағирларидаги майда шағалли тупроқларда ўсади. Қонтепардан Ўрта Осиё халқлари ошқозон яллигланиши, қон кетиши касалликларини ва яраларни даволашда фойдаланганлар. Унинг илдизида 30% гача танид моддаси ва 34% гача углеводородлар бўлади. У, унча катта майдонларда учрамайди. Шу сабабли бу ўсимликнинг табиий запаслари деярли йўқ даражада.

РОВОЧ (*Rheum* L.), бу туркум торондошлар оиласига мансуб бўлиб, кўп йиллик ўтлардир. Ўрта Осиёда унинг 25 тури учрайди. Булардан 7 тури Ўзбекистонда кенг тарқалган. Рсовчлар жумҳуриятимизнинг чўл, адир ва тоғ минтақаларнда учраб, турли хил тупроқ шароитида ўсади. Ровочларнинг ажойиб шифобахш ва тери ошловчанлик хусусиятлари жуда қадимдан маҳаллий халқларининг диққатини ўзига жалб қилиб келган. Ровочларнинг илдизидан ич кетиш, ошқозон-ичак оғриқлари, буйрак ва қовуқлардаги оғриқлар, бачадон оғриқлари ва қон кетиши касалликларини даволашда фойдаланилади. Халқ хўжалигига катта аҳамиятга эга бўлган ровочлардан: Йирик мевали ровоч (*Rh. macrocarrum* A. Los.) Максимович ровочи (*Rh. maximowiczii* A. Los.), Виттроки ровочи (*Rh. wittrockii* Zundst.) кабилардир.

МАКСИМОВИЧ РОВОЧИ (*Rh. maximowiczii* A. Los.), бу ровоч йўғон илдизпояли кўп йиллик, бўйи 100—120 см га етадиган ўсимлик бўлиб, поя асосини қўнғир рангли барг нави ўраб олади. Пояси баргсиз, жуда кўп сўгалсимон бўртмали, баъзан силлиқ, пастки қисми бир оз ялпайган, қизғиши рангли, юқори томони сершоҳ бўлиб, учида пирамидасимон тўпгуллар ҳосил қиласди. Барча барглари йирик буйраксимон-япалоқ бўлиб,

уларнинг узунлиги 18—50 см, эни 20—60 см га тенгдир. Гуллари даста-даста бўлиб ўрнашган, узун бандли бўлади. Мевалари йирик, кенг-тухумсимон, узунлиги 15—20 мм, эни 10—15 мм. Мева ичида ёнғоқсимон тўқ қўнғир ёки қизил рангли уруғлар ҳосил килади. У май-июлда гуллайди ва уруғлайди. Бу ўсимлик Қаржонтов, Угом, Пском, Чатқол, Туркистон, Зарафшон, Ҳисор ва Фарғона тоф тизмаларининг шагалли ён бағирларида дengiz саҳтидан 900—1 700 м баландликда ўсади. Саноат аҳамиятига эга бўлган йирик мевали ровочнинг табиий бойликлари фақат шарқий Фарғона тоғларида 30 000 т ни ташкил этади. Ровоchlар илдизида 14—18% танид моддаси, 6,6% қанд моддаси, 22% крахмал, 0,8% глюкозид ва бўёқ моддалари, баргида эса олма кислота мавжуд эканлиги аниқланган.

ОТҚУЛОҚ (*Rumex tianschanicus* A. Los.) торондошлар оиласига мансуб бўлган, пояси тик ўсуви ариқчали, бўйи 90—185 см келадиган кўп йиллик ўтдир. Илдизи йўғон бўлиб, тармоқланган, илдизолди барглари узун бандли, тухумсимон, асоси юраксимон, ўткир учли, бутун қирғоқли, узунлиги 20—30 см, эни 5—15 см; поя барглари кичик тухумсимон шаклда бўлиб, тўпгулларига томон киҷрайиб боради. Гуллари кўп сонли, ҳалқасимон ўрнашган, гулбанди 10—15 мм катталикда, эгилувчан бўлади. Меваси ёнғоқчасимон, уч қиррали, жигар ранглидир. Отқулоқ май-июль ойларида гуллаб, уруги июль-сентябрь ойларида пишади. У жумҳурят территориясида бирмунча кенг тарқалган бўлиб, ариқ бўйларида, дарё соҳилларида, ўтлоқзорларда, тошли ерларда ўсади. Отқулоқ Фарғона тоғларининг жануби-ғарбий ён бағирларида (дengiz саҳтидан 1200—3000 м баландликда) отқулоқзорларни учратиш мумкин. Отқулоқдан Ўрта Осиё халқлари турли мақсадлар учун фойдаланганлар. Унинг барра баргларини эрта баҳорда ҳар хил овқатларга қўшиб истеъмол қилганлар. Уруғидан қиём тайёрлаб зотижам касаллигини даволаганлар. Табиий ҳолда ўсуви отқулоқнинг илдизида 12—20% танид моддаси, флавонид — неподин, смола, эфир мойи, кофеин кислота, К витамини бўлади. Унинг баргларида эса 5—6% танид, 8 мг% каротин, 200—780 мг%, С витамин, флавонли глюкозид, гиперозид ва рутин моддаси бор.

ТОЛАЛИ ЎСИМЛИКЛАР

Ўзбекистонда табиий толали ўсимликларни ўрганиш масаласига етарли эътибор берилмаётганлигини вақтивчали ҳолат деб ҳисоблаб, мазкур бобда ўқувчиларни жумҳуриятимиздаги табиий толали ўсимликларнинг айрим турлари билан таништириб ўтамиз. Баъзи ўсимлик турларининг барг, поя, илдиз ва уруғларида у ёки бу миқдорда тола мавжуд бўлиб, бу толалар анча пишиқ, тез узилмайдиган, эгилувчан ва чидамли бўла-

ди. Улардан йигириув, түқув ишларида, ип газлама тайёрлашда фойдаланилади. Толали ўсимликларнинг техник жиҳатидан сифатли бўлиши, уларнинг кўпинча ички тузилишига, толаси узун бўлишига, ҳужайра элементларининг қалинлигига, толанинг ўсимлик тўқималарида қулай жойлашишига боғлиқ. Ўсимлик органларининг мустаҳкам бўлиши, фақат механик тўқималарга боғлиқ бўлибгина қолмай, балки мазкур тўқималар комплексининг жойлашишига, тарқалишига ҳам боғлиқдир. Механик тўқималарнинг комплекси қўйидагилардан ташкил топган: а) луб толалари (склеренхимали толалар); б) либриформ (мустаҳкам, ёғочланган толалар); в) колленхима (ўсувчи механик тўқима); г) тош ҳужайралари; д) таянч ҳужайралари (биттадан жойлашган, йирик, кўп шохланган қалин деворчали ҳужайра). Ўсимликлардан толали ўсимлик сифатида фойдаланганда, аввало улардаги тўқималар таркибида луб толалари ва либриформларнинг бўлиши назарда тутилади. Луб толалари эгри жойлашган, чўзиқ тешикчали, қалин пардали, узунчоқ ҳужайрали тўқималардан иборат. Бутун луб тўдаси комплексини қалин деворли луб ҳосил қиласди. Алоҳида луб толаларига элементар толалар дейилади. Элементар толанинг бўйи узунчоқ, лекин эни қисқа бўлади. Бу толанинг деворчалари кўпинча қалин бўлиб, целлюлозадан, у ёки бу миқдордаги лигнин моддасидан ташкил топади. Элементар толалар группаси бир-бiri билан пектин моддаси ёрдамида ёпишиб, луб толали тўда ҳосил қиласди. Бу тўдага техник тола дейилади. Ўсимликтарнинг турларига қараб, толаларнинг (кўндаланг ҳужайра қобиғи) юк кўтариш қуввати $12,5-25 \text{ кг}/\text{мм}^2$ га teng бўлади. Агар тола баргларнинг паренхима тўқималарида ўрнашган бўлса, уларни барг-толали ўсимликлар деб юритилади. (Янги Зеландия зиғири, қуртқасоч), тола поя пўстлоқларида бўлса, уларга поятолали ўсимликлар дейилади (газандаёт, кендирилар). Бу группа ўсимликларга илдиз-толалиларни ҳам киритиш мумкин, чунки уларнинг толаси ёғочсимон цилиндрда ёки илдиз пўстлоқларида бўлади. Илдиз-толали ўсимликлардан турли хил чўткалар тайёрлаш мумкин (оқсўхта, куртқасоч). Луб толалари ва либриформлардан ташқари, баъзи ўсимликларнинг тукчаларидан ҳам тола сифатида тўқимачилик саноатида фойдаланиш мумкин. Бу туклар эпидермик ҳужайраларидан ўсиб чиқсан бўлиб, бир ҳужайрали ҳамда кўп ҳужайрали, оддий ва шохланган бўлади. Бир ҳужайрали тукларга эга бўлганлари қимматбаҳо хомашё ўсимликлари ҳисобланади. Уруғ устини толалар ёки туклар ўраб (қоплаб) олган бўлса, уларни уруғ-толали ўсимликлар деб юритилади (ёввойи ғўза, ғўза). Дастрлабки комплекс ишлов бериш натижасида ўсимлик тўқималаридаги элементлар ва техник толалар ажратиб олинади. Ўсимлик органларининг ҳар хил тўқималарида жойлашган толаларни ажратиб олишда биологик, кимёвий ва механик усуллардан фойдаланилади: 1) биологик усул билан ўсимлик толаларини

ажратиб олиш учун хомашё сувга бостирилади. Бу ерда ҳосил бўлган микроорганизмлар ўсимлик тўқималаридағи пектин моддаларини парчалайди. Натижада ёпишган толалар бирбиридан ажралади. Ана шу жараёнга ўсимликларнинг биологик ҳўллаш усули дейилади: 2) кимёвий усул билан толали ўсимликларнинг толаларини ажратиб олишда, уларнинг тўқималаридаги пектин моддасини парчалашиб учун ҳар хил концентрацияли кимёвий моддалар ишлатилади ва ўсимликларнинг толали қисмлари қайнатилади. Натижада толалар турли аралашмалардан холи бўлади. Биологик кимёвий усуллар билан толаларга ишлов бераб, ўсимлик тўқималаридаги пектин моддаларини парчалаб юбориш «дегомация» дейилади. Биологик ёки кимёвий дегомация пайтида пектинларнинг парчаланиши натижасида луб тўдалари бошқа тўқималардан ажралади; 3) механик усулда ёки «декоратикация» усулида ўсимлик толаларини ажратиб олиш учун турли хил механизмлардан фойдаланилади. Механизмлар таъсирида фақат толаларгина шикастланмасдан ажратиб олинади. Декоратикация усули билан олинган луб тўдаларида эпидермиснинг ва паренхима тўқималарининг қолдиқлари учрайди. У ёки бу усул билан ажратиб олинган техник толаларга биологик ёки кимёвий йўл билан ишлов берилганда алоҳида элементар толалар олинадики, буни техникада «котонин», шу жараённи ўзига «котонизация» дейилади.

ТОЛАЛИ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ГУРУҲЛАРИ

Ўсимликлар оламида тола берувчи турлар жуда кўп учрайди. Улар ҳар хил ўсимликлар типига оидdir. Ўсимликлар тили орасида толали ўсимлик оиласаларининг тарқалишига таллуқли бўлган материалларни 10- жадвалда келтирамиз.

10- жадвал

Толали ўсимликларнинг типи

Ўсимликлар типи	Ҳар бир типдаги оиласалар сони	Шу жумладан, тозалы ўсимлик оиласаларининг сони
Кирққулоқлар	16	8
Яланроҷ уруғилар	6	5
Ёпиқ уруғилар	278	112
Жами	300	125

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, ўсимликлар оламидаги 300 оиласдан 125 таси толали ўсимликлар бўлиб кўпчилиги ёпиқ уруғли ўсимликлар ҳисобланади. Ёпиқ уруғли ўсимликларнинг гурӯҳлари ичida ҳам толали ўсимлик-

лар бир хилда тарқалмаган. Яланғоч уруғиларнинг толаси ўсимлик вакилларидан уй-рўзғор буюмлари тўқишида, кўпинча қоғоз ишлаб чиқаришида, диван, стулларга, матрацларга солишда фойдаланилади. Ёпиқ уруғли ўсимликларнинг, айниқса икки паллали ва қисман бир паллали синфларга кирувчи вакиллари қимматбаҳо тола берувчи хомашё ўсимликлари ҳисобланади. Уларнинг толаларидан йигирив ва тўқимачилик саноатида турли ип газлама ҳамда буюмлари ишлаб чиқарилади. Ёпиқ уруғли ўсимликлар вакилларининг энг муҳим толалилари 11-жадвалда келтирилган.

11- жадвал

Ёпиқ уруглилар тилининг ёнг муҳим толалилари¹

№	Оиласига тиллар	Толали туркумлари- нинг сони
1	Бошқлошлар	87
2	Пальмадошлар	70
3	Мотилкадошлар	51
4	Пиёзгулдошлар	28
5	Гулҳайридошлар	25
6	Газандадошлар	25
7	Кендердошлар	23
8	Сутпекақдошлар	20
9	Келинсупургидошлар	20
10	Жўқадошлар	19
11	Мураккабгулдошлар	17
12	Стрекуладошлар	17
13	Ҳилолдошлар	15
14	Тутдошлар	13
15	Канопдошлар	8
16	Бромелиядошлар	7
17	Аралиядошлар	7
18	Чучмомагулдошлар	5
19	Банандошлар	3
20	Толдошлар	2
21	Зигирдошлар	2
22	Циклантдошлар	1
23	Тўзғоқдошлар	1
24	Савсаргулдошлар	1

¹ В. Л. Некрасова маълумотлари, 1980.

Бошоқдошлар оиласига кирувчи толали ўсимликлар энг кўп вакилга эга бўлса-да, улар юқори сифатли тола бермайди. Уларнинг толалари дағал бўлиб йигирив ва тўқув ишларида кам ишлатилади. Улардан асосан турли хил чўткалар тайёрлашда, буюмлар ўрайдиган материаллар ҳамда қоғоз ишлаб чиқаришида фойдаланиш мумкин. Тўқимачилик саноати ва халқ хўжалигимизнинг бошқа айрим тармоқлари учун қимматбаҳо хомашё ҳисобланган ҳамда юқори сифатли тола берувчи

ўсимликлар, асосан гулҳайридошлар, зифирдошлар ва кендиридошлар онлаларининг вакиллариридир. Толали ўсимликлар ишлатилишига қараб, бир қанча гуруҳларга бўлинади. Лекин бир гуруҳдаги ўсимликлар бошқа гуруҳдаги ўсимликлар орасида учраши ва ишлатилиши мумкин. Бу ўсимлик гуруҳлари қўйидагилардан иборат:

1. Йигириув ёки тўқимачилик саноати учун асосий хомашё манбаи ҳисобланадиган ўсимликлар. Уларнинг луб толалари пояларида (кендир, газандаёт, каноп, зифир), баргларида янги зеландия зифири, қалам, лўх, қўфа) бўлади. Баъзи ўсимликларнинг уруғ туклари тола сифатида ишлатилади (ёввойиғ фўза, фўза).

2. Тўқиши учун ишлатиладиган ўсимликлар. Уларнинг турли органларини, яъни поя, барг новда ва илдизларини пўстлоқдан тозалаб, озгина шаклини ўзгартирган ҳолда улардан турли хил бош кийимлари, уй-рўзфор буюмлари (саватлар, тўқилган стуллар, креслолар) ва четан деворлари тайёрлаш мумкин.

3. Чўткабон толали ўсимликлар. Илдиз ёки поянинг бирламчи пўстлоқли қисми олиб ташлангандан кейин толалари кўзга яхлит кўринади. Бу толалардан техник мақсадлар учун фойдаланиш мумкин. Шунингдек, уй-рўзфорда ишлатиладиган, оқлаш ва бўышда қўлланиладиган турли хил чўткалар тайёрласа бўлади. Чўтка ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган толалар текис тўғри бўлиб, синмаслиги ва улар эгилувчан бўлиши, узунлиги 8—15 см дан калта бўлмаслиги лозим.

4. Буюмларни боғлаш учун ишлатиладиган ўсимликлар. Поя ва барглари узунроқ, эгилувчан бўлганлиги сабабли, улардан турли нарсаларни боғлашда фойдаланилади.

5. Тўлдириладиган ёки ўраш учун ишлатиладиган ўсимликлар. Уларнинг туклари мева ичида (ўсимлик паҳтаси), уруғида (ўсимлик ипаги) ҳамда бошқа органларида бўлади. Шунингдек, баъзи бир паллалн ўсимликларнинг ингичка, узун барглари ва барг туклари ёстиқларга, тўшакларга, юмшоқ стул, диван, кийимларга солинади ҳамда турли буюмларни ўраш учун ишлатилади.

6. Коғоз ёки цељлюзоза ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ўсимликлар. Бу ўсимликлар кўп толали ҳужайраларга эга. Уларни механикавий ва кимёвий усул билан ажратиб олиб қоғоз ва цељлюзоза ишлаб чиқаришда қўлланиш мумкин. Толали ўсимликларнинг баъзилари ҳақида қўйида тўхталамиз.

ТОЛАЛИ ГУЛҲАЙРИ (*Althaea cannabina* L.) гулҳайридошлар онласига кирувчи, бўйи 50—100 см келадиган, кўп йиллик ўт ўсимлиkdir. Унинг пояси қиррали ва тик. Барги панжасимон, 3—5 бўлакли, асосигача қирқилган, барг четлари аррасимон тишли бўлади. Ўсимликтин барча қисми майдада тукчалар билан қопланган. Ўзбекистонда толали гулҳайрининг 8 тури учрайди. Улар экин майдонларида, тўқайзорларда, ариқ бўйла-



38-расм. Оқгулҳайри.

рида, дарё қирғоқларида ҳамда дараҳтлар тагида ўсади. Улар адир ва тоғ миңтақасида кенг тарқалған. Толали гулҳайри июль-август ойларида гуллайди ва уруғи июль-сентябрь ойларида етилади. У манзарали ўсимлик бўлиб, асалчилдир. Уларнинг айрим турларидан дори-дармон сифатида турли хил ички қасалликларни даволашда фойдаланиш мумкин. Ўсимлик органларида 35% даволаш хусусиятига эга бўлган ёпишқоқ суюқлик, 2% дан ортиқ ошловчи моддалар, эфир мойи, шакар, крахмал ва уруғида ўсимлик мойи бўлади. Бу ўсимликлардан тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатида фойдаланиш мумкин. Гулҳайриларнинг барча турлари тола берувчи ўсимликлар бўлиб, поясида унинг оғирлигига нисбатан 11% тола бўлади. Чет элда улардан газламалар тўқишида фойдаланилади. Бизда гулҳайриларнинг табиий бойликлари йўқлиги сабабли унча муҳим саноат аҳамиятига эга эмас. Бу ўсимликнинг бошқа томонлари чуқурроқ ўрганилиши мумкин.

ОҚГУЛҲАЙРИ (*Althaea nudiflora* Lindl.) Гулҳайридошлар оиласига кирувчи пояси тик, бўйи 70—200 см келадиган кўп йиллик ўт ўсимлиkdir (38-расм). У 5—7 бўлакли, ғадир-будур ўйма баргларга эга бўлиб, барг четлари тишсимон қирқилган. Гуллари йирик, тўпгули шингилсимон. Меваси 25—30 т уруғдан ташкил топган. Уруғи 3—4 мм узунликда бўлиб буйраксимондир. Оқгулҳайри июнь-август ойларида гуллайди ва меваси июль-сентябрь ойларида пишади. У тоғ этакларидан тортиб тоғнинг ўрта миңтақасигача бўлган майда шағалли, тошли қияликларда учрайди. Табиий запаслари деярли йўқ даражада.

КЕНДИР (*Arosaupum hendersonii* Hook.), бу кендирдошлар оиласига кирувчи, бўйи 50—100 см келадиган тик ўсуви, кўп пояли, кучли шохланган, пояси асосидан ёғочланган, туксиз, кўп йиллик ўсимлиkdir. Барглари эллипссимон, учли ёки учсиз, асоси торайган понасимон, пояди кетма-кет жойлашган бўлиб, узунлиги 3—5,5 см, эни 10—15 мм га teng. Поянинг уч қисмида

шода — рўвак шаклида тўпгуллар жойлашган. Гуллари оқ рангли бўлиб, қорамтири-қизил чизиқларга эга. Уруғнинг узунлиги 4—5 мм, эни 0,5—1 мм, жигар рангли усти узун, сариқ туклар билан қопланган. Кендири май-сентябрь ойларида гуллайди ва уруғлайди. Бу ўсимлик Фарғона областининг Бофдод ва Куйбишев ноҳияларининг қумли, шўрхок жойларида ҳамда дарё қирғоқларида ва ариқ бўйларида учрайди. Кендири толали ўсимлик эканлиги қадимдан маълум. Ундан маҳаллий халқлар тури максадлар учун фойдаланиб келганлар.

ҚИЗИЛ КЕНДИР (*A. lancifolium* Russ.) кендиридошлар оиласига мансуб бўйи 80—200 см бўлган тик ўсуви, поянинг юқори қисми шохланган, кўп йиллик ўсимликдир. Барги қисқа бандли, қарама-қарши жойлашган, наштарсимон ёки тухумсимон, узунлиги 3—7 см, эни 0,4—2 см барг чети тиҳсимон қирқилган. Поянинг уч қисмida рўвак шаклидаги тўпгуллар жойлашган. Гуллари пушти рангли. Уруғи 2,5—3 мм катталикда жигар рангли бўлади. Қизил кендири май-август ойларида гуллайди ва уруғлайди. Бу ўсимлик Тошкент ва Фарғона вилоятларининг тўқайли дарё соҳилларида, ариқ бўйларида, эски шолипоялларда, шўрхок ерларда сойлардаги булоқ атрофларида учрайди. Қизил кендирининг поясидан юқори сифатли дағал тола олиш мумкин.

ДАҒАЛ КЕНДИР (*A. scabrum* Russ.) кедирдошлар оиласига киравчи бўйи 1—2 (6) м, пояси сершоҳ, тик ингичка, баъзан тукчалар билан қопланган кўп йиллик ўсимликдир. Барги қисқа бандли, қарама-қарши жойлашган бўлиб, узунлиги 3—8 см, эни 0,4—2 см га тенг. Баргларининг чети тиҳсимон қирқилган. Дағал кендири май-октябрь ойларида гуллайди ва уруғлайди. У тўқайзорларда, ариқ бўйларида, дарё қирғоқларида, булоқ атрофларида ва заҳ ерларда тарқалгандир. Дағал кендирининг табиий бойликларини, асосан, Сирдарё ва Қорақалпогистонда, шунингдек, Сурхондарё воҳасида, Кўштут, Шотрут, Тўпаланг ва Санѓардак дарё қирғоқларида учратиш мумкин. Умуман улар денгиз сатҳидан 2000 м баландликкача бўлган нам ва заҳ жойларда ўсади. Кендири туркумига кирадиган ўсимликлар, ўз органларида глюкозид, цимарин моддаси сақлайди. Кендирининг баъзи турларида цимарин глюкозид билан бириккан ҳолда учрайди ва ўзининг таъсир этиши характерига кўра строфантинга ўхшайди. Кендирилар жуда қадимдан толали ўсимлик сифатида ишлатиб келинган. Улардан арқон ва балиқ овлайдиган тўрлар тайёрланган. Ўсимлик толаси сувда ётса ҳам, у тез ивиб, чириб кетмайди. Дағал кендири пояси ўз оғирлигига нисбатан 9,4—12,2% тола сақлайди. Унинг толаси икки қисмдан: элементар ва техник толалардан иборат. Элементар толанинг узунлиги ва диаметри пахта толасига ўхшайди. Лекин бир оз чидамсизроқдир. Поядан толаларни ажратиб олаётганда, элементар толалар ўзаро бирикib кетганини, боғламлар ҳосил қилганини кўрамиз. Уларни кимёвий усул билан ишлаганда,

боғламлар бир-биридан ажратилади Натижада пахтасимон масса ҳосил бўлади. Бу массага котонин дейилади. Котониндан ҳар хил мақсадлар учун фойдаланиш мумкин.

ЭРКАКСЕЛИН (*Aristida karelini* (Trin et Rupr.) Roshev.) бошоқ дошлар оиласига кирувчи, бўйи 150 см келадиган кўп йиллик ўт. У ингичка баргли бўлиб, баргларининг узунлиги 80 см га етади. Уларнинг илдиз системаси бирмунча ривожланган, асосий илдиз, қўшимча илдиз ва қисқа илдизлардан ташкил топган. Ўсимлик илдизларининг ўсиш нуқталарини илдиз қинлари ўраб олади. Эркакселин илдиз бўғзидан бошлаб кўп пояли туплар ҳосил қиласди. Эркакселин апрель-июнь ойларида гуллайди ва уруғлайди. Эркакселинлар чўлларда, айниқса қумли ерларда, барханлар орасида кўп ўсади. Улар асосан, Қизилқум ва Қорақум чўлларида, шунингдек, Зарафшон водийсида, Сурхондарёning қўйи қисмида, Хоразм ва Қорақалпоғистонда учрайди. Эркакселинлар толали ўсимликлардан ҳисобланади. Уларнинг толаси, асосан баргидга ва қисман илдизида бўлади. Қуритилган баргидан оғирлигига нисбатан 70% тола олиш мумкин. Бу толалар анча пишиқ бўлиб, тез узилиб кетмайди. сувда ивиб қолмайди, бироқ кам эгилувчанлик хусусиятига эга. Шу сабабли, у дағал толали ўсимликлар гуруҳига киради. Толанинг солиштирма массаси, зигир толасига нисбатан енгил. Уларнинг узунлиги 16,9 см, диаметри 16,8 мм. Бу толалардан арқонлар, қоп-қанорлар ва шунингдек турли буюмларни ўраш учун қўлланиладиган материаллар тайёрланади. Улардан ҳар хил чўткалар тайёрлаш ҳам мумкин. Жумҳуриятимиз территориясида тарқалган эркакселинлардан Йилига 10 000 т хомашё ёки 600—700 т дағал тола олиш мумкин. Бу ўсимликнинг табиий запаслари қўйидаги жойларда учрайди: 1) Қорақалпоғистонда — 200 км² майдонда; 2) Зарафшон водийсининг қўйи оқимида — 200 км² майдонда; 3) Сурхондарёning қўйи оқимида — 50 км² майдонда; 4) Амударё қўйи оқимининг ўнг томонида кўп учрайди. Эркакселинлар кўчиб юрувчи қумларнинг йўлини тўсиб, уларни тутиб қолади. Натижада бундай жойларда янги ўсимлик гуруҳлари ўсиши учун имкон туғилади. Бундай ҳол эса чорва моллари учун табиий ўтзорлар яратища муҳим роль ўйнайди. Сўнгги йиллар давомида чўлларнинг ўзлаштирила бошланиши натижасида эркакселинлар ўсадиган ерлар бирмунча қисқариб бормоқда. Эркакселинлардан фойдаланилганда унинг қўйидаги хусусиятларини: кўчма қумларни тутиб қолиши, темир йўл ва тош йўлларни қум босиб кетишидан сақлаши, чорва моллари учун ўтзорларни кўпайтиришдаги ролини ҳисобга олиб иш кўриш керак бўлади.

ПАХТАК (*Astragalus sieversianus* Pall.) дуккакдошлар оиласига кирувчи, бўйи 60—150 см келадиган, кўп йиллик ўт ўсимлиkdir. Ўсимликнинг барча ер устки қисми момиқдек қалин туклар билан қопланган. Поясининг устки томони чизиқли, ичи

эса ковакдир. Пояси оддий ва йўгон бўлади. Барги 15—20 (30) см узунликда бўлиб 8—12 (14) жуфт барг бўлакчаларидан ташкил топган. Паҳтак май-июн ойларида гуллайди ва меваси июнь-август ойларида пишади. Бу ўсимлик Узбекистоннинг адир ва тог минтақасида кенг тарқалган бўлиб, асосан очиқ ерлардаги майда шағалли ва соз тупроқли ерларда ўсади. Паҳтак ўсимлигининг поясидан юқори сифатли тола олиш ва бу толалардан турли хил буюмлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин.

ОҚСЎХТА (*Dactylis glomerata* L.) бошоқдошлар оиласига кирувчи кўп йиллик ўтдир. Илдизлари қисқа илдизпояли ва жуда кўп ингичка попук илдизлардан иборат. Пояси тик ўсуҷчи, тусиз бўлиб, бўйи 160 см га етади. Барглари кенг-лентасимон шаклда бўлиб, эни 5—6 мм келади. Тўлгули рўваксимон бўлиб, узун гулбаннда жойлашади. Оқсўхта ариқ бўйларида, заҳ ерларда, тог ён бағирларида кўп тарқалган. Жумҳуриятнинг Тошкент, Фарғона Самарқанд вилоятларида, шунингдек, Зарабшон водийсида. Сурхондарёнинг қуи оқимида, Хоразм ва Қорақалпоғистонда учрайди. Оқсўхта ўсимлиги июнь-июль ойларида гуллайди ва уруглайди. Бу ўсимлик қорамоллар учун энг тўйимли юқори сифатли яйлов ўсимлиги ва емҳашак ҳисобланади. Оқсўхта таркибида клетчатка 35—36%, протеин 12—13%, оқсил 8%, мой 3% ва азотсиз экстракт моддалари 41% ни ташкил этади. Оқсўхта техника ўсимлиги ҳам ҳисобланади. Унинг илдиз толаларидан ҳар ҳил чўткалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Илдиз толаларининг узунлиги 40 см гача бўлиб, намлигига бир оз қийшиқроқдир. Қуритилган толалари тўғри, эгилувчан, тезликда синмайдиган, ивиб кетмайдиган ва ҷидамли хусусиятларга эга. Оқсўхта ўсимлигининг табиий запаслари Узбекистонда ва қўшни жумҳурияларда жуда кўп. Бу ўсимликнинг саноат аҳамиятига эга бўлган асосий запаслари Тошкент вилоятининг Паркент ва Оҳангарон ноҳиялари территориясида мавжуд. Ҳар гектар ерда 32600 туп оқсўхта ўсимлиги бўлиб, улардан 248 кг илдиз толалари йиғиб олиш мумкин.

ҚИРҚАСОЧ (*Iris songorica* Schrenk) савсаргулдошлар оиласига кирувчи толали ўсимликлардан биридир. Унинг барг асосидағи толали қисмининг най толали тутами яхши ривожланган. Бу ерда йирик механик тўқималар луб толалари билан навбатлашади. Қирқасочдан уст кийимларни тозалайдиган, оёқ кийимлари учун ишлатиладиган, пол тозалайдиган, ойна-дераза артадиган, шиша идишларни ювишда қўлланиладиган чўткалар ва бошқа буюмлар тайёрланади. Ўсимликнинг баргидан олинадиган тола бошқа ўсимликлардаги толаларга нисбатан анча дағалдир. Лекин ҳаммасидан ҳам пишиқдир. Масалан: зигир толасига нисбатан 3 марта қаттиқ, тез узилмайди. Бу толани узоқ вақт сувда ёки оҳакли жойда сақлагандан ҳам физикавий ва кимёвий хусусиятлари ўзгармайди. Қирқасочнинг

толаси антисептик қобилиятга эга бўлганлиги сабабли, улардан симлар устини ўрашда фойдаланса бўлади. Бу вақтда кабеллар хизмат муддати узоққа чўзилади. Агар тола ацетонли суюқликка ботириб олинса, у чиримайди ва чидамли бўлади. Ҳозирги кунда жумҳуриятимизда бу ўсимлик хомашёси билан ишлайдиган корхона мавжуд. У йилига бир неча минг сўмлик буюмлар ишлаб чиқармоқда. Қирқасоч Ўзбекистоннинг Конимех, Навоий, Фиждувон, Шофиркон, Томди, Нурота, Иштихон ноҳияларининг чўлларида ва тоголди қисмлардаги турли-туман тупроқ шароитида кўп ўсади. Ҳар туп ўсимлик оралифидаги масофа 0,5—2 м гача бўлади. Ҳозирги кунда жумҳурият территориясида қирқасочнинг табиий бойликлари жуда кўп бўлган қўйидаги массивлар мавжуд: 1. Конимех чўлида (Коратоғнинг шимолий томонидан Зарафшон дарёсининг сугориладиган зонаси бўйлаб Жилвон ва Конимех ариқларининг атрофлари билан Шоркулгача бўлган территорияларда), бу ерда 129 432 га майдонда учрайди; 2. Дибаланд чўлида 27198 га ерда тарқалган; 3. Малик чўлида (Навоий шаҳрида гарбий ва жануби-гарбий томондан Қизилтепа районига борадиган тош йўл атрофларида ва темир йўлнинг иккала томонида) 35848 га ерда учрайди; 4. Нурота водийсида 20799 га майдонда ўсади. Қирқасочнинг табиий бойликлари Қизилчин массивида 14 800 га майдонни ишфол қиласи. Умуман Ўзбекистон территориясида қирқасочлар 257 га га майдонда тарқалган бўлиб, улардан 319 419 т тола олиш мумкин.

ОҚҚУРАЙ (*Psoralea drupaceae* Bge.) дуккакдошлар оиласига киради. Ўрта Осиё ҳалқларига оққурай тола берувчи ўсимлик сифатида қадимдан маълум. Оққурай пояси ёғочланганлиги сабабли унинг толаси дағал толалар қаторига киритилади. Ёу толадан арқонлар, дағал кийим-кечаклар ва бошқа турли хил буюмлар тайёрлаш мумкин. Оққурай толасидан тайёрланган уй-рӯзғор буюмлари ўзининг чидамлилиги билан бошқа ўсимликлар толасидан тайёрланган буюмлардан қолишмайди. Лекин эгилувчанлик жиҳатидан бир оз улардан қолишади. Оққурай поясидаги тола, поя оғирлигига нисбатан 8% ни ташкил этади. Тола биологик ҳўллаш усули билан тез ва осон ажратиб олинади. Жумҳуриятимиз территориясида оққурайнинг табиий майдонлари бирмунча кўп бўлиб, баъзи маълумотларга қараганда Бухоро обlastининг ўзидаёт 135 000 га майдонни ташкил этади.

Ҳозирги вақтда Жиззах область Фориш районининг К. А. Тимирязев номли давлат хўжалиги территорияси атрофида 14400 га ерда оққурай ўсимлиги ўсмоқда. Агар оққурай ўсимлиги ўсадиган майдонлар тўлиқ аниқлаб чиқилгудек бўлса, у вақтда унинг бойликлари бир неча 100 000 га ни ташкил этиши мумкин.

ҚАЛАМ (*Saccharum spontaneum* L.) бошоқдошлар оиласига мансуб, бўйи 3 м келадиган кўп йиллик ўсимлик. Пояси тик ўсади.

Барги чизиқли, эни 20 см, тўпгуллари рўвак шаклида, узунлиги 50 см. Илдизининг узунилиги 30 см, эни 1 мм, илдизпоялари тармоқланиб кетган. Ўсимлик илдизпояларидан кўпаяди. У май-июль ойларида гуллайди ва уруғлайди. Қалам дарё қирғоқларида кўп тарқалган ўсимлик. Умуман, у чўл ва адир минтақаларида ўсади. Унинг саноат аҳамиятига эга бўлган бойликлари Термиз шаҳри атрофида Амударё соҳиллариадир. Қаламзорларнинг гектаридан 15 т ҳосил олиш мумкин. Қалам ўз таркибида 2—4% қанд, 43,2% гача целлюлоза сақлайди. Қаламдан қурилиш материаллари тайёрлашда техник ўсимлик сифатида фойдаланиш мумкин. Ўсимликнинг барг новидан тола олиб, ундан турли хил арқон ва дағал материаллар тайёрлашида фойдаланиш мумкин. Уни уй-рўзғор буюмлари, саватлар, бўйралар, чийлар тўқиши учун ишлатиш мумкин. Ўсимликларнинг илдизидан ва илдизпояларидан чўтка тайёрлаш мумкин.

ДАҒАЛҚАНОП (*Abutilon theophrasti Medic.*) гулҳайридошлар оиласига мансуб, бўйи 50—200 см, тик ўсуви, пояси деярли шохланмаган, бир йиллик бегона ўт. Барги йирик тухумсимон, асоси юраксимон, уч томони ингичка, ўткирлашган бўлади. Бағр чети қирқилган, томирлари эса кўзга ташланиб туради. Бағр тукчали. Бағр узун бандга жойлашган. У июнь-август ойларида гуллайди, уруғи август-сентябрь ойларида пишади. Дағалканоп жумҳуриятимизнинг сугориладиган ерларида, пахта экиладиган майдонларда, полиз экинлари орасида ва тўқайларда ўсади. Дағалканоп уруғидан жуда осонлик билан кўпаяди. Дағалканоп қадимдан тола берувчи ўсимлик ҳисобланади. Ван Чженнинг маълумотларига кўра, Хитойда XIII асрдаёт дағалканопни маданийлаштира бошлиганлар. Сўнгги даврларда бу ўсимлик экспорт қилиш мақсадида Хубэй, Сичуанъ ва қисман Хэбэй вилоятларида ўстирила бошлади.

АҚШда 1870 йили дағалканоп ўстириш устида илмий-тадқинот ишлари олиб борилганлиги тўғрисидаги маълумотлар бор. Европа адабиётларида 1891 йилдан бошлаб бу ўсимлик ҳақидаги ёзувларни учратиш мумкин. Дағалканоп Маньчжурия, Корея, Япония, Монголияда ва МДҲ мамлактларининг айrim районларида маданийлаштирилган эди. 1910 йили тўқимачилик саноати учун хомашё манбалари етарли бўлмаганлиги сабабли агроном Стеценко Кубанда дағалканоп ўстириш устида тажриба олиб борди. Сўнгра 1920—1926 йиллари Кубанъ ва Жанубий Украинада, у катта майдонларга экиб ўстирилди. Дағалканоп плантациялари, пахта экиш мумкин бўлмаган территориияларда, яъни Шимолий Кавказ, Доғистон, Қирғизистон ҳамда Қозоғистоннинг шимолий районларида ташкил этилди. 1931 йили дағалканоп 2118 га, 1932 йили эса 11000 га майдонда ўстирилди. Дағалканоп толаси дағал толаларга киради, чунки 5/4 қисми ёғочланган ҳужайралардан ташкил топган. Унинг толаси техник ва элементар толалардан иборат.

Толанинг ўртача узунлиги 4—5 мм, йўғонлиги 12—16 м. У оқ рангли, ялтироқ, пишиқ ва тезда узилмайди. Тола нам жойда ёки сувда узоқ вақт ётса-да, у эгилувчанлик хусусиятини йўқотмайди ва чиримайди. Бу эса улардан турли хил балиқ овлайдиган тўрлар, арқонлар ва материаллар тайёрлаш имкониятини беради. Ёввойи дағалканопдан 12,2—15,5%, маданийлаштирилганидан 14,5—27% тола олиш мумкин. Бу ўсимликтан қоғоз ишлаб чиқаришда ҳам фойдаланса бўлади.

МАНЗАРАЛИ ЎСИМЛИКЛАР

Ҳаммамизга маълумки, жумҳуриятимизнинг барча қишлоқ, район ва шаҳар кўчалари, хиёбонлари, боғлари, турли оромгоҳ жойлари, ариқ, канал, ҳовуз атрофлари, колхозчи ҳамда ишчиларимизнинг боғ-роғлари турли-туман ноёб гуллар, мевали дараҳтлар, манзарали ўсимликлар экилиши туфайли йилдан йилга янада ободонлашиб бормоқда. Сўнгги йилларда қишлоқ ва шаҳарларимизни янада ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларига, ўстирилган ва барпо этилган боғларни сақлашга ҳамда кўпайтиришга кенг эътибор берилмоқда. Маданий ва ёввойи ҳолда ўсуви фойдали ўсимликларни янада кўпайтириш, уларни муҳофаза қилиш тўғрисида маҳсус қарорлар қабул қилинниб, бу қарорларни амалга ошириш йўлида бирмунча ишлар қилинмоқда. Жумҳуриятимиз маданий ва манзарали ўсимликлар (эман, чинор, терак, тол, шум, қайрагоч, лола дараҳти, акас, тотим, атиргуллар, бир йиллик ва кўп йиллик ўт шаклидаги гуллар, мевали дараҳтлар, буталар, ётиб ҳамда чирманиб ўсадиган ўсимликлар)дан бир қатор ёввойи, ноёб гулларга ва манзарали дараҳтларга ҳам бойдир. Улар табиий ҳолда ўсишига қарамай ўзларининг нафис ва ранг-баранг гуллари, чиройли манзараси билан кишиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Биз қуйида табиий ҳолда ўсуви ва бирмунча чиройли гуллайдиган баъзи манзарали ўсимликлар ҳақида тўхталамиз.

МАЖНУНТОЛ (*Salix vavilonica* L.) толдошлар оиласига кирувчи, бўйи 8—10 м га етадиган дараҳт. Пояси тик, новдалари туксиз, ялтироқ, узун ва ингичка, эгилиб ўсади. Бир йиллик ёш новдалари майин туклар билан қопланган. Барги оддий, наштарсимон пояда кетма-кет жойлашган. Март-апрель ойларида гуллайди. Гуллари бир жинсли, тўпгул ҳосил қиласиди. У кучаласимон, уруғи тукли ва кичик. Мажнунтол ариқ, ҳовуз, каналлар ёқасида ўстирилади. У намни яхши кўради. Манзарали дараҳт сифатида экиласиди. У жумҳуриятимизнинг ҳамма вилоятида ўстирилади. Уни қаламчасидан кўкартириш мумкин.

ЧИНОР (*Platanus orientalis* L.) чинордошлар оиласига кирувчи, бўйи 30—40 м га етадиган дараҳт. Танаси йўғон, цилиндрсизмон, яшил пўстлоқли, сершоҳ. Барглари панжасимон, узун бандли кетма-кет жойлашган. Апрель ойида гуллайди. Гулла-

ри майда, бир жинсли. Меваси май-сентябрь ойларида пишади, ёнғоқча шаклида. Усти дағал туклар билан қопланган, мева бандида 2—5 тадаң жойлашган, узоқ вақт түкилмайды. Узбекистонда чинорнинг иккى тури учрайди. Иккаласининг ҳам бўйи 20—30 м га етади, сершох, пўстлоги силлиқ, сарғиш-оқ. Улар ҳамма вилоятларда ўсади. Чинор ўлкамизда манзарали дарахт сифатида экиб келинмоқда. У узоқ вақт — 2000 йил ва ундан ҳам кўп яшайди. Самарқанд, Наманганд, Сурхондарёда унинг 800—1000 ёшли туплари бор. Ҳозир ҳам улар салобат билан кўкариб турибди. Унинг ёғочидан ҳалқимиз қадимдан меъморчиликда фойдаланиб келмоқда.

АТИРГУЛ (*Rosa chinensis* Jacq.) раъногулдошлар оиласига киравчи, бўйи 1—1,5 м га етадиган бутадир. Атиргулнинг навлари жуда кўп. Бизда атиргулларнинг бир қанча нави экилади. Унинг ёввойи турларини раъно, наъматак, итбурун ва гулзavr деб атайдилар. Узбекистонда 350 дан ортиқ нави экилади. Атиргул май-сентябрь ойлари давомида узоқ вақт гуллайди. Гули сариқ, қизил, пушти, оқ ва бошқа рангларда бўлади. Меваси сентябрь-октябрь ойларида пишади. У қаламчасидан кўпайтирилади. Атиргул ўлкамизнинг ҳамма ерида: ҳовлиларда, боғларда, йўл ёқаларида, майдонларда манзарали ўсимлик сифатида парвариш қилинади.

РАЙХОН (*Ocimum basilicum* L.) лабгулдошлар оиласига киравчи, бўйи 40—60 см га етадиган бир йиллик ўсимлик. Барги тухумсимон, яшил, бинафша рангли бўлади. Июль-сентябрь ойларида гуллайди. Гуллари оқ ёки пушти, тўпгули бошоқсимон. Меваси сентябрь-октябрь ойларида пишади. Уруғи майда кўнғир рангли. Райхон жумҳуриятимизнинг ҳамма ерида, айниқса ҳовлиларда хушбўй ҳид берувчи манзарали ўсимлик сифатида экилади. Ундан ҳалқ табобатида турли касалликларни (юрак, асаб, иштаҳа очиш каби) даволашда, хушбўй таом (салат) тайёрлашда, хоналарни хушбўй қилишда кенг фойдаланилади. Райхон ҳалқнинг севимли гулларидан бири Шу боис бўлса керак, уни таърифлаб қўшиқ яратилган:

Кимгадир ёқар лола,
Қим атиргул шайдоси.
Мен учун райхон аъло,
Райхоннинг йўқ баҳоси.

ГУЛТОЖИХЎРОЗ (*Celosia cristata* L.) гултожихўролар оиласига киравчи, бўйи 10—70 см га етадиган, бир йиллик ўсимлик. Пояси тик ўсади. Барглари йирик, узунлиги 5—7 см, эни 2,5 см, узун бандли. Июль-октябрь ойларида гуллайди. Тўпгули ҳар ҳил шаклда, асосан барг қўлтиғида жойлашган. Гуллари иккى жинсли гулқўргони оддий, чангчиси 5 та. Гули қизил. У кўринишдан худди хўрор тажига ўхшаш бўлади. Шу сабабли ҳам уни гултожихўрор деб атайдилар. Меваси сентябрь-октябрь ойларида пишади. Кўп уруғли, кўсакча. Гултожихўрор

жумҳуриятимизнинг ҳамма вилоятларида манзарали ўсимлик сифатида жуда кўплаб экилади. Баъзи жойларда уни баҳмалтул деб ҳам аташади. Унинг гуллари худди баҳмалга ўхшаш чиройли гул ҳосил қиласи.

ЛИГУСТРА (*Ligustrum vulgare* L.) зайдундошлар оиласига ки-рувчи, бўйи 2—5 м га етадиган бутадир. Барглари оддий, қара-рама-қарши, қисқа бандли, ялтироқ, чўзиқ ёки наштарсимон. Май-июн ойларида гуллайди. Гули икки жинсли, оқ ёки сарғиш, воронкасимон, гулбарги 4 та. Меваси август-сентябрь ойларида пишади. Ранги қора, тўқ кўк, резавордир. Лигустра манзарали ўсимлик. Узбекистонда яшил девор сифатида ёки ундан турли ҳайвонлар шаклини ясадб, чиройли манзара ҳосил қилиш учун экилади. У қаламчасидан кўкаради. Эрта баҳорда уни 25—30 см узуунликда қирқиб олиб, оралигини 8—10 см қилиб экилади. Вақтида сув қуйиб турилса, у тез кўкаради. Мактаб ҳовлиларида, болалар боғчаларида, дам олиш уйларида, хонадонларда, кўчаларда экилади.

ҚИЗИЛ ЛОЛА (*Tulipa fosteriana* Gr.), бу лола йирик ва чиройли гулли бўлиши билан бошқа қизил рангли лолалардан фарқ қиласи. Унинг бўйи 40 см бўлиб, пиёзгулдошлар оиласига ки-рувчи кўп йиллик пиёзли ўсимликдир. Ўсимликнинг пиёзи тухумсимон бўлиб, диаметри 2—3 см га тенг, усти тўқ-қўнғир пўст билан қопланган. Пояси 3—4 барглидир. Барглари йирик, 3—15 см, тоҷибарглари 6 та, қизил ва пушти рангда, узунлиги 3—7 см, баъзан 15 см гача бўлади. У апрель-май ойларида гуллайди, майнинг охири, июннинг бошларида пишади. Бу ўсимлик Самарқанд вилоятининг тоғли районларида майда шағал тошли ён бағирликларда, тошларнинг ораларида ва қоя жойлардаги ёриқларда ўсади. Қизил лола пиёз ва уруғдан кўпайтирилади. Уни шаҳар ва қишлоқларимизда кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

ТАРҒИЛ ЛОЛА (*T. kaufmanniana* Rgl.), мазкур лола қизил лолага нисбатан эртароқ очилади. Унинг гуллаш даври 10—15 кун давом этади. Бўйи 50 см бўлиб, пиёзи тухумсимон, йўғонлиги 4 см, усти қорамтири-қўнғир ёки қизғиши-қўнғир рангли қобиқ билан қопланган. Барглари 2—3 та, пастки барглари чўзиқ, баъзан эллипссимон, эни 13 см гача, юқоригилари эса энсиз ва кичикроқ бўлади. Тоҷибаргларининг ранги ҳар хил, ташки доирадагиларининг ўртаси қизил, четлари сарғиш, катталиги 8 см келади. Ички доирадагилари эса сарғиш ва қисқароқ бўлади. У май-июн ойларида, баъзан июлда гуллайди. Июнь-июль ойларида эса уруғи пишади. Тарғил лола деңгиз сатҳидан 3000 м баландликкача бўлган жойларда кенг тарқалган. Тошли ва шағал тошли ён бағирларда ўсади. У Коржантог, Угом, Пском, Чотқол, Қурама, Фарғона ҳамда Қоратоғ тизмаларида кўп учрайди. Тарғил лолани саралаш ва бошқа лолалар билан чатиштириш натижасида чиройли навлари яратилмоқда. У уруғдан ҳам пиёздан кўпайтирилади. Уруғдан кў-

пайтирилганда ўсиш даврининг 3—4 йилида ёқ гуллай бошлиди. Ниёздан кўпайтирилганда эса тез гулга киради. Лолаларни гуллаган пайтида барглари ва илдизи билан сугуриб олиш ёки баргларини юлиб ташлаш қатъян ман этилади, чунки унинг пиёзи жароҳатланади ва чирийди. Шу туфайли лола терганда унинг тутида бир-иккита барг қолдириб, кейин узиш лозим. Шундай қилганда кейинги йили яна шу туплардан лолалар кўкариб чиқади. Натижада лолазорларда лолаларнинг камайиб кетишининг олди олинган бўлади.

АРГУВОНГУЛ (*Raoepia intermedia* SAM.), бу айиқтовондошлар оиласига кирувчи, чиройли гулли, бўйи 60—100 см га етадиган кўп йиллик ўсимликdir. Усимликнинг барглари йирик, узун бандли бўлиб, шу бандга бир неча кичик бандчали қирқилган баргчалар жойлашади. Гуллари икки жинсли, йирик зни 6—12 см, тўқ қизил рангли, гулқўргони мураккаб, тожибарглари 3—8 тагача. У июнь-июль ойларида гуллайди ва меваси июль-август ойларида пишади. Меваси (кўсаги) одатда уч бўлакли барглардан иборат, кўп уруғли, катталиги 1—2 см, сертуқ, пишгач пастки томонидаги чокидан ёрилади. Уруғлари овал шаклда бўлиб, қора ва ялтироқ. Арғувонгул Ҳисор ва Фарона тоғларининг денгиз сатҳидан 1500—2500 м гача баландликда бўлган майда шағал тошли ерларида, дарахт ва буталар тагида учрайди. У ўзининг гўзал ташқи кўриниши билан кишилар диққатини ўзига жалб этади. Усимлик баргига ва гулида аскорбин кислота, уруғида 27% мой бор. Бу мой тиббиётда ошқозон-ичак ва асаб касалликларини даволашда ишлатилади. Усимлик тугунакларида 10% қанд, 60—70% крахмал, глюкозид, танид, силицин ва оз миқдорда алкалоид бўлади. Инсоннинг салбий таъсири натижасида арғувонгулнинг табиий майдонлардаги бойликлари сўнгги йилларда тобора камайиб кетмоқда. У ажойиб манзарали ўсимлик. Илдиз тугунаклари ёрдамида кўпайтириш жуда осон. Шуни эътиборга олиб, уни келгусида маданийлаштириш зарур.

ҚЎЗАГУЛ (*Ostroyskia magnifica* Rgl.) қўнфироқгулдошлар оиласига мансуб, бўйи 1,5 м келадиган, туксиз кўп йиллик ўт. Пояси бақувват, ичи ғовак. Барглари 4 тадан ҳалқа шаклида жойлашган, тухумсимон, баъзан кенг-наштарсимон бўлиб, четлари тишли қирқилган. Гуллари поянинг юқори қисмида 1—3 тадан йўғон гулбандларда жойлашиб, пирамида шаклидаги тўпгул ҳосил қиласи. Косачаси 5 см ва 5—9 тага бўлинган косача-барглардан ташкил топган. Тожибарги карнайсимон, узунлиги 8—10 см, юқори қисми ўткир учли бўлиб, 5—9 бўлакка ажралган, оч ва тўқ ҳаво рангли, баъзан оқиш тусда бўлади. Чангчилари 5—9 та, тожибарларидан икки марта қисқа. Лекин чангдони чангчи ипидан 3 баравар узун. Уруғи кўп, узунлиги 2—3 мм. У июнь-июль ойларида гуллайди ва уруғлайди. Қўзагул тоғларда, дарахт ва буталар орасида, салқин ва захжойларда учрайди.

ГАЗАКҮТ (*Gentiana olivieri* Griseb.) газакүтдошлар оиласига мансуб, бүйи 10—40 см гача бўлган илдизпояли кўп йиллик ўт. Унинг поялари бир нечта, тик ўсувчи, туксиз, силлиқ, илдиз бўғзига яқин қисми эски ёпирма барг қолдиқлари билан ўралган. Барглари яхлит, туксиз, қарама-қарши жойлашган, ёпирма барглари тескари тухумсимон, поядаги баргларининг сони 2—3 жуфт. Гуллари поя учида соябон ҳосил қилиб ўрнашган. Тожибарглари турли катталикда. Уларнинг катталиги 5 см гача бўлади. Косачаси юпқа, узуунлиги 10—13 мм, бу ўсимлик апрель-июль ойларида гуллайди ва уруғлайди. Газакүт адир тоғ минтақасидаги шағалли, сернам ва салқин жойларда кўп учрайди. У халқ табобатида турли хил касалликларни даволашда ишлатилади. Унинг қайнатмасидан яраларни даволашда ҳамда шишларни қайтаришда кенг фойдаланилади. Ўсимликнинг илдизини зиркнинг илдизига қўшиб қайнатишдан ҳосил бўлган қиём ёки шарбат санчиқ ва кўкрак оғригини даволашда ишлатилади. Газакүтнинг шифобахш бўлиши унинг таркибида турли хил алкалоид, глюкозид ва аччиқмоддаларнинг миқдорига боғлиқдир. Унинг поя учидаги соябонга тўплланган гуллари жуда ажойиб кўринишга эгадир. У гуллаётган пайтда кўк-гунафша, кўк ёки оч-кўк рангли манзара ҳосил қиласи.

12- жадвал

Манзарали ўсимликлар

№	Маҳаллий номи	Илмий номи	Оиласи
Буталар			
1	Ирғай	<i>Cotoneaster multiflora</i>	Раъногулдошлар
2	Қарнайгул	<i>Campsis radicans</i>	Бигониядошлар
3	Нормушк	<i>Evonymus semenovii</i>	Нормушкодошлар
4	Чингиз	<i>Viburnum opulus</i>	Шилвидошлар
5	Қўрамарт	<i>Exochorda albertii</i>	Раъногулдошлар
Кўп йилликлар			
6	Гулисалим	<i>Paeonia intermedia</i>	Айиктовондошлар
7	Гулсанкар	<i>Iris scordiana</i>	Сапсаргулдошлар
8	Ширачгул	<i>Eremurus olgae</i>	Пиёзгулдошлар
9	Ёввойи чиннигул	<i>Dianthus tetrapetalus</i>	Чиннингулдошлар
10	Затъфарон	<i>Crocus alatavicus</i>	Савсаргулдошлар
11	Кийикпанжа	<i>Astragalus alopecicas</i>	Дуккадошлар
12	Оқгулҳайри	<i>Althaea nudiflora</i>	Гулҳайридошлар
13	Оқсануфар	<i>Lotus frondosus</i>	Дуккадошлар
14	Оқсавринжон	<i>Cokchicum kesselringii</i>	Пиёзгулдошлар
15	Пушти гулҳайри	<i>Althaea litvinovii</i>	Гулҳайридошлар
16	Рўвак	<i>Calamagrostis epigeios</i>	Бошоқдошлар
17	Савринжон	<i>Colchicum luteum</i>	Пиёзгулдошлар
18	Сувҳилол	<i>Boboschoenus maritimus</i>	Хиллодошлар
19	Тоғбинафша	<i>Viola isopetala</i>	Бинафшадошлар
20	Чучмома	<i>Ixiolirion tataricum</i>	Чучмоматгулдошлар
21	Ширач	<i>Eremurus regelii</i>	Пиёзгулдошлар

ЕМ-ХАШАҚ ҮСИМЛИКЛАР

Чорва моллари боқиладиган ерларнинг майдони 30 миллион гектардан ортиқ бўлиб, республикамиз территорииясининг 80% дан кўпроғини эгаллади. Бундай жойлар чорвачиликда яйловлар номи билан аталади ва улар чўл зонасидан тортиб, тоғнинг энг юқори қисми — қорли яйлов миңтақасигача бўлган ерларда учрайди. Яйловларимизда боқиладиган 6 миллиондан ортиқ қоракўл қўйлари, эчкилар, неча юз минг бош қорамол, от ва туялар шундай яйловларда боқилади. Узбекистон катта яйлов майдонларига эга бўлиб, унда ўсадиган ем-хашак үсимликлари ҳам ниҳоятда кўпдир. Улар эфемерлар, эфемероидлар, бир йиллик шўрак ўтлар ва чала бута ҳамда буталардан иборат.

ЭФЕМЕР ВА ЭФЕМЕРОИДЛАР

Йилнинг фақат нам ва салқин даврида кўкариб, ўзининг бир йиллик ривожланиш циклини тугаллайдиган бир йиллик (эфемер) ва кўп йиллик (эфемероид) ўтлар, айниқса, баҳор фаслида барча миңтақаларда жуда кўп ўсади. Эфемерлардан ялтириб ёш, арпафон, читир, нўхатак, қашқайёнғичқа, кўзигул; эфемероидлардан эса ранг, илоқ, қўнғирбош, шаир, лола каби ўтларни кўрсатиш мумкин. Эфемерларни йилнинг ҳамма фаслларида от, туя, қорамол, айниқса қўй-эчкилар иштаҳа билан ейди, чунки уларнинг энг яхши ўсан даври чорва молларининг қишидан толиқиб чиқсан вақтига — эрта баҳорга тўғри келади. Эфемерлар билан озиқланган моллар тез семиради ҳамда серсув бўллади. Бу ўтлар анча серсув бўлгани учун улар билан овқатланган моллар кам чанқайди. Эфемероидлар кўклигига ва қуриган ҳолда моллар учун тўйимли озиқ ҳисобланади. Баҳор сернам келганда яйловларда улар яхши ўсиб, гектаридан 3—5 ц гача хашак олиш мумкин. Ёғингарчилик кам бўлган йиллари эса эфемерларнинг ҳосили гектарига 0,8—1,0 ц га тушиб қолади. Эфемер ва эфемероидлар, асосан чўл ва адир миңтақасида кўп ўсади. Йил сернам ва илиқ келганда бу ўтлар куздан бошлаб (баъзан, қишида ҳам) кўкаради. Бўғоз совлиқлар қишидан толиқиб чиқар экан баҳорда барқ урган майнин ва хушхўр эфемер үсимликлар билан озиқланаб, ўз организми учун зарур бўлган турли хил витаминларга ва протеин каби моддаларга тўйинади. Бу ўтларни улар гуллаётган даврида йиғишириб олиш зарур. Эрта йиғиб олинган ўтлар (айниқса, читир, ялтириб ёш, сутлама) тез чирийди, тўйимлилик даражаси паст бўллади. Энг муҳими хашакни ҳўллигига йиғиб олиш унинг чиришига ва сифатсиз бўлишига сабаб бўллади. Ҳўл хашак ичидаги турли хил замбуруғлар ва бактерияларнинг тез ривожланиши учун шароит туғилади. Қуриган хашак тар-

кибидаги бактериялар ўлиб, пичанни узоқ вақт, бир меъёрда сифатли қилиб сақлашга имкон туғилади. Қимматли ем-хашак бўладиган кўлгина эфемер ва эфемероид ўсимликларнинг биологияси билан аввалги бобларда батафсил танишгансиз. Шу сабабли, мазкур бобда биз уларнинг фақат ем-хашакли хусусияти чорва молларининг қай даражада ейиши, тўйимлилик даражаси ҳақида тўхталамиз.

ҚИЛҚОН (қуёнарпа) (*Hordeum leporinum* Link.) бошоқдошлар оиласидан, бўйи 20—40 см га етадиган бир йиллик эфемер ўт. Март ойида кўкариб, июнь ойида уруғи пишади. У энди кўкарган пайтда энг сифатли озиқ ҳисобланади. Айниқса гуллаган пайтда таркибида 15,8% протеин, 26% клетчатка, 47% азотсиз экстрактив моддалар бўлади. Қилқон яйловларда бошқа ўсимликлар билан бирга ўсади. У майсалик даврида бошқа ўтлар билан қўшиб ўрилса, хашакнинг сифати ортади. Шундай уни моллар, айниқса қўй ва эчкилар хуш кўриб ейди. Қилқон чўл ва адир минтақасида кўп ўсади.

ОҚЧИТИР (*Malcolmia africana* (L.) R. Br.) крестгулдошлар оиласидан, бўйи 10—45 см га етадиган бир йиллик ўсимлик. Оқчитир март ойида кўкариб, апрель-май ойларида гуллайди. Уруғи май—июнь ойларида пишади. Оқчитирни ҳамма чорва моллари хуш кўриб ейди. У сернам йиллари гектаридан 5—8 ц гача хашак беради. Бундай йиллarda уни чорвадорлар хашак учун ғамлаб оладилар. Баҳорда 28,13 мг каротин (100 г қуруқ хашагида) бўлиб, витаминга жуда бойдир. Унинг 100 г қуруқ хашагида 18,0 г ҳазм бўладиган оқсил бўлиб, озиқ бирлиги 96,4 га teng бўлади. Унинг таркибида 24% клетчатка ва кўп миқдорда минерал туз бўлади. Айниқса уруғи оқсилга бойдир. Шу сабабли чорвадорлар оқчитир пишган пайтда қўйларни шу яйловга ҳайдашга ҳаракат қиласидар, чунки пишган ўсимликнинг уруғида чорва организмида тез ҳазм бўладиган оқсил, ёғ ва углеводородлар кўп бўлади. Оқчитирни ҳамма яйловларда, айниқса чўл ва адир минтақасида кўп ўсади. Уни шу минтақаларда экиб кўкартириш яйловларнинг унумдорлигини оширишга ёрдам беради.

ҚОРАМАШОҚ (*Leptaleum filifolium* (Willd.) DC) крестгулдошлар оиласидан, бўйи 5—15 см га етадиган бир йиллик ўсимлик. У жуда эрта (марта ойида) кўкаради. Май ойида қуриқ қолади. Қорамашоқ бошқа ўтлар орасида ўсиб, сернам йиллари анча баланд бўлади. Унинг гектаридан 100—120 кг қуруқ хашак олиш мумкин. Гуллаш даврининг охирида ва уруғни пишиб етилаётган даврда витаминларга жуда бой бўлади. Гуллаш даврида таркибида 16% клетчатка ва 39% оқсил бўлади. Қорамашоқ соз тупроқли ва қум тупроқли ерларда жуда кўп ўсади. Уни ҳамма чорва моллари, айниқса қўй ва эчкилар хуш кўриб ейди.

ҚИЛТИҚ (*Faeniatherum grinitum* (Schred.) Nevski) бошоқдошлар оиласига кирувчи бир йиллик ўт бўлиб, бўйи 10—40 см га



39-расм. Қылтиқ.



40-расм. Сарықйұнғиңчқа.

етади (39-расм). Қылтиқ март ойида күкаради. Құклигіда қүй ва әчкілар хуш күриб ейди. Қуригач (июнь ойида) қылтиқ дағаллашади ва шу сабабли чорва моллари уни деярлы емайди. Қылтиқ қуриган ҳолда айниңса құзилар учун хавфлидир. Қылтиқни хашак қилиш учун фақат әртә күкламда ўриб олиб бошқа ўтлар билан аралаштириш керак.

САРИҚЙҰНҒИҢЧҚА (*Trigonella grandiflora* Bge) дуккакдошлар оиласидан, бўйи 10—25 см га етадиган бир йиллик ўсимлик (40-расм). У

жуда әртә унади. Март-апрель ойларида гуллаб, апрель-май ойларида уруғи пишади. У чўл ва адир минтақасида жуда кўп ўсади. Уни ҳамма чорва моллари, айниңса қүй ва әчкілар хуш күриб ейди. Йил серёғин келганда сариқйұнғиңчқа жуда кучли ўсади. Хашакни хушхўр қилиш учун у бошқа ўсимликлар хашагига аралаштирилади. Сариқйұнғиңчқанинг меваси оқсилга жуда бой бўлиб, моллар уни хуш күриб ейди.

БИР ЙИЛЛИК ШУРА ЎТЛАР

Бу ўтлар жумҳуриятимиз яйловларининг, асосан чўл қисмида кенг тарқалган бўлиб, баҳор-ёз давомида ўсади. Уларнинг поясида, баргига туз кўпроқ бўлади. Куз ва қишида ёмғир, қор сувлари билан уларнинг шўри ювилиб кетгач, моллар хуш күриб ейди. Бир йиллик шура ўтлар камсув ва серсув бўлади. Камсув шура ўтларга сета, қомғоқ, саған, қуморчиқ кабилар; серсув шура ўтларга эса балиқкўз, харидандон, до-



41- расм. Сета.

CETA (*Salsola sclerantha* CAM.) шўрадошлар оиласидан, бўйи 10—40 см га етадиган оқиш-кул ранг унсимон ғубор билан копланган бир йиллик ўт. Пояси асосидан шохланган, у март ойида кўкариб август-сентябрь ойларида уруғи пишади ва шу билан қуриб қолади. Сета, асосан шўр босган ерларда, шўрхок аралаш қумларда ўсади. У баъзи жойларда жуда зич, баъзи жойларда эса аинча сийрак ўсади. Гектаридан 2—3 ц гача қуруқ хашак олиш мумкин. Сетани кўклигида ҳам, қуригандан кейин ҳам, айниқса кузда моллар жуда хуш кўриб ейди. Шу сабабли ундан қишиш учун хашак тайёрланади. Унинг кимёвий таркиби ва озиқ бирлиги яхши ўрганилмаган.

ПАХТАШЎР (*S. affinis* CAM.) шўрадошлар оиласидан, бўйи 10—50 см га етадиган зангори рангли бир йиллик ўт. Пояси сершох, лекин камшира ҳосил қилиб ўсади. Пахташўр (қуёнжун) эрта унади. Март ойининг бошларинда униб, октябрь ойида уруғи пишади. Ноябрь-декабрь ойларида бутунлай қуриб қолади. Пахташўр тақирсимон ва шўр босган бўз тупроқли ерларда, шунингдек зич ва шўр аралаш қум тупроқларда ўсади. Сернам йиллари гектаридан 3—5 ц гача қуруқ хашак олиш мумкин. Ёз-куз мавсумида унинг барг ва пояларида туз кўп бўлганилиги сабабли уни моллар яхши емайди, қишида эса қўй ва эчкilar учун бирмунча яхши озиқ ҳисобланади. Уни етан қўйлар кўпинча этиз қўзилайди.

нашўр, қуёнжун ва бошқалар киради. Қамсув ва серсув шўра ўтлар поя ва баргларида сувнинг кўпёки камлиги билан бир-бираидан фарқ қиласиди. Буларнинг баъзиларини (саған, қуморчиқ) моллар кўклигига хуш кўриб ейди, қуригандан кейин эса унча иштаҳа билан емайди. Чунки поя ва барглари қуригандага дағаллашади.

САҒАН (*Girgensohnia oppositiflora* (Pall.) Fenazi.) шўрадошлар оиласидан, бўйи 10—40 см га етадиган бир йиллик ўт (41-расм). Тажрибакор чўпонлар фикрича қуриган саған қўйлар учун хавфлидир, чунки у дағал бўлиб ошқозонда тўпланиб қолади ва кавш қайтарганда яхши ҳазем бўлмайди. Ҳўллигига унни моллар бирмунча хуш кўриб ейди.

ОҚШҮРА (*Chenopodium album L.*) шүрадошлар оиласидан, бўйи 15—100 см га етадиган оқ ғубор билан қопланган бир йиллик ўт. Пояси асосидан шохланган. У апрель ойларида унади ва июль-сентябрь ойларида гуллаб, уруф беради. Оқшўра чўл, адир ва тоф минтақасида кўп ўсади. У кўпинча нам шўрҳок ерларда, экинлар ичиди, йўл ёқаларида, ташландиқ ерларда жуда кўп ўсади. Экин орасида у бегона ўт бўлиб ҳисоблансада, ҳамма чорва моллари, айниқса от, қорамол, қўй ва эчкilar уни кўклигига ҳам, қуригандан кейин ҳам иштаҳа билан ейди. Шу сабабли уни алоҳига майдонларга экиб, ҳар йили юқори ҳосил олиш мумкин. Бир йиллик шўра ўтларнинг кўпгина вакиллари (боялиш, балиқкўз, қуморчиқ, донашўр ва бошқалар) чўл минтақасида батафсил баён этилган. Шу сабабли уларни бу ерда яна қайта тақрорламадик. Бир йиллик шўра ўтларга булардан ташқари ғуддишўра қорашибўра, шўраолабута, қизилшўра, илмоқшўра, сертук балиқкўз ва бошқа жуда кўп турлари киради. Бу ўсимликларнинг ҳаммаси яйловларда ўсадиган қимматли ем-хашак ўсимликлардандир.

ДАҒАЛ ЎТЛАР

Бу гуруҳга киравчи ўсимликлар чорва молларининг асосий ем-хашаги ҳисобланади, чунки эфемер ва эфемероидлар баҳордаёқ қуриб қолади. Бир йиллик шўра ўтлар эса фақат чўл минтақасида тарқалган. Уларнинг ҳам кўпчилиги ёз ойларида қуриб қолади. Дағал ўтлар эса эрта кўкламдан то кузнинг охирларигача кўкариб, уруғлади. Чорва моллари уларни кўклигига ҳам, қуригандан кейин ҳам хуш кўриб ейди. Буларни дағал ўтлар деб аталишига сабаб, уларнинг поялари, барглари дағал (баъзан тикандан иборат), ғадир-бутир, четлари тишчали, учи ўткир бўлади. Дағал ўтларни моллар фақат ёзда эмас, қишида ҳам хуш кўриб ейди. Дағал ўтлар, одатда майнин-дағал ва ўта дағал ўтларга бўлинади. Майнин-дағал ўтларга урғочиселин, чалов, йирикселин, қирқасоч, қамиш ва ўта дағал ўтларга янтоқ, каррак, қушқўнмас, четин, суттикан, маҳсар, кўзтикан ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Қуйида уларнинг баъзилари ҳақида маълумотлар берамиз.

ЙИРИКСЕЛИН (*Aristida karelinii (Trin et Rupr.) Roshev.*) бошқошлар оиласидан, бўйи 80—150 см га етадиган чим ҳосил қилиб, ёйилиб ўсадиган кўп йиллик ўсимлик. Баъзан норселин деб ҳам аталади, чорва моллари, айниқса қоракёл кўйларининг тўйимли озиғи ҳисобланади. Йирикселин апрель ойида кўкариб, май ойида бошоқ ҳосил қилади. У кўчма қум тепаларида жуда мустаҳкам илдиз ҳосил қилиб ўсади. Бу жиҳатдан у фақат чорва молларининг тўйимли озиғигина эмас, балки қумларни мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Яйловда кўкариб ўсаётганда уни моллар унчалик хуш кўр-

майды. Сернам йиллари ўриб пичан қилинса, гектаридан 200 кг гача қуруқ хашак олиш мүмкін.

ЧАЛОВ (*Stipa capillata* L.) бошоқдошлар оиласидан, бүйін 20—80 см га етадиган күп йиллик үсимлік (42-расм). Чалов ҳам чим ҳосил қиласы, чимининг диаметри 45—50 см га боради. У март ойда күкариб, май ойнда бошоқ ҳосил қиласы. Асосан чүл минтақасидаги шұр босмаган бўз туроқларда ва кўчмайдиган қумликларда кўп ўсади ҳамда кучсиз шамол тўлқинида тебраниб ётади. Баъзан пастки тоғ минтақасигача бўлган жойларда ҳам уни учратиш мүмкін.

Чалов кўпинча, бошқа үсимліклар (эфемероидлар ва шувоқлар билан бирга ўсиб, қалин үсимлік қопламаларини ҳосил қиласы. Сернам йиллари гектаридан 5—6 ц гача хашак олиш мүмкін. Чалов ем-хашак үсимліги ва қумларни мустаҳкамловчи үсимлік сифатида муҳим аҳамиятга эга.

ЯНТОҚ (*Alhagi sparsifolia* Shop.) нинг биологияси ҳақида юқори чүл минтақасида тўлиқ баён этилган Янтоқ чүл ва адир минтақасида жойлашган чорвамизнинг асосий озиғи ҳисобланади. Уни кўклигига ҳам, қуригандан кейин ҳам ҳамма моллар иштаҳа билан ейди. Шу сабабли ҳар бир қоракўлчилик хўжаликлари янтоқдан қиши учун етарли миқдорда тайёрлаб оладилар. Кўпчилик хўжаликлар ундан янтоқ уни тайёрлайдилар. Бу ун қишида чорва моллари учун қимматли озиқ ҳисобланади. Янтоқ унини концентрат ем сифатида ишлатиш мүмкін.

42- расм. Чалов.

Каррак (Cousinia resinosa Juz.) мураккабгулдошлар оиласига киради. Уни кўклигига ҳам, қуригандан кейин ҳам барча чорва моллари хуш кўриб ейди. Чорвачилик хўжаликлари қиши озиқ учун карракдан етарли миқдорда тайёрлаб оладилар. Каррак ҳам янтоқ каби маҳсус машиналар ёрдамида майдаланиб, молларга берилади. Карракни айни гуллаган даврида ўриб олиш фойдали, чунки бу даврда унинг барг ва пояларинда витаминлар, углеводлар кўп бўлади. Серёгин йиллари гектаридан 1,5—2 т гача қуруқ каррак хашаги йиғиб олиш мүмкін. Гуллаган даврида таркибида 8% протеин, 64% клетчатка бў-



лади. Унинг дони оқсиліа бой. Чорвадорлар уни жуда қадрлайдилар.

ҚУШҚҮНМАС (*Carthamus turgestanicus* M. Pop.) мураккабгулдошлар оиласидан, бўйи 20—70 см га етадиган бир йиллик ўсимлик (43-расм). Пояси тик ўсади. Барглари оқ тукли, учи тиканли. Қушқүнмас июнь-июль ойларида гуллайди, уруғи июль-август ойларида пишади. Уни кўклигида моллар кам ейди. Қузда ва қишида тиканлари юмшагач ёки бошқа ўсимликлар билан бирга қўшиб майдаланса, хуш кўриб ейди.

БУТА ВА ЧАЛА БУТАЛАР

Ўзбекистоннинг ҳамма яйловларида бу ўсимликлар жуда кўп ўсади. Бундай ўсимликларга оқ ва қора саксовул, бодомча, шувоқ, кейреуқ, терескен, изенъ, чўғон, синтерн, қандим, черкез кабиларни кўрсатиш мумкин. Бута ва чала буталарнинг кўпчилигини чўл, адир ва тоғ минтақалари қисмида баён этдик. Шу сабабли уларни бу ерда қайта такрорламадик.

ШУВОҚ (*Artemisia L.*) жумхуриятимиз яйловларида ем-ҳашак бўладиган шувоқнинг ўндан ортиқ тури мавжуд. Улар чўл, адир ва тоғ минтақаларида ўсади. Шувоқлар (ёвшон, шеролғин, оқшувоқ, жусан, қоражусан ва бошқалар) нинг ҳаммасини моллар, айниқса, қоракўл кўйларни кеч куз ва қишида хуш кўриб ейди. Танасида ёқимсизроқ ҳидли эфир мойи бўлганилиги сабабли, уни моллар баҳор ва ёз давомида унча емайди. Ўзбекистоннинг барча жойида шувоқни қишки ҳашак сифатида йиғишириб, ҳар бир отарда етарли миқдорда тайёрлаб олинади. Чўл ва адир минтақасида ўсадиган шувоқ, айниқса куз ва қиши фаслида қоракўл қўйлари яйловларда ейдиган энг яхши озиқ ҳисобланади. Ўтказилган тадқиқотлар шувоқ таркибида оқсил ва бошқа моддалар ниҳоятда кўп эканлигини кўрсатди. Масалан, О. И. Морозовнинг таъкидлашича, ўсиш даврида шувоқнинг кўк поясида 16,85% протеин, 15,95% оқ-



43-расм. Қушқүнмас.


сил, 4,94% ёғ, 39,06% азотсиз экстрактив моддалар ва 12,68% кул бўлади. Шувоқ яйловларда ва ундан тайёрланган хашак билан боқилган қоракўл қўйларидан юқори сифатли қоракўл териси олиш мумкин. Геолог М. Зокиров шувоқнинг I т кулида 125 г гача олтин, 0,03% мис борлигини аниқлаган. Айниқса май ойида шувоқнинг барг ва танасида олтин кўп бўлиб, бу даврда I т шувоқ кулида 80—85 г олтин борлиги аниқланган; октябрь ойининг ўрталарига келиб эса унинг миқдори камайиб, атиги 4—8 г ни ташкил этади. Халқ орасида «шувоқ — олtingа гувоҳ» деган мақолининг асосли эканлигини бу нарса тўлиқ исботлайди. Кўп ҳолларда ана шундай қимматли озиқни кетмон билан аёвсизларча чопиб ўтиш сифатида ишлатилишини Самарқанд, Бухоро, Сирдарё, Кашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг яйловларида кўплаб учратиш мумкин. Гап шундаки, кетмон билан чопилган шувоқ қайта кўкармайди. Шу сабабли яйловлардаги катта-катта майдонларда шувоқ бутунлай йўқолиб бормоқда. Чўл яқин бўлган баъзи қишлоқ ва овулларнинг 8—10 км ли ён атрофида бир туп ҳам шувоқ қолмаган. Бундай ўсимликлардан сифатли ем-хашак тайёрлаш ва шувоқларни қайта кўкариб чиқишини таъминлаш мақсадида маҳсус хашак ўрадиган машиналардан кенг фойдаланиш зарур.

ИЗЕНЬ (*Kochia prostrata* (L.) Schrad.) ўсимлиги озиқ бирлиги жиҳатидан бедага тенг. Шунинг учун ҳам уни чорвадорлар «чўл бедаси» деб номлаб, жуда юқори баҳолайдилар. Изенни ҳамма моллар, айниқса қоракўл қўйлари жуда хуш кўриб ейди. Унинг хашагида 12% протеин, 1,32% оқсил, 4,3% мой бўлади. Изенни уч формаси: кўк-сариқ, оқ-кул ранг ва қизгиш бўлиб, кўк-сариқ формаси адирда, оқ-кул рангги чўлда ва қизгиши эса тог минтақаларида жуда яхши ўсади. Изенни йилига икки марта ўриб олиш мумкин; хашак учун июнь-июль ойларида ўрилса, қишигача у яна қайта кўкаради. Қейинги кўкарғанини ўриб ёки ўрмасдан қўйларни боқиши мумкин. Қурғоқчиликка, совуққа ва шўр тупроқ муҳитига чидамли бўлиб, мунтазам равишда ҳосил (хўл ёки қуруқ озиқ) бериши изенни барча қоракўлчилик хўжаликлари томонидан кенг кўламда экиб, юқори ҳосил олишга эришилмоқда. Изенни кенг майдонларга экиш ва унинг биологиясини ҳар томонлама ўрганиш ишлари билан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника институти ҳамда Қоракўлчилик илмий тадқиқот институти кенг шуғулланмоқда.

БОРЖОҚ (қизилча) (*Ephedra strobilaceae* Bge) загозадошлар оиласидан, бўйи 60—100 см га етадиган бутадир (44-расм). Барглари йўқолган (редукцияланган) бўлиб, шохчалари бўғимли, пояси сершох бўлади. У йил бўйи кўм-кўк бўлиб туради, яъни қишида ҳамма ўсимликлар қор тагида қолганда ҳам у қордан чиқиб кўм-кўк бўлиб туради. Бу пайтда қоракўл қўйлари унинг шохчаларини ейди. Шу сабабли уни чорвадорлар жуда

қадрлайди. Унинг таркибида 14—16 % протеин бўлади. Гектаридан 30—80 кг гача қуруқ хашак олиш мумкин. Қиши пайтида боржоқнинг таркибида алкалоид бўлмаганлиги учун чорва молларига ҳеч қандай зарар етказмайди.

САКСОВУЛ (*Haloxylon L.*) жумхурятимизнинг чўл минтақасида қорасаксовул ва оқсаксовул ўсади. Уларнинг бири (қорасаксовул) шўрхок, тақир ерларда яхши ўсади, иккинчиси эса (оқсаксовул) қумлоқ чўлда яхши ўсади. Иккаласи ҳам қимматли озиқ ҳисобланади. Уларнинг биологияси чўл минтақасида тўлиқ ёритилган. Саксовулни ҳамма чорва моллари, айниқса туялар, қўй ва эчкилар хуш кўриб ейди. Саксовулдан озиқ сифатида фойдаланиш учун унинг икки-уч йиллик даврида илдизи ёнидан ўткир асбоб (теша, арра) билан қирқиб ташланса, келгуси баҳорда қийғос ўсади ва янги кўм-кўк новдалар ҳосил қиласди. Саксовул поялари қаттиқ бўлганлигидан моллар фақат унинг ён шохчаларини ва мевасини ейди. Қўй-эчкилар эса унинг юқоридаги мева ва шохчаларини ея олмайди. Шунинг учун ҳам ундан ем-хашак сифатида фойдаланмоқчи бўлингандага уни 2—3 йиллик даврида қирқиш керак. Саксовуллар фақат озиқ ўсимлик бўлибина қолмай, балки чўлда ихота сифатида кўчма қумларни мустаҳкамлаш, шўрхок ташландиқ ерларни ўзлаштиришда ҳам аҳамиятидир. Яйловларда ўсадиган кейреук, қандим (жузғун), сингрен терескин, бодомча, қора барқит каби чала бута ва буталар ҳам асосий ўринин эгаллайди. Кейреукни моллар йилнинг ҳамма фаслида хуш кўриб ейди. Қандим тўйимли озиқ бўлиб, у билан озиқланган қўйлар ё а кўп чанқамайди. Узбекистон яйловларидаги мана шу айтиб ўтилган ўсимликлар чорва моллари учун асосий озиқ ҳисобланади. Бу ўсимликларни моллар йилнинг ҳамма фаслларида иштаха билан ейди, чунки бу ўтлар таркибида моллар осон ҳазм қила оладиган оқсил, ёғ, протеин моддалари ва турли хил витаминлар бор. Жумҳурятимиз яйловларидаги ўтнинг оз ёки кўп бўлиши ёғингарчиликка



44-расм. Боржоқ.

боғлиқ. Нам кўп тушган йиллари яйловлар ўтга сероб бўлиб, қурғоқчилик йиллари эса ўтлар анча камайиб кетади.

УСИМЛИКЛАРНИ ЙИГИШ ВА ГЕРБАРИЙ ТАЙЁРЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

М. И. Калинин «Чин ватанпарварлик ўз ўлкасини ўрганишдан бошланади», деган эди. Шу сабабли ўсимликларни йигиш ва ундан гербарий тайёрлаш лозим, чунки бунинг илмий, амалий ва тарбиявий аҳамияти каттадир. Республикаиздаги яшил бойликларни ўрганиш аввало биология ўқитувчиларининг иши бўлиб, бу иш ўқувчиларга, асосан ботаника фанини ўқитишдан, айниқса, уларни табиатга экскурсияга олиб чиқишдан бошланади. Шунда ўқитувчи ўқувчиларга ўсимликларни ўрганиш, уларни йигиши, қуритиш ҳамда улардан гербарий тайёрлаш ҳақидаги ишлар Е. М. Бельскаянинг «Ботаника» дарслигида илова қилинганидек бажариш кераклигини таъкидлайди. Биз қўйида дарсликдаги иловага қўшимча сифатида баъзи бир кўргазмаларни айтиб ўтмоқчимиз.

Экскурсиядан қайтган куниёқ ўсимликларни гуруҳларга, серсув, камсув, серэт, поясининг дағал ёки нозиклиги ва илдининг турига қараб, ажратиб чиқиши керак. Бунда ўсимликларни қуритиш осон бўлади. Ўсимликларнинг серсув ёки камсувлигига қараб ҳар куни қофози алмаштириб турлади. Гербарий яхши чиқиши учун нина ёки бигиз, пинцет, ланцетлар ёрдамида қофозга ихчам қилиб тўғрилаб кейин пресслар ичига қўйилади ва унинг устидан оғир тош ёки бошқа бирор нарса билан бостирилади. Кам сувли ўсимликлар бўлса, уни прессга солиб, шамол тегадиган жойга осиб қўйиш керак. Ўсимлик тахлангандан кейин уни ҳар куни бир марта шамоллатиб, соя жойда қуритиш керак. Агар ўсимлик қуригандан кейин тахланса, унинг барг ва поялари, гули синиб кетади, гербарий сифатсиз чиқади. Ўсимликларни сифатли қуритишдан мақсад, мумкин қадар уларнинг табиий кўрининшини сақлаб қолишидир. Ўсимликларни қуритиш анча мураккаб иш. Уни қунт билан бажариш керак. Баъзи серсув, серэт ўсимликлар тезда қуrimайди ва тезда моғорлаб, қорайиб кетади. Бундай ўсимликлар қофозини кунига 2 марта алмаштириб, шамоллатиб, кейин уларни ош тузи солиб қайнатилган сувга 4—5 минут бостириб, кейин силкитиб қуритилса, у моғорламайди ва қораймайди. Илдиз пояли, пиёзбошли, тугунакли ўсимликларни қуритиш учун уларнинг илдизпоясини иккига бўлиш ёки қайноқ сувга ботириб олиб, сўнгра қуритиш керак. Қайноқ сувда ўсимликтининг тирик хужайралари ўлади, акс ҳолда пиёзбошли ўсимликлар кўкариб чиқади. Ўсимликларнинг табиий ҳолатини сақлаган ҳолда қуритишда С. С. Саҳобиддинов таклиф этган қумда қуритиш усулидан кенг фойдаланишни тав-

сия этамиз. Бунинг учун шакар донасилик келадиган құмлардан фойдаланилади. Үсимликларнинг бўйига қараб турли хил шаклдаги бир нечта банка ясалади. Банкачалар тунуқадан бўлса, яна ҳам яхши бўлади. Қуритиладиган үсимликтин бўйига қараб банкачанинг ўртасига қўйилади. Уни бир киши ушлаб турниши мумкин, иккинчи киши эса эҳтиётлик билан қумни унинг атрофига солади. Қум үсимликтин бутунлай кўмгуңча солинади. Айниқса барглари, гулига келганда эҳтиёт бўлиш керак. У букилиб, қийшайиб қолса, уни қуригандан кейин тўғрилаш қийин. Банкача катта бўлса, унинг ичига 2—3 та үсимликтин бирга солиш мумкин. Үсимлик солинган банкача 3—4 кун иссиқ жойга қўйилади ва үсимлик қуригандан кейин қумлари эҳтиётлик билан тўклилади. Бу йўл билан қуритилган үсимликтин тахтачага ёки бирор нарсага биркитиб, мактаб биология кабинетларида сақланади. Турли хил үсимликларни, айниқса, лола, инбурун ва пиёзбошли үсимликларни ана шу йўл билан қуритилса, мактабларда табиий үсимликлар билан, ботаника дарсларини кўргазмали қуроллар билан бойитиш мумкин.

ГЕРБАРИЙ ТАЙЁРЛАШ ВА УНИ САҚЛАШ

Қуритилган үсимликларни яхши ва узоқ вақт сақлаш учун уни гербарий қилиш керак. Бунинг учун қуритилган үсимликтин 30×45 см ли оқ қалин қофозга қўйин тикилади ёки ёпиштирилилади. Үсимлик гербарий варрагига шундай жойлаштирилиши керакки, у қофоздан чиқиб қолмасин. Гербарийнинг ўнг томонида пастдан ёрлиқ учун жой қолдириш керак. Ёрлиқ 8×12 см катталиктаги оқ қофоздан тайёрланади. У қуйидаги тартибда тўлдирилилади: 1. Оиласи. 2. Маҳаллий номи. 3. Латинча номи. 4. Терилган жойи. 5. Ўсан жойи. 6. Иифика. 7. Йиғувчининг исми ва отасининг исми. 8. Аниқловчининг исми ва отасининг исми.

Ёрлиқни тўлдиришда аниқлагич китоблардан фойдаланиб, уларнинг маҳаллий номи ва оиласи тўғрисига латинча номларини ҳам ёзиб қўйса, у тўлиқ ҳолдаги гербарий ҳисобланади. Аниқланган үсимликларни мактабларда тўғри маълум система асосида сақлаш керак, яъни гербарийларни бўлим ёки тоифа, синф, оила, туркум ва турларига қараб тартиб билан сақланмоғи керак. Бундан ташқари, уларни хўжалик аҳамиятига кўра ҳам гуруҳларга бўлиб сақлаш мумкин. Масалан, доривор, ем-хашак, озиқ-овқат, бегона ўтлар, заҳарли ўтлар, ошловчи, толали, витамили үсимликлар ва ҳоказо. Бу ўша мактаб биология ўқитувчисининг — табиатшуноснинг билим даражасига, қизиқишига боғлиқdir. Булардан ташқари, гербарийни ботаника дарсларида ўтиладиган мавзуларга қараб ҳам тартибга солиб сақлаш мумкин. Масалан, оддий ва мурakkab барглар, ўзгарган новда, уруғ, илдиз, поя, гул ва мева каби

мавзулар бўйича. Тайёрланган гербариини тоза сақлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун уни бир варақ оқ қоғозга тикиб ёки ёпишириб, ўсимликни 30×45 см ҳажмдаги икки букланган қоғоз ичига солиб қўйилса, унга чанг тушмайди, ифлосланмайди, доимо тоза сақланади. Гербариини қуруқ шкафда сақлаш керак. Шкаф ичини аввал зарарсизлантириб, бир оз шамоллатиш зарур. Бунда у турли хил ҳашарот ва зараркунандалардан тозаланади. Мактаб шароитида шкаф бўлмаса, картондан тайёрланган яшикчалар ичидаги сақлаш ҳам мумкин.

ЎСИМЛИҚЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Экскурсияда, мактаб участкасидан ёки бошқа жойдан йиғиб келингган ўсимликларни аниқлаш, яъни унинг номини, қайси оиласа мансублигини билиш керак. Ўқитувчи бу ўсимлик қайси оиласдан эканлигини ва унинг номи нима эканлигини аниқлаш учун ўсимликларнинг маҳсус аниқлагачидан фойдаланиши керак. Ўсимликни аниқлаш жуда мураккаб иш. У кишидан анча қунт билан ишлашини, унинг нозик томонларини яхши билишни, тўғрироғи ўсимликлар ҳақида, уларнинг биологиясидан яхши хабардор бўлишиликни талаб қиласди. Ўсимликларнинг аввал маҳаллий номини, яъни турини топиш керак. Баъзан бир ўсимлик турли жойда турлича ном билан аталади ёки аксинча бир нечта ўсимликларни бир хил ном билан аташади. Масалан, 6—7 тур ўсимликнинг ҳаммасини читир номи билан аташади. Шунинг учун ўсимликларнинг маҳаллий номини аниқлагач, унинг латинча номини ҳам топиш керак. Ўсимликнинг турини, туркумини, оиласини аниқлаётганда уларнинг характеристи белгиларини, бир-биридан нима билан фарқ қилишини ажратади. Шу сабабли уни биринчи аниқлаётган киши анча қийналади. Бундай вақтда ўсимликларни яхши аниқлай биладиган мутахассисдан ёрдам олиш керак. Бундан ташқари, ўсимликлар морфологияси, ботаника терминлари: чангчи, уруғчи, гултожи, гулкоса, рӯвак, тўпгул, бошоқ, мураккаб соябон, тўғри ва нотўғри гул, оддий ва мураккаб барг, қўзоқ, мева, дуккак ва шу кабиларни яхши билиш керак. Бу маълумотларни эса ботаника китобларидан ўқиб, сўраб ўрганиш мумкин.

Ўсимлик турларини биринчи марта аниқлашга киришаётган ўқувчилар эса аввал гербариидан эмас, балки қуритилмаган, гуллаб турган ўсимликлардан ўрганса, тез тушуниб олади ва аниқлаши осон бўлади, чунки ҳўл ўсимлик гулини, баргини у ёққа-бу ёққа эгилса, осонликча синмайди ва узилмайди. Борди-ю тўпланган ўсимликнинг номи ҳақида ўзида шубҳа туғил-

са ёки бутунлай аниқлай олмаса, ўз территориясига яқин жойлашган олий ўқув юртинг биология ўқитувчилари ёрдамида түлиқ аниқлаб олиши мумкин. Үсимлик турларини аниқлашда, баъзан кўз билан кўриб бўлмайдиган ўсимлик органларини лупа ёки микроскоп ёрдамида кўриш керак. Үсимликлар турини аниқлашга доир адабиёт жуда кўп. Мактабларда тўпланган гербариyllар сони қанча кўп бўлса, аввал бу ўша мактабнинг бойлиги ҳисобланади, қолаверса ўқувчиларни табиат дунёсига бўлган қизиқишини оширади. Тўпланган гербариyllардан дарсларда самарали фойдалана билиш ҳам керак. Борди-ю, мактабларда гербари кўп бўлиб, ундан на ўқитувчи, на ўқувчилар фойдаланмаса, унинг ҳеч қандай қиммати бўлмайди.

АДАБИЁТ

- Адилов Т. А. Ядовитые и алкалоидоносные растения Узбекистана. Изд-во «Фан» УзССР, Т., 1970.
- Бельская Е. М. Ботаника. «Ўқитувчи» нашриёти, Т., 1988.
- Гаевская Л. С. Каракулеводческие пастбища Средней Азии. Изд-во «Фан» УзССР, Т., 1971.
- Гаевская Л. С. и др. Растения каракулеводческих пастбищ Средней Азии, Самарканд, 1958.
- Гафуров А. Т. Умумий биология курсида маҳаллий материалдан фойдаланиш, «Ўқитувчи» нашриёти, Т., 1971.
- Горяев М. И. Эфирные масла флоры СССР. Изд-во АН КазССР, Алма-Ата, 1952.
- Гранитов И. И. Узбекистоннинг фойдали ёввойи ўсимликлари ҳақида қисқача маълумотлар. Ўқувпенданшр. Т., 1953.
- Гранитов И. И. Растительный покров юго западных Кызылкумов, т. I-II. Изд-во «Наука», УзССР, Т., 1964, 1967.
- Закиров К. З. Флора и растительность бассейна реки Зеравшан. Т. I-II, Изд-во АН УзССР, Т., 1955, 1961.
- Закиров П. К. Растительный покров Нуратинских гор. Изд-во «ФАН» УзССР, Т., 1969.
- Кезели Т. Витамины в растениях Грузии. Изд-во «Мецпизереба», Тбилиси, 1966.
- Кудряшов С. Н. Эфирномасличные растения и их культура в Средней Азии. Изд-во Комитета наук УзССР Т., 1936.
- Коллектив. Растительный покров Узбекистана. т. I—IV, изд-во «ФАН» УзССР, Т., 1971, 1973, 1976, 1984.
- Саҳобиддинов С. С. Ўсимликлар систематикаси, т. II. Т., «Ўқитувчи» нашриёти, 1966.
- Машку Я., Крейча, Атлас лекарственных растений. Братислава, 1970.
- Коллектив. Флора Узбекистана, т. I—VI, Изд-во АН УзССР, Т., 1941—1962.
- Машку Я., Крейча, Атлас лекарственных растений. Братислава, 1970.
- Набиев М. М. Ботаника атлас-луфати. Узбекистон ССР «ФАН» нашриёти, Т., 1970.
- Набиев М. М., Пратов У. Узбекистоннинг ноёб ёввойи гуллари. Узбекистон КП МК нашриёти, Т., 1970.
- Набиев М. М., Қозоқбоев Р. Узбекистоннинг асрларга тенг дараҳтлари. «Ўзбекистон» нашриёти, Т., 1972.
- Холматов Х. Х. Дикорастущие лекарственные растения Узбекистана. Изд-во «Медицина», Т., 1964.
- Ҳамидов А. Узбекистондаги бегона ўтлар. «Ўқитувчи» нашриёти, Т., 1973.
- Ҳамидов А., Набиев М., Одилов Т. Узбекистон ўсимликлари аниқлагичи. «Ўқитувчи» нашриёти, Т., 1987.
- Ҳаликов С., Пратов У. Ўсимликлар аниқлагичи. «Ўқитувчи» нашриёти. Т., 1970.
- Ҳайдаров Қ. Яйловлар — катта бойлик. «Ўзбекистон» нашриёти, Т., 1966.
- Ҳайдаров Қ. Узбекистон яйловлари. «Ўзбекистон» нашриёти, Т., 1974.
- Ҳаджиматов Қ. Ҳ., Кобец Л. Напитки из трав. Изд-во «Мехнат», Т., 1988.
- Ҳожиматов Қ. Ҳ. Эфир мойли ўсимликлар. УзССР «ФАН» нашриёти, Т., 1971.
- Ҳожиматов Қ. Ҳ. Узбекистоннинг витаминли ўсимликлари. УзССР «ФАН» нашриёти, Т., 1973.
- Ҳожиматов Қ. Ҳ., Акрамов А. Р. Узбекистоннинг асосий зиравор ўсимликлари. Узбекистон КП МК нашриёти, Т., 1968.
- Ҳожиматов Қ., Оллоёрөв М. Узбекистоннинг шифобакш ўсимликлари ва уларни муҳофаза этиш. УзССР «Фан» нашриёти, Т., 1988.
- Чевренди С. Ҳ. Дубильные растения Средней Азии. Изд-во «Наука» УзССР, Т., 1965.
- Чевренди С. Ҳ., Ҳожиматов Қ. Ҳ. Толали ўсимликлар. УзССР «ФАН» нашриёти, Т., 1971.

Китобда келтирилган ўсимликларнинг маҳаллий номлари

А

Авруг	Анжабор	Архарбиурғун
Ажриқ	Анжир	Архарўти
Ажриқбаш	Анзур пиёс	Архаршохи
Айиқтовон	Анис	Асарун
Акантолимон	Анор	Астрагал
Акас	Арпа	Ачамбити
Алқор	Арлабодиён	Аччиқбодом
Алқорўт	Арпагон	Аччиқмия
Альпкүнғирбаш	Арпаўт	Аччиқўт
Анабазис	Арслонқулоқ	Аччиқширач
Андиз		

Б

Бабуна	Бодомча	Булдуриқўт
Балиқўз	Бодомчия	Бургон
Бангидевона	Бодринг	Бурмақора
Бақатерак	Бозулбанг	Бурчоқ
Бақлажон	Бойхолча	Бутатерескен
Беда	Бойчечак	Бўйшўра
Бекларўти	Болдириқажриқ	Буғдой
Бетага	Болқин	Буғдойиқ
Бетагабўз	Болқурай	Буғдойик қамиш
Бешбарг	Бонгардия	Бўригул
Бех	Боржоқ	Бўритникан
Беҳи	Боялим	Бодиёни румий
Биурғун	Булдуруқўт	Бўячўп
Бодом	Бўйимадаронўт	

В

Вилгельм толи

Г

Газакгул	Говпечак	Гулкаррак
Газакўт	Говчия	Гунафша
Газандаўт	Голдбахия	Гуллор
Галотелла	Гужум	Гулпиёс
Герань	Гулизаардак	Гултикан
Гилос	Гулсапсар	Гултоҷихўрос
Гинкго билоба	Гулисалим	Гулҳайри

Д

Далачой	Дагалкендир
Даштпиёс	Довжўт
Дастарбаш	Донашўр
Дагалканоп	

Дуб
Дукёғон
Дўлана

Е

Ерәнфөк
Ерсовун

Ерчой
Еркимизак

Еркүвөк
Етмак

Е

Еввойи арпа
Еввойи бодом
Еввойи зигир
Еввойи олма
Еввойи пиёэ

Еввойи сабаи
Еввойи сули
Еввойи хина
Еввойи хурмо
Еввойи чиннигул

Евшан
Енгөк
Елишок
Еронгул

Ж

Жавдар
Жаваза
Жайронүт
Жамбилгүл
Жасмин
Жаг-жаг

Жийда
Жилонжийда
Жингалак
Жингил
Жавкосин
Жұка

Жумрут
Жунчұп
Жунчұп пузила
Жунғор құнғирбаш
Жұхори

З

Занжовул
Заранг
Зарафшон зирк
Зарпекак
Зарқулоқ

Заъфарон
Зира
Зирк
Зигир
Зигирак

Зигирұт
Зогоза
Зуптурум
Зуфо
Зүрча

И

Изенъ
Илок
Илончұп
Индөв
Ингичкапиёэ

Илакпахта
Иргай
Исириқ
Исмалоқ
Иссоп

Исфарап
Итбурун
Итқұчала
Итузум
Ихрож

И

Иирик селин

Иүнғиңқа

К

Какра
Кампирчопон
Каноп
Карам
Кардания
Кермак
Карнайгүл
Каррак
Картошка
Каттабарғли қорақат
Келинсупурғи

Кендир
Кермакжусан
Кийикпанжа
Кийиктүт
Кичик бүйімдәрең
Кичик торон
Ковар
Коврак
Крупка
Күзагул
Күзиния

Күнгабоқар
Күнжут
Күчала
Күкамарон
Күкгул
Күкмараз
Күкнор
Күкпак
Күксақыч
Күктол
Күкүт

Л

Лавлаги
Лаготис
Ланицера

Лимонүт
Липидиум
Ловия
Лола

Лола дархт
Лолақизғалдоқ
Лұх

М

Мавзелей
Манжилия
Мажмунтой
Маймышувок
Маймүнжон
Маккакожхор
Мармарарак
Максар

Навр^тагул
Навр^таут
Наизабарг
Наизакора
Наыматак

Н

Намозшомгул
Наша
Нок (олмуруг)
Норжузун
Нормушк

И

Норселин
Носковок
Нұхат
Нұхатак

О

Овч^п
Оқут
Ойболтирион
Ола^буга
Ола
Ола^сыст
Олжүри
Олчин
Олғи
Омнокора
Остролодо^нник
Оксеп
Оксұхта
Октерек
Октика
Окто^л
Оқтүт

Оташак
Оташакпиәз
От^күпок
От^күмок^т
Очамбити
Ошанин пиәзен
Ошик^т
Ошловчи торон
Ошковок
Окбоди
Окбоди^т
Окбару^л
Оқчытир
Оқшаир
Окшувок
Оқшұра
Оқалмон^кулок

Оқбош^т
Оқбояныш
Оқгулжан^и
Оқжузун
Оқлода
Оқмия
Оқнілұфар
Оқнарты
Оқпешек
Оқсавиржон
Оқсасир
Оқяпрак
Оқхалдирмок
Оқкундуз
Оқкүрт
Оқкүнір^боп

П

Пахтакаррак
Пахтатикан
Пашма^к
Пахташ^пур
Педикуларис
Петрушка

Печак^жул
Пиәз
Пиәз^т
Писта
Пүшти гулхайн

Рами^{дор}
Парти
Партак
Пасток
Пахта
Пахтак

Райхон
Рант
Редиска

М

Мемесирек
Мөш
Мұмсақ
Мұнгоя
Мұхалым
Мұшкитирмок
Мұшук^күүрүк

С

Сабан
Саринжон
Савуарда

Рұвак
Рұво^ч

Секөлдендрон
Сертуқбалик^күз
Сета

Сада қайрағоч
Сәйк
Саксовул
Салат
Санжалит
Санчикүт
Сарви
Сариқбеда
Сариқзира
Соғон
Спаржа
Сувбұгдойиқ
Сувпінәз
Сувранг
Сұксунбул

Сарық қамиш
Сарсазан
Сассиққурай
Саур
Сағратқи
Себарга
Седана
Семизак
Семизүт
Сұнвұрт
Сұялпиз
Сұқалампир
Сұқовоқ
Сұхилол
Сұли

Сигирқулоқ
Сингрен
Синдиirim
Сирттан
Сакбиоза
Скалегерия
Совунұт
Сохтакаштан
Сохтакамиш
Сулибаш
Сұмах
Сұнбул
Сурелка
Сұтлама

Т

Такасоқол
Так-так
Таля
Тамаки
Танғачүп
Тарвуз
Тарық
Тароқбаш
Тарғиллода
Тасби
Тасмачүп
Татир
Темиртикан
Теллүнгиелия
Терскен
Тиканли терскен
Тиканлы шохбарғ
Тилювт
Тилюғоч
Тилқияр
Тобұлғы
Тожихұрозд
Толали гүлхайры
Ток
Торон
Тотум
Тұрғайыт
Тұя
Тұяйыңғиңқа
Тұясингрен

Төшбақатол
Төшбүйрүғун
Томекакра
Тогайиқтовон
Тогарпа
Тогастрагал
Тогбұрчоқ
Тогбұзноч
Тоггұнафша
Тодастарбаш
Тоғенғоқ
Тогжамбиль
Тогирғай
Тогкаррак
Тогмингтомир
Тогмомік
Тоголмақ
Тоготқулоқ
Тогниәз
Тограйхон
Тогтариқ
Тогтерак
Тогтипчоқ
Тогторон
Тогтурбид
Туятовон
Туянангал
Туяқорин
Тұзғоқ
Тогчалов

Тоғчитир
Тоғшайр
Тоғферулла
Тогшувоқ
Тоғюлғун
Тоғялпиз
Тоғқудуси
Тоғқайин
Тоғқамиш
Тоғқизилча
Тоғқұзықулоқ
Тоғқұнғирбаш
Тоғозланжа
Трагернтр
Тұғмабош
Тұклибұгдойиқ
Тұклиқүйесуяк
Тұксиз балиққұз
Тұлқидум
Тұлқиқүйруқ
Тұңризисирт
Туранга
Туронғил
Түрп
Тұргайчүп
Тұқай айиқтовон
Тұқай слабұтаси
Тұқайшұра
Тұққистепа

Ү

Ужовник
Үчма

Үчқат

Ургочи селин

Ф

Федченко наұматаги

Фестука (бетага)

Х

Хамизице
Харидондон
Хар-хар

Хиёл
Хина
Хипекоум

Холостеум
Хурмо

Ч

Чайир	Чилонжийда	Чүчмома
Чайирүт	Чиллакоёк	Чүчқақулоқ
Чақамиқ	Чингиз	Чұхра
Чалов	Чинор	Чұластрагал
Чаканда	Читир	Чұлкучала
Черкез	Чирмөгүл	Чұллялпиз
Чикланойлик	Чия	Чұлсағази
Четан	Чойчұп	Чұлқараған
Чайирүт	Чойтүт	Чұлқизилча
Чеснок (саримсоқ)	Чумчүқоёк	Чұғон

Ш

Шабдор	Шивит	Шолғом
Шавқат	Шилви	Шотут
Шакарянтоқ	Шилвидарахт	Шохбарг
Шамбала	Ширач	Шохилак
Шамчироқ	Ширчоқ	Шұвоқ
Шафтоли	Шокила	Шұм
Шашир	Шококил	Шұражриқ
Шеролчин	Шоли	Шұрбұта
Шеролғин		

Ә

Әбалак	Әркакқамиш	Әчкничак
Әман	Әрмон	Әчкисоқол
Әрбаҳоси	Әрмоншувоқ	Әчкитол
Әркаселин	Әспарцет	

Ю

Юлдузүт	Юлғұн	Югон
---------	-------	------

Я

Яйлов крупка	Яйлов қиёқ	Яснотка
Яйлов күкамарон	Яйловқүнгірбош	Яңтоқ
Яйлов отқулоги	Яқансимон ҳилол	Ясмиқ
Яйлов ранги	Ялпиз	Яғлиқора
Яйлов эспарцети	Ялтирибош	

Ү

Үлмасүт	Үрикарча	Үрмөнқора
Үрик		

Қ

Қайнин	Қизилчетан	Қорақанд
Қайрағоч	Қизилчұп	Қорақат
Қалампир	Қизилшұра	Қорақиңек
Қалам	Қизилқат	Қорақиз
Қалдирғочүт	Қизилқандым	Қорақулоқ
Қамиш	Қизилқиёқ	Қорақүрт
Қамғоқ	Қизғалдоқ	Қорақүға
Қандим	Қылтиқ	Қоқиұт

Қарағай	Қылғон	Қүйнсуяқ
Қараған	Қирқасоч	Қүйнжүн
Қариқиз	Қирқбұғым	Құланқуирық
Қарғатирноқ	Қирққұлоқ	Құлупнай
Қарғатуёқ	Қирчинтол	Құмбоқ
Қасмалдоқ	Қисиран	Құмиспарат
Қаттиққиён	Қовун	Құмарчиқ
Қатран	Контепар	Құмсақиң
Қатрағи	Қораандыз	Құмтариқ
Қашқарбеда	Қорабарак	Құмпиәз
Қейроуқ	Қорабаргұт	Құмэркак
Қизболтир	Қорабарқит	Қүшжидай
Қизил	Қорабош	Құшоёқ
Қизиларча	Қоражұвсан	Құшқұнмас
Қизилбурган	Қоразира	Құда
Қизилдұлана	Қорамарт	Құзигул
Қизилзирк	Қорамашоқ	Құзилола
Қизилкендір	Қорамуғ	Құзиқулоқ
Қизиллола	Қорасаксовул	Құйпекак
Қизилмия	Қора увоқ	Құнғирбөш
Қизилтикаң	Қорашура	Құнғирнақматак
Қизилча	Құшбарг	Құға
Құнғирвоқғул		

P

Ғаров	Ғозяпроқ	Ғумай
Ғозоёқ	Ғозұти	Ғұза
Ғозапанжа	Ғужумчия	

X

Ҳандалак	Ҳисор розаси	Ҳұқис тили
Ҳассамуса	Ҳисор торони	

Китобда келтирилган ўсимликлар оиласлари

№	Ўабекча номи	Русча номи	Илмий номи
1.	Айиқтовондошлар	Лютиковые	Ranunculaceae
2.	Алисмадошлар	Частуховые	Alismataceae
3.	Аноргулдошлар	Гранатовые	Punicaceae
4.	Бошоқдошлар	Злаки	Graminaceae
5.	Валерианадошлар	Валериановые	Valerianaceae
6.	Газакўтдошлар	Горечавковые	Gentianaceae
7.	Газандошлар	Крапивные	Urticaceae
8.	Гинкодошлар	Гингковые	Gingkaceae
9.	Говзабонгулдошлар	Бурачниковые	Boraginaceae
10.	Гунафшадошлар	Фиалковые	Violaceae
11.	Гулхайридошлар	Мальвовые	Malvaceae
12.	Гултохижўроздошлар	Амарантовые	Amaranthaceae
13.	Далаҷоидошлар	Зверобойные	Guttiferae
14.	Дуккаќдошлар	Бобовые	Leguminosae
15.	Ёнғоқдошлар	Ореховые	Juglandaceae
16.	Еронгулдошлар (герангулдошлар)	Гераниевые	Geraniaceae
17.	Жийдадошлар	Лоховые	Elaeagnaceae
18.	Жўқадошлар	Липовые	Tiliaceae
19.	Заарандошлар	Кленовые	Aceraceae
20.	Зайтундошлар	Масличные	Oleaceae
21.	Зиркоидошлар	Барбарисовые	Berberidaceae
22.	Зигирдошлар	Лъновые	Linaceae
23.	Зофозадошлар	Хвойниковые	Ephedraceae
24.	Зултурумдошлар	Подорожниковые	Plantaginaceae
25.	Келинсупургидошлар	Тимелевые	Thymelaeaceae
26.	Кендирдошлар	Кендыровые	Apocynaceae
27.	Кермакдошлар	Свинчатковые	Plumbaginaceae
28.	Ковародошлар	Каперцовые	Capparidaceae
29.	Кипарисдошлар	Кипарисовые	Cupressaceae
30.	Крестгулдошлар	Крестоцветные	Cruciferae
31.	Қўнкоргулдошлар	Маковые	Papaveraceae
32.	Қунжутдошлар	Сезамовые	Pedaliaceae
33.	Қучаладошлар	Ароидные	Araceae
34.	Лабгулдошлар	Губоцветные	Labiatae
35.	Магнолиядошлар	Магнолиевые	Magnoliaceae
36.	Мураккабгулдошлар	Сложноцветные	Compositae
37.	Наврўзгулдошлар	Первоцветные	Primulaceae
38.	Намозшомгулдошлар	Никтогиновые	Nyctagineae
39.	Нормушкодошлар	Бересклетовые	Celastraceae
40.	Печакгулдошлар	Вьюнковые	Convolvulaceae
41.	Пиёзгулдошлар	Лилейные	Lilaceae
42.	Пистадошлар	Сумаховые	Anacardiacean
43.	Раънгулдошлар	Розоцветные	Rosaceae
44.	Резедагулдошлар	Резедовые	Resedaceae
45.	Рутадошлар	Рутовые	Rutaceae
46.	Рўядошлар	Мареновые	Rubiaceae
47.	Сансаргулдошлар	Ирисовые	Iridaceae
48.	Сарвидошлар	Кипарисовые	Cupressaceae
49.	Семизбаргудошлар	Толстяковые	Crassulaceae

№	Ўзбекча номи	Русча номи	Илмий номи
50.	Семизўтдошлар	Портулаковые	Portulaceae
51.	Сохтакаштандошлар	Конско-каштановые	Hippocastanaceae
52.	Соябонгулдошлар	Зонтичные	Umbelliferae
53.	Сигирқўйруқдошлар	Норичниковые	Scrophulariaceae
54.	Сутламадошлар	Сусаковые	Butomaceae
55.	Сувтламадошлар	Молочайные	Euphorbiaceae
56.	Сутпечакдошлар	Ластовневые	Asclepiadaceae
57.	Таксодийдошлар	Таксодиевые	Taxodiaceae
58.	Толдошлар	Ивовые	Salicaceae
59.	Томатдошлар	Пасленовые	Solanaceae
60.	Торондошлар	Гречишные	Polygonaceae
61.	Тизимгулдошлар	Вербеновые	Verbenaceae
62.	Тўзғоқдошлар	Рогозовые	Typhaceae
63.	Тўнғизтароқдошлар	Ворсянковые	Dipsacaceae
64.	Тутдошлар	Тутовые	Moraceae
65.	Туятовондошлар	Парнолистниковые	Zygophyllaceae
66.	Узумдошлар	Виноградные	Vitaceae
67.	Хинагулдошлар	Бальзаминовые	Balsaminaceae
68.	Чиннингулдошлар	Гвоздичные	Caryophyllaceae
69.	Чинордошлар	Платановые	Platanaceae
70.	Чирмовуқдошлар	Повиликовые	Cuscutaceae
71.	Чучмомагулдошлар	Амариллисовые	Amaryllidaceae
72.	Шамшодгулдошлар	Самшитовые	Buxaceae
73.	Шилвидошлар	Жимолостные	Cariofilaceae
74.	Шумғиядошлар	Заразиховые	Orobanchaceae
75.	Шўрадошлар	Маревые	Chenopodiaceae
76.	Якандошлар	Ситниковые	Juncaceae
77.	Юлғундошлар	Гребенщиковые	Tamaricaceae
78.	Қайниндошлар	Ферезоиды	Betulaceae
79.	Қайрагочдошлар	Қарагачевые	Ulmaceae
80.	Қирқбўғимдошлар	Хвошиевые	Equisetaceae
81.	Қовоқдошлар	Тыквенные	Cucurbitaceae
82.	Қорақатдошлар	Камнеломковые	Saxifragaceae
83.	Қорайиндошлар	Буковые	Fagaceae
84.	Қарагайдошлар	Сосновые	Pinaceae
85.	Қўнғироқгулдошлар	Колокольчиковые	Campanulaceae
86.	Ғиҷчакгулдошлар	Рестовые	Potamogetonaceae
87.	Ҳиллодошлар	Осоковые	Cyperaceae
88.	Ҳурмодошлар	Эбеновые	Ebenaceae

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Узбекистоннинг табиий шароити ҳақида қисқача маълумот	5
Ўсимликлар дунёси	7
Чўл миңтақаси	8
Ўсимликлар қоплами	31
Ўсимликлар қопламининг ўзгариши (алмашиниш)	37
Адир миңтақаси	43
Тоғ миңтақаси	61
Яйлов миңтақаси	78
Тўқай ўсимликлари	91
Маданий ўсимликлар	99
Озиқ-овқат ўсимликлари	108
Сабзавот-полиз ўсимликлари	126
Зираовор ўсимликлар	132
Витамили ўсимликлар	143
Доривор ўсимликлар	151
Сапонинли ўсимликлар	177
Заҳарли ўсимликлар	180
Наркотик ўсимликлар	184
Эфир мойли ўсимликлар	190
Эфир мойларининг ўсимлик учун аҳамияти	192
Эфир мойларининг халқ хўжалигидаги аҳамияти	193
Ошловчи ўсимликлар	201
Толали ўсимликлар	207
Манзарали ўсимликлар	218
Ем-хашак ўсимликлари	223
Эфемер ва земероидлар	223
Бир йиллик шўра ўтлар	225
Дағал ўтлар	227
Бута ва чала буталар	229
Ўсимликларни йигиш ва гербарий тайёрлашнинг аҳамияти	232
Гербарий тайёрлаш ва уни сақлаш	233
Ўсимликларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш	234
Адабиёт	236
1-илюва	237
2-илюва	243

На узбекском языке

КУДРАТИЛЛА ХАЙДАРОВИЧ ХАЙДАРОВ
КАХХАР ХОДЖИМАТОВИЧ ХОДЖИМАТОВ

РАСТЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА

Пособие для учителей биологии

ИЗДАНИЕ ВТОРОЕ

переработанное, дополненное

Ташкент «Ўқитувчи» 1992

*Мұхаррір А. Нброхимов
Бадий мұхаррір И. Е. Митрев
Техмұхаррір С. Тұрсынова
Мұсақхан Ә. Ғұлмомова*

ИБ № 5861

*Тершілга берілді 15.12.91. Боскішга рұхсат этилді. 12.05.92. Формати
60×90^{1/16}. Кегли 10, шпонсиз. Літературна гарнитурасы. Юқори бос-
ма усулида босилди. Шартлы б.л. 15,5. Шартл кр- отт. 15,69. Нашр.
л. 14,92. Тиражи 5000. Зак. № 2449.*

*«Ўқитувчя» нашриеті. Тошкент, Навоий күчаси, 30. Шартнома
19—60—91.*

*Ўзбекистан Жумҳурияти Матбуот давлат қўмитасиниг Ташполиграф-
комбинати. Тошкент, Навоий күчаси, 30. 1992.*

*Ташполиграфкомбинат Госкомпечати Республики Узбекистан, Ташкент,
ул. Навои, 30.*

X 59

Ҳайдаров Қ., Ҳожиматов Қ..

Ўзбекистон ўсимликлари: Ўрта мактабларнинг биология ўқитувчилари учун қўлл.—2- қайта ишланган ва тўлдирилган нашри.—Т.: «Ўқитувчи» 1992—248 б.

I. Автордош.

Ҳайдаров Қ., Ҳоджиматов Қ. Растения Узбекистана: Пособие для учителей биологии.

ББК 28.58я7